

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ  
ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**ТОШКЕНТ – 2013**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-**  
**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ИЛМИЙ**  
**ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**«ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ**  
**ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ**  
**МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ**  
**ЙЎНАЛИШЛАРИ»**

мавзусидаги илмий-амалий конференция маърузалар тўплами  
12 ноябрь 2012 йил

**ТОШКЕНТ- 2013**

**УДК: 631.15:6585**

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг асосий йўналишлари.- **Тошкент. ЎзБИИТИ, 2013. – 215 б.**

Ушбу тўплам иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг асосий йўналишлари ва имкониятларини аниқлаш, бу борада соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларнинг илмий-амалий ечимларини ўзида мужассам этган илмий мақолалардан ташкил топган.

Тўпламда иқтисодий интеграция ва эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг илмий-амалий жиҳатлари, ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш бўйича тажрибалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда янги замонавий интенсиф агротехнологияларни қўллаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва сувдан самарали фойдаланиш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш, чорвачилик мажмуасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини янги, замонавий, юқори унумли ва тежамкор техникалар билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш масалалари, аграр соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари каби масалалар қамраб олинган.

Тўплам Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти илмий Кенгашида муҳокама қилиниб тасдиқланган ва чоп этишга тавсия қилинган (2013 йил 25 февралдаги 1-сонли баённома).

Тўпламни нашрга тайёрловчи  
тахрир хайъати таркиби:

*Хайъат раиси: Н.С. Хушматов - и.ф.д.,  
профессор*

**Аъзолари:**

Қ.А.Чориев - и.ф.д., профессор  
Ф.Назарова - и.ф.д., профессор  
А.Х.Мухторов - и.ф.н., к.и.х  
Э.И.Газиянц - и.ф.н., к.и.х  
И.Э.Рафиқов - и.ф.н., к.и.х  
И.А.Холмирзаев - и.ф.н., к.и.х  
Т.Р.Файзуллаева - и.ф.н., доц.  
А.С.Рахимов - и.ф.н.  
Ў.Э.Худайбердиев – к.и.х.

© ЎзБИИТИ, 2013

## Н.С. ХУШМАТОВ,

Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти директори, и.ф.д., профессор

### Қишлоқ хўжалигини модернизациялашга эҳтиёж ва унинг муҳим йўналишлари

Республикаимиз жаҳон ҳамжамияти таркибида иқтисодий эркинлаштириши ва интеграция жараёнларини бошдан кечираётган экан ўз навбатида иқтисодийнинг барча соҳалари каби қишлоқ хўжалиги иқтисодий эркинлаштириш ва модернизация тадбирларини изчил амалга ошириш талаб этилади. Шу боисдан ҳам Республикаимиз Президенти 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш масаласини устувор вазифа сифатида илгари сурдилар. Жумладан, "... кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодийнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига қирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга ошириш..."<sup>1</sup> лозимлиги таъкидланди. Одатда кўпчилик ҳолларда модернизация атамаси техник қурилмалар, машиналар, техникалар, технологик жараёнларга нисбатан фойдаланилиши унинг бошқа маъноларига эътиборни сусайтирган. Хусусан, модернизация доимий ва муттасил юз берувчи жараён сифатида кишилик жамиятининг диалектик ривожланиш қонуниятлари доирасида амал қилувчи социал-иқтисодий муносабатлар, тарихий-фалсафий, техник ва технологик ривожланиши жараёнини ўзида ифода этади.

Модернизация жамиятнинг ананавий шаклидан замонавий шаклига ўтиб бориши, жамиятдаги моддий ва номоддий ишлаб чиқариш жараёнининг аграр шаклидан индустриал шаклига ўтиб боришининг эволюцияси тарзида намаён бўлади. Агарда тарихга эътибор қаратадиган бўлсак, жамиятнинг модернизациялашуви жараёни ер шарининг турли ҳудудларида, турли давлатларда турлича интенсивликда, вақт нуқтаи назаридан турлича даврларда юз берганлиги ва такомиллашиб борганлигини илғаб олиш мумкин. Шунинг учун ҳам олимлар ва мутахассислар ўртасида турли малакатларга нисбатан, ушбу мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасига нисбатан, жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаёти модернизациялашуви жараёнига баҳо беришда модернизация жараёнини "*етакчи модернизация*" ва "*қувлаб боровчи модернизация*" турларига бўлишади.

Мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий фаолиятида жумладан, республикаимиз қишлоқ хўжалигида модернизацияга эҳтиёж пайдо бўлиши нималарда намаён бўлади деган саволга жавоб қидириб кўрамиз.

1. Қишлоқ хўжалигида хусусий мулк фаолияти учун ҳуқуқий асослар яратилиб, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99,9 фоизи нодавлат мулкчилиги асосидаги корхоналар томонидан етиштирилиши хусусий мулк фаолияти билан ***боғлиқ модернизацияга эҳтиёж*** пайдо қилади.

2. Иқтисодий ўсиш суръатларининг даврийлиги тамойили даврий равишда модернизацияга эҳтиёж пайдо қилади. Яъни ҳар бир иқтисодий тизим доирасида шаклланган ишлаб чиқариш услулари, давр ўтиши билан эскириб, кейинги ривожланиш учун тўсиқ бўла бошлайди. Буни ҳаёт диалектикаси дея аташ мумкин. Янгиланишга эҳтиёж ёввойи табиатда ҳам мавжуд бўлиб, уни турлар эволюцияси дея атаймиз. Жамиятда эса ислохотлар ёки модернизация мазмуни билан

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз қаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

изоҳланади. Бу ҳолда – *иқтисодий ўсишнинг даврийлиги билан боғлиқ модернизацияга эҳтиёж* пайдо қилади.

3. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган техника ва механизмлар, бино ва иншоотлар жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириши, мунтазам равишда модернизацияга эҳтиёж пайдо қилади. Аммо, бу ерда асосий воситаларни таъмирлаш ва капитал таъмирлаш масаласи назарда тутилмасдан, техник базани тубдан янгилаш сифатида қабул қилинмоқда.

4. Инсонлар диди ўзгариб бориши, фан ва техника тараққиёти янги ва янги талабларни пайдо бўлишига туртки беради. Бу талабларга мослашиш, талаблар даражасида маҳсулот етиштириш зарурати эса ишлаб чиқарувчида - *техник тараққиёт билан боғлиқ модернизацияга эҳтиёж* туғдиради.

5. Инсонларнинг ишлаб чиқариш фаолияти кенгайиб бориши ва аҳоли сони ортиб бориши баробарида экологик муаммолар кўлами пайдо бўлиш интенсивлиги, экологик муаммолар келтирадиган салбий оқибатлар кўлами ҳамда миқдори ҳам ортиб боради. Бу эса - *экологик ҳафсиз техника ва технологиялар билан боғлиқ модернизацияга эҳтиёж* туғдиради.

6. Аҳоли сони ортиб бориши баробарида қўшимча талаблар пайдо бўлади. Ушбу талабларни қондириш эса янги ва янги ишлаб чиқариш салоҳиятларини ишга туширишни тақозо қилади. Бу эса ўз ўрнида иқтисодий айниқса табиий ресурслар чекланганлиги шароитида ресурслар тақчиллигини келтириб чиқаради. Ресурс тақчиллиги эса тежамкор техника ва технологияларни талаб қила бошлаши *тақчиллик ва тежамкорлик билан боғлиқ модернизацияга эҳтиёж* пайдо қилади.

Бунда масалани ҳал этиш борасида дунё миқёсида иккита йўналишда тадбирлар олиб борилишни илғаш мумкин: *биринчиси* бу тежамкор техника ва технологияларни кенг қамровли рағбатлантириш бўлса, иккинчи йўналиш *аҳоли табиий ўсиши* даражасини режалаштириш ҳисобланади.

7. Иқтисодий ресурслар тақчиллиги даражаси ортиб бориши баробарида инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари таркиби ҳам ўзгариб боради. Бу эса жамият доирасида ривожланишнинг алоҳида йўналишларига устуворлик берилишига олиб келади. Бугунги кунда бундай йўналишлардан бири бу малакат аҳолисини озиқ-овқат билан таъминот масаласи ҳисобланади.

*Озиқ-овқат таъминоти долзарблашиши билан боғлиқ модернизацияга эҳтиёж* йўналишида - ишлаб чиқариш ва фаннинг алоҳида йўналишларини ривожлантиришга устуворлик берилиши лозим бўлади.

Хусусан, мазкур ҳолатда энг муҳим йўналишлардан ҳисобланган - қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва моллари селекцияси ва наслчилиги борасидаги модернизацион жараён экинларнинг серҳосил, сувсизлик ва экстремал шароитларга чидамли навлари, чорва молларининг сермаҳсул зотлари пайдо бўлишини рағбатлантиришни талаб қилади.

Ресурслар тақчиллиги ва аҳоли сони ортиши оқибатида юз берувчи *озиқ-овқат таъминоти долзарблашиши билан боғлиқ модернизацияга эҳтиёж* – жамият ҳаётининг кўплаб жабҳаларини қамраб олади. Чунки, бу ҳолда модернизация инсоннинг энг биринчи физиологик эҳтиёжи қондирилиши зарурати билан боғлиқ. Бунда жамиятда техник ва экологик тараққиёт ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларини барқарорлаштириш билан биргаликда кенг қамровли маданий, маърифий тадбирлар ҳам талаб этилади. Ресурслар тақчиллиги даражаси ортиб бориши, озиқ-овқат таъминоти масаласи ўткирлашиши алоҳида инсонлар гуруҳлари, миллатлар доирасида ҳам анъаналар, удумлар, миллий маданиятларда мос равишда эволюцион ўзгаришлар заруратини пайдо қилади. Хусусан, халқимизга хос серчиқим тўйлар, маросимлар, жамиятнинг энг қуйи бўғини ҳисобланган оилалардаги иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайдиган турли одатлар ҳам иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларга қараб оптималлашиб бориши лозим. Бунда жамиятда жисмонан баркамол ва маънавий етук “*иқтисодий инсон*” тарбияси муҳим аҳамият касб этади.

8. Иқтисодий ўсиш зарурати, ресурслар нисбий ва мутлоқ тақчиллиги ортиши, шиддатли техник тараққиёт кузатилаётган бир даврда, бозордаги талаб ўзгариши, техника ва технологиялар такомиллашиб боришига мос равишда мутахассислар тайёрлаш зарурати, *таълим жараёнларининг ҳам модернизациясига эҳтиёж* пайдо қилади.

Умуман олганда модернизация жараёни жамиятнинг барча жабҳаларини қамраб олувчи муттасил давом этувчи ва даврий равишда зарурати кескин ортиб боровчи ижтимоий-иқтисодий жараён ҳисобланади. Бунда кичик бизнес ва тадбиркорлик модернизация жараёнининг “*фаол ҳаракатлантирувчи агенти*” га айланади. Шу билан биргаликда республикамиз қишлоқ хўжалигининг алоҳида тармоқларида хусусан, чорвачиликда моллари зотдорлигини яхшилаш ва ирсий хусусиятларини такомиллаштириш йўналишларида фойдаланилаётган интенсиф омиллар, чорва молларининг тарқоқ деҳқон хўжаликларида парваришланиши боисдан чорва моллари маҳсулдорлигини оширишни мураккаблаштиради.

Экстенсив омиллардан фойдаланишнинг эса ресурслар нисбий тақчиллиги ортиб бориши шароитида (ем-ҳашак экинлари майдони ўзгармаган ҳолда чорва моллари бош сони тез суръатларда ортиб бориши) чорва моллари маҳсулдорлиги пасайишини рағбатлантирувчи омил сифатида салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, технологик тадбирлар билан биргаликда олиб борилиши лозим. Таъкидлаш лозимки модернизация жараёни - жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ҳолда юз бериши мумкин бўлган ва жамият ҳаётидаги барча жараёнларнинг бир-бири билан диалектик боғлиқликда юз берадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланиб, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва техник-технологик модернизация жараёнларини бири биридан ажратиб бўлмайди. Шу жиҳатдан ҳам улар фақатгина биргаликда юз берган ҳолдагина кутилган иқтисодий самарани бериши мумкин. Ҳар қандай жамият ривожланиши асосини, ҳаракатлантирувчи ядросини - иқтисодий ривожланиш ташкил этиши лозим. Бу фикримиз ишлаб чиқариш муносабатлари кишилиқ жамияти пайдо бўлишида дастлабки асос эканлиги ва иқтисодий муносабатлар ҳаракатлантирувчи куч эканлиги билан ҳам асослидир. Демак, модернизация жараёни иқтисодий самарага эришган тақдирдагина яшовчан бўлади, давомийлик касб этади, ривожланиб боради ва аксинча. Одатда кўпчилик ҳолларда иқтисодчи олимлар томонидан модернизация атамаси қишлоқ хўжалигида техник қурилмалар, қишлоқ хўжалиги машиналари, техникалар, технологик жараёнларга нисбатан фойдаланилиши унинг бошқа маъноларига эътиборни сусайтирган.

Хусусан, модернизация доимий ва муттасил юз берувчи жараён сифатида кишилиқ жамиятининг диалектик ривожланиш қонуниятлари доирасида амал қилувчи социал-иқтисодий муносабатлар, тарихий-фалсафий, техник ва технологик ривожланиши жараёнини ўзида ифода этади. Шунинг учун ҳам модернизация жамиятнинг ананавий шаклидан замонавий шаклига ўтиб бориши, жамиятдаги моддий ва номоддий ишлаб чиқариш жараёнининг аграр шаклидан индустриал шаклига ўтиб боришининг эволюцияси тарзида намаён бўлиши эътиборга олинаши лозим.

## **О.ОЛИМЖОНОВ,**

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Бош директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, и.ф.д., профессор

### **Қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг молиявий масалалари**

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш кўп йўналишли ва ўта мураккаб жараён бўлиб, уни муваффақиятли амалга ошириш қатор соҳа олимлари ва амалиётчиларининг биргаликда ва ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишларини тақозо этади. Молиявий масалаларни самарали ташкил этиш ва бошқариш мазкур жараён кўзда тутилган натижаларга эришишни таъминлашда алоҳида ўрин тутиши маълум.

Мамлакатимиз аграр соҳасининг молиявий масалалари мустақиллик йилларида тубдан ислоҳ қилинди. Қишлоқ хўжалиги молияси тармоқ олдига қўйилган вазифалар талабларига мос келади. Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишида у муайян ижобий роль ўйнамоқда.

Бир пайтнинг ўзида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш молиявий масалалар олдига ҳам янги-янги ва янада улкан талаблар қўймоқдаки, мазкур мақолада ана шулар ҳақида фикр юритилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик эритувчи субъект ўз маблағини ўзи тўла тасарруф этиши талаб этилади. Мана шу қондани изчиллик ва аста-секинлик билан аграр соҳа амалиётида қайта тиклаш вақти етиб келди. Мустақилликнинг дастлабки даврида қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган ширкат, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг катта қисми ўз молиясини мустақил ва оқилона бошқариш малакасига эга эмас эди. Чунки, собиқ шўролар даврида молиявий маблағлар қатъий марказлашган ва олдиндан белгилаб қўйилган мақсадларда ишлатиларди. Ўша даврдаги қишлоқ хўжалигининг асосий субъектлари бўлган колхоз ва совхозлар раҳбарлари ва иқтисодчилари маблағларни тасарруф қилишда қатъий белгилаб қўйилган талаблар ичида ишлашга мажбур эди.

Қолаверса, бугунги фермерларнинг мутлоқ катта қисми ўша шўролар даврида молия билан шуғулланмаган муҳандис, ўқитувчи, сувчи, медицина ходими каби бошқа касб эгаларидан иборат. Шу боис мустақилликка эришилгандан кейинги дастлабки даврда улар маблағларини бошқариш ва тасарруф этиш жараёнида банк ва молия идораларининг профессионал нуқтаи назардан ёрдами керак бўлганлиги табиий бир ҳол ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ислоҳ қилиш ва модернизация қилишнинг айна босқичида миқдорлари мақбуллаштирилган фермер хўжалиklари ва иқтисодий масалаларни мустақил бошқара оладиган деҳқон хўжалиklари ҳал қилувчи ролни ўйнашмоқда. Улар мустақиллик шароитида молиявий операцияларни бошқариш соҳасида етарли тажриба ва малакага эга бўлишди.

Сир эмаски, фермер хўжалиklари маблағларининг муайян қисми молиячилар ибораси билан айтганда “боғланган” ҳолда тасарруф этилаётганлиги улардан фойдаланиш самарадорлигининг муайян даражада паст бўлаётганлигига сабаб бўлмоқда. Ҳисобварақдаги пулни олган имтиёзли кредитни қайтариш ва соҳага хизмат қиладиган турли ташкилот ва идоралар хизматида деярли “автоматик равишда” йўналтириш фермерда ўз маблағига эгаллик ҳиссининг камайишига олиб келмоқда. Аграр соҳани модернизация қилишнинг молиявий масаларидан яна бири маблағларнинг нақд ва нақдсиз шаклларда ишлатишнинг собиқ шўролардан қолган тизимига тегишли ўзгартириш киритиш билан боғлиқ. Тўғри, бу масаланинг қамрови кенг ва у бутун иқтисодиётга дахлдор муаммо ҳисобланади.

Ҳамёндан нақд пул олиб ишлатиш ва ҳисобварақдаги пулни нақдсиз шаклда ишлатиш бир хил жараён эканлигини тан олиш ва таъминлаш кун тартибидаги ўта долзарб иқтисодий муаммолардан бири бўлиб турибди. Маблағларни пул кўчириш усули билан ишлатишда нақд шаклдаги нисбатан уларнинг “қуввати” паст ҳисобланиши ҳеч ким учун сир эмас. Қонун ва қонуности ҳужжатларида мутлақо таъқиқланишига қарамасдан улар ҳамон турлича “курс”га эга бўлиб туришибди. Бу муаммонинг ижобий ҳал этилиши қишлоқ хўжалигини модернизация қилишни маблағ билан таъминлаш жараёнида катта ижобий ўзгаришлар юз беришига иқтисодий асос яратади. Маблағларнинг йил давомида айланиш сони ошади, озроқ пул билан кўпроқ иш бажариш мумкин бўлади, булар эса ўз-ўзидан маблағлардан фойдаланиш самарасининг ҳам ошишига олиб келади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аграр соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва айниқса, имтиёзли банк кредити билан таъминлашнинг ўзига хос тизими яратилди. Мазкур тизим қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлаш жараёнида муҳим роль ўйнамоқда.

Аграр соҳа ривожланишининг навбатдаги босқичида, айниқса, кун тартибига соҳани модернизация қилишдай умумдавлат аҳамиятига эга масаланинг қўйилганлиги фермер ва деҳқон хўжалиklарини банк кредити билан таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш талабини қўймоқда. Айна пайтда имтиёзли кредитни асосан давлат буюртмаси учун пахта ва бошоқли дон етиштираётган қишлоқ хўжалиги субъектлари олишмоқда, холос.

Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар имтиёзли кредит олишлари жуда қийин ва узоқ вақт талаб этадиган масала. Аграр соҳани модернизация қилиш умумдават аҳамиятига эга масала ҳисобланар экан, жараёни маблағ билан таъминлашда давлатнинг иштирок этиши ва зарур молиявий шарт-шароит яратиши мантқан тўғри бўлади. Масалан, ўзига тегишли хусусий чорва комплексини техник ёки технологик модернизация қилишни ният қилган фермерни имтиёзли кредит билан таъминлаш ҳар томонлама ўзини оқлайдиган ҳолат ҳисобланади. Тижорат банки ўз ресурслари ҳисобидан фермерга чорвачилик соҳасини модернизация қилиш учун имтиёзли кредит бермаслиги маълум. Демак, давлат бу масаланинг ечимини ўзига олиши мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда аграр соҳага имтиёзли кредит бериш амалиётидаги яна бир салбий ҳолат ҳақида сўз юритишга тўғри келади. Масаланинг мазмунини яхшироқ тушуниш учун бир шартли мисолга мурожаат қиламиз. Фараз қилайлик, янгидан боғ яратиш учун имтиёзли кредит бериш жорий этилди. Натижада минглаб одамлар тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиб, минглаб гектар ерларда янги боғлар барпо этишди. Боғлар ҳосилга кириб, янги соҳибкорларнинг рўзғорига барака қира бошлади. Ўз вақтида амалга оширилган тadbир кўпчиликка манзур бўлди.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш шароитида соҳага кредит беришда барқарорликка эришиш ўта муҳим масала ҳисобланади. Шунингдек, маблағ билан таъминлашда рақобат муҳитини яратиш долзарб вазифа ҳисобланади. Бунда рақобат муҳити ҳам маблағ билан таъминловчилар ўртасида, ҳам маблағ олувчилар ўртасида шакллантирилиши лозим. Бунинг учун хусусий банк ва бошқалар учун ҳам бир хил шароит яратиш, аҳоли ва ташкилотлар ихтиёридаги вақтинча бўш турган ёки ортиқча маблағларни аграр соҳага жалб этиш учун рағбатлантириш механизминини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Қ.А. ЧОРИЕВ,**

ЎзБИИТИ бўлим ва лойиҳа раҳбари, и.ф.д., проф.

**Ф. НАЗАРОВА,**

ЎзБИИТИ бўлим ва лойиҳа раҳбари, и.ф.д., проф.

**Б.К. ТУХЛИЕВ,**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академиясининг проректори, и.ф.н., доц.

### **Қишлоқ хўжалигида инновация ва модернизациялаш жараёнларининг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири**

Собиқ иттифоқ тизими ва “социализм иқтисодиёти” деб аталмиш фан йўналиши барҳам топгандан кейинги даврларда нашр этилган иқтисодий адабиётларда авваллари кам ўрганилган инновация, инвестиция, модернизация каби кўплаб иқтисодий категория ва тушунчаларга кенг ўрин берилмаётгани киши эътиборини ўзига тортади. Лекин, таҳлилларнинг кўрсатишича, бу иқтисодий категориялар устида изланиш олиб бораётган илмий тадқиқотчилар ишларида уларнинг моҳияти ва таърифи турлича талқин қилиб келинмоқда. Ҳаттоки собиқ иттифоқ даврида нашр этилган “Советский энциклопедический словарь”<sup>2</sup>да, масалан “инновация” (493 бет) “новообразование” (894 бет) атамаси билан бир хил деб тушинилган ва фақат асосан у ёки бу миллат тили морфологиясида содир бўлган янгиликлар сифатида қаралиб, тор маънода ифода этилган.

Худди шунингдек, “инвестиция” сўзи билан боғлиқ “инвестицион фаолият”, “инвестиция турлари”, “инвестицияни молиялаштириш манбалари”, “инвестицион салоҳият”, “инвестицион муҳит”, “инвестиция сиёсати”, “инвестицион жозибадорлик”, “инвестицион лойиҳа”, “инвестиция бозори”, “инвестицион такрор ишлаб чиқариш”, “инвестицион жараён”, “инвестиция объекти”,

---

<sup>2</sup> Советский энциклопедический словарь/Гл. ред. А.М. Прохоров.- 3-е издание. – М.: Сов. Энциклопедия, 1984. – 1600 с., ил.



“инвестиция субъекти”, “инвестицион хатар (риск)”, “инвестицияни суғурталаш”, “инвестицион фаолиятни диверсификациялаш”, “инвестиция портфели” каби тушинча ва атамалар ҳам иқтисодий адабиётларда кўплаб ишлатилмоқда ва улар устида кенг қиррали илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги даврда эса нафақат илмий адабиётларда, балки ҳукумат қарорлари ва раҳбарлари маърузаларида ҳам “модернизация” масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Дастлабки илмий изланишимиз натижаларининг гувоҳлик беришича, юқорида зикр этилган иқтисодий категориялар алоҳида тарзда кенг ўрганилган бўлсада, аммо уларнинг ўзаро боғлиқлик ва таъсир этиш йўналишлари, самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари логистика нуқтаи назардан яхлит бир мажмуа доирасида чуқур ва кенг тадқиқ этилмаган. Ҳолбуки, бизнинг фикримизча, инновация, инвестиция ва модернизация жараёнлари инсониятнинг турмуш шароити, шунингдек ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларига бевосита тааллуқли бўлиб, уларни ривожлантиришда бу муҳим омиллар бир бирини тўлдирувчи, такомиллаштирувчи, кенгайтирувчи, давомийлик ва такрорланишни таъминловчи, шунингдек логистик занжирдаги ўзаро узвий боғлиқ ва бир бирига тўғридан тўғри таъсир этувчи таркибий халқалар сифатида намоён бўлади.

Бироқ, таҳлилларимизнинг кўрсатишича, мамлакатимиз аграр секторини модернизациялаш ва унинг халқаро бозор тизимидаги рақобатбардошлигини ошириш нуқтаи назардан нафақат соҳа миқёсида, балки унинг қуйи тармоқлари ва хўжалик юритиш субъектлари даражасида ҳам инновацион фаолиятни шакллантириш ва инвестициялаш манбаларини юксалтириш, уларни етарли ҳажмларда жалб қилиш асосида қишлоқ хўжалигини модернизациялаш жараёнлари, очиғини айтганда, ривожланган хорижий давлатлар даражасидан, яъни замон талабларидан орқада қолмоқда.

Шу сабабдан ҳам, бизнинг асосий хулосаларимиздан бири шуки, қишлоқ хўжалиги ва унинг хўжа-лик юритиш субъектлари, асосан фермер хўжаликларининг инновацион фаолиятдаги иштирок-ларини таъминлаш ва рағбатлантириш, инновация ишланмаларини тезкор жорий этишдаги имко-ниятларини яратиш масалалари соҳани модернизациялашнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим йўналишлардан бири сифатида ҳал этилиши лозим.

Чунки, изланишимиз натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ равишда унинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишда муҳим ҳисобланган инновацион, инвестицион ва модернизациялаш жараёнларини мажмуавий тарзда ташкил қилиш ва ривожлантириш, маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқариш, сифатини яхшилаш ва харажатларини камайтиришдаги инновацион фаолликни рағбатлантириш каби кўплаб муаммолар илмий-амалий жиҳатдан етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Бинобарин, авваломбор инновация, инвестиция ва модернизация иқтисодий категорияларига алоҳидалик тамойилидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ҳар бирига хос бўлган моҳиятни очиб бериш, таъриф бериш ва таснифий хусусиятларини асослаш ҳамда уларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрни, ўзаро боғлиқлик ва таъсир этиш ҳолатларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим амалий аҳамиятга молик эканлигини эътироф этиш лозим.

Шу боисдан ҳам илмий-назарий ва услубий-амалий йўналишдаги қуйидаги масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланди. Жумладан:

биринчидан, инновация категориясининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар талаб этиладиган йўналишларни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

иккинчидан, инвестиция ва инвестицион фаоллик тушинчаларининг иқтисодий-ижтимоий моҳиятини очиб бериш;

учинчидан, қишлоқ хўжалигини инновацион модел асосида модернизациялашнинг ўзига хос хусусиятлари ва йўналишларини асослаш;

тўртинчидан, қишлоқ хўжалигида инновацион, инвестицион ва модернизациялаш жараёнларининг ўзаро алоқадорлик ва таъсир этиш тамойилларини ҳамда ишлаб чиқариш логистик занжиридаги ўрни ва ролини илмий-амалий нуқтаи назардан асослаб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёни логистик занжирида инновация, инвестиция ва модернизация омиллари мана шу келтирилган тартибдаги ўринни эгаллаб,

ўзаро алоқадорлик ва таъсир этиш тамойилларига мувофиқ ривожланиш тенденциясига мойилдир. Яъни, қандай тармоқ ёки соҳа бўлмасин унинг жадал ва истикболли тараққиётини таъминлаш биринчи навбатда янги илмий, техник ва технологик ғояларни шакллантириш ва уларни амалиётга тезкор равишда самарали татбиқ этишни талаб қилади.

Шу сабабдан ҳам, бизнингча, ривожланишнинг бирламчи асосини инновацион ғоялар, уларни амалга ошириш ва татбиқ этиш тизими ташкил этади.


Бирок, бу тизим доирасидаги барча чора-тадбирлар ўз навбатида тегишли ҳажмдаги инвестициялар жалб этишни тақозо этади, зотан улар-сиз инновация жараёнини амалга ошириб бўлмайди.

Бинобарин, инвестициялар ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) логистик занжирининг иккинчи узвий халқаси ҳисобланиб, инновация ва модернизация жараёнларини боғловчи зарурий оралик омил (ресурс) ролини бажаради.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, модернизациялаш омили ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) логистик занжирининг учинчи таркибий қисми сифатида намоён бўлиб, у ўз навбатида инновация ва инвестиция омилларининг самарадорлик даражасини белгилаш ва оширишда муҳим рол ўйнайди. Демак, инновация, инвестиция ва модернизация жараёнлари ўзаро алоқадорлик тамойилига бўйсинган ҳолда амалга ошади ва ривожланиб боради.

Шунинг баробарида бу омил (жараён)лар ижтимоий ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) соҳасида ўзаро таъсир кўрсатиш тамойилига мувофиқ бир бирини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади. Зотан, муайян бир тармоқ ёки соҳада амалга оширилган модернизациялаш йўналиши, масалан техника-технология соҳасида, маълум бир даврдан кейин ҳам жисмонан, ҳам маънан эскириш тенденциясига мойиллиги туфайли инновация маҳсулот (ишланма)ларига бўлган янги талабларни келтириб чиқаради ва уларни молиялаш учун навбатдаги инвестиция ресурсларининг жалб қилинишига сабаб бўлади.

Натижада инновация, инвестициялаш ва модернизациялаш тадбирларининг сифат ва самарадорлик даражаларининг ўсиш тенденцияси остидаги даврий айланиш жараёни содир бўлади ва бу жараён ҳар бир тармоқ ва соҳа хусусиятларига боғлиқ рвишда доимийлик тамойилига мувофиқ тўхтовсиз такрорланиб туради, (1-расм).



**1-расм. Инновацион, инвестицион ва модернизация жараёнларининг ўзаро алоқадорлиги ва таъсир кўрсатишини акс эттурувчи соддалаштирилган тизим**

Шунингдек, бу жараён иқтисодийнинг барча тармоқ ва соҳаларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этишга асос яратиб, уларнинг ишлаб чиқариш, иқтисодий ва экспорт салоҳиятларини юксалтиришнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган илмий-амалий ва иқтисодий-ишлаб чиқариш характеридаги муаммоларни ҳал қилиш биринчи навбатда инновация категориясининг мазмун-моҳиятини очиб беришни тақозо этади.

Классик ёндашиш нуқтаи назардан “инновация” атамасининг луғавий негизини лотинча “novatio” сўзи ташкил қилиб, у мазмун ва моҳиятан “янгилаш”, “ўзгартириш”, “такомил-

лаштириш” каби маъноларни англатади. “novatio” сўзи “in” олд қўшимчаси билан биргаликда “innovatio” кўринишида у ёки бу янгиликни ихтиро қилишдан тортиб, уни жорий этишгача бўлган жараёнларни ифодалайди.

Демак, инновацияга, бизнинг назаримизда, жараён сифатида қараш ва шундан келиб чиққан ҳолда у билан боғлиқ муаммоларни яхлит тизим доирасида ҳал этиш лозим деб ҳисоблаймиз. Шу нуқтаи назардан ушбу йўналишда тадқиқот ишлари олиб борган олимлар таърифлари ва фикр-мулоҳазаларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ, (1-жадвал).

1-жадвалда номлари келтирилган тадқиқотчиларни инновацияга нисбатан берган таъриф ва фикр-мулоҳазаларига асосан уларни учта гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ муаллифлари ин-новацияни жараён сифатида тан олишади, иккинчи гуруҳ олимлари пировард натижа деб ифода-лашади ва, учинчи гуруҳ олимлари эса барча йўналишлардаги чора-тадбирлар мажмуи деб қара-шади.

Бизнинг фикримизча, биринчи гуруҳ олимлари (Б. Твисс, Б. Сантолар)нинг инновацияни жараён сифатида таърифлашлари илмий-назарий нуқтаи назардан тўғри ёндашишдир. Зеро, инновация, бизнингча ҳам, ўзига хос жараён бўлиб, у юқорида таъкидланганидек, янги илмий ғоя ёки муайян бир янги амалий характердаги ихтиронинг шаклланишидан бошлаб токи уни амалиёт (ҳаёт)га татбиқ этишгача бўлган барча босқичли даврий чора-тадбирларни қамраб олади.

Инно-вация категорияси юзасидан юқорида асослаб берилган илмий-назарий хулоса ва таърифлар маз-мун-моҳиятига мос равишда унинг тегишли мезонларга мос энг муҳим тип (тур)ларининг умум-лашган классификациясини ишлаб чиқиш истиқболда улардан мақсадли ва манзилли фойдаланиш, энг муҳими эса ресурстежамкор технология ва механизмларни татбиқ этиш асосида ишлаб чиқа-риш (хизмат кўрсатиш) самарадорлигини ошириш ва истеъмол маҳсулотлари сифатини муттасил яхшилаш борасида кенг имкониятлар яратади.

1-жадвал

### Турли назарий қарашларга мувофиқ “инновация” категориясининг ифодаланиши<sup>3</sup>

Муаллифлар	Инновациянинг ифодаланиши
Б. Твисс	Иқтисодий мазмунга эга янги ихтиро ёки ғояларни акс эттирувчи жараён
Ф. Никсон	Бозорда янги ва яхшиланган саноат асбоб-ускуна ва жараёнларининг пайдо бўлишига олиб келувчи техник, ишлаб чиқариш ва тижорат чора-тадбирлар жамланмаси
Б. Санто	Ғоя ва ихтироларни амалиётда қўллаш асосида юқори сифат хоссаларига эга буюм ва технологиялар яратиш, агар инновация иқтисодий самара, фойда олишга йўналтирилган бўлса, унинг бозорда пайдо бўлиши натижасида қў-шимча даромад олиш имкониятининг мавжудлигини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий жараён
Й. Шумпетер	Тадбиркорлик руҳи асосида ишлаб чиқариш омилларининг илмий-ташкилий янги комбинацияси
Д.В. Соколов А.Б. Титов М.М. Шабанова	Принципиал янги ёки модификацияланган воситалар (янги ишланмалар) яра-тиш ва ўзлаштириш (жорий қилиш) асосида муайян ижтимоий эҳтиёжларни қондирувчи ва турфа йўналишларда (иқтисодий, илмий-техник, ижтимоий, экологик) самаралар берувчи пировард натижа
Ю. П. Морозов	Ишлаб чиқариш, молия, тижорат ва бошқа характердаги янги технологиялар, маҳсулот турлари, ташкилий-технологик ва ижтимоий-иқтисодий қарорлар негизида янгиликларни самарали (фойдали) қўллаш
И.Р. Пригожин	Технология, техника ва бошқаришнинг янгидан яратилиши, ўзлаштирилиши ва ўзаро сингиб кетиши (диффузия)нинг бошқа объектларни ривожлантириш-га олиб бориши
П.Н. Завлин А.К. Казанцев Л.Э. Мендели	Жамиятнинг у ёки бу соҳасида интеллектуал (илмий-техник) фаолият иш-ланмаларидан фаолият жараёнлари ёки унинг натижаларини такомиллаш-тириш мақсадида фойдаланиш

Ушбу масала бўйича иқтисодий адабиётларда турлича ёндашишлар мавжуд бўлиб, улардан келиб чиқадиган асосий хулоса шундан иборатки, инновация турлари иерархик тузилма объектлари (жамият, тармоқ, соҳа, бошқарув органлари, кор-хона, хусусий тадбиркорлик ва уй

<sup>3</sup> Кирьяков А.Г., Максимов В.А. Основы инновационного предпринимательства.–Ростов на Дону: Феникс, 2002.- с. 12.

хўжалиги субъектлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари)нинг пировард мақсадлари ва фаолият йўналишларига мос равишда шаклланади, (2-расм).



## 2-расм. Турли мезонларга мос инновация тур (тип)лари классификацияси

Демак, кенг маънода инновацияга, бизнингча, жамиятда инсон капитални ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш билан боғлиқ барча жабҳа ва соҳалар (техника-технология, истеъмол буюмлари, ижтимоий тараққиёт стратегияси, унинг ташкилий шакллари ва бошқариш тактикаси, иқтисодий тармоқлари, ижтимоий институтлар - фан, маориф, тиббиёт, ахборот ресурслари, турли хизматлар кўрсатиш тизими ва ҳ.к.)да **интеллектуал салоҳиятнинг янги илмий ғоя** ва билим йўналишларини шакллантириш, уларни яратиш ва ҳаёт (ишлаб чиқариш)га татбиқ этиш асосида қўшимча қимматликлар, сифат ўзгаришлар ва тубдан такомиллашган истеъмол маҳсулот (хизмат)лари кашф этишга йўналтириш жараёни сифатида таъриф бериш мумкин.

Бинобарин, бунинг учун “илмий ғоя ёки амалий янги ихтиро → инвестиция киритиш → янгилик-ни моддийлаштириш → татбиқ этиш → сифат ва миқдор жиҳатдан яхши натижалар олиш” логис-тик занжиридаги барча жараёнлар доимий такрорланиб туриши ва кейинги ҳар бир босқичда ол-дингисига нисбатан сифат жиҳатдан юксалиб бориши шарт.

Бу жараёнларнинг тўхтовсиз кечиши ва ривожланиши ўз навбатида бир бирига боғлиқ ва бир бирини ўзаро тўлдирувчи босқичли чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан инновацион жараённи самарали ривожлантириш учун унинг таркибий компонентлари ва чора-тадбирларини аниқ бел-гилаб, уларни оқилона амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга, (3-расм).

Инновацион жараённинг ҳаракатланишини ташкил этувчи юқоридаги барча компонент (чора-тадбир)лар ўз навбатида инвестиция ресурслари ва уларни молиялаштириш манбаларини мақсадли ва манзилли йўналтиришга бевосита ва чамбарчас боғлиқдир. Яъни, инвестицияларсиз инновацион (янгилик) ва модернизациялаш жараёнларини амалга ошириб бўлмаслиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Шу сабабдан инвестицияларнинг иқтисодий моҳиятини ёритиш ва жамиятнинг ривожланишидаги ролига илмий асосланган баҳо бериш муҳим ҳисобланади.

Олиб борилган илмий изланиш ва иқтисодий адабиётлар таҳлилига асосан инвестицияга мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар иқтисодий-ижтимоий ва бошқа турдаги самара олиш мақсадида улар томонидан қонунчилик талабларига зид бўлмаган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфланган молиявий, моддий, интеллектуал ва ўзга ресурслар йиғиндиси мазмунидаги умумлашган содда таъриф бериш мумкин.

Ўз навбатида, инвестициялар қандай шаклда бўлмасин, уларнинг жалб этиладиган миқдори муайян тармоқ ёки субъектнинг инновацион фаоллигини ривожлантириш ва рағбатлантиришга кенг имкониятлар яратиши лозим.

Зотан, инвестиция киритиладиган соҳа, фаолият тури ёки объект инновация маҳсулотларини қанчалик тез ва самарали жорий этиб, ўзининг даромадлилик даражасини оширса, у бозор иқтисодиёти шароитидаги шавқатсиз рақобатларга шунчалик чидамли, яъни рақобатбардош бўлади.

Шунингдек, инновацияга асосланган ишлаб чиқариш (хизмат кўрса-тиш) соҳасида инвестицион муҳит ва жозибаторлик ҳамда инновацион фаолият юритиш даражаси ҳар доим юқори бўлади.

Инвестиция жалб қилиш объекти нуктаи назардан инвестицион муҳит ва жозибаторлик мамлакат ва унинг агроиқтисодий ҳудудлари, вилоятлари ҳамда туманлари, халқ ри хўжалиги тармоқ ва соҳалари, хўжалик юритиш субъектлари даражасида аниқланади. Инновацион ечимлар эса, масалан қишлоқ хўжалигида, асосан унинг қуйи тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, шунингдек уларга кўрсатиладиган хизмат турлари билан боғлиқ барча агротехник жараёнларни такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ўсимлик навлари ва чорва моллари зотларини яхшилаш, сифатли янги турдаги хизматлар кўрсатиш, бошқаришнинг янги усулларини қўллаш каби кўплаб йўналишларни қамраб олади.

Демак, қишлоқ хўжалиги ва унинг таркибий тармоқларига инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш, уларнинг қайтимлилигини таъминлаш, инвестицион жозибатор қилиш ва инвестицион муҳитини яхшилаш соҳанинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятлари даражасига, уларни ошириш захира-лари ва, энг муҳими, инновацион ишланмалар негизида модернизациялаш тадбирларидан тезкор равишда оқилона фойдаланишга бевосита боғлиқдир.

Бинобарин, инновацион ва инвестицион жараёнларининг самарадорлигини белгилаш ва ошириш нуктаи назардан модернизациялаш тадбирлари ва йўналишлари ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) логистик занжирининг яқунловчи ва ҳал қилувчи компоненти сифатида муҳим рол ўйнайди. Шу боисдан модернизация категориясининг тор ва кенг маънодаги иқтисодий моҳиятига алоҳида тўхталиш ва, авваломбор, модернизация атамасига берилган таърифларни таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, “Советский энциклопедический словарь”<sup>4</sup>да (817 бет) модернизацияга муайян бир соҳа, йўналиш ёки нарсани, масалан ускуна-жиҳозларни, замон талабларига мос ўзгартириш, такомиллаштириш маъносида таъриф берилган. Бу, бизнингча, тор маънодаги таърифлардан бўлиб ҳисобланади. Зеро, “ўзгартириш” ёки “такомиллаштириш” нафақат моддийлашган нарсаларга, балки инсон фаолияти ва жамият тараққиёти билан боғлиқ барча соҳа, жабҳа, тармоқ ва бошқа институтларга ҳам бевосита тегишлидир. Шу нуктаи назардан модернизация категориясига кенг маънода берилган қуйидаги таъриф эътиборга моликдир. Яъни, “модернизация – жамиятни анъанавий ривожлантиришдан илғор, индустриал тараққий этган жамиятга айлантириш билан боғлиқ ижтимоий-тарихий жараён” бўлиб, “у муайян объектни замонавий талаб, норма, техник шароит ва сифат кўрсаткичларига мослаштириш мақсадида янгилаш, яхшилаш ва такомиллаштириш”<sup>5</sup> маъносини англатади.

Маҳсус адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, иқтисодчи олимлар модернизациянинг асосан умумлашган учта моделини, яъни “инновацион”, “етиб олиш” ва “инкилобий модел”ларини тан олишади<sup>6</sup>. Жумладан, “инновацион модел” индустриал тараққий топган, илм-фан, техника-технология, жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда замонавий илғор бошқариш ва ахборот

<sup>4</sup> Советский энциклопедический словарь/Гл. ред. А.М. Прохоров.- 3-е издание. – М.: Сов. Энциклопедия, 1984. – 1600 с., ил.

<sup>5</sup> Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики/ Под ред. д. э.н., профессора А. В. Вахабова -Т.: Молия, 2011.- 140 с.

<sup>6</sup> Красильников В.А. Вдогонку за прошедшим веком: Развитие России в XX веке с точки зрения мировых модернизацией. - Российская политическая энциклопедия (РОССПЭ), 1998.- с. 9-24; Нуриев Р.М. Россия: особенности институционального развития. – Норма, 2009. с. 40-109.

### **3-расм. Инновцион жараённинг таркибий компонент ва чора-тадбирлари ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлигини акс эттирувчи мажмуавий тизим.**

таъминоти тизимига асосланган давлатларга хос бўлиб, уларда инновация маҳсулотлари яратиш ва уларни тезкор татбиқ этишни рағбатлантириш бевосита инсон капиталини, яъни интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга катта ҳажмда инвестициялар йўналтириш орқали амалга оширилади. Модернизациянинг “етиб олиш” модели асосан ривожланаётган давлатларда қўлланилади ва бу жараёнда улар томонидан индустриал тараққий этган мамлакатлардаги барча соҳа ва йўналиш-ларда яратилган инновация маҳсулотларини ўз иқтисодиётига татбиқ этишга асосланган бўлади. “Инқилобий модел” эса кишилик жамиятининг қайси соҳа, жабҳа ва тармоғи бўлмасин, уларни тубдан ўзгартириш ва ривожлантиришни тадрижий йўл билан эмас, балки бутунлай янгидан яратилган инқилобий ғояни татбиқ этиш асосида амалга ошириш жараёнини ифода этади. Шу нуқтаи назардан республикамизда инновцион салоҳиятнинг ривожланиш тенденцияси, ушбу жараёндаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари татқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Зотан, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларни қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ инновцион илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига жалб қилиш, унинг натижаларини ишлаб чиқаришга тезкор татбиқ этиш истиқболда соҳа тармоқларида ишлаб чиқариш салоҳияти ва ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий, техник-технологик ва ижтимоий йўналишларида олиб бориладиган ислохотларнинг устувор вазифаларидан бирига айланишини эътироф этиш ўринлидир. Бинобарин, бугунги кунда ва, айниқса, истиқболда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш чора-тадбирларини оқилона ташкил этиш ва амалга ошириш, соҳа тармоқларининг ўзига хос хусусиятларга эга бўлган маҳсулотларини етиштиришда фойдаланиладиган ресурслар ва ресурстежамкор технологиялардан самарали фойдаланишни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида инновцион фаолликни шакллантириш ва рағбатлантириш механизм ва йўналишларини асослаб бериш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Шунингдек, инвестицияларни қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ инновцион жараёнларга жалб қилиш ва унинг натижаларини татбиқ этиш асосида соҳа тармоқларининг ишлаб чиқариш салоҳияти ва инвестицион жозибadorлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини, жумладан инвестицияларни молиялаштириш манбалари ва уларнинг ноанъанавий шаклларини ривожлантириш йўллари асослаб бериш ҳам муҳим ҳисобланади. Бунинг учун ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг республикамиз қишлоқ хўжалиги шароитига мос йўналишларини асослаб, жорий қилиш йўллари аниқлаб бериш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини таркибий ислох қилиш ва ривожлантириш мақсадида республика ҳукуматининг тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари асосида қишлоқ хўжалигида инвестициялар ва инновцион ишланмалардан оқилона фойдаланишга кенг имкониятлар яратилган. Лекин, фермер ва деҳқон хўжалиқларининг инвестицион лойиҳаларда иштирок этиш, инновцион фаолият билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик муассасалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш соҳасидаги қобилият ва имкониятлари объектив ва субъектив сабабларга кўра чекланганлигини эътироф этиш лозим.

Шу сабабларга кўра ҳам, бизнинг фикримизча, ўтиш даврида қишлоқ хўжалигининг таркибий қуйи тармоқларини истиқболли ривожлантириш ва уларнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий салоҳиятларини янада юксалтириш учун инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, улардан самарали фойдаланиш, инновцион жараёнларни ривожлантириш ва рағбатлантириш механизмларини татбиқ этиш учун давлатнинг мувофиқлаштирувчи функциясини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу функциянинг айниқса инвестициялар ҳажми ва уларни молиялаш манбаларини республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда коммуникация воситалари билан таъминланиш даражаси, шунингдек, уларда қишлоқ хўжалиқ тармоқларини модернизациялаш, дивер-

сификациялаш ва инновация ечимларини татбиқ этиш асосида ривожлантиришнинг табиий-иқлимий, ер шароитлари ва бошқа хусусиятларига биноан самарали тақсимлаш борасидаги ўрнини алоҳида эътироф этиш лозим.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлага-нидек, “барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор-инвестицияларсиз модерни-зация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди”<sup>7</sup>. Бироқ, шу ўринда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан ҳисобланган қишлоқ хўжалигидаги ҳозирги ўзига хос шарт-шароит ва хусусиятлар, мавжуд муаммолар, кўрила-ётган чора-тадбирлар кўлами ва самарадорлиги, таркибий ўзгаришлар, инвестициялаш, инвестиция манбалари ва инновацион маҳсулотлардан унумли, мақсадли ва манзилли фойдаланиш муам-моларини ҳал этишда тубдан янгича ёндашишларни талаб қилишини эътироф этиш лозим. Бу-нинг энг асосий сабабларидан бири қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асо-сий шакллари, яъни фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини бозор муносабатлари асосида юритиш уларни молиялаштириш тизимини янада соддалаштириш, эркинлаштириш ва такомил-лаштиришни тақозо этади. Шунингдек, ўтиш даври талаб ва хусусиятларини эътиборга олган ҳол-да қишлоқ хўжалик корхоналари, уларга турли йўналишларда хизмат кўрсатувчи субъектлар би-лан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик муассасалари ўртасидаги алоқаларни кооперация шакл ва муносабатларини ташкил этиш асосида ривожлантириш объектив заруриятга айланаёт-ганлигини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Бинобарин, қишлоқ хўжалигида инвестициялардан, шу-нингдек тармоқнинг мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, фан ва техника соҳасида яратилган инновация маҳсулотларини жорий этиш, улардан оқилона фойдала-нишни рағбатлантириш вазибалари ҳам муҳим йўналиш сифатида кун тартибидеги асосий муам-молардан бирига айланаётганлигини эътироф этиш лозим.

### **А.Р.ВАХОБОВ,**

“Ўзагросуғурта” ДАСК (ОАЖ) менежери, иқтисод фанлари номзоди.

### **Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги суғуртасидаги муаммолар ва уларнинг ечими**

Дунё амалиётида қишлоқ хўжалик суғуртаси қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларини турли қалтисликлардан, кўзда тутилмаган харажатлардан ҳимоя қилувчи энг асосий кафолат ҳисобланади. Бу билан мамлакат иқтисодиёти аграр секторининг барқарорлиги ва экспорт қилинувчи маҳсулотлар ишончилиги таъминланади, пировард натижада миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аграр секторда хўжалик юритишнинг турли мулкчиликка асосланган янги кўринишдаги шакллари вужудга келиши яъни бугунги кунда хўжалик юритишнинг истиқболли шакли деб тан олинган фермер ва деҳқон хўжаликларининг ташкил этилиши соҳада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг ўз самарасини бераётганлиги ва ишлаб чиқаришга кенг жорий этилаётганлиги ижобий натижаларга сабаб бўлмоқда. Лекин, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқлим шароитлари билан кескин боғлиқлиги боис, турли табиий офатлар натижасида минглаб фермер хўжаликлари молиявий фаолиятини зарар билан яқунламоқдалар.

Ўтган 2011 йилда пахта етиштириш бўйича давлат буюртмасини 3800 та фермер хўжаликлари томонидан бажарилмаслиги натижасида жами 120 млрд. сўмлик пахта хом ашёси етказиб берилмаган бўлса, 1500 га яқин фермер хўжаликлари томонидан шартнома режаларини

<sup>7</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалти-ришдир/И.А. Каримов.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – б. 57.

бажарилмаслиги натижасида 18 млрд. сўмлик ғалла етказиб берилмаган. Бунинг натижасида фермер хўжаликлари ҳамда давлат бюджети катта миқдорда зарар кўрди.

Шартнома режаларининг бажарилмаслиги сабабларини таҳлил қилиб кўрилганда аксарияти форс мажор ҳолати яъни содир бўлган табиий офатлар натижасида экинлар ҳосилига зарар етказилганлиги аниқланган.

Ушбу зарарларни қопланишининг ёки камайтиришнинг энг мақбул йўлларида бири қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларидан суғурта қилиш механизмини жорий қилишдир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бевосита табиий иқлим шароитлари билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ хўжалиги суғуртаси ҳам бошқа суғурта турларига нисбатан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради ва ўзига хос ёндошувни талаб қилади. Жумладан:

- қишлоқ хўжалигида рискларнинг ва зарарлиликнинг юқорилиги;
- юқори даражада тарқоқлик ва потенциал суғурта қилдирувчилар сонининг кўплиги;
- минтақаларнинг ўзига хослиги ва локаллик;
- рискларни баҳолаш даражасини ўта мураккаблиги;
- маънавий хатарнинг ўсиши;
- қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича кадрларни махсус тайёргарлигининг зарурияти.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини суғурта қилиш қуйидаги табиий офатлар: кучли шамол, бўрон, дўл, кучли ёмғир (жала), ёнғин, яшин уриши, қурғоқчилик ва гармсел, тупроқдаги қатқалоқлик, тупроқнинг ўта намлиги, кучли қор ёғиши, қора совуқ, ҳавонинг паст ҳарорати, сув сатҳининг паст ва баланд бўлиши; сув босиши, зараркундалар, экинлар касалликлари ва бошқалар табиий офатлар натижасида кам ҳосил олиниши ёки бутунлай нобуд бўлиши натижасида кўриладиган молиявий зарарлар бўйича суғурта жавобгарлиги олиб борилади.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини суғурталаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, уни мамлакатимиз шароитига мос равишда тадбиқ қилиниши ушбу соҳадаги ислохотларнинг асосий марказида бўлиши лозим.

Японияда қишлоқ хўжалиги суғуртаси тизими Япониянинг қишлоқ хўжалиги учун ноқулай бўлган иқлимни ҳисобга олган ҳолда, давлатнинг озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш ва фермерларнинг даромадларини қўллаб қувватлаш мақсадида шакллантирилган, давлат фермерлар режалаштирган даромадини 70-90 фоизгача кафолатлаш учун бюджетдан суғурта бадалини 50 фоизи миқдорида маблағни суғурта компаниясига ўтказиб беради, йил якуни бўйича зарар суғурта компаниясида тўпланган маблағдан ошиб кетса ортган қисми бюджет ҳисобидан қопланади.

Россияда давлат томонидан ҳосилни 65-80 фоизгача бўлган қисмини суғурталаш учун суғурта бадалининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қопланади. Шунга ўхшаш дастурлар Испания, Франция, Германия, АҚШ, Канада, Исроил, Хитой, Бразилия, Ҳиндистон ва бошқа бир қатор ривожланган ва ривожланаётган жами 40 зиёд мамлакатларда турли шаклларда қўлланилиб келинмоқда.

Хориж тажрибасининг таҳлиллари шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалик суғуртасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бир томондан рентабеллиги паст бўлган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни молиявий қалтисликдан ҳимояласа, иккинчи томондан қишлоқ хўжалик корхоналарини бирор бир йўналиш бўйича ихтисослашувини кучайтириб ялпи маҳсулотни ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали молиялаштириш бўйича суғурта тизимини ўрнини ва уни ишлатиш механизмини мукамал ишлаб чиқмасак, фермер хўжаликларга хизмат курсатувчи ташкилотлар ва молиявий муассасалар билан ҳисоб-китоб тизимида вақти-вақти билан узилишлар пайдо бўлиши натижасида, молия корхоналари қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштиришдан ўзларини четлаштиришга ҳаракат қилишади. Шу сабабдан, қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизими мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги Давлат сиёсатининг эътиборли йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.



Бу борада фермер хўжаликларига кўрсатилаётган суғурта хизматлари кўламини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай Республикамизда фаолият кўрсатаётган 60 мингдан ортиқ фермер хўжаликларини, уларнинг балансидаги 1150 мингга яқин қишлоқ хўжалиги техникаларини ва 1,5 млн га яқин ишчи ва ходимларини суғурта ҳимоясини таъминлаш борасида бир қатор муаммолар мавжуд. Шу кунгача мавжуд фермер хўжаликларини 37 фоизигина суғурта ҳимояси билан таъминланган ҳолос.

Ушбу муаммоларни бартараф этишда бир қатор муҳим тадбирларни амалга оширишни ва устивор йўналишларни белгилаб олишни тақозо этади. Жумладан:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларда суғурта маданиятини шакллантириш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарига кўрсатилаётган суғурта хизматлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарини суғурта ҳимояси билан таъминлашда молиявий (давлат ва хусусий секторлар миқёсида) манбаларни шакллантириш;
- қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича суғурта захираларини узлуксиз ва мумкин қадар нуқлои даражада кўпайтириб боришни таъминлаш;
- хорижий давлатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалик корхоналарига суғурта мукофотларини қисман тўлаш учун давлат томонидан маблағ ажратиш;
- давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш жараёнида қишлоқ хўжалик корхоналари билан тузилган суғурта шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта мукофотларини тўлаш учун маблағлар ажратиш тизимини яратиш.

Маълумки, фермер хўжаликларига кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтиришда ҳамда кўрилган зарараларни ўз вақтида қоплаб берилишида Компаниянинг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.


Фермер хўжаликларига кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш ҳамда кўрилган зарараларни ўз вақтида қоплаб беришда компаниянинг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 5 июлда қабул қилинган ПҚ 1783- сонли “Ўзагросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компаниясининг капитализация даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори янги имкониятлар эшигини очмоқда.

#### **Ч.МУРОДОВ,**

Институт прогнозирования и макроэкономических исследований, д.э.н., г.н.с.

### **Модернизация сельского хозяйства - источник устойчивого развития отрасли**

Сельское хозяйство как одна из наиболее крупных отраслей является одним из приоритетных направлений экономики Узбекистана. Следует отметить, что удельный вес сельского хозяйства в ВВП постепенно сокращается. За 2000 –2011 годы доля сельского хозяйства в ВВП страны при устойчивом росте абсолютных объемов производства снизилась с 30,1 до 17,6%. По этому индикатору национальная экономика приближается к структуре экономик динамично развивающихся стран мира, где аграрное производство в структуре ВВП не превышает 10%. А также доля занятых в сельском хозяйстве в общей объеме занятости имеет тенденцию к сокращению за счёт оттока в другие сферы экономики. В 2011 году в сельском хозяйстве Узбекистана было занято 3041,7 тыс. человек или 25,5% от общего числа занятых в экономике (Рис.1.).




Источник: Государственный комитет РУз по статистике.

**Рис. 1. Изменение вклада сельского хозяйства в экономику**

Реформы в сфере аграрной политики привели к существенным позитивным изменениям в сельскохозяйственном производстве – росту объемов производства, повышению урожайности сельскохозяйственных культур и продуктивности животноводства.

Посевные площади за период 1991-2011 гг. уменьшились почти на 600 тыс. га. Это связано с ухудшением мелиоративного состояния почв и вынужденным их выводом из сельскохозяйственного производства. В структуре посевных площадей сельскохозяйственных культур произошли существенные изменения. За счет сокращения посевных площадей под хлопчатник и кормовые культуры, доля посевных площадей под картофель и овощебахчевые увеличилась с 7,0% в 1991 г. до 8,2% в 2011 г., а под зерновые культуры с 25,7% до 44,6% (рис.2).



**Рис. 2. Структура посевных площадей сельскохозяйственных культур, (в %)**

Постепенное сокращение посевных площадей хлопчатника и размещение на этих площадях зерновых, овощных, бахчевых культур, картофеля, кормовых культур дало возможность недопущения дефицита и повышения цен на продовольственные товары в условиях мирового финансового кризиса.

Вместе с тем, имеются нерешенные проблемы и диспропорции в развитии аграрного сектора:

- действующие законодательные акты недостаточно стимулируют создание структуры по самоуправлению фермерскими хозяйствами и поддержки их деятельности, в основном они ориентированы на увеличение производства, отодвигая на второй план вопросы реализации и экспорта сельскохозяйственной продукции. Кроме того, отсутствует единый базовый закон, регулирующий все основные направления развития отрасли;

- несмотря на применяемые меры по оптимизации (укрупнению) размеров фермерских хозяйств, остается проблема раздробленности земельных участков, что не позволяет осуществлять научно-обоснованные севообороты, направленные на получение высоких урожаев, накапливать

достаточные средства на покупку и использование современной, мощной и в то же время экономичной техники;

- остро стоит проблема закупочных цен на сельскохозяйственную продукцию. Закупочные цены на сельскохозяйственную продукцию довольно низкие по сравнению с растущей себестоимостью. Главной причиной роста себестоимости является диспаритет цен на горючее и удобрения;

- предоставляемые банками кредиты являются важным подспорьем в создании и реализации фермерами бизнес-планов, приобретении ими современной техники и технологий. Но фермеры не очень охотно пользуются услугами банков, т.к. проценты, несмотря на предоставляемые льготы, достаточно велики, учитывая их финансовое состояние. Существуют трудности получения кредита из-за отсутствия у многих залогового обеспечения и т.д.;

- сложившаяся не вполне по рыночным законам специализация районов, неустойчивое состояние отрасли в плане эффективности производства отдельных видов культур требует совершенствования структуры посевных площадей с учетом качественных характеристик земельно-водных ресурсов, агроклиматических условий и экономической эффективности размещения сельхозкультур.

- объемов производства продукции животноводства (несмотря на устойчивый темп роста отрасли) не достаточно для удовлетворения потребностей населения согласно рациональным нормам потребления;

- недостаточное производство кормов для интенсивного развития животноводства;

- отсутствие стабильного и долгосрочного партнерства с поставщиками сырья и переработчиками, а также покупателями на внутреннем и внешнем рынках;

- недостаточное развитие инфраструктуры по заготовке и хранению сельскохозяйственной продукции;

- зависимость республики от водных ресурсов сопредельных государств;

- ограниченная емкость и рассредоточенность внутреннего рынка, низкая покупательская способность традиционных рынков сбыта стран СНГ.

Для эффективного использования земельно-водных, трудовых и других ресурсов в сельском хозяйстве необходима разработка реализации стратегии структурных сдвигов дальнейшего углубления реформ и либерализации аграрного сектора, развития институциональных преобразований, а также модернизации отрасли.

Прежде всего приняты Программы мер по развитию, укреплению и поддержке материально-технической базы хранения плодоовощной продукции на 2011-2015 годы и Программа дальнейшей модернизации, технического и технологического перевооружения сельскохозяйственного производства на 2012-2016 годы имеют огромное значение.

В рамках Программы дальнейшей модернизации, технического и технологического перевооружения сельскохозяйственного производства на 2012-2016 годы отечественными предприятиями по заказу представителей аграрного сектора будет произведено оборудования и техники 88 наименований. Несомненно, оно будет способствовать дальнейшему повышению эффективности и производительности труда в сельском хозяйстве и переработки продукции отрасли, насыщению рынка высококачественной импортозамещающей продукцией и увеличению объемов экспорта готовой сельскохозяйственной продукции.

В дальнейшем обеспечение устойчивого развития аграрного сектора и увеличения агроресурсного потенциала и агропродовольственного обеспечения непосредственно необходимо осуществлять за счет внедрения достижений НТП, существенного повышения эффективности агропроизводства и переработки сельскохозяйственной продукции.

В этих условиях необходимо рационально использовать резервы и новых источников роста аграрного сектора и, прежде всего за счет:

- оптимизации структуры посевных площадей;

- региональной специализации сельского хозяйства;

-дальнейшего улучшения мелиоративного состояния земель сельскохозяйственного назначения;

-создания и внедрения новых способов рационального водопользования на основе капельного орошения и реконструкции оросительной сети;

-выведения новых высокоурожайных, вредители- и болезнестойчивых сортов в растениеводстве и новых высокопродуктивных пород в животноводстве;

освоения и внедрения интенсивных методов в растениеводстве и животноводстве скота;

- дальнейшей модернизации сельскохозяйственного производства.

Как показывает практический опыт повышение эффективности и устойчивого роста сельскохозяйственного производства определяется с одной стороны масштабами использования достижений научно-технического прогресса, действенным использованием агропроизводственного потенциала, внедрением новых способов выращивания сельскохозяйственных культур и водосберегающих технологий и с другой стороны, проводимыми институциональными преобразованиями - развитием фермерского хозяйства, либерализацией аграрного сектора.

В современных условиях приоритетной задачей аграрной политики государства является модернизация, инновационно-технологическое перевооружение и обеспечение устойчивого развития производства продовольственных культур с учетом роста внутреннего спроса и конъюнктуры внешнего рынка.

**При этом основными направлениями модернизации сельского хозяйства на среднесрочный период должна быть:**

-дальнейшее развитие сельскохозяйственного производства и внедрение новых передовых агротехнологий возделывания сельскохозяйственных культур;

-модернизация и дальнейшее развитие животноводства;

-дальнейшее оснащение сельского хозяйства новой современной высокопроизводительной и ресурсосберегающей техникой;

-модернизация, техническое и технологическое обновление производства и переработки сельскохозяйственной продукции;

-повышение эффективности ирригационно-мелиоративных работ и плодородия почв;

-дальнейшее совершенствование системы обеспечения высококвалифицированными кадрами организаций и предприятий сельскохозяйственного производства.

**Для реализации этих направлений необходимо:**

-внедрение инновационных технологий, обеспечивающих рациональное, эффективное и экономичное использование земельных, водных и трудовых ресурсов, а также привлечение внутренних и внешних инвестиций в аграрный сектор;

-использование современных систем орошения и энергосберегающих технологий;

-внедрение современных агротехнологий и повышение продуктивности сельскохозяйственного производства;

-освоение селекционно-генетических достижений. Целесообразно использовать зарубежные селекционно-генетические достижения в тех секторах производства, где имеющийся отечественный продукт не обеспечивает требуемых показателей. Это главный фактор технологического реформирования отрасли. Он включает в себя переоснащение сельхозтоваропроизводителей новым поколением сортов растений и пород животных;

-трансферт передовых технологий разведения крупного и мелкого рогатого скота, птиц;

-развитие кормовой базы на основе производства высокобелковых культур;

-обеспечение устойчивого развития высокотоварных и высоколиквидных продовольственных отраслей – модернизация садоводства, овощеводства, бахчеводства, рыбного хозяйства и мясомолочной промышленности на основе их технического и технологического перевооружения;

-модернизация системы водообеспечения и водопользования в сельском хозяйстве с учетом региональной и территориальной специализации производства;

-поэтапная оптимизация размеров аграрного производства на основе формирования рациональной специализации и концентрации производительных сил аграрного сектора в природных зонах наибольшего благоприятствования;

-качественное обновление парка сельскохозяйственной техники высокопроизводительными тракторами, зерноуборочными комбайнами и транспортной техникой на базе укрепления всестороннего сотрудничества с передовыми зарубежными компаниями;

-развитие лизинговой системы;

-развитие системы консультационного обслуживания сельхозтоваро-производителей;

-расширение масштабов научно-практических исследований в аграрном секторе, совершенствование экономических механизмов и увеличение финансовой поддержки научно-исследовательских процессов и внедрения агроинноваций;

-развитие сельской производственной и социальной инфраструктуры.

Осуществление мер по вышеназванным приоритетам создаст необходимую почву для обеспечения стабильного развития экономики, укрепления продовольственной безопасности страны.

**Х.Я.СААТОВА,**

ПМТИ, и.ф.н., к.и.х.

### **Фермер хўжаликларида агроинновациялардан фойдаланиш**

Аграр тармокнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун етарли даражада мустақкам ресурслар базаси мавжудлиги ва ҳуқуқий, иқтисодий-ташқилий ҳамда институционал асослар яратилгани натижасида мамлакатимизда дон, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. Авваламбор, мамлакатимиз аграр тармоғининг ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли сифатида фермер хўжаликларини устувор ривожлантирилиши, моддий-техника ва молияликий таъминлаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилиб, агроинновацияларни кенг жорий этиш уларни муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун кафолат ва асос бўлиб хизмат қилди.

Ваҳоланки, озик-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамиша юқори бўлиб, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боришидан келиб чиққан ҳолда, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг кўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустақкам хомашё базасини ташкил этишга устиворлик берилиши ва бундай ишлаб чиқариш қувватлари ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо этилиши нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ялпи ички маҳсулотни ошириш, авваламбор, озик-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради.

Аграр тармокни янада барқарор ва рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқиши учун таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам фермер хўжалиги фаолиятини ривожлантириш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишда агроинновациялар қўллаш орқали қуйидаги чора-тадбирларини амалга ошириш бугунги кунда энг долзарб масалалардан ҳисобланади:

-бозор нархлари конъюктураси талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш тадбирларини жорий этиш, агротехнологик жараёнларни рационализациялаш ҳисобига маҳсулот таннархини арзонлаштириш;

- фермер хўжаликларида ходимлар томонидан маҳсулот таннархини камайтириш, унинг рақобатбардошлигини ҳамда ташқи ва ички бозорда сотиш ҳажмини оширишдаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш ;

-мавсум давомида маҳсулот етиштирувчилардан шартнома асосида сифатли маҳсулотларни қабул қилиш, уларни тозалаш, сархиллаш, қолиплаш ва ўз муддатларида экспортга жўнатиш ишларини ташкил қилиш;

Қишлоқ, хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш учун:

- аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан арзон нархларда ва узлуксиз равишда таъминлашни ташкил этиш мақсадида маҳаллий хокимликларқошида мева-сабзавот ҳамда узум маҳсулотлари ва картошкани фермер хўжаликларидан мақбул нархларда сотиб оладиган, сақлайдиган, ташийдиган, ички истеъмол бозорларига реализация қиладиган, экспортини амалга оширадиган ҳамда молиялаштирадиган ихтисослашган компаниялар ташкил қилиш ва уларни етарли миқдордаги айланма маблағлар ҳамда зарур моддний-техника базаси билан таъминлашни ташкилий чоралари ишлаб чиқиш;

- бугунги кунда жаҳон миқёсида кузатилаётган озиқ-овқат муаммоси салбий оқибатларининг олдини олиш учун қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни оптималлаштириш, илм-фан тавсияларидан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда ер майдонлари мақбуллаштирилган фермер хўжаликлари бўйича 2009 йил ҳосили учун қишлоқ, хўжалик экинларини жойлаштириш ҳамда уларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;

- республикадаги мавжуд барча тоифа хўжаликларида қорамоллар бош сонини кўпайтиришнинг ташкилий чораларини ишлаб чиқиш;

- сув танқислигининг етиштирилаётган ҳосилга салбий таъсирини юмшатишга қаратилган техник-муҳандислик тадбирлари ва сув ресурсларининг тежамкор агротехнологияларини ишлаб чиқиш;

- хорижий инвестициялар ҳисобига қишлоқ хўжалик экинларини томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш;

- мавжуд қайта ишлаш корхоналари ва агрофирмалар томонидан сотиб олинган мева-сабзавот маҳсулотлари учун бунак маблағлари бериш ва кейин сотиб олинган маҳсулотлар учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш мақсадида узлуксиз нақд пул бериб боришнинг механизмини такомиллаштириш ва мунтазам мониторингини юритиш;

- сабзавот, полиз ва картошка экинларини фермер, деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа бўйича асосий, ёш боғ-узумзорлар оралиғига эрта ва ўрта муддатларда етиштирилиши бўйича такрорий майдонларга жойлаштириш;

- фермер хўжаликлари бўйича мева-сабзавот экинлари етиштириш учун урғлик, кўчатлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва минерал ўғитлар билан таъминлаш;

- деҳқон хўжаликлари томорқаларида экиладиган экинлар турлари ва майдонларини аниқлаш ҳамда уруғликка, кўчатларга, ёнилғи мойлаш маҳсулотларига ва минерал ўғитларга бўлган талабини қондириш тизимини ривожлантириш;

-сабзавот-полиз экинлари картошканинг серхосил, касаллик ҳамда турли шароитларига бўлган янги навлари ва биринчи дурагайларини яратиш;

-чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ер майдонларида давлат буюртмаси учун маҳсулот етиштириш бўйича пахта ва бошоқли дон экинлари жойлаштирилмаслиги ҳисобига озуқа майдонлари кўпайиши ҳамда оралик ва такрорий экин майдонларини кўпайтирилиши ҳисобига озуқа бирлиги, гўшт ва сут ишлаб чиқариш миқдорини ошириш;

-ташкил этилган паррандачилик фермер хўжаликлари ва фабрикалари ер майдонларида озуқа экинлари етиштириш имконияти кенгайганлиги ҳисобига парранда гўшти ва тухум етиштириш ҳажмини кўпайтириш.

Фермер хўжаликлари фаолиятини барқарор ривожлантиришда қуйидаги тадбирларга устуворлик берилиши мақсадга мувофиқдир:

- бозор нархлари конъюнктурасн талабларидан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва тежашнинг аниқ тадбирларини жорий этиш;

- фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари ишини янада ривожлантириш;

- аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосий турлари билан арзон нархларда ва узлуксиз равишда таъминлашни ташкил этиш мақсадида маҳаллий хокимликлар қошида мева-сабзавот ҳамда узум маҳсулотлари ва картошкани фермер хўжаликларидан мақбул нархларда сотиб оладиган, сақлайдиган, ташийдиган, ички истеъмол бозорларига реализация қиладиган, экспортини амалга оширадиган ҳамда молиялаштирадиган ихтисослашган компаниялар ташкил қилиш;

- бугунги кунда жаҳон миқёсида кузатилаётган озиқ-овқат муаммоси салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришдаги оптимизациялаш, илм-фан тавсияларидан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш пировардида фермер хўжаликларини барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

## **Д.Н.ИЛЬИНА**

Института прогнозирования и макроэкономических исследований, .м.н.с.

### **Опыт диверсификации производства сельскохозяйственных культур на Тайване и рекомендации для её дальнейшего проведения в Узбекистане**

Диверсификация производства сельскохозяйственных культур является одной из эффективных мер, направленной, с одной стороны на расширение продуктового разнообразия и с другой стороны на ориентацию производства сельскохозяйственных культур наиболее прибыльных видов. Благодаря этой мере многие успешно развивающиеся страны смогли обеспечить повышение конкурентоспособности своего сельского хозяйства и укрепить завоеванные позиции на внутреннем, региональных и мировом рынках.

Развивающиеся страны сталкиваются как со сложной задачей развития нового экономического режима, так и проблемами роста населения, безработицы и бедности, снижения инвестиций в сектор сельского хозяйства и деградации природных ресурсов.

Диверсификация сельского хозяйства может помочь преодолеть следующие проблемы перераспределения:

- 1) обеспечение продовольственной безопасности;
- 2) создание рабочих мест и сокращение бедности
- 3) сохранение природных ресурсов.

С высоким экономическим ростом и ростом численности населения, структура питания в развивающихся странах быстро меняется. Продовольственная корзина диверсифицируется в пользу продукции животноводства, фруктов и овощей. В соответствии с этими потребностями, структура посевов меняется в пользу более коммерческих культур и от низкоэластичных к высокоэластичным товарам. Тем не менее, проведение дополнительной диверсификации посевных площадей является серьезной проблемой, когда ресурсы ограничены, и деградируют. Чтобы выполнить эту задачу, производственная стратегия должна заключаться в содействии диверсификации производственной системы без ущерба обеспечению продовольственной безопасности. Сохранение природных ресурсов, в условиях коммерциализации, является наиболее сложной задачей. В прошлом, опыт показал, что более высокий рост сельского хозяйства достигается за счёт чрезмерной эксплуатации и деградации природных ресурсов. Снижение уровня грунтовых вод и увеличение засоленности почв, заболачивание и эрозия почвы - стали

острыми проблемами во многих сельскохозяйственных системах развивающихся стран. Большинство из этих проблем возникло из-за концентрации усилий на производство коммерческих культур, в основном зерновых. Диверсификация сельского хозяйства может сыграть ключевую роль в преодолении этих проблем. Для содействия диверсификации сельского хозяйства должна быть разработана стратегия, базирующаяся на принципах пяти **I**:

- 1) Incentives (стимулирование);
- 2) Innovations (инновации);
- 3) Inputs (ресурсы для производства);
- 4) Institutions (институты);
- 5) Infrastructure (инфраструктура).

Рассмотрим пример Тайваня, проводившего политику диверсификации сельского хозяйства и добившегося определённых результатов (таблица 1). Быстрое развитие и модернизация сельского хозяйства на Тайване началось с 1950-х годов и отрасль вскоре стала интенсивно развивающейся и коммерческой.

Вопрос диверсификации структуры посевных площадей имеет стратегическое значение и для развития сельского хозяйства Узбекистана в условиях дефицита водных ресурсов, неблагоприятного мелиоративного состояния земель и растущего спроса со стороны населения на продовольственную продукцию.

С помощью дальнейшей диверсификации структуры посевных площадей возможно достичь положительного эффекта на устойчивость земледелия, более высокой эффективности использования ресурсов, снижения риска в агробизнесе, улучшения обеспеченности продовольствием и сельского благосостояния, а также увеличения экспортного потенциала аграрного сектора. Для этого, исходя из опыта Тайваня и имеющегося ресурсного потенциала, необходимо: осуществить структурные преобразования посевных площадей в направлении уменьшения доли хлопка и зерновых культур (до 72 %<sup>8</sup> к 2015г.). На высвобожденных площадях рекомендуется осуществлять производство плодоовощных, бахчевых, кормовых и нетрадиционных (масличных) культур; разработка руководства для фермеров по производству культур с сравнительными преимуществами; развитие кормопроизводства, организация семеноводства кормовых культур, увеличение к 2015 году площади под кормовые культуры по сравнению с 2010 годом на 90 тысяч гектар.

В Узбекистане имеется большой потенциал для диверсификации производства сельскохозяйственных культур. Политика государства должна продвигать диверсификацию для улучшения благосостояния, устойчивости и прибыльности сельского хозяйства и обеспечения населения продовольствием. Необходимо, чтобы продвижение диверсификации было систематичным, а принимаемые меры были эффективными и стабильными. Разработка программ и/или проектов в разрезе культур и областей могла бы быть хорошим инструментом для повышения уровня диверсификации в растениеводстве и реализации экспортного потенциала сельского хозяйства.

**Таблица 1**

**Диверсификация сельскохозяйственного производства на Тайване**

Основные причины для диверсификации	Сельскохозяйственное производство до реформ	Период политики диверсификации	Принятые программы	Меры	Результаты
В стране одна из самых высоких плотностей населения мира (22 млн. человек и общая площадь всего 36000	Преобладающие мелкие хозяйства (до 1га) были причиной низкой производительности труда в сельском хозяйстве Тайваня	с 1950гг. – 2001г.	Программа Диверсификации культур I (1984-1989гг.) Программа Диверсификации культур II (1990-1997гг.) Программа	Субсидирование фермеров, переходящих с выращивания риса на производство других культур  регулирование производства сельскохозяйственных культур; улучшение сельскохозяйственного	В период 1985-1999 гг. рисовые поля уменьшились на 47080 га, доля производства риса в общем объеме производства сельскохозяйственных культур снизилась с

<sup>8</sup> Расчёты автора на основе модели оптимизации посевных площадей



<p>км<sup>2</sup>). Ощущалась острая нехватка продовольствия для внутреннего потребления и низкая занятость в густонаселённых сельских общинах.</p>	<p>Высокая доля риса в общей посевной площади</p>		<p>совершенствования структуры сельскохозяйственного производства и повышения доходов в сельском хозяйстве (1985-90гг.)</p> <p>Комплексная программа перестройки сельскохозяйственного производства (1991-97гг.)</p> <p>Программа развития сельского хозяйства «через века» (1997-2001гг.)</p>	<p>маркетинга укрепление сельскохозяйственных исследований и их внедрения развитие страхования урожая</p> <p>внедрение пенсий для фермеров меры по сохранению природных ресурсов и охраны экосистемы Структурная реформа отрасли для повышения конкурентоспособности производства фруктов, рыбы, мяса птицы, свинины, молока и говядины. Разработка руководства для фермеров по производству основных культур с сравнительными преимуществами Создание национального бренда сельскохозяйственной продукции с высоким качеством Совершенствование производства и маркетинга Развитие сельскохозяйственных технологий Развитие автоматизации и использования информационных технологий в сельском хозяйстве</p>	<p>58,7 % в 1952 г. до 21,6 % в 1999 г. Производство овощей на душу населения увеличилось с 38кг в 1945 г. до 147 кг в 2000 г. Быстрый рост механизации труда в отрасли Возросла доля животноводства (с 15,8% в 1952г. до 29,6% в 2000г.) и рыбоводства(с 9,1% в 1952г. до 24,9% в 2000г.) в валовой продукции Площадь под выращивание цветов увеличилась с 2400 га в 1984г. до 10848 га в 1999 г. Экспорт сельхозпродукции в большей части приходится на переработанную продукцию Улучшилась эффективность сельскохозяйственного производства и маркетинга</p>
---	---	--	--	---	---

**Источник:** составлено автором на основе материалов доклада Asian Productivity Organization «Agricultural Diversification And International Competitiveness» Tokyo 2004.

**Э.И.ГАЗИЯНЦ.**

УзНИИРР, зав. Отделом, к.э.н.

### **Сельский рынок труда: реальность и перспективы**

Экономическая реформа, проводимая в аграрном секторе страны, в корне изменила не только формы хозяйствования, собственности, структуру посевных площадей, взаимоотношения между субъектами агропромышленного комплекса и трудовые отношения, но и ситуацию на рынке труда определяющей материальное и социальное положение экономически активной части трудовых ресурсов села, особенно, сельской молодёжи. Более того, в условиях либерализации экономики формирование рынка труда не может и не должно происходить стихийно, или инертно как это происходит в настоящее время, а должно регулироваться государством на основе комплекса процессов в области занятости населения. Вот почему в докладе Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова на заседании правительства по итогам социально-экономического развития страны в 2010 году и важнейшим приоритетам на 2011 год указал: «... Нашей первостепенной задачей, с учетом специфических демографических условий, и получившей ещё большую актуальность и значимость в условиях разразившегося мирового финансово-экономического кризиса, является обеспечение занятости трудоспособного населения, прежде всего молодёжи...» и далее «...Министерству сельского и водного хозяйства необходимо самым серьёзным образом заняться ... внедрением современных агротехнологий, разработать комплекс конкретных мер по ... повышению продуктивности сельскохозяйственного производства...»<sup>9</sup>.

<sup>9</sup> Экономико-правовая газета «Норма», №3, 25 января 2011 г. с. 2-3.

Основными причинами такого положения является то, что из-за неразвитости сельской инфраструктуры и неразвитости подсобных производств и промыслов коренное население, склонное к ручному малоквалифицированному труду, продолжает трудиться в сельском хозяйстве, хотя и это связано со снижением их реальных доходов. И поэтому в сельском и лесном хозяйстве занято около 30% трудоспособного населения, против 2-3% - в экономически развитых странах.

В результате определилась закономерность, чем выше трудообеспеченность региона, тем выше уровень использования работников на самых не престижных, немеханизированных производственных процессах. И особенно это актуально в фермерских хозяйствах: руководителю фермерского хозяйства выгодно иметь дешевую рабочую силу, не заботиться о модернизации производства. И сами работники не предъявляют высоких требований к условиям труда и его оплаты. Несмотря на то, что процесс миграции сельского населения не снижает темпы, даже при этих условиях сразу же найдутся претенденты на их рабочие места. В совокупности это представляет скрытую форму безработицы, сдерживая эффективность сельскохозяйственного производства, мотивацию роста квалификации работников и их конкурентоспособность на рынке труда.

В связи с чем, решение проблемы занятости за счет повышения конкурентоспособности сельских трудовых ресурсов в условиях высокой демографической ситуации, ограниченности земельно-водных ресурсов и сфер приложения труда является весьма актуальным и в будущем. При этом, комплектный подход в решении накопившихся проблем должен являться приоритетом, учитывая, одновременно, необходимость перехода от одного технологического уклада к другому посредством закономерной смены фаз развития человека (работника): в начале воспроизводство простой способности к труду, затем – воспроизводство рабочей силы, а на последующих фазах – воспроизводство творческой деятельности.

В связи с чем, вопросы повышения мобильности трудовых ресурсов по адаптации к новым условиям модернизированного производства, оптимального их перераспределения по всем отраслям материального и нематериального производства с одновременным реформированием системы профессионального образования на селе и увеличением масштабов строительства и ввода жилья, объектов социальной инфраструктуры должны сжать определяющими в деятельности региональных органов управления сельских территорий. В совокупности это позволит обеспечить сельский рынок труда полноценным трудовым потенциалом села, основанный на оптимальные параметры его воспроизводства, и сформировать достаточно многочисленные разнообразные и востребованные рынком высокодоходные рабочие места, включая занятых в сельском, рыбном и лесном хозяйстве, пищевой, перерабатывающей промышленности, в сферах хранения и транспортировки сельскохозяйственной продукции, сельском строительстве, бытового и информационного обслуживания и т.п. Такая модель трансформации занятости позволит обеспечить не только подъем экономики сельских регионов, резко увеличить доходы сельского населения, но и даст возможность для перехода от существующей многоотраслевой (аграрной) к полифункциональной структуре рабочих мест, в которой наиболее полно может быть реализован сельский трудовой потенциал.

**Т.Э.МАДАЛИЕВ**

Тошкент молия институти тадқиқотчиси

### **Қишлоқ аҳолисининг банк хизматларидан фойдаланиш даражасини ошириш йўллари**

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлилигини ошириш йўлида молиявий хизматлар бозорида тижорат банклари фаол иштирок этиб келишмоқда. Улар томонидан корпоратив ва жисмоний шахсларга турли хилдаги хизматлар кўрсатилмоқда. Айниқса, сўнги йилларда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, уларга қулай шароитларни яратиш

мақсадида юртимиз қишлоқларида намунали уй-жойлар қурилиб, улар тижорат банклари томонидан минимал фоиз ставкада узоқ муддатли кредит сифатида аҳолига тақдим этилмоқда. Жумладан, қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштириш бўйича “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. 2011 йилда мазкур банк томонидан намунавий лойиҳалар бўйича 7400 та яқка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштиришга жами 573,4 млрд. сўмлик маблағлар йўналтирилди. Ушбу маблағларнинг 208,4 млрд. сўми мижозларнинг бадаллари ва 365,0 млрд. сўми банк кредитлари ҳиссасига тўғри келади. Мазкур кредитлар банклар томонидан имтиёзли равишда 15 йил муддатга минимал, яъни 7 фоизли ставкада ажратилмоқда<sup>10</sup>. Натижада, чекка ҳудудлардаги аҳоли нафақат қулай ва шинам уй-жой билан, балки арзон кредитлардан фойдаланиш имкониятига ҳам эга бўлди. Бир пайтнинг ўзида қишлоқ жойлардаги аҳолининг биргина кредит эмас, балки банкнинг бошқа турдаги хизматларига бўлган қизиқишини ҳамда уларнинг хизматлардан фойдаланиш даражасини оширишга ҳам муҳим масала сифатида қараш лозим. Чунки, туман ва қишлоқлардаги аҳоли, корхона ва ташкилотлар даромади, шарт-шароити, банк хизматларидан фойдаланиш даражаси каби жиҳатлари билан шаҳарларда жойлашган банкларнинг мижозларидан фарқ қилади. Шунингдек, қишлоқлар билан банк филиали ўртасидаги узоқ масофа аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжини янада оширади.

Маълумки, банклараро рақобат шароитида мижоз қайси хизматга эҳтиёж сезмасин, у ўзи учун қулай бўлган нархларни тақлиф этаётган банкни танлайди. Лекин қишлоқ жойларидаги аҳоли учун биринчи навбатда банкнинг узоқ-яқинлиги эътиборга олинади. Шунинг учун, банкларнинг чекка ҳудудлардаги филиаллари ўзларининг мижозлари учун қулай ва арзон нархларда хизмат кўрсатишни ташкил этиши лозим.

Нарх банкларда сумма кўринишида эмас, балки йиллик фоиз ставкаси, тариф ва курс шаклида ўрнатилиши унинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Масалан, нарх – фоиз кўринишида депозит, кредит каби хизматларга; тариф кўринишида воситачилик, траст, мижоз кўрсатмасига биноан қимматли қоғозларни бошқариш ва бошқа шу каби хизматларга; курс кўринишида асосан корпоратив ва юридик шахсларга нақд чет эл валютасини олди-сотди операцияларига қўлланилади. Бизнинг фикримизча, банк хизматларининг нархи шаҳарлар учун алоҳида, туман ва қишлоқ жойлари учун алоҳида, имтиёз ва чегирмаларни белгилаган ҳолда шакллантирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Хизматларга нарх белгилашда бундай ёндошув асосан банкнинг чекка ҳудуддаги филиаллари мижозларини қўллаб-қувватлаш ва уларга имтиёзлар яратиш мақсадида қўлланилади. Бу усул Россия Федерацияси банк тизимида ҳам кенг қўлланилмоқда. Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган акциядорлик-тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” ва “Ҳамкорбанк”ларнинг айрим хизматларининг фоизи ва тарифи шаҳарларда жойлашган филиал мижозлари учун алоҳида, қишлоқ жойларда жойлашган филиал мижозлари учун алоҳида нархда белгиланмоқда.

Юқорилардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, қишлоқ жойлардаги аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш даражасини ошириш учун тижорат банклари қуйидагиларга эътибор беришлари мақсадга мувофиқ бўлади:

- тижорат банкларининг қишлоқ жойлардаги филиаллари мижозлари учун арзон нархларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

- банклар ўзларининг бизнес режалари, хусусан унинг таркибидаги нарх, фоиз ва тариф сиёсатига алоҳида эътибор қаратган ҳолда уни янги раҳда, замон талабларига жавоб берадиган, мижозларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ишлаб чиқиши, шу билан бирга, банк хизматлари нархини қишлоқлардаги мижозларнинг талабини эътиборга олган ҳолда, уларга қулай бўлган тарзда тез-тез ўзгартириб туриш;

- банкларнинг “банк-мижоз”, “интернет-банкнинг” ва “смс-банкнинг” дастурлари асосида кўрсатиладиган хизматларини қишлоқ жойларида оммалаштириш;

---

<sup>10</sup> www.cb.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг интернетдаги расмий сайти маълумотлари.

- янги банк хизмати ва унинг нархи бўйича қишлоқлардаги мижозларнинг хабардорлигини ошириш мақсадида банкларда профессионал даражада маркетинг амалиёти ташкил этиш хусусан, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, бу соҳада хорижий илғор тажрибани кенг жорий этиш ҳамда оммавий ахборот воситалари, маҳалла ва қишлоқлар марказ (ғўзар)ларида рекламани кучайтириш ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсияларни амалиётга тадбиқ этиш, қишлоқ аҳолисининг банк хизматларига бўлган қизиқишларининг ортишига, уларнинг банк хизматларидан фойдаланиш даражасининг ошишига ва банкнинг чекка ҳудудлардаги мижозлари сонининг кўпайишига кўмак беради.

## **Ж.Ч.МУРОДОВ,**

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, мустақил тадқиқотчи

### **Қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини ошириш йўналишлари**

Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш шароитида қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти янада ошиб бормоқда. Ваҳоланки, ижтимоий тараққиётнинг муҳим йўналиши аҳоли бандлиги даражасини ошириш барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

1990-2010 йилларда Ўзбекистонда доимий истиқомат қилаётган аҳоли сони 8,2 миллион кишига кўпайиб, 1,4 баробарга ошган бўлса, ушбу даврда иш билан банд бўлган аҳоли сони 3,7 миллион нафарга ёки 1,5 мартага ошиб, 2010 йил охирига келиб иш билан банд бўлганлар сони 11,6 миллион кишини ташкил этган. 2011 йилда ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида 1 миллионга яқин янги иш ўринлари яратилиб, уларнинг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Ўзбекистон шароитида демографик вазиятнинг ўзига хослиги туфайли аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши, биринчи навбатда - қишлоқ жойларида бандлик муаммосини ҳал этиш долзарб масала ҳисобланади. Чунки, қишлоқ жойларида республика аҳолисининг 48,5 фоизи ва умумий ишчи кучининг 44,5 фоизи истиқомат қилади. Ушбу кўрсаткичларнинг салмоғи тез суръатларда ўсиб бориши аҳолини иш билан оқилона бандлигини таъминлашда бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда. Юзага келган муаммоларни ҳал қилмасдан туриб мамлакат иқтисодиётини янада юксалтириш ва уни барқарор ривожланишини таъминлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: “Ҳеч кимга сир эмас, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари, аввало, демографик жиҳатларига кўра, аҳоли бандлиги масалалари ўзининг долзарблиги ва ўткирлигини сақлаб қолмоқда.”

Шу нуқтаи назардан ҳам, мунтазам равишда янги иш ўринларини ташкил қилиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш нафақат, яқин истиқболда, балки, келажакда ҳам қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатидан қайта жиҳозлашни амалга ошириш жараёнларида қишлоқ жойларида чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этиш ҳамда уларни кенгайтириш; ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига қўшимча иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш алоҳида устувор йўналиш ва энг муҳим шартларидан бири бўлиб қолади.

Авваламбор, бугунги кунда амалга оширилаётган институционал ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган субъектларда ортикча бўлган меҳнат ресурсларини босқичма-босқич ишдан бўшатиш ва бошқа соҳаларга йўналтирилмоқда.

Ушбу жараёнда қишлоқ хўжалигининг тармоқларида меҳнат ресурсларига бўлган талабни меъёр даражасини аниқлаш, тармоқлараро меҳнатни тақсимлашнинг ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ҳудуд бўйича пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик соҳаларида, мева, узум ва картошка етиштиришда талаб қилинадиган оқилона бандлик даражасидаги меҳнат ресурсларини аниқлаш ва шундан келиб чиққан ҳолда ортиқчасини қисқартириш, қишлоқ хўжалик корхоналаридан қисқартирилган ишчиларни бошқа соҳаларга йўналтириш, ишга жойлаштириш, ижтимоий муҳофаза қилиш ва ўқитиш каби масалаларни ҳал этиш талаб этилади.

Бироқ, қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган кенг камровли чора-тадбирлар билан бир қаторда, қишлоқда бандликни ҳисобга олиш ва унинг даражасини аниқлашнинг статистик усуллари ҳамда бандликни статистик прогнозлаш масалалари ва мониторингини кенг йўлга қўйилмаганлиги сабабли, қишлоқ меҳнат бозорини ҳозирги ҳолати борасида аниқ тасаввурга эга бўлиш қийин.

Шунинг учун ҳам, ушбу жараёнлар, бевосита, статистик баҳолашни, хусусан бандлик даражасини баҳолашдаги методологик ёндашувларни ягона асосга келтиришни, статистик ўрганиш услубиётини такомиллаштиришни, маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил этишдаги камчиликлар ҳамда номутаносибликларни бартараф этиш ва шу аснода қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади. Бундан ташқари, қишлоқ меҳнат бозори, бандлик ва ишсизлик ҳолатларини доимий таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш билан шуғулланувчи республика ва ҳудудий бошқарув идораларининг методик кўрсатмалар ва ахборотлар билан таъминлаш бўйича маъсул ташкилотларнинг статистика ахборотларидан тўғри ва унумли фойдаланишлари ҳамда статистика Кўмитаси нинг маҳаллий ташкилотлари билан ўзаро мустаҳкам алоқаларини ривожлантириш зарур.

Хусусан, манфаатдор идоралар ҳудудий меҳнат бозоридаги вазифаларни доимий таҳлил қилиш (мониторинги) ва истиқболни белгилашнинг махсус усуллари ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишлари лозим. Улар асосида Давлат статистика кўмитаси маълумотлари ва унинг ҳудудий идоралари билан ҳамкорликда аҳолининг бандлигини тартибга солиш ва меҳнат бозоридаги кескин вазиятларнинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муаммоларини ҳал қилишлари мумкин. Аҳоли бандлиги ва меҳнат бозорини таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш мазкур ташкилотларнинг ишини такомиллаштиришни талаб этади. Ҳозир нодавлат корхоналари ва ташкилотларида ишчи кучига талаб ва ундан фойдаланиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, меҳнат шароитлари ва иш ҳақи бўйича ишончли ахборотларнинг камчилиги сезилмоқда.

Шу билан бирга мулкчиликнинг турли шаклларидаги ривожланиши, аҳолининг иш билан бандлиги, иш жойларининг ҳаракати ишчи кучига талаб ва таклиф миқдорининг ҳолати, қишлоқ жойларида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш каби масалалар бўйича ҳам статистика тизимини такомиллаштириш лозим. Улар қишлоқ меҳнат бозоридаги ишчи кучи талаби ва унинг таклифи ўртасидаги нисбатни тўғри аниқлаш имконини беради.

Мамлакат иқтисодиётидаги ўзгаришлар қишлоқ меҳнат бозорини ривожланишига ва қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикасида 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (2010 йил 18 ноябрда) ва Сенати (2010 йил 3 декабрда) томонидан тасдиқланган дастури муҳим роль ўйнайди. .

Дастурни амалга ошириш меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган ёшларни, йил давомида алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти қисқариши (тугаши) натижасида бўшатиладиган ходимлар, шунингдек ишга жойлашишга муҳтож бўлган ва талаб қилинадиган малака (касб)га эга бўлмаган шахслар бандлигини таъминлаш имконини беради.

Бугунги кунда қишлоқ жойларда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг камайиши, ишсизликнинг ўсиши, янги иш жойларини кам яратилиши, меҳнат унумдорлигини пасайиши, қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шаклларида вужудга келиши ҳамда иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётган шароитда ишчи кучига талабни ошириш ва уни

таклифини камайтириш бўйича давлат томонидан қишлоқда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган саноат ишлаб чиқаришни, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қуришни ва яратишни жадал ривожлантириш; сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини янги сифат даражасига кўтариш орқали қишлоқ аҳолисини, аввало ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг даромадларини ва турмуш даражасини ошириш қўйидаги йўналишларда амалга оширилмоғи лозим :

- қишлоқ жойларида меҳнат сиғими юқори бўлган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш;
- чорвачилик, паррандачилик комплекслари ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат ва қандолатчиликни минитехнологияларга асосланган кичик корхоналарини ташкил этиш;
- мебель, пойафзал ва тикув цехлари ва маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари цехларини ташкил этиш;
- уй меҳнати (касаначилик), ҳунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантириш;
- янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд қувватларидан унумли фойдаланиш, корхоналарни кенгайтириш;
- қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

Бизнинг фикримизча, юқорида қайд этилган тадбирларни амалга ошириш яқин келажакда ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасида бозор мувозанатига эришиш, пировардида эса, қишлоқ жойларда меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш ва ишсизликни кескин камайтириш ҳисобига қишлоқ аҳолиси фаровонлигининг янада ошишига кенг имкониятлар яратади.

**Қ.А. ЧОРИЕВ,**

ЎзБИИТИ бўлим ва лойиҳа раҳбари, и.ф.д., профессор

**И.Э. РАФИКОВ,**

ЎзБИИТИ бўлим ва лойиҳа раҳбари, и.ф.н., к.и.х.

**Б.К. ТУХЛИЕВ,**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академиясининг  
проректори, и.ф.н., доц.

### **Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш самарадорлигини оширишда инновацияларнинг роли ва аҳамияти**

Мамлакатимизда сиёсий-иқтисодий мустақилликка эришилган йилдан бошлаб агросаноат мажмуи тармоқлари, жумладан қишлоқ хўжалигида олиб борилган инновацион характердаги таркибий-ташкилий ўзгартириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари мазкур муҳим тармоқни ривожлантиришнинг янги сифат босқичини бошлаб берганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Ўтган 20 йилдан охиқ давр мобайнида тармоқда:

*биринчидан*, хусусий секторнинг роли ва улушини ошириш;

*иккинчидан*, хусусий мулкчилик муносабатлари ва шакллари такомиллаштириш;

*учинчидан*, қишлоқда реал мулкдорлар синфини қарор топтириш, уларнинг мулкий ҳақ-ҳуқуқлари ва моддий манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш;

*тўртинчидан*, қишлоқ хўжалик тармоқларининг таркибини мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлиги ва улар билан аҳолини асосан ички ресурслар ҳисобидан таъминлаш нуқтаи назардан такомиллаштириш;

*бешинчидан*, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмаларини босқичма-босқич бекор қилиш (пахта ва дон маҳсулотларига уларни табақалаштириш) асосида товар ишлаб чиқарувчи субъектларга иқтисодий эркинлик бериш ва улар фаолиятини моддий рағбатлантириш;

*олтинчидан*, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик юритиш субъектларига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини шакллантириш ва ривожлантириш;

*еттинчидан*, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тармоққа кўрсатиладиган агросервис хизматлари харажатларини камайтириш, ҳажми ва сифатини ошириш ҳамда янги хизмат турларини амалиётга жорий қилиш;

*саккизинчидан*, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларида (нарх, молия-кредит, солиқ, суғурта, лизинг ва ҳ.к.) давлат томонидан имтиёзлар тизимини қўллаш;

*тўққизинчидан*, қишлоқ жойлари ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ тегишли Давлат дастурлари, шунингдек Инқирозга қарши Давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш натижасида тармоқнинг барқарор ўсиш тенденцияси ва рақобатбардошлик даражасини ошириш имкониятлари таъминланди.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсиш суръати бўйича Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида етакчи ўринни эгалайдиган давлатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич 2000-2011 йилларда ўртача 6,0 %ни ташкил этганлиги ҳам бунинг ёрқин исботидир, (1-жадвал).

1-жадвал.

**МДХ давлатларида қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ўзгариш тенденцияси ва ўсиш суръати (%да)\***

Республика	Йиллар								2000-2011 йиллардаги ўртача ўсиш суръати
	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	
Озорбайжон	112	108	100,9	104	106	103,5	97,8	105,8	5,5
Арманистон	98	111	100,4	110	101	99,9	86,5	114,1	4,6
Белоруссия	109	102	106	104	109	101,3	102,0	106,6	5,2
Қозоқистон	96	107	106	109	94	113,8	88,3	126,7	5,1
Қирғизистон	103	96	102	102	100,6	107,4	97,2	102,3	2,3
Молдова	97	100,8	99	77	132	90,1	107,9	104,6	2,0
Россия	108	102	104	103	111	101,2	88,1	122,1	4,4
Тожикистон	113	102	106	107	108	110,1	106,8	107,9	8,6
Ўзбекистон**	103,1	105,4	106,7	106,1	104,5	105,7	106,8	106,6	6,0
Украина	110	99,9	103	94	118	100,1	99,0	117,5	5,5

\*Манба: МДХ Давлатларо статистика қўмитаси маълумотлари.

\*\*Ўзбекистон бўйича кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистик қўматаси маълумотлари асосида.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аксарият МДХ давлатлари (Арманистон, Қозоқистон, Қирғизистон, Молдова ва Украина)да қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти кўрсаткичлари йиллар бўйича сакраш тенденциясига эга. Мамлакатимизда эса ушбу кўрсаткич нисбатан барқарор ўсиш тенденциясига моликдир. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида кейинги йилларда олиб борилаётган аграр ислохотларни янада чуқурлаштириш борасидаги ижобий ҳолатларни эътироф этиш мумкин. Ушбу жараёнда ҳам экстенсив (тармоқлар таркибини такомиллаштириш, уларни табиий-иқлим ва тупроқ шароитларига мос жойлаштириш ва ихтисослаштириш, экин майдонлари ва чорва моллари сонини кўпайтириш ва ҳ.к.), ҳам интенсив (техник ва кимёвий воситалар, уруғчилик ва селекция соҳасидаги инновацион маҳсулотлар, илғор технологиялар ва ҳ.к. лар билан боғлиқ) омиллардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларига имконият даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу чора-тадбирлар айниқса деҳқончилик соҳасини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Натижада, жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларининг соҳа ялпи маҳсулоти таркибидаги нисбатларида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Масалан, 2000 йилда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 50,2 ва чорвачилик маҳсулотларининг улуши 49,8 фоизга тенг бўлган бўлса, 2011 йилда бу нисбат мос равишда 57,8 ва 42,2 фоизни ташкил қилди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, деҳқончилик тармоғи ялпи маҳсулотининг кейинги ўн йилдан ортиқ даврдаги 7,6 фоизга ўсишининг асосий сабабларидан бири, юқорида таъкидланганидек, интенсив омиллар ва инновацион ишланмалар негизда экинлар ҳосилдорлигининг ошиши билан боғлиқдир, (2-жадвал).

2-жадвал.

**Барча тоифадаги хўжаликларда қишлоқ хўжалиги экинлари ўртача ҳосилдорлигининг ўзгариш тенденцияси (ц/га)**

Маҳсулот тури	Йиллар								2011 йил 2000 йилга нисбатан, %
	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	
Пахта	21,8	25,3	25,0	26,0	23,9	25,3	25,6	26,3	120,6
Бугдой	27,6	41,5	42,7	44,1	45,2	48,9	46,5	47,8	173,2
Картошка	129,3	170,	175,2	184,1	194 1	198,4	191,9	196,	151,
Сабзовот	183,8	215,8	223,0	228,4	246,4	253,6	255,4	263,6	143,4
Мева ва ризоворлар	56,9	62,3	73,8	76,6	82,5	87,2	92,9	97,8	171,9
Узум	63,1	64,7	79,4	85,2	77,4	85,2	92,2	98,2	155,9

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, деҳқончилик тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг интенсивлик даражасини ошириш борасида ижобий силжишлар кузатилаётган бўлсада, бироқ чорва моллари бош сонининг асосий қисми майда товар ишлаб чиқариш мақомидаги деҳқон хўжаликлари ҳисобига тўғри келиши сабабли ҳам ушбу тармоқда интенсив омиллардан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлигини, таъбир жоиз бўлса, эътироф этиш ўринлидир. Натижада, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш йўналишларида кўрилаётган ҳозирги интенсивлаштириш ва инновацион ишланмалардан фойдаланиш чора-тадбирларининг самарадорлиги пастлигича қолмоқда.

Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, “шуни тан олиш керакки, чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллашга ... етарлича эътибор берилмаяпти. Масалан, чорвачилик соҳасини оладиган бўлсак, бу борада ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир (курсив бизники). Таққослаш учун қуйидаги бир мисолни келтираман: Дания ва Жанубий Кореяда сут соғиб олиш бўйича ўртача кўрсаткич 8-9,5 минг килограммни, Венгрия, Германия, Голландияда эса 6-7 минг килограммни ташкил қилаётган бир пайтда, бизда кейинги беш йилда бу рақам 1,7 минг килограмм даражасида сақланиб қолмоқда (курсив бизники)”<sup>11</sup>.

2-жадвал маълумотлари таҳлиliga асосий ўрин ажратмасдан шуни таъкидлаш жоизки, 2000 йилдан кейинги 11 йиллик давр мобайнида экинлар ҳосилдорлигини ошириш (интенсив ривожлантириш) ва, асосан чорва моллари бош сонини кўпайтириш (экстенсив ривожлантириш) эвазига республикада асосий деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ошиб, аҳоли эҳтиёжини маҳаллий ички имкониятлар ҳисобига қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш кескин яхшиланди. Яъни, ўртача статистик кўрсаткичлар бўйича асосий қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилда 2000 йилга нисбатан 1,7-2,9 марта ва 2005 йилга нисбатан 1,1-2,1 марта оралигида, шунингдек, таққосланаётган даврлар ичида аҳоли жон боши ҳисобига эса мос равишда 1,4-2,4 ва 1,0-1,9 марта оралигидаги ўсиш даражасини ташкил этган. Юқори ўсиш суръатлари асосан деҳқончилик маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келади. Шу ўринда республикада етти хазинанинг бири ҳисобланган паррандачиликни ҳам жадал ривожлантиришга катта эътибор берилаётганини қайд этиш лозим.

Шунга қарамасдан, тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг ривожланганлик ва рақобатдошлик даражаси индустриал тараккий этган давлатлар даражасидан энг камида 2,5-3,5 марта пастдир. Бу эса ўз навбатида республикада деҳқончилик ва

<sup>11</sup> Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.



чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини тегишли чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш эвазига мунтазам кўпайтириш захираларининг мавжудлигидан далолат беради. Зеро, мамлакатимиз раҳбари алоҳида қайд этиб ўтганидек, “айни пайтда биз қишлоқ хўжалиги соҳасида, биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш билан боғлиқ, хали бери ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини ҳам эътироф эти-шимиз зарур (курсив бизники)”.<sup>12</sup> Бизнинг фикримизча, дунё миқёсида истиқболда сув танқислиги ва озик-овқат хавфсизлиги муаммоларининг долзарблик касб этишини эътиборга олган ҳолда мамлакат иқтисодиётининг аграр соҳасида, асосан унинг етакчи тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этмасдан туриб, халқ хўжалигининг аксарият тармоқларини хомашё ва аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини муттасил ошириб бўлмаслиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Шу боисдан ҳам, бизнингча, ҳозирги даврда нафақат кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш, балки қишлоқ хўжалиги, қолаверса унинг қўйи тармоқларининг инвестицион жозибадорлиги ва ишлаб чиқариш сало-ҳиятини мунтазам ошириб боришнинг устувор вазифаларига, айниқса инновацион маҳсулот ва ишланмалардан кенгроқ фойдаланиш йўналишларига асосий эътибор қаратиш лозим бўлади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, давлат кафолати остида жалб қилинаётган хорижий инвестициялар асосан у ёки бу тармоқнинг инновацион модел асосида ривожланишини таъминловчи инвестицион лойиҳаларга биноан амалга оширилмоқда. Шулар жумласидан республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан ҳисобланган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ хорижий инвесторлар иштирокидага йирик лойиҳалар ва уларнинг йиллик ўзлаштирилиш даражаси 3-жадвалда ўз аксини топган.

Жадвалдан кўришиб турибдики, аграр соҳада фаолият олиб бораётган хорижий инвесторлардан ОТБ (Осиё тараққиёт банки), ИТБ (Ислом тараққиёт банки), ХТБ (Хитой тарққиёт банки) каби йирик банкларнинг Ўзбекистондаги маблағлари хорижий инвестицияларнинг катта қисмини ташкил этади.

Бироқ, таҳлилларимизнинг гувоҳлик беришича, Ўзбекистон иқтисодиёти ва, жумладан, унинг аграр соҳа хўжалик юритиш субъектларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, унинг тўғридан тўғри киритиладиган ҳажмини кўпайтиришга тўсик бўлаётган объектив ва субъектив сабаблар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари, бизнинг назаримизда, қуйидаги йўналишларга бориб тақалади ва уларни оқилона ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади:

- инвестицион лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларининг чуқур олиб борилмаслиги ва бу лойиҳанинг келгусидаги пул оқимлари ҳаракатининг барқарорлигига ҳамда кредитни қайтариш манбасининг ишончлилигига салбий таъсир этиши;
- инвестицион лойиҳалар ташаббускорлари дуч келаётган асосий муаммолардан бири бўлиб, бу молиялаштиришнинг нокредит усуллари (лизинг, факторинг, франчайзинг ва х.к.)дан суст фойдаланиш ҳолатларининг мавжудлиги;
- амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларда инновация маҳсулот ва ишланмаларининг етарли даражада эътиборга олинмаслиги;

3-жадвал

**Ҳукумат кафолати остида қишлоқ хўжалиги боғлиқ амалга оширилаётган манзилли инвестиция лойиҳаларининг 2011 йилдаги ўзлаштириш ҳолати<sup>13</sup>**

<sup>12</sup> Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

<sup>13</sup> Манба: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари. каби йирик банкларнинг Ўзбекистондаги маблағлари хорижий инвестицияларнинг катта қисмини ташкил этади.

т/р	Лойиҳалар номи	Хорижий ҳамкор	Инвестиция ва кредитларнинг умумий қиймати, млн. АҚШ долл.	2011 йилдаги ўзлаштириш даражаси		
				Режа	Факт	%
	<b>Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, жами</b>		<b>561,0</b>	<b>105,2</b>	<b>112,9</b>	<b>107%</b>
1	Ўзбекистон Дренаж лойиҳаси. Жанубий Қорақолпоғистондан дренаж ўтказиш лойиҳаси	ХРТБ, ХТА	60,0	5,36	5,36	100%
2	Бухоро вилояти “Куйи-Мозор” насос станциясини қайта тиклаш лойиҳаси	ОПЕК	12,0	3,81	11,37	298%
3	Бухоро вилояти “Олот” насос станциясини қайта тиклаш” лойиҳаси	СТЖ	12,0	4,0	4,064	100%
4	“Аму-Занг машина каналини қайта тиклаш” лойиҳаси	ОТБ	73,2	5,45	5,45	100%
5	“Фарғона ва Зарафшон водийларида сув ресурсларини бошқариш” лойиҳаси	ОТБ	100,0	16,98	17,0	100%
6	“Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 1-босқич.” лойиҳаси	ХТА	65,54	14,974	14,974	100%
7	"Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш" лойиҳаси	ИТБ, ОПЕК	81,0	17,635	17,67	100%
8	Бухоро вилояти “Қоракул” насос станциясини қайта тиклаш” лойиҳаси	ХХРХ	7,323	7,3	7,3	100%
9	Навоий вилоятидаги “Навоий” ва “Учкара” насос станцияларини реконструкция қилиш ” лойиҳаси	Франция Хукумати	21,75	0,089	0,089	100%
10	“Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси (2-босқ.)	ХТА	68,0	16,92	16,95	100%
11	“Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш” лойиҳаси	ОТБ	60,2	12,6	12,6	100%


➤ тижорат банкларининг аксарият ҳолатларда назорат қилувчи ва кузатувчи органлар сифатида ҳаракат қилиши, кредит-молия муассасаларига хос бўлмаган вазифаларни бажариши инвестицион лойиҳалар ташаббускорларининг банк тизими билан муносабатига салбий таъсир кўрсатиши;

➤ инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосномаларининг сифатсиз тайёрланиши ва инновациялар самарадорлигининг нотўғри баҳоланиши натижасида кўзланган мақсад ва вазифаларнинг етарли даражада амалга оширилмай қолиши;

➤ маҳаллий ресурслар, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмаси, валюта ва товарлар мавжудлиги ҳамда аҳоли даромадлари тўғрисидаги минтақа миқёсидаги маълумотлар билан таъминлаш тизимининг такомиллашмаганлиги ва ҳ.к. Хорижий компаниялар вакиллари Ўзбекистонлик ҳамкорларнинг хизмат мавқеига оид маълумотларнинг тўлиқмаслиги иш юритишни жиддий оғирлаштиради деб қайд этадилар.

➤ Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларини юмшатиш ва бартараф этиш чора-тадбирларининг самарали амалга оширилиши республикада хорижий инвесторлар иштирокидаги йирик инвестицион лойиҳаларнинг қабул қилинишига мустаҳкам замин яратмоқда. Масалан, 2009-2014 йилларга мўлжалланган инвестицион лойиҳалар Дастури доирасида барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 42,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган (1-расм).

➤



**1-расм. Республика иқтисодиёт тармоқлари бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ресурсларининг тақсимои**<sup>14</sup>

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ яратилаётган қулай инвестицион муҳит кейинги йилларда халқаро молия институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мунтазам равишда кенгайтириш, узоқ муддатли инвестициявий қарзлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш кўламининг кенгайтириш тенденциясини таъминлашга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, 2009-2014 йилларда иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва техно-логик қайта жиҳозлашга қаратилган муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 2009 йилнинг 12 мартда тасдиқ-ланган дастур доирасидаги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий ташкилотлар билан тузилган икки томонлама битимларга мувофиқ етакчи хорижий компанияларнинг умумий суммаси 22 млрд. АҚШ доллардан зиёд кредит ва инвестицияларини жалб этиш кўзда тутилган эди. Ҳозирги кунга келиб умумий қиймати 19 млрд. АҚШ долларидан ортиқроқ бўлган 80 дан ошди лойиҳаларни инвестициялаш ва молиялаш бўйича аниқ манбалар асосида хорижий шериклар билан шартномалар имзоланган.

Умуман, инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибида тўғридан тўғри киритилган хорижий инвестиция ресурс ва турларини кўпайтириш иқтисодиётни модернизациялаш босқичида муҳим рол ўйнайди. Республикада олиб борилаётган иқтисодиётни эркинлаштириш ва хорижий инвесторлар учун яратилаётган қулай инвестицион муҳит туфайли кейинги йилларда тўғридан тўғри жалб этилаётган хорижий инвестициялар миқдори ўсиш тенденция-сига эга бўлаётганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Бинобарин, “қишлоқ хўжалиги соҳасида ..... ҳали бери ишга солинмаган имкониятлардан” (И. Каримов) тўлиқ ва оқилона фойдаланишнинг асосий йўналишларидан бири бу, бизнинг фикримизча, соҳада инновацион фаолиятни шакллантириш, ривожлантириш ва рағбатлан-тириш, шунингдек бу жараёнларни талаб даражасида инвестиция ресурслари билан таъминлаш эканлигини тан олиш зарур. Бу устувор ва стратегик аҳамиятга эга вазифани бажариш учун, фикримизча, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг дунё бозоридаги рақобатдошлигини оширишнинг ҳозирги босқичида соҳани модернизациялашнинг асосан иккита моделидан, яъни “инновацион” ва “етиб олиш” моделларидан барабар фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Демокчимизки, биринча навбатда қишлоқ хўжалиги тармоқларини модернизациялаш йўналишларида хорижий давлатларда мавжуд бўлган, юксак самара бераётган ва республикамиз

<sup>14</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

шароитига мос ресурстежамкор инновация маҳсулот (ишланма)ларини олиб кириш ва шунинг баробарида мамлакатимизнинг соҳа билан боғлиқ бўлган илмий таъминот тизимини такомиллаштириш, кадрларни тайёрлаш, инновацион интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва маҳсулотларини тезкор жорий қилиш вазифаларини ҳал этиш лозим.

Бу стратегик аҳамиятга молик вазифаларни самарали ҳал этиш, ўз навбатида, аввал ҳам қайд этиб ўтганимиздек, кўп жиҳатдан соҳага жалб этилаётган инвестиция ресурслари ҳажмини кўпайтириш, улардан мақсадли ва манзилли фойдаланиш, янгидан янги инновацион-инвестицион лойиҳалар кўламини кенгайтириш ва уларни молиялаштиришнинг барча манбаларини изчил сафарбар этишни тақозо қилади.

Бизнинг фикримизча, айнан мана шу йўналишлардаги мавжуд муаммоларни тадқиқ этиш ва уларни ҳал этиш йўллари асослаб бериш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан даставал қишлоқ хўжалигини инвестициялаш ва бу жараёни молиялаштириш даражасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Тадқиқотларимизнинг гувоҳлик беришича, соҳани инвестициялашга йўналтирилаётган молия ресурсларининг ҳозирги ҳажми қишлоқ хўжалигини инновацион модел тамойилларига асосан модернизациялаш ва ривожлантириш талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Чунки, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мавжуд техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича давлат микёсида кўрилаётган комплекс чора-тадбирларга қарамасдан фермер хўжалик-ларидаги, қолаверса МТП ва ММТПлар тасарруфидаги механизация воситаларининг аксарияти эксплуатация муддатларини ўтаб бўлган бўлиб, катта ҳажмдаги ёқилғи-мойлаш материаллари ва амортизация сарфига олиб келмоқда. Бунинг салбий оқибати сифатида бугунги кунда қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг нисбатан заифлиги, уни техника воситалари билан таъминлаш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнларида муаммоларнинг мавжудлиги ва уларнинг, жумладан фермер хўжалик-ларини ривожлантириш ва маҳсулотлар етиштириш самарадорлигини оширишга жиддий тўсиқ бўлаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳозирги пайтда “чоқиқ тракторларининг 55 фоиздан ортиғи ва ер ҳайдайдиган тракторларнинг 46 фоизи 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатилаётгани, бошқача айтганда улар белгиланган фойдаланиш муддатини аллақачон ўтаб бўлгани, қуввати, иш унуми ва ёқилғи истеъмол қилиш бўйича замонавий стандартларга жавоб бермайдиган эски техникалар экани ташвиш уйғотмасдан қолмайди”<sup>15</sup>. Шунингдек, ҳозирги пайтда республика қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган мавжуд чоқиқ тракторларининг 7,0 минг донаси ёки 10 фоизи 15-20 йил, 12 минг донаси ёки 17 фоизи 20 йилдан ортиқ ишлатилмоқда. Юқори унумли ғилдиракли тракторларнинг 15-20 йил давомида ишлатилаётган қисми 24 фоизни, 20 йил муддатдан ортиқ ишлатилаётгани эса 10 фоизни, ғалла ўриш комбайнларининг 15-20 йил давомида ишлатилаётган қисми 400 донадан ортиқни (ёки жамига нисбатан 13 фоизни), 20 йил муддатдан ортиқ ишлатилаётгани эса 2,0 фоизни ташкил этади. Натижада қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашнинг меъёрий агротехник тадбирларини бажариш учун зарур техника воситаларининг барча турлари билан таъминлаш даражаси ҳам ханузгача пастлигича қолмоқда.

Таҳлилларнинг кўрсатишича тармоққа жалб этилаётган инвестициялар ҳажми мутлоқ кўрсаткич нуқтаи назардан кўпаяётган бўлсада, лекин унинг ўсиш суръати республика иқтисодиётининг бошқа реал тармоқларига нисбатан пастлигича қолмоқда (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Республикада асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг тармоқлар бўйича таркиби, динамикаси ва ўзгариш тенденцияси, млрд.сўм

	Йиллар							2010 й. нисбатан, марга	
	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2000	2005

<sup>15</sup> Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролар жамиятини шакллантириш-мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир Т.: Uzbekiston, 2011 йил.360 бет.

Жами йўналтирилган инвестициялар	744,5	3165,2	4041,0	5903,5	9555,9	12531,9	15338,7	20,6	4/8
Ш.ж.: саноат	221,5	1032,4	1384,6	2223,2	3293,8	3556,9	4659,9	21,0	4,5
қишлоқ хўжалиги	42,6	138,2	164,4	200,9	261,2	385,9	531,0	12,5	3,8
қурилиш	3,6	27,5	47,5	140,7	187,2	354,6	219,7	61,0	8,0
транспорт	108,5	524,6	636,2	920,1	1758,1	3470,1	3529,6	32,5	6,7
алоқа	16,2	237,5	249,1	357,4	638,2	465,4	1032,9	63,8	4,3
савдо ва умумий овқатланиш	32,1	50,5	78,5	138,4	265,7	332,1	743,6	23,2	14,7
тайёрлов	2,3	2,6	5,3	3,6	2,6	3,8	18,4	8,0	7,1
геология	0,8	125,4	160,6	196,3	858,0	855,3	372,4	465,5	3,0
ахборот-ҳисоблаш	0,0	1,9	3,7	4,7	5,1	6,1	28,3	х	14,9
уй-жой қурилиши	96,8	347,2	475,6	664,9	880,2	1186,9	2316,8	23,9	6,7
коммунал хўжалиги	34,8	99,1	115,9	114,8	120,4	232,6	292,7	8,4	3,0
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	17,8	77,5	95,4	81,2	158,1	158,3	343,7	19,3	4,4
умум таълим	104,1	353,8	432,5	671,0	780,9	1012,4	408,3	3,9	1,2
маданият ва санъат	8,4	18,2	32,0	16,6	45,7	24,8	142,8	17,0	7,8
бошқа объектлар	55,0	129,0	159,7	169,7	300,7	486,7	698,6	12,7	5,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (2012 йилги нашр).

4-жадвал маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, жумладан қишлоқ хўжалиги тармоғига йўналтириладиган инвестициялар ҳажми ўсиш тенденциясига эга. Масалан, бу кўрсаткич 2000 йилда 42,6 млрд. сўмга тенг бўлган бўлса, 2010 йилга келиб унинг даражаси 531,0 млрд. сўмни ташкил этиб, 2000 ва 2005 йилларга нисбатан мос равишда 12,5 ва 3,8 мартага ўсган. Лекин, республика иқтисодиётининг бошқа реал тармоқларига нисбатан қишлоқ хўжалигига йўналтириладиган инвестициялар ҳажмининг ўсиш суръати пастлигича қолмоқда. Таҳлилларнинг кўрсатишича, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига жалб этиладиган инвестициялар миқдори ва улардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларининг ҳозирги эришилган даражаси инновацион модел асосида индустриал тараққий этган давлатларга таққослаганда 3-5 мартага камдир. Бу ҳолатни республикаимиз иқтисодиёти тармоқлари бўйича инвестициялар-нинг таркибий тузилишида ҳам кўриш мумкин (5-жадвал).

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мустақилликдан кейинги дастлабки йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни индустриаллаштириш ва интенсивлаштиришнинг объектив зарурияти ва стратегик аҳамиятини эътиборга олган ҳолда саноат, транспорт ва алоқа, йирик завод ва фабрикалар, шунингдек уй-жой қурилишлари ва инновацион сиёсатнинг муҳим таркибий қисми бўлган умумтаълим соҳаларига йирик миқдорда инвестициялар жалб этилганлиги бугунги кунда ўзининг юксак даражадаги самарасини бермоқда. Шу давр ичида юқорида қайд этиб ўтилган тармоқ ва соҳаларга йўналтирилган инвестицияларнинг жами инвестициялар таркибидаги улуши ўртача олганда 75-80 фоиз атрофидаги даражани ташкил этди. Натижада Ўзбек-истон Республикаси аграр-индустриал давлат мақомидан индустриал-аграр мақомидаги жадал ривожланаётган мамлакатлар сафида ўзининг мустақам ўрнига эга бўлаётганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

**5-жадвал**

**2000-2010 йилларда республика иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларига йўналтирилган инвестициялар улушининг ўзгариш тенденцияси\*, %**

Кўрсаткичлар	йиллар						
	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010
<b>Жами инвестициялар</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
Ш. ж.: саноат	29,7	32,6	34,3	37,7	34,5	28,4	30,4
қишлоқ хўжалиги	5,7	4,4	4,1	3,4	2,7	3,1	3,5
қурилиш	0,5	0,9	1,2	2,4	1,9	2,8	1,4
транспорт	14,6	16,6	15,7	15,6	18,4	27,7	23,0
алоқа	2,2	7,5	6,2	6,0	6,7	3,7	6,7

савдо, умумовқатланиш, моддий-техника таъминоти ва сотиш	4,3	1,6	2,0	2,3	2,8	2,6	4,8
уй-жой хўжалиги	13,0	11,0	11,8	11,3	9,2	9,5	15,1
коммунал хўжалик	4,7	3,1	2,9	1,9	1,3	1,9	1,9
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	2,4	2,4	2,4	1,4	1,6	1,3	2,3
таълим муассасалари	14,0	11,2	10,7	11,4	8,2	8,1	2,7
бошқа ноишлаб чиқариш объектлари	7,4	3,9	3,7	2,8	3,1	3,9	4,6

\*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (2012 йилги нашр).

Шу боисдан ҳам, бизнинг фикримизча, мамлакат иқтисодиётининг аксарият тармоқларини боғловчи буғун вазифасини бажарувчи ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳал қилувчи рол ўйнайдиган қишлоқ хўжалигини инновацион модел асосида модернизациялаш аграр ишхотларнинг навбатдаги босқичидаги устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоғи ва амалга оширилмоғи мақсадга мувофиқ. Зеро, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, уларнинг сифатини дунё бозори талаблари даражасига етказиш орқали рақобатбардошлигини ошириш ва харажатларини камайтириш ўз навбатида соҳанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг инновацион йўналишларини етарли ҳажмдаги инвестициялар билан таъминлаш ва улардан самарали фойдаланишни талаб қилади (6-жадвал).

#### 6-жадвал

#### Республика қишлоқ хўжалигининг инвестициялар билан таъминланганлик даражаси ва улардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларининг ўзгариш тенденцияси\*

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2000 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 й. нисбатан, %да	
									2000 й.га	2005 й.га
1. Экин майдони	минг га	3778,3	3647,5	3637,4	3560,3	3609,7	3608,6	3708,4	98,1	101,7
2. Қишлоқ хўжалиги ходимлари сони	минг киши	3093	2967	2936	2998	3036	2898	3127	101,1	105,4
3. 1 к/х ходимига тўғри келадиган экин майдони	га	1,22	1,23	1,24	1,18	1,19	1,25	1,19	97,5	96,7
4. К/х га йўналтирилган жами инвестициялар	млрд. сўм	42,6	138,2	164,4	200,9	261,2	385,9	531,0	12,5 марта	3,8 марта
Ш.ж.: 1га экин майдони ҳисобига	минг сўм	11,3	37,9	45,2	56,4	72,4	106,9	143,2	12,7 марта	3,8 марта
Бир қишлоқ ходими ҳисобига	минг сўм	13,8	46,6	56,0	67,0	86,0	133,2	169,8	12,3 марта	3,6 марта
5. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	млрд. сўм	1387,2	5978,3	7538,8	9304,9	11310,7	13628,6	16774,7	12,1 марта	2,8 марта
6. Инвестицияларнинг к/х ялпи маҳсулотидаги улуши	%	3,1	2,3	2,2	2,2	2,3	2,8	3,2	х	х
7. 1 сўм инвестиция ҳисобига к/х ялпи маҳсулоти	минг сўм	32,6	43,3	45,9	46,3	43,3	35,3	31,6	96,9	73,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (2012 йилги нашр) асосида ҳисоблаб чиқилган.

6-жадвал маълумотларига асосан қуйидаги хулосаларни қайд этишни ўринли деб ҳисоблаймиз. Биринчидан, қишлоқ хўжалиги тармоқларида банд бўлган ходимлар сонининг нисбатан барқарорлашиш ва уларнинг ҳар бири ҳисобига тўғри келадиган экин майдонлари ўлчамининг нисбатан ўсиш тенденциясини эътиборга олган ҳолда соҳада қўлланиладиган техника – технологияларни ресурстежамкор инновация ишланмаларини татбиқ этиш орқали мунтазам такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Иккинчидан, нафақат техника-технология, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнларида илм-фан янгиликларини жадал жорий қилиш учун соҳага жалб этилаётган инвестициялар ҳажмининг йиллик ўсиш суръатини босқичма-босқич камида 1,2-1,3 баравар кўпайтириб бориш мақсадга мувофиқ.

Чунки, 2010 йилда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг (16774,7 млрд. сўм) мамлакат умумиқтисодиёт ялпи ички маҳсулотидаги улуши 18,0 фоизга ва қишлоқ жойларида яшайдиган 1 киши ҳисобига яхлитланган ҳолда 1179,2 минг сўм (1162,4 АҚШ доллари)дан кўпроқ қишлоқ

хўжалиги ялпи маҳсулоти, шунингдек ҳайдаладиган 1 га ерга 92 АҚШ долларига яқин инвестициялар тўғри келишини эътиборга оладиган бўлсак, бу кўрсаткичлар айниқса ривожланган хорижий давлатлар кўрсаткичларидан 3-5 баробар кам эканлигининг шоҳиди бўламиз.

Кейинги кўрсаткични таққослайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш учун, масалан 2009 йилда, ҳайдаладиган 1 га ҳисобига Европа Иттифоқига кирган давлатлар бўйича ўртача 300, Японияда 480, АҚШда 330 ва Канадада 200 АҚШ доллари миқдоридан инвестициялар сарф қилинган.

Демак, бу кўрсаткич даражалари бўйича ушбу давлатларда республикамизга нисбатан 1 га ҳайдаладиган ер ҳисобига 3-5 баравардан кўп инвестиция ресурслари йўналтирилган. Шунингдек, масалан, Норвегияда қишлоқ хўжалигида тўлиқ банд бўлган бир кишига тўғри келадиган давлат томонидан ажратилган маблағ 1999 йилда (хаттоки бундан 13 йил аввал) ўртача 33 минг АҚШ доллари, Японияда 21 минг, АҚШда 19 минг, дунёнинг 24 та ривожланган мам-лакатлари бўйича ўртача 18 минг АҚШ долларига тенг бўлган ҳолда бу кўрсаткич Ўзбек-истонда 30 АҚШ долларини ташкил қилган (Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банки ҳисоботи маълумотлари).

Лекин, бу кўрсаткич республикамизда кейинги ўн йилдан ошиқроқ даврда кескин ошганлигини таъкидлаш лозим.

Юқорида келтирилган таҳлил маълумотларининг ўзиёқ республикамиз қишлоқ хўжалигининг кейинги истиқболли тараққиётини таъминлаш учун етарли ҳажмда инвестициялар жалб қилиш, хаттоки маълум бир даврда (масалан энг камида 5 йиллик муддатда) қишлоқ хўжалиги корхоналарини имтиёзли молиялаш тизимига ўтказиш, жумладан дотациялаш механизмини жорий қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу чора-тадбирлар доирасида қишлоқ хўжалигининг илмий таъминоти тизимини такомиллаштириш ҳам устувор вазифалардан бири сифатида ҳал этилиши лозим (7-жадвал).

7-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, республика миқёсида 2008-2010 йиллар бўйича ўртача олганда инновацион фаолиятга сарфланган харажатлар таркибида асосан саноат (77,15 %), транспорт ва алоқа (20,34 %) тармоқлари салмоқли (97,5 %) ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида бу кўрсаткич таққосланаётган йилларда ўртача 0,31 фоизга тенг бўлиб, унинг даражаси пасайиш тенденциясига эга, яъни 2009 ва 2010 йилларда атиги 0,01 фоизни ташкил этган.

Ваҳоланки, қишлоқ хўжалигида ҳар бир маҳсулот тури, ишлаб чиқариш жараёни нуқтаи назардан, ўзига хос жуда кўплаб йўналишларда илмий янгилик ва амалий характердаги инновацион ечимларни кашф этиб, самарали жорий этишни тақозо қилади.

7-жадвал

**Республикада иқтисодий тармоқларининг инновацион фаолиятига сарфланган харажатлар динамикаси ва таркиби (% да)\***

Тармоқ	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2008-2010 йй. бўйича ўртача
Саноат	57,08	82,82	91,54	77,15
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	0,93	0,01	0,01	0,31
Транспорт ва алоқа	39,66	14,59	6,81	20,34
Қурилиш	0,37	0,72	0,04	0,38
Савдо, умумий овқатланиш ва тайёрлов	0,62	0,19	0,07	0,29
Коммунал хўжалик	0,04	-	-	0,04
Соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий таъминот	0,05	0,21	0,31	0,19
Маориф, маданият, санъат, фан ва илмий таъминот	0,71	0,79	0,99	0,83
Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	0,24	0,18	0,10	0,16
Бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	0,30	0,49	0,13	0,31

\*Манба: Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти маълумотлари

Бинобарин, бизнингча, аграр соҳада олиб борилаётган инновацион-инвестицион сиёсатни тубдан қайта кўриб чиқиш ва бу жараёнда соҳани модернизациялаш самарадорлигини ошириш мақсадида илмий ғоя, мавзунини танлаш, инновацион маҳсулот яратган жисмоний ёки юридик шахсларни моддий рағбатлантириш, илмий-тадқиқот ишларини халқаро стандартлар даража-сига кўтариш, яқунланган тадқиқотлар натижаларини тармоқда жорий қилиш механизмини такомиллаштириш, инновация маҳсулотларини халқаро даражадаги товарларга айлантириш, уларни самарали татбиқ этган истеъмолчиларга имтиёзли шарт-шароитлар яратиш, раҳбар ва мутахассисларнинг инновацион билимларини ошириш каби кўплаб чора-тадбирларга устувор даражада эътибор қаратиш лозим бўлади.

Қишлоқ хўжалигини инновацион модел асосида ривожлантириш, юқорида қайд этиб ўтилганидек, биринчи навбатда ресурстежамкор техника ва технологияларни яратиш, интеллектуал салоҳиятни ўстириш, муайян инновацион йўналиш бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва хорижий мамлакатларнинг бу соҳани модернизация қилишдаги илғор тажрибаларини кенг қўллаш мақсадга мувофиқ.

Зеро, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини индустриалаштириш ва интенсивлаштириш, механизациялаш даражасини юксалтириш асосида оғир қўл меҳнати салмоғини камайтириш ва, демак оддий қилиб айтганда, соҳада меҳнат унумдор-лиги ва хўжалик субъектлари даромадларини оширишда айнан асосий ишлаб чиқариш воситаларини инновацион ишланмалар асосида такомиллаштириб бориш муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эгаллигини таъкидлаш зарур.

Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишларининг йўналишларини инновацион модел талабларига мос танлаш, уларни амалга оширадиган интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва муттасил ривожлантириш, инсон капиталига инвестициялар жалб қилиш кўламини кенгайтириш, инновация маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, давлат ва хусусий сектор томонидан илмий-тадқиқот ишларига йўналтириладиган инвестиция манбаларидан тўлиқ фойдаланиш ва, шунингдек, инвестицияларни мақсадли ва манзилли амалга оширувчи институтларнинг илмий-тадқиқот йўналишларини диверсификациялаш ва улар ўртасидаги алоқаларни ўзаро моддий манфаатдорлик механизмларига асосан ташкил этиш лозим.

Бу вазифаларни ҳал этиш ўз навбатида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-таркибий, техник-технологик ва экологик йўналишлар билан боғлиқ устувор вазифаларни мажмуавий тарзда ҳал этишни назарда тутувчи тегишли Давлат дастурларини қабул қилишни тақозо қиладди. Зеро, бозор муносабатлари ва рақобатлари шароитида илмий-тадқиқот ва тажриба-каш-фиётчилик ишларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш инновацион маҳсулотлар яра-тувчи тадқиқотчилар қатлами билан уларни истеъмол қилувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи ягона бир яхлит тизимни яратишга чам-барчас боғлиқ бўлади.

Аграр соҳа билан боғлиқ бу тизимнинг марказий буғини сифатида қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқаруви субъектлар алоҳида рол ўйнаши, улар томонидан ўз ишлаб чиқариш фаолиятларини янада такомиллаштириш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари билан шуғуллануви муассаса ва мутахассисларга тегишли йўналишларда буюртма бериш механизмларининг яратилиши ва уларни инновацион жараёнларга фаол жалб қилиш чора-тадбирлари ва имкониятларини ишга солиш муҳим аҳамиятга эга. Зотан, мамлакатнинг аграр соҳадаги инвестицион-инновацион сиёсати биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи (деҳқон ва фермер) хўжаликларининг даромадини ошириш, ишлаб чиқариш рентабеллигини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган даражага кўтариш, бунинг учун нарх ва солиқ механизмларини бозор иқтисодиётига мос равишда фермер ва деҳқон хўжаликларининг моддий манфаатларига мослаш, уларни ҳимоя қилиш каби устувор вазифаларни ҳал этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш ва рағбатлантириш асосида такомиллашиб бориши лозим.

Бироқ ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалиги корхоналари, уларнинг юқори бошқарув органлари билан ҳудудларда жойлашган филиаллар ва олий ўқув юртлари фаолиятлари ўртасида



узвий алоқадорлик муносабатлари, шунингдек, инновация маҳсулотлари истеъмолчилари томонидан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик муассасаларига буюртмалар бериш ва уларни ўзаро ҳамкорликда амалга ошириш тизими деярли шаклланмаган. Зотан, амалий кашфиёт ёки инновацион илмий изланиш маҳсулотлари амалиётга изчил жорий қилингандагина ўзининг самарасини беради.

Умумий хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларини диверсификациялаш, яъни инновацион ечимлар талаб қиладиган энг асосий йўналишлар классификациясини ишлаб чиқиш ва шу йўналишлар бўйича инновация маҳсулотлари яратиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

## **Э.Қ. ШЕРМАТОВ,**

Наманган мухандислик-педагогика институти, тадқиқотчиси

### **Фермер хўжаликлариди ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш**

Мамлакат аграр соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида фермер хўжаликларини барқарор ривожланишни таъминлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш учун бозор тамойилларига мос ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ҳамда институционал асослар яратилди. Авваламбор, аграр тармоқда ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли сифатида фермер хўжаликларини устувор ривожлантирилиши, моддий-техник ва молиявий таъминлаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига мос ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилиб, уларни самарали фаолият кўрсатишлари фермер хўжаликларини барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Бугунги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигида етакчи бўғинга айланиб, уларнинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидидаги улуши 2000 йилдаги 5,5 % дан 2011 йилда 34,1 % га, шу жумладан, деҳқончиликда мос равишда 8,5%дан 56,0%га, чорвачиликда эса, 1,6% дан 4,2 % гача ўсган. Шунингдек, экин майдонларидаги улуши мос равишда 16,7 % дан 84,4 % га ошиб, 2011 йилда пахта етиштиришдаги улуши 99, 5 % ни, ғалла тайёрлашда эса 80,6 %, узумнинг 55,8 %, полизнинг 50,5% ва меванинг 47,6 %ни ташкил қилди. (ЎзР давлат статистика қўмитаси маълумотлари). Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобида таъкидлаганидек, - “...Шу билан бирга ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда” (56-бет). Хусусан, фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлашда авваламбор, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишларида маҳсулот етиштириш, сақлаш ва сотиш тизимини ривожлантириш ва ушбу жараёнларга инновацияларни жорий этиш орқали ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Таҳлиллар кўрсатишича, фермер хўжаликлариди етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоргирлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, сотиш, сақлаш, ташиш тизимидаги агротехнологик, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий омилларга боғлиқ бўлган камчиликлар, муаммолар ҳамда номутоносбликларнинг сақланиб қолаётганлиги уларнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг учун эса, фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлашда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишларида ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг аниқ кенг қамровли чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва уни босқичма-босқич амалга ошириш тўғрисида истиқболли йўналишлар ишлаб чиқилиши зарур бўлади. Шу нуқтаи назардан амалга оширилаётган аграр ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида фермер хўжаликлариди бозор тамойилларига мос ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва

такомиллаштириш, бунинг учун эса, агротехнологик жараёнлар, модернизациялаш, қайта ишлаш, кооперация ва интеграцияни ҳамда бозор инфратузилмасини ривожлантиришда инновацияларни жорий этиш орқали фермер хўжаликлари ва қишлоқ аҳолиси даромадлари ва бандлигини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу эса бевосита қуйидаги вазифаларни ҳал этишни талаб этади:

- фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантиришни бозор тамойилларига мос ички ва ташқи омилларини ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларини шакллантириш;

- турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини ривожланиш омилларини аниқлаш;

- ер майдонлари оптималлашган фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

- фермер хўжаликларини барқарор ривожланишини таъминлашда ташқи иқтисодий фаолиятини бошқариш стратегиясини шакллантириш;

- фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини кооперацияларга бирлашиш орқали ривожлантириш йўллари асослаш;

- фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари ва механизмларини аниқлаш;

- фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий, ташкилий, ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш устувор йўналишларини ишлаб чиқиш.

- фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини кооперацияларга бирлашиш орқали ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- фермер хўжаликлари фаолиятига замонвий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

Фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштиришнинг бозор тамойилларига мос ҳуқуқий, ташкилий, ва иқтисодий механизмларини такомиллаштирилиши пировардида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация қилиш шароитида фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини барқарорлигини таъминлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

**О.А.РУЗИЕВ,**

ТерДУ, и.ф.н., ассистент

### **Қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг минтақавий хусусиятлари**

Стратегик тармоқлардан ҳисобланган қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш, тармоқнинг барқарор ривожланишининг **муҳим омилларидан бири ҳисобланади.** Ваҳоланки, қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни амалга ошириш, фермер хўжаликларида бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини техник ва технологик қайта жиҳозлаш соҳасида амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида чуқур таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Бироқ, пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик чорвачилик паррандачилик, асаларичилик ва баликчилик соҳаларида ҳамда, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озик-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хомашё базаси яратилганлигига қарамай тармоқни модернизациялаш борасида назарий, амалий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан ўз ечимини кутаётган масалар мавжуд. Ушбу жараёнларнинг республика миқёсидаги умумий жиҳатлари билан бир қаторда, алоҳида

минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш орқали қишлоқ хўжалигини модернизация қилишни амалга ошириш бугунги кунда муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Республикаимизнинг жанубий ҳудудларига кирувчи Сурхондарё вилоятида охириги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барқарор ўсишга эришилганлигини таъкидлаган ҳолда, балиқчилик ҳамда асаларичилик соҳасининг кескин ривожланишига эришилди. Фақат, 2011 йилда **451 тонна** (2010 йилга нисбатан 233%) балиқ ва қарийб **230,7 тонна** (117%) асал маҳсулотлари етиштирилди.

Шунингдек, вилоятда қишлоқ хўжалигида 2000-2011 йилларда республикадаги каби куйидаги тенденция кузатилмоқда. Жумладан, республика ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида Сурхондарё вилоятининг улуши 2000 йилдаги 8,5%дан 2011 йилда 8,1%га, ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса, мос равишда 53,2%дан 38,9%га камайиб, деҳқончиликдаги улуши эса, 46,0%дан 57,6%га ошиб, чорвачиликда эса 54,0%дан 42,4%га пасайган. Бундай ўзгаришлар, авваламбор, ҳукуматимиз томонидан берилётган ёрдам ва махсус ишлаб чиқилган кенг кўламли дастурларни изчил амалга ошириш ҳисобидан ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, уруғчилик, ерларга ишлов бериш технологиясининг такомиллаштирилиши ҳамда техника таъминотида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар орқали эришилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фақат 2011 йилнинг ўзида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 13 млрд 113 млн. сўм маблағ йўналтирилди ва бу **896 километрлик** коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш, тиклаш, реконструкция ва қайта қуриш имконини берди. Амалга оширилган ана шундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида **61 минг гектар** суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, фермер ҳамда деҳқон хўжалиқларининг даромадини ошириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ўринда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация ва диверсификация қилиш авваламбор, вилоятдаги мавжуд хомашё ва ресурсларга бой манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юқсак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлашга қаратилмоғи лозим. Бу борада, Сурхондарё вилоятида аввало, ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, бу йўналишдаги ишларнинг кўлами йил сайин кенгайиб бораётганига қарамадан, суғориладиган ерларнинг мавжуд мелиоратив ҳолатини ва улар учун керак бўладиган моддий ва молиявий маблағларни аниқлаш зарур. Шунингдек, ушбу ишларнинг самарадорлигини ошириш ва ажратилган маблағларни мақсадли ишлатиш, замонавий технологиялар ва техникани жорий этиш борасидаги ишларни тартибга солиш тизимини жорий этиш талаб этилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ва паррандачилик соҳаларда илғор тажрибаларни ўрганиш ва уни амалда қўллашга, вилоятнинг иқлим шароитига мос замонавий суғориш тизимлари ва энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, қишлоқ ва сув хўжалиги билан шуғулланувчи бозор субъектлари замонавий агротехнологияларни ўрганиш ва амалда жорий этиш билан ўта жиддий шуғулланиши, селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича йил давомида аниқ тизимли тадбирларни ишлаб чиқиши керак.

**С.ХАЛИКОВ,**

ТошДАУ, и.ф.н., доцент

**В.АХМЕДОВА,**

ТошДАУ, ассистент.

**Б.АБДУРАҲМОНОВ,**

ТошДАУ, магистр

**Инновацион фаолиятни тиклашда хориж инвестицияларининг самарадорлиги**

Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устивор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасида қайд этилган муҳим устувор вазифалардан бири ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилашдан иборат экани белгилаб берилди.

Мамлакатимизда иқтисодиёти инновацион технологияларни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этишда ва уларни реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш катта ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу авваламбор аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда инновацион фаолиятни таркибий ўзгаришларини амалга ошириш ва уни модернизация қилиш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайтирилиши тезлаштириб, барча соҳаларда ички имконият ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбop товарларни ўзлаштириш, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида такидлаганимиздек миллий иқтисодиётда инновацион технологияларни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиш олиш орқали экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кенгайтириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

Мамлакатимизда 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 14 фоизга кўп, яъни 11 млрд. 700 млн. АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортигини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи туғридан-туғри хорижий инвестициялардир.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда инвесторлар учун кўп жиҳатдан беқиёс, ўта қулай инвестицион муҳит яратилган бўлиб, имтиёз ва преференциялар тизимжорий этилган деб айтишга барча асосларимиз бор. Шунинг учун ҳам иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир, ҳамда иқтисодиётда инновациявий фаолиятни таркибий ўзгаришларини янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, туғридан-туғри инвестицияларнинг ўрни муҳимдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараккий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб келган.

Иқтисодий эркинлаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайтириши даражасига қараб, инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, бевосита чет эл инвестицияларини янги инновацион лойиҳаларга, шунингдек, хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисмини инвестиция фаолиятига жалб қилишни ҳам назарда тутати. Бунда чет эл инвестициялари оқимини рағбатлантириш, шу билан бирга, миллий иқтисодий субъектларининг бу фаолиятда иштирок этишини тақдирлаш муҳим ўринда туради.

**Д.Ч.МУРОДОВА,**

Тошкент молия институти, ассистент

### **Дехқон хўжаликларини микрокредитлаш механизмини такмиллаштириш**

Иқтисодий модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни (КБХТ) барқарор ривожлантиришда молиявий ресурслар билан таъминланганлиги даражаси самарали фаолиятини ташкил этишда муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, - “Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда... Фақат 2011-йил якунларига кўра, ушбу тармоқни ривожлантириш ва рағбатлантиришга мамлакатимиз банклари томонидан 2,5 миллиард долларга тенг қийматдаги кредитлар ажратилди, бу берилган умумий кредитлар ҳажмининг 26 фоизини ташкил этади”. Ушбу йўналишда микромолиялаш- иқтисодий фаол аҳолига (уларни тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида) ҳамда КБХТ субъектларига микромолиявий хизматлар (микрокредит, микрожамғарма, микросуғурта, микролизинг, пул ўтказмалари)ни кўрсатувчи иқтисодий муносабатлар тизимидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида ва ўзаро алоқадорликда ўрганиш орқали мавжуд ҳолат, фойдаланилмаётган имкониятлар аниқланиб, келажакда микромолиялашни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқишга эришиш мумкин. Бу борада таҳлилларнинг кўрсатишича тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг талабларини тўлиқ қондириш даражасида эмас. Хусусан, 2011 йил ҳолатига кўра республикаимиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган микрокредитлар жами ажратилган кредитлар улушида 18 фоизни ташкил этганлигига қарамай, 104500 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, 2011 йилда 4961 та ёш оилага 27,5 миллиард сўм, шу жумладан, 15,7 миллиард сўм имтиёзли микрокредитлар ажратилиб, улар ҳисобидан 7084 та киши иш билан таъминланди.

КБХТ субъектлари таркибида дехқон хўжаликлари ўзига хос ўринга ва хусусиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда 4792,7 мингта дехқон хўжаликлари жами экин майдонларининг 12,8 фоизида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 63,7 фоизини ишлаб чиқармоқда. Уларнинг нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, балки, аҳоли бандлиги таъминлашдаги тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда, аксарият жиҳатдан фаолиятларини ташкил этишда микрокредитлар муҳим рол ўйнайди. Шу нуқтаи назардан ҳам уларнинг тижорат банклари кредит хизматларидан фойдаланиш имконияти ва муаммоларини ўрганиш мақсадида Тошкент вилояти дехқон хўжаликлари( 100та) ўртасида сўровнома ўтказилди. Сўров натижаларига кўра, улар ривожланишига етиштирилган маҳсулотнинг сотиш муаммолари ва транспорт хизматлари баҳосининг қимматлиги, молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасининг пастлиги, чорва моллари озукаси, уруғлик, ўғитлар, ветеринария дори-дармонлари қимматлиги каби омиллар салбий таъсир кўрсатади.

Сўров натижаларига кўра уларни шартли равишда 3 гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин (1–жадвал).

Бундай шартли гуруҳлаш орқали деҳқон хўжалиklarининг ривожланиш даражаси, фаолият кўлами асосида уларга мос микрокредит хизматларини ишлаб чиқиш мумкин.

Биринчи гуруҳ хўжалиklarарига асосан, бошланғич капитал учун кам фоизли микроқарз (100 минимал иш ҳақи) ажратиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, уларни консултатив қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти асосларини ўргатиш муҳимдир.

Иккинчи гуруҳ деҳқон хўжалиklarарининг асосий қисмини ташкил этади. Буларга асосан маҳалла ва бошқа субъектлар кафолати асосида имтиёзли микрокредитлар ажратиш, техника ва асбоб-ускуналарни лизингга бериш, зооветеринария ва бошқа сервис хизматларини таклиф этиш, кредит кооперациясини амалга ошириш, консултатив қўллаб-қувватлаш каби ишларни амалга ошириш зарур.

Учинчи гуруҳдаги деҳқон хўжалиklари учун банк кредитини амалга ошириш, техника ва асбоб-ускуналарни лизингга бериш, сотиш хизмати ва маркетингни амалга оширишда кўмаклашиш, биржадан фойдаланиш имкониятини ошириш, таъминот вазифаларини бажаришга кўмаклашиш керак.

Юқорида ўрганилган ҳолат шуни кўрсатмоқдаки, микромолиялаштири соҳасида ҳал этилиши лозим бўлган қатор муаммолар мавжуд.

**1-жадвал**

**Молиявий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган деҳқон хўжалиklарини тавсифи**<sup>16</sup>

Молиявий қувватлашга муҳтож бўлган	Муаммо номи	Молиявий қўллаб-қувватлаш йўналиши
1. Янги ташкил топган деҳқон хўжалиги	Бошланғич капиталга, етарли иқтисодий-ҳуқуқий билимга эга эмаслиги	Кам фоизли кредитлар ажратиш, консултатив жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти асосларини ўргатиш ва
2. Ташкил топганига бир неча йилдан ошган паст самарали фаолият юритаётган (фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган) деҳқон хўжалиklарини	Ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун молиявий ресурслар ҳамда гаров таъминоти етишмайди, янги иншоотлар (молхона,	Кредит кооперациясини амалга ошириш, консултатив қўллаб-қувватлаш
3. Барқарор юқори самарали фаолиятни йўлга қўя олган, банк кредитларини олиш учун етарли гаров таъминотига эга бўлган деҳқон хўжалиklарини (аксарият юридик шахс мақомига эга бўлган)	Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, янги фаолият турини бошлаш ва бозордаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш	Узоқ муддатли банк кредитини ажратиш, техника ва асбоб-ускуналарни лизингга бериш, сотиш хизмати, маркетингни амалга ошириш ва таъминотга кўмаклашиш


Ўтказилган сўров натижаларига кўра деҳқон хўжалиklarарининг кўпчилиги микромолиявий хизматларга муҳтож. Лекин уларни бу хизматлардан фойдаланишига тўсиқ бўлаётган бир қанча сабаблар мавжуд бўлиб, булар қаторига деҳқон хўжалигининг банкда ўз ҳисоб рақамига эга эмаслиги, гаров таъминотини топиш қийинлиги, ҳудудларда баъзи микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларни кенг тарқалмаганлиги ва ушбу хизматлар фойдаланувчиларидан узоқда жойлашганлиги, фоиз ставкаларининг юқорилиги, микромолиявий хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар таклиф этаётган хизматлар деҳқон хўжалиklарини талабларига мос эмаслиги, кўп ҳолларда деҳқон хўжалиklарини молиявий ташкилотлар билан ишлашда етарли билим, малака ва ахборотга эга эмаслигини киритиш мумкин. Шунингдек, тижорат банкларини учун ҳам деҳқон хўжалиklarарини микрокредитлаш бир қанча ноқулайликлар келтириб чиқаради:

- қишлоқ жойларида инфратузилманинг яхши ривожланмаганлиги туфайли ахборот ва операцияларнинг юқорилиги;

<sup>16</sup> Манба: Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.

- тижорат банкларининг деҳқон хўжалиги (юридик шахс мақоми ва банкда ҳисоб рақами мавжуд бўлмаганлари) фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга эмаслиги;
- юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжалиklarини кредитга лаёқатлилигини баҳолаш мезонларининг мавжуд эмаслиги;
- бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган хатарлар(таваккалчилик) – об – ҳавонинг ноқулай келиши, зараркунанда ҳашаротлар ва касалликлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти нархларининг тушиб кетиши ва ҳоказо;
- қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг мавсумийлиги ва кредитни тез қайтариш имкониятининг етарли эмаслиги;
- деҳқон хўжалиklarини суғурталаш тизими яхши ривожланмаганлиги.

Шунингдек, сўровномалар ўтказиш жараёнида КБХТ субъектларининг микромолиялаштириш манбаларидан фойдаланишидаги муаммолар ўрганилди. Унга кўра, асосий муаммолар тижорат банкларидан нақд пул олиш имкониятининг чекланганлиги(29%), гаров таъминотини топиш қийинлиги (21%), бу борада зарурий билим ва кўникмаларнинг етишмаслигидан (16%) ва кредитни расмийлаштириш харажатларидан (13%) иборат (1-расм).



**1-расм. КБХТ субъектларининг тижорат банкларидан кредит олишдаги муаммолари бўйича анкета сўровлари таҳлили, фоизда<sup>17</sup>**

Бизнингча, ҳозирда фаолият кўрсатаётган микромолиявий ташкилотлар КБХТ субъектлари талабини тўла қондира олмаяпти ва улар кенг қамровга эга эмас. Масалан, тижорат банклари микрокредитларидан фойдаланишда асосий устуворлик юридик шахс мақомига эга бўлганларга ёки бирор бир дастур асосида (чорвачиликни ривожлантириш) фаолият юритаётганларга берилади.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микрокредитлаш механизми қуйидаги йўналишларда такомиллаштирилиши лозим: гаров таъминоти етишмаётган КБХТ субъектларида гуруҳли микрокредитлаш тизимини жорий этиш лозим. Бунда 3–5 нафар кишидан иборат гуруҳ тузилиши ва банк томонидан берилётган кредит бир одамга эмас, балки гуруҳга берилиши лозим; деҳқон хўжалиklари молиявий ташкилотлар билан ишлашда етарли билим, малака ва ахборотга эга бўлишлари учун махсус қўлланмалар чоп этиш ва кредит муассасалари томонидан мунтазам равишда ўқув семинарлари уюштириб боришни кенг йўлга қўйиш; юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжалиklarини кредитга лаёқатлилигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш; қишлоқ жойларида микрокредит ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришда уларга солиқ ва бошқа имтиёзлар жорий этилиши билан бир қаторда, айланма маблағларини тўлдириши учун тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини кенг жалб этиш; деҳқон хўжалиklarини суғурталаш тизимини ривожлантириш.

<sup>17</sup> Манба: 100 та деҳқон хўжалиklарида ўтказилган сўровномалар натижасида олинган маълумотлар таҳлили асосида тузилган.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш пировардида қишлоқ хўжалигида микрокредитлаш муносабатларини такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

## **Б.ИБРАГИМОВ,**

Наманган муҳандислик-технология институти катта ўқитувчиси

### **Озуқа таъминоти даражасини яхшиланиши – маҳсулдорликни ошириш манбаи**

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакатимиз аҳолисининг озиқ – овқат маҳсулотларига қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хом-ашёга бўлган талабини қондиради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз озиқ – овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, юқори унумли ва самарали техникалар паркинни кенгайтириш, экин навлари ва чорва моллари зотини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳолини чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини етарли даражада қондириш усиивор вазифалардан бири ҳисобланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси президентининг 20008 йил 21-апрелда қабул қилган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги қарорида мамлакатимизда чорвачиликни хусусий мулкчилик асосида жадал ривожлантириш ҳамда рентабеллиги юқори бўлган сохалардан бирига айлантириш, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини ошириш, ички бозорни гўшт, сўт каби озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор тўлдиришга катта эътибор қаратилган.

Озуқа базаси чорвачилик тармоғини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Ем-хашак экинлари майдони бугунги кунда республикадаги жами қишлоқ хўжалиги ерлари майдонларининг ўтача 7,7 фоизини ташкил этади. Асосий озуқабоп экинлар қаторига беда, маккажўхори, озуқабоп лавлагини киритиш мумкин. Республика “Пахтасаноат”, “Ўздонмаҳсулот”, “Ёғ-мой саноат” тизими корхоналарида кўшимча маҳсулотлар - кунжара, шелуха, шрот, дон аралашмаси, ун чиқиндилари ҳисобига чорва моллари учун омихта ем ва ем аралашмалари ишлаб чиқарилади. Мазкур имкониятларнинг аҳамияти шундаки, чорвачилик хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири - озуқа базасини мустаҳкамлашдир. Аммо, айни пайтда таъкидлаш лозимки республикадаги асосий қишлоқ хўжалиги экин майдонларини эгаллаган фермер хўжаликларида жами экин майдонлари таркибида ем-хашак экинлари салмоғи кескин камаймоқда.

Чорвачиликдаги паст озуқа таъминоти даражаси эришилаётган паст маҳсулдорлик асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тармоқда мустаҳкам озуқа базасини яратиш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришиш қуйидаги муаммоларга ечим топиш билан бевосита боғлиқ. Жумладан:

- чорва молларини меъёр даражасида озиқлантиришни таъминлаш, энг аввало озуқа миқдори ва сифатини (тўйимлилигини) кескин ошириш;
- ем-хашак экин майдонларидан унумли фойдаланишни таъминлайдиган илғор технологияларни жорий этиш;
- озуқа базасини мустаҳкамлашнинг самарали усуллари ва ҳосилдорликни 2-3 мартага ошириш имкониятларидан фойдаланиш лозим. Бунда сувли майдонларга тўйимли ва юқори ҳосил берадиган озуқабоп экинларни жойлаштиришга ҳамда икки марта ҳосил кўтаришга эътибор бериш талаб этилади.



- экинлар таркиби ва уларни жойлашишини тубдан қайта кўриб чиқиш, шунингдек, жами экин майдонлари таркибида озуқа экин майдонлари салмоғини 15-20 фоизга етказиш;

- Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган вилоятлари ва бошқа аҳолиси зич жойлашган, сув таъминоти яхши ҳудудларда ғалладан бўшаган ерларга такрорий экин экишга шароитлар яратиш;

- мамлакатимизда озуқа экинларининг (макка, беда, лавлаги ва бошқалар) уруғчилиги тизимини ривожлантириш;

- озуқа экинлари бўйича элита уруғчилиги хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг ривожланиши учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш (техник таъминоти, минерал ўғит, нефт маҳсулотлари) кабилар.

Республикамызда сут ва гўшт йўналишидаги чорвачилик тармоғини ривожлантиришда деҳқон ва фермер хўжаликларини насли чорва моллари ва моддий-техника воситалар билан таъминлаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда асосий чорвачилик маҳсулотлари хусусий тармоқда етиштириладиган шароитда маҳсулотларни сотиш тизимини шакллантириш каби масалаларга алоҳида эътибор бериш лозим. Соҳадаги муаммолар ем-хашак етишмаслиги, озуқабоп экинлар майдонлари чегараланганлиги шароитида, қишлоқ хўжалик техникалари шу жумладан, чорвачилик тармоғи учун мини тракторлар ва технологик ускуналар, чорвачилик фермаларини жиҳозлаш ускуналари таъминоти тизимини ривожлантири

мақсадга мувофиқ.

Омихта ем тайёрлашда, маккажўхори донининг салмоғини кўпайтириш учун унинг асосий ва такрорий майдонларини кенгайтириш талаб этилади. Сифатли ва таркибан бой бўлган омихта ем ишлаб чиқариш чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, бош сони кўпайтиришда муҳим омиллардан бири ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги қонунига мувофиқ бир шартли молга 0,35-0,45 гектардан суғориладиган ер майдони ажратилади. Демак, бир шартли молнинг озуқага бўлган йиллик талаби 32-40 центнер озуқа бирлиги бўлса, 1 гектар майдондан олинган ҳосил энг камида 3 бош молни таъминлаши лозим. Бунинг учун эса гектаридан 10-12 тоннадан озуқа бирлиги олишга эришиш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалик экин майдонлари таркибига озуқа экинларини киритиш талаб этилади. Масалан, 100 гектар ер майдонига эга бўлган фермер хўжалигида 10 га беда ва 3 га оралик экин ва маккажўхори жойлаштирилганда 120 тонна озуқа бирлиги миқдоридаги ем-хашак етиштириш мумкин. Ушбу озуқалар билан 30 та шартли маҳсулдор молни боқиш имкони яратилади. Шунча миқдордаги шартли мол ҳисобига 300 тонна органик ўғит олинади ва бу экин майдонлари тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Республикамызда 2006 йил ҳосилидан бошлаб пахта хом-ашёсидан олинган 50 фоиз кунжара ва шелухани пахтачилик фермер хўжаликлари ихтиёрида қолдириб, қолган 20 фоизини жойларда ташкил этиладиган савдо дўконларида деҳқон хўжаликларига ва қолган 30 фоизини аукционлар орқали сотиш тизими жорий этилган эди.

Кейинги йилларда бу тартиб ўрнига республикамызда Пахта тозалаш заводлари ва Дон корхоналарида тайёрланган омихта емлар ва ем аралашмаларини чорвачилик билан шуғулланувчи деҳқон хўжаликларига адлатли тарзда етказиб бериш мақсадида, республика бўйича чорва молларини кучли озуқалар билан таъминловчи омихта ем, шрот ва шелуха сотишга ихтисослашган 13 та туман бирлашмалари, 242 та шохобчалар ташкил этилган ва улар орқали 10 минг тонна омихта ем, 44,5 минг тонна шрот, 32,2 минг тонна шелуха маҳсулотлари сотилган. Аммо бу чорва молларини озуқа билан тўлиқ таъмин этиш имконини бермайди. Шунинг учун фермер хўжаликларида пахта ва ғалладан паст ҳосил олинаётган майдонларда босқичма-босқич озуқа экинларини жойлаштириш билан биргаликда насли моллар салмоғини оширган ҳолда, чорва моллари сонини оптималлаштириш тадбирларини амалга ошириш талаб этилмоқда;

- қорамолларининг асосий қисми деҳқон хўжаликлари (90-95 фоиз) ихтиёрида бўлганлиги ва уларнинг чорва молларини дағал хашак билан таъминлаш имкониятларини (ер ресурсларини

чегараланганлиги) ҳисобга олиб, бу турдаги озукани истеъмол қилувчи чорва моллар турини қискартириш ва қорамоллар сонини ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кўпайтириш лозим; Чорва озукасида оксил моддасини кўпайтиришга қаратилган (соя, маккажўхори дони, шрот) тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу масала тегишли мутахассисларни талаб қилади. Шунинг учун чорвачилик тармоғи учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш хусусан, зоотехниклар, ветеринар мутахассислар тайёрлашда республикамизнинг ҳудудий ихтисослашуви даражаси ва ишлаб чиқаришнинг реал талабини ҳисобга олиш лозим бўлади. Масалан, Навоий, Бухоро, Жиззах вилоятлари учун тегишли олий ўқув юртларида ветеринар ва зоотехниклар тайёрлаш учун квоталар белгилаш механизмидан ҳам фойдаланиш мумкин бўлади.

Кузатадиган бўлсак, аксарият ҳолларда олий маълумотли мутахассислар касби бўйича тегишли билим ва кўникмани ишга бориб жойлашгандан сўнггина ўзлаштираётганлиги боисдан олий маълумотли мутахассисларга хусусий тармоқ томонидан қизиқишни пасайтирмакда. Шунинг учун ҳам сифатли амалиёт ўташ тизимини жорий этиш билан биргаликда, ўқув жараёнига амалиётчи олимларни кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

**Р.А. РАШИДОВ,**

Ўзбекистон бозор ислохотлари илмий – тадқиқот институти тадқиқотчиси

### **Қишлоқ хўжалиги модернизациялаш шароитида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўллари**

Бугунги кунда дунё аҳолиси сони шиддат билан ўсиб бормоқда. Мамлакатимизда ўтган асрнинг 90-йилларида ўртача жон бошига 0,20 гектар суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари тўғри келган бўлиб, бу кўрсаткич 2010 йилда 0,15 гектарни ташкил қилди. Таҳлилларга қараганда, 2030 йилга бориб ҳозирги ер майдонлари ҳажми камаймаган тақдирда ҳам, фақат аҳоли сонининг ўсиши ҳисобига жон бошига 0,12 гектар майдон тўғри келиши кутилмоқда. Бу келгусида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи янада мураккаб бўлишидан далолат беради<sup>18</sup>.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини юксалтириш, юртимизни обод этиш йўлида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида йирик кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Республика иқтисодиётини барқарор ривожлантиришга эришиш омилларидан бири бу - табиий, минерал-хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўлидир. Бу ресурслардан самарали фойдаланишда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиш зарур. Жумладан:

- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни негизини асосий восита ва меҳнат предмети бўлган ер ресурслари ташкил этади. Ернинг унумдорлигига, унинг агрофизик ва физик хусусиятлари, бевосита боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига катта таъсир ўтказиши. Ер ишлаб чиқариш жараёнида нафақат ўз унумдорлиги хусусиятларини камайтирмайди, балки ундан тўғри фойдаланишни йўлга қўйилганда ўзининг доимий равишда унумдорлигини ошириб боради.

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимида кўп укладли иқтисодиёт шароитида турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидаги корхоналар фаолият юритишмоқда.

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу унинг мавсумий характерга эга эканлигидир ва бу ҳолат моддий ва меҳнат ресурсларидан йил давомида бир хилда самарали фойдаланиш имконини бермайди.

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кўплаб миқдордаги катта қийматга эга бўлган техника воситаларидан фойдаланилади. Ушбу техникаларнинг кўпчилиги мавсум давомида жуда

<sup>18</sup> Манба: agro.uz

кам муддат фойдаланилгани ҳолда бошқа пайтлада туриб қолиши ҳисобига маҳсулот таннархи ортишига олиб келади.

Юқорида келтирилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалигида ресурслардан фойдаланишни ташкил этишдаги асосий мақсад аҳолини арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, саноатни эса хом-ашё билан таъминлашдир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг энг устувор йўли – деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришда интенсив агротехнологияларни қўллаш, соҳани том маънода модернизация қилишдир.

Ушбу масалага Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2010 йил якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган мажлисида алоҳида тўхталиб: «Биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига қирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда»<sup>19</sup>, дея таъкидлаган эди. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш бу – қишлоқ хўжалигини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён дир. Қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- қишлоқ хўжалиги корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш;
- қишлоқ хўжалиги замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш;
- маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш;
- ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш;
- чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, янги замонавий интенсив агротехнологияларни қўллаш;
- ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва сувдан самарали фойдаланиш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш;
- чорвачиликни ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалигини янги, замонавий, юқори унумли ва тежамкор техникалар билан таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги соҳасини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар миқдори, сифати ва бошқа агроресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўп жиҳатдан табиий шароитларга боғлиқ бўлади. Ҳар бир хўжаликда ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар ҳажми бевосита сув билан таъминланганлик даражаси, ерлар унумдорлиги ва сифати, иқлим шароитларидаги фарқларга қараб ўзгариб туради. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллардан яна бири техник ва технологик омиллар дир. Бу ишлаб чиқаришга жорий этилган юқори унумли техника ва харажатларни иқтисод қилувчи технологиялар, бошқариш тизимини такомиллаштириш, кооперациянинг самарали шаклларини жорий этиш ва агросаноат интеграциясини чуқурлаштириш катта таъсир кўрсатади. Чуқур иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, меҳнатни ташкил этишнинг янги шаклларини қидириш, кооперацияни ривожлантириш, фермер, деҳқон хўжаликлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва бозор муносабатларини қарор топтириш шароитида ушбу омиллар таъсири янада ортади. Ташкилий-иқтисодий омиллар эса барча омиллар билан узвий боғлиқ бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бунда, ресурслардан

<sup>19</sup> «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади», Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2011

(ер, меҳнат, фондлар) самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар аҳамияти янада ортади. Демак, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш энг аввало ресурсларни самарали тақсимлаш ва улардан фойдаланиш эвазига амалга оширилиши керак.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда нафақат юқори унумли техникалар ва машиналар сони, илғор технологиялар, ишлаб чиқариш комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, илмий-техник тараққиётнинг бошқа омиллари билан белгиланади, шунингдек, ушбу жараёнда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари ҳам муҳим ўрин тутди. Кадрлар малакаси ва уларнинг маънавий-техник савиясини ошириш омиллари, моддий рағбатлантириш шакллари тақомиллаштириш, инсон омилини фаоллаштириш, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий йўналтирилганлиги орқали қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини кенгроқ очиб беради.

### **Ш.А. ҚАРШИЕВ,**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, магистр

## **Стандартларнинг товарлар сифат кўрсаткичини оширишдаги аҳамияти**

Ишлаб чиқаришда стандартларга риоя этиш, унда белгиланган талабларга амал қилиш маҳсулот сифатини ошириш имконини беради. Стандартлар тизими бўйича ишлаб чиқаришда амалга ошириладиган ҳамма ишлар, шу жумладан корхона бўлимларининг функциялари аниқ ва равшан белгилаб берилди. Корхона стандартлари давлат ҳамда соҳа стандартларига амал қилинган ҳолда тузилади ва уларни ишлаб чиқариш билан узлуксиз боғлайди.

Маҳсулот сифатини бошқариш деганда маҳсулотни лойиҳалашда, уни ишлаб чиқаришда ва эксплуатация қилишда ёки ундан фойдаланишда унинг зарурий сифат даражасини белгилаш таъминлаш ва сақлаш тушунилади.

Маҳсулотлар учун белгиланган норматив техник ҳужжатлар асосида уларга қўйиладиган асосий талаблар яратилиш керак. Бозор иқтисодиётининг асосий қонуни талаб ва таклиф бўлганлиги учун ҳар бир ишлаб чиқарилган товарга истеъмолчининг қўйган талаби катта аҳамиятга эга. Шунинг учун бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчининг талаби даврларга нисбатан доимо ўзгарувчан бўлганлиги учун ишлаб чиқариш корхоналарига доимо янги таклифлар берилди. Шу сабабли товарларнинг сифат кўрсаткичлари доимо яхшиланади ва уларнинг бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошлиги ошиб боради. Маҳсулот сифатини оширишнинг муҳим омилларидан бири бу рағбатлантириш ва лойиҳалаштиришдир.

Корхона стандартини тайёрлашда ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- стандартлаштирилган жараёни ва объектни аниқлаш;
- жараён ва объектни яхшилаб ўрганиш;
- техник топшириғни тузиш, уни корхона раҳбарлари муҳокамасида ўтказиш;
- корхона стандартининг биринчи лойиҳасини тайёрлаш;
- лойиҳани у алоқадор бўлган бўлим ва ташкилотга тақриз ва таклиф қилиш учун тарқатиш;
- корхона стандартининг редакциясини илмий-техника кенгашида кўриб чиқиш ва фойдаланишга топшириш.

Корхона стандартини муҳокама қилишда қанча кўп ходим иштирок этса, стандартни қўлланишда самарадорликка шунчалик тез эришилади. Корхона стандартини ишлаб чиқариш ҳамда жорий этиш бутун ишчилар иши бўлиб, умумий меҳнат интизомини мустаҳкамлайди, иш унумдорлигини ва маҳсулот сифатини оширади. Натижада сифатсиз маҳсулотлар чиқишининг олди олинади.

Ҳар қандай маҳсулотлар сифат кўрсаткичларининг шаклланиши боғлиқ бўладиган омиллар:

- маҳсулотларни тайёрлашда ишлатиладиган ускуналар сифати;

- тайёрланадиган хом ашё маҳсулотларига норматив техник ҳужжатлар томоинидан қўйиладиган талаблар;

Ишлаб чиқариш имкониятларини бошқариш орқали сифатли маҳсулотларни яратишда 4 та омил катта рол ўйнайди:

- ✓ Ишлаб чиқаришдан олдинги давр лойиҳалаш даври
- ✓ Маҳсулотларни ишлаб чиқариш даври;
- ✓ Маҳсулотларни етказиш яъни реализациялаш даври;
- ✓ Маҳсулотлардан фойдаланиш яъни истеъмол даври.

Бозор иқтисодиётининг асосий қонуни талаб ва таклиф бўлгани учун ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулотга истеъмолчиларнинг қўйган талаби катта аҳамиятга эга. Шунинг учун бозор шароитида истеъмолчиларни талаби даврига нисбатан ишлаб чиқариш корхоналарига доимо янги таклиф берилади. Шу сабабли товарларнинг сифат кўрсаткичлари доимо яхшиланиб боришлиги ва уларни бозор шароитида рақобатбардошлиги ошиб боради. Бундан ташқари, халқ-хўжалигида янги турдаги сигментлар бунёд этилади. Ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифатлари яхшиланиб уларга бўлган талаб ортади ҳамда бозор шароитида ишлаб чиқариш структураси билан истеъмолчилар орасида доимо рақобат содир бўлади.

Корхоналарда сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун мамлакатимизда истеъмолчилар эҳтиёжини, бозор инфраструктурасини, бозордаги товарлар ассортиментини ўрганилиши ва таҳлил қилиниши ҳамда тўпланган ахборотларнинг замонавий техник информацион машиналарда ҳал қилиниши ва ишлаб чиқарилган товарларга баҳо берилиши, бозор иқтисодиётини ривожлантиришга катта туртки бўлади. Шунинг учун маҳсулотлар сифат кўрсаткичини баҳолашнинг самарали жорий қилиниши янги ассортимент маҳсулотларни яратишда ишлаб чиқаришнинг ривожланишга, янги техника технологияларнинг яратилишига ижобий таъсир қилган асосий омил бўлди. Шунингдек, ишлаб чиқариш билан истеъмолчиларни бирлиги доимо юқори кўрсаткичларга олиб келиб бозор муаммоларини ечишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Шундай ҳоллар бўладики, ишлаб чиқариш имкониятлари миқдор жиҳатдан аҳоли талабларини қондирмаслиги мумкин. Маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари паст бўлгани учун улар истеъмолчилар томонидан қабул қилинмайди. Бундай ҳолларда<sup>20</sup>:

**Биринчидан**, ишлаб чиқаришдаги товарлар рентабеллиги жуда паст бўлиши мумкин;

**Иккинчидан**, ишлаб чиқариш учун юқори меҳнат сарфи бўлиши мумкин;

**Учинчидан**, кўп миқдорда хом-ашё сарф бўлиши мумкин;

**Тўртинчидан**, ишлаб чиқарган маҳсулот олувчининг эҳтитёжларини қондирмаслиги мумкин;

**Бешинчидан**, етказиб берилган товарнинг сотилиши паст даражада бўлиши мумкин.

Бу ҳоллар товарларга салбий таъсир кўрсатади. Уларнинг ранги, мазаси, кўриниши аниқланса, баъзи бир ҳолларда уларнинг юқори сифатлилиги тайёрланган маҳсулотларни ассортиментига уларни қайси истеъмолчига мўлжалланганига қараб туриб ҳам баҳоланади. Масалан, ёш болалар учун тайёрланган маҳсулотларни сифат кўрсаткичига лойиҳалаштириш энг юқори даражада бўлиши керак. Ишлаб чиқаришнинг сифат кўрсаткичини бошқаришда бошқариш системаси онгли равишда бир бутун боғлиқликни ташкил этиши лозим, бу ишлаб чиқариш билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини бошқаришда ўзига хос координацияни таъминлайди. Маҳсулотларнинг сифатини бошқаришда амалдаги ҳар бир босқич назорати таъминланиши зарурдир. Яъни шу маҳсулот учун илмий текширишларни олиб боориш, сифат кўрсаткичларини бошқаришда барча ишлатиладиган техника воситаларини, иқтисодий кўрсаткичлари, ташкилий ишларнинг бир бутунлиги таъмин этилиши лозим. Шу билан бир қаторда юқорида айтиб ўтилган факторларнинг боғлиқлиги таъминланиши лозим. Маҳсулотларни

<sup>20</sup> Нажмидинов М, Негматуллаев С, Хошимов И. “Стандартлаштириш, метералогия ва сертификатлаштириш соҳасида кадрларни таёрлаш, қайта таёрлаш ва малакасини ошириш муаммолари” -Республика илмий- амалий анжумани тезислар тўплами. Тошкет, 2010. 145 б.

сифат кўрсаткичини аниқловчи камчиликларни ишлаб чиқаришда технологик жиҳатдан қилинган хатоларни ёки маҳсулотларни режадаги схемаларда, чизмаларда ишлаб чиқариш технологик карталарида норматив технологик ҳужжатларда бўлган камчиликларни ёки етишмовчиликларни кейинги кузатишлар ёрдамида талаб даражасига етказилиши мумкин бўлган товарлар учун характерли бўлиб, асосан шу ишлаб чиқариш товарларга маълум тўсиқ сифатида бошқарилади. Товарлар сифатининг пассив назорати даврида сифат кўрсаткичларини яхшилаш борасида маълум технологик ишлар бажарилиб бундай маҳсулотлар истеъмолчиларга сотилиши мумкин.

Актив назорат ёрдамида маҳсулотларни сифат кўрсаткичига технологик жараёнини ҳамда ишлаб чиқариш режимини бошқариш орқали олиб борилади. Бундай назоратни ижобий томонлари шундаки, у маҳсулотларни сифат кўрсаткичини ҳаражат сарфини таъминлайди.

Товарлар ва хизматларни стандартлаштириш мақсадида ишлаб чиқариш назоратини аниқлашда, ишлатиладиган хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни ва ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган асосий ва қўшимча корхоналардан келаётган бошқа маҳсулотларни сифат кўрсаткичини текшириш келтирилаётган хом-ашёнинг назорати ҳисобланади. Бу ҳолларда тайёрланган маҳсулотлар сифат кўрсаткичи келтирилган хом-ашё сифат кўрсаткичига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишлаб чиқариш маҳсулотлари сифат кўрсаткичини бошқариш катта аҳамиятга эга бўлган воқеа ҳисобланади. Чунки ишлаб чиқариш маҳсулотлари сифат кўрсаткичи ҳозирги замон талабларига мос бўлишлиги, бозордаги товарларни истеъмолчилар талабига жавоб бериш яъни халқаро стандарлаштирилиши ва дунё андозасига мослигини ишлаб чиқариш товарларни халқаро бозорларига чиқаришни таъминлайди. Сифат кўрсаткичини юқори даражада эканлигини таъминлашда ишлаб чиқариш хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш корхоналарини замонавий техника, технология билан таъминлаш, ишлаб чиқариш маҳсулотларини режа асосида олиб бориш, ишлаб чиқаришда бўлган товарларни лойиҳалаш, уларнинг таннарҳини аниқлаш, ишлаб чиқариш давомида техник ускуналарни ишлашини бир меъёрдалигини таъмин этишни сифат кўрсаткичини таъминлайдиган энг асосий омиллар ҳисобланади.

Юқорида такидланганидек, ишлаб чиқарилган товарлар сифат кўрсаткичларини мамлакатда халқаро талабларга уйғунлаштирилган стандартлар тизимини жорий қилиш орқали назорат қилиш давлат иқтисодиётига сезиларли даражада ижобий таъсир қилади.

**Биринчидан**, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифати халқаро даражада тан олинади;

**Иккинчидан**, жаҳон бозорида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ошади;

**Учинчидан**, давлат ташқи савдоси ҳажмига ижобий таъсир ўтказди;

**Тўртинчидан**, маҳаллий иқтисодга хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратилади.

**Г.К. НАРИНБОЕВА,**

ТошДАУ, катта ўқитувчи,

**М.Н. МАМАТОВ,**

ТошДАУ, катта ўқитувчи,

### **Қишлоқ хўжалиги техник салоҳиятини ривожлантиришнинг иқтисодий механизми**

Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизациялаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда жадал янгилаш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг техник, технологик ва ташкилий базасини узлуксиз янгилаш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлигини ва чорва хайвонлар маҳсулдорлигини ошириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни жаҳон бозорларида рақобатдошлигини

таъминловчи инновацион фаолият, ҳамда инновацияларни қўллашни рағбатлантириш мамлакат иқтисодийтини барқарор ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалик техникасининг энг муҳим хусусиятларидан бири меҳнат, вақт ва бошқа ресурсларни тежаш билан бир қаторда, ҳосилдорликнинг ўсишига максимал даражада қўмаклашишдан иборат бўлади. Техника билан яхши таъминланган хўжаликлар ҳосилдорликни ошириш усуллари кенгроқ қўллаш, кўпроқ ўғит солиш, экиш ва йиғиб олиш муддатларини қисқартириш имкониятларига эга бўлишади. Ҳосилдорлик ўсиши билан меҳнат унумдорлиги ҳам ўсиб боради, маҳсулот таннархи пасаяди. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпаяди, маҳсулот арзонлашади, демак корхона рентабеллиги таъминланади. Тирик организмлар ривожланиши учун қулай шароитларни яратиш мақсадида, ишлаб чиқариш жараёнида техник воситаларни қўллаш қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Техниканинг яроқлилиқ муддати нафақат унинг сифат тавсифларига, балки уни эксплуатация қилиш ва сақлаш шароитларига ҳам боғлиқ бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат учун хом-ашё ишлаб чиқарадиган тармоқ сифатида, қишлоқ хўжалигидаги техника эксплуатацияси ўзига хос хусусиятларга эга.

Шунинг учун ҳам техник салоҳият қишлоқ хўжалигида катта роль ўйнайди. Аммо моддий-техник базанинг миқдорий таркиби ва техник ҳолати ўсимликчилик маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини тўлиқ маънода нафақат механизациялаштириш, балки механизациялашган ишларни белгиланган агротехник муддатларда амалга ошириш имконини ҳам бермайди, бу қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг технологик даражасини янада ёмонлашувига олиб келади. Ҳозирги кунда қишлоқдаги иш кучи захираси, ишларни фақатгина механизациялаштирилган усул билан амалга ошириш учун етади .

Агросаноат мажмуидаги барча ташкилий-иқтисодий ўзгаришлар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг техник салоҳиятини тиклаш ва ривожлантиришсиз ҳеч қандай ижобий натижаларга олиб келмайди. Техник салоҳиятни қайта тиклаш муаммосининг ечими эса тадбирлар мажмуасини амалга оширишни талаб қилади. Ушбу мақсадда биз техник салоҳиятни тиклаш ва ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини таклиф этганмиз. Кенг маънода “механизм” деганда, бирор аппаратни ишга келтирадиган унинг ички қурилмаси тушунилади. Иқтисодий нуқтаи назардан эса, механизм деганда, берилган кетма-кетликда жойлашган, муайян алоқа ва муносабатда бўлган, бирор фаолият турининг тартибини белгилаб берадиган элементлар, ҳолатлар ва жараёнларнинг ўзига хос йиғиндиси тушунилади. Техник салоҳиятни тиклашнинг иқтисодий механизми – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида барқарорликга эришиш, ривожланиш суръатларини ва самарадорликни ошириш мақсадларида қишлоқ хўжалиги техник салоҳиятининг ривожланиши ва фаолиятига таъсир кўрсатишнинг ташкилий-техник, ташкилий-иқтисодий ва молиявий-иқтисодий шакллари, услублари ва тадбирларининг ўзаро боғланган йиғиндисидир.

Қишлоқ хўжалиги техник салоҳиятини тиклашнинг иқтисодий механизми қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

- қишлоқ хўжалиги техникасининг замонавий турларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;
- машинасозлик заводларини ривожлантириш ва уларни юклаш;
- қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришнинг интенсив технологияларини ўзлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига индустриал технологияларни жорий қилиш;
- таъмирлаш-техник хизмат кўрсатишини яхшилаш;
- ишлаб чиқарувчи заводлар ва қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида қишлоқ хўжалик техникасини етказиб беришнинг ўзаро фойдали шартларини ишлаб чиқиш ва уларга риоя қилинишини назорат қилиш;
- давлат томонидан тартибга солиш орқали бюджетдан молиялаштириш, нарх шакллантириш ва солиққа тортишни мувофиқлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги тармоғига молиявий тузилмаларни (банк сектори, суғурта сектори ва ҳ.) жалб қилиш;
- қишлоқ хўжалигида лизингни ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш тизимини ривожлантириш;
- техникадан интенсив фойдаланишнинг ташкилий шакллари такомиллаштириш, шу жумладан МТП тармоғини ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарининг техника билан таъминланганлик даражасини ошириш;
- қишлоқ хўжалик корхоналари машина-трактор паркларининг оптимал таркибини;
- қишлоқ хўжалиги техник салоҳиятини тиклаш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари техник салоҳиятини ўстириш.

Иқтисодий механизм мураккаб тузилмадан иборат бўлиб, унинг таркибига таъминотнинг барча турлари ва уни тиклашнинг ташкилий шакллари, давлат томонидан тартибга солиш, шу жумладан, техника нархларини, имтиёзларни тақдим этишни ва тартибга солиш, молиялаштириш, кредитлаш ва бошқа элементлари киради .

Техник салоҳиятни тиклаш иқтисодий механизмнинг асосий блоклари сифатида унинг тикланишини таъминлаш ва давлат томонидан тартибга солиш ричаглари хизмат қилади. АСМда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан товар айирбошлашнинг ноэквивалентлиги сақланиб қолган, шунинг учун ҳам агросаноат ишлаб чиқариши ва бозорининг давлат томонидан тартибга солиниши зарурийдир.

Техник салоҳиятни тиклаш жараёнини таъминлаш иккита йўналишга эга: молиявий ва моддий. Салоҳиятнинг молиявий таъминоти молиялаштиришнинг шахсий манбаларини – фойда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг даромади; ва қарз маблағларини – кредит, лизингни ўз ичига олади. Бу эса қишлоқ хўжалигига банк ва бошқа молиявий тузилмалар жалб қилинишига олиб келиши керак. Шунингдек, сўнгги вақтда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўз фаолиятини бошлаган инвесторларни ҳам жалб қилиш зарур.

Моддий таъминот минтақавий ва республика даражасидаги ишлаб чиқариш воситалари бозорлари билан тақдим этилган, шу жумладан қишлоқ хўжалиги техникасининг иккиламчи бозори билан ҳам. Қишлоқ хўжалиги ривожланиши суръатларининг тезлашуви тракторлар, комбайнлар, автомобиллар ва бошқа машиналар ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигига етказиб беришни кескин кўпайтиришни талаб қилади.

Техник салоҳиятни тиклаш механизмида қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг роли муҳим бўлиб, унинг ривожланиши зарурий ҳисобланади. Сўнгги 1-2 йилда қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришда рўй берган ўсишга қарамасдан, корхоналарнинг машиналарга бўлган асосий эҳтиёжини қондириш, фақатгина мавжуд машиналардан фойдаланишни кескин яхшилаш шароитидагина, мумкин бўлади. Бу қишлоқ хўжалиги механизациясини кенгайтириш, ва демак, ҳосилдорликни ошириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ялпи теримини кўпайтириш имконини беради.

Бунга техникани эксплуатация қилишнинг интенсив шакллари ҳам ёрдам беради, машина-трактор паркни оптималлаштириш, техникадан фойдаланишнинг йирик гуруҳли шакллари, машина-технологик станциялари, хўжаликлараро кооперация, механизациялашган ишларни бажаришга ихтисослашган индивидуал тадбиркорлар ва юридик шахсларнинг хизматлари шулар жумласидандир.

Техник салоҳиятни тиклаш механизми давлат томонидан тартибга солишнинг қуйидаги ричаглари ўз таркибига олиши лозим: нархлар, яъни ишлаб чиқариш воситалари нархларини назорат қилиш, АСМ маҳсулотига қафолатланган нархларни таъминлаш; бюджет, яъни мақсадли дастурларни молиялаштириш, субсидиялар, компенсациялар ва дотациялар тизими, суғурталаш тизимини ривожлантириш, бюджет ссудалари; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига инвестициялар, уларни рағбатлантириш, лизингни ривожлантириш, лизинг жамғармасини тўлдириш; кредитлар, яъни кредитлар бўйича фоиз ставкасини (25%) субсидиялаш, имтиёзли кредитлаш, узоқ муддатли кредитларни ажратиш.

Ушбу механизмнинг ишлаши барча тузилмавий блоklar ва бўғинларнинг ташкилий йўналтирилганлиги ва ўзаро келишилганлигини тўлиқ таъминлаши лозим. Натижада, биринчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг техника билан таъминланиши ва ушбу техникадан



фойдаланиш самарадорлиги даражаси ошиши лозим; иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини жорий қилиш ва ўзлаштириш амалга оширилиши лозим; учинчидан, буларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг такомиллашувига ва унинг самарадорлиги ошишига олиб келади.

Хулоса килиб, шуни белгилаш лозимки қишлоқ хўжалиги техник-технологик салоҳиятни ошириш йўлларида бири лизингдан кенг фойдаланишни, қишлоқ хўжалиги техникалари билан фермер хўжаликларини таъминлашда кооперация тизимини йўлга қўйишни ва қишлоқ хўжалиги техникаларни соз ҳолатда эксплуатация муддатларида фойдаланиш учун фирмавий техник сервисни амалга оширилиши қишлоқ хўжалигида техник-технологик салоҳиятни ошишига олиб келади.

**Б.Х.АЗИЗКУЛОВ,**  
ТошДАУ, тадқиқотчи

### **Пахтачиликда ресурстежовчи агротехнологияларни жорий этишнинг иқтисодий кўрсаткичлари тизими ва уни самарадорлигини баҳолаш**

Ҳар қандай иқтисодий жараёнларни ўсишини тадқиқ этиш, энг аввало уларни назарий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади. Амалиёт эса бу назарий қарашларга ва ёндашувларга тегишли ўзгартиришлар киритади. Шу нуқтаи назардан “ишлаб чиқариш самарадорлиги” атамасининг моҳияти ва мезонларини назарий жиҳатдан чуқурроқ асослаш, унга баҳо бериш ва таҳлил қилиш кўрсаткичлар тизимини тадқиқ қилиш долзарблигини тақозо этади. Иқтисодий адабиётларда ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашнинг мезони сифатида ялпи ички маҳсулот, қўшилган қиймат, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлар тавсия этилади. Бу кўрсаткичлардан ҳар бири ўз афзалликлари ва камчиликларига эга. Аммо бу кўрсаткичлар ишлаб чиқариш самарадорлигининг у ёки бу томонини ўзида акс эттиради. Шундан келиб чиққан ҳолда иқтисодий самарадорликни тармоқ миқёсида ифодаладиган кўрсаткичлар сифатида қуйидагиларни киритиш мумкин, (жадвалга қаранг).

#### **Пахтачиликда иқтисодий самарадорликни ифодаладиган кўрсаткичлар тизими<sup>21</sup>**

<b>Натурал кўрсаткичлар тизими</b>	<b>Қиймат кўрсаткичлар тизими</b>
1) Ҳосилдорлик, ц/га;	1) Экин майдони бирлигидан олинган соф даромад, минг сўм;
2) Бир киши ҳисобига етиштирилган маҳсулот миқдори, ц/киши;	2) Ялпи маҳсулот қиймати, минг.сўм;
3) Ялпи маҳсулот, тонна;	3) ялпи товар маҳсулот қиймати, минг.сўм;
4) Соф маҳсулот, тонна;	4) 1 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатлар, минг сўм;
5) Меҳнат унумдорлиги, киши/соат	5) 1 ц маҳсулотни таннархи, минг сўм;
6) Сарфланган уруғлик миқдори, кг/га;	6) 1 ц маҳсулотни сотиш баҳоси, минг сўм;
7) Сарфланган минерал ва органик ўғитлар (соф ҳолда) миқдори, кг/га;	7) 1 га экин майдонига тўғри келадиган фойда, минг сўм;
8) Фойдаланилган сув ҳажми м <sup>3</sup> /га.	8) 1 ц маҳсулотга тўғри келадиган фойда, минг сўм;
9) 1 м <sup>3</sup> сув ҳисобига ишлаб чиқарилган пахта;	9) Бир ишчи ходимга тўғри келадиган ялпи маҳсулотнинг қиймати, минг сўм;
10) 1 тонна минерал ўғит ҳисобига ишлаб чиқарилган пахта;	10) Бир ишчи ходимга тўғри келадиган соф фойда, минг сўм;
11) 1 тонна ёқилғи ҳисобига ишлаб чиқарилган пахта.	11) Маҳсулот етиштиришнинг рентабеллик даражаси, фоиз.

Демак, пахтачиликда ресурстежовчи агротехнологияларни жорий этишда агротехник тадбирларни қўллашнинг бир неча босқичларни иқтисодий баҳолаш орқали баҳо бериш муҳим

<sup>21</sup> Муаллиф илмий-тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

ўрин тутади. Ресурстежовчи агротехнологияларни соҳага жорий этишни иқтисодий баҳолаш энг аввало ресурслардан фойдаланиш даражасини, ишлаб чиқариш харажатларини иқтисод қилинишини, пул ва моддий харажатларни ўзини оқлаш муддатини камайтиришга ва пахтачилик соҳасини иқтисодий самарадорлигини оширишга таъсир этади. Бу маълум маҳсулот етиштиришда янгиликни жорий этгунга қадар янги техника ва технологияларлар жорий этилгандан кейинги натижаларни солиштириш орқали аниқлаш мумкин.

Пахтачиликда ресурстежовчи агротехнологияларни жорий этишнинг иқти-содий самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичларини иккига бўлиб ўрганиш мумкин. Яъни: якуний натижаларни ифода қилмайдиган натурал кўринишидаги кўрсаткичлар ва бевосита якуний натижаларни акс эттирадиган қиймат кўринишидаги кўрсаткичлар тизими билан характерланади. Иқтисодий самарадорликни баҳолашда натижавий харажатлар кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқари-шига фан-техника ютуқларини жорий қилиш, тадбиқ этилаётган ресурстежовчи агротехнологиялардан фойдаланишда амалга оширилаётган тадбирларнинг иқтисодий асосланганлик даражасини ошириш, пахтачилик соҳасини техник, технологик ва ташкилий характердан келиб чиққан ҳолда унинг айрим тадбирларини иқтисодий баҳолаш усулларини такомиллаштириш лозимдир. Пахтачилик соҳаси ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги маҳсулот ҳажмининг ошишида, меҳнат унумдорлиги даражасини юксалишида, маҳсулот сифатини яхшиланишида ва унинг таннархини пасайишида ифодаланади ҳамда соҳани иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган усул ва тадбирлар, ишлаб чиқаришни механизациялаш, кимёлаштириш, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, илғор фан-техника ва технология ютуқларни жорий этиш харажатлари билан боғлиқдир.

Пахтачилик соҳасида ресурстежовчи агротехнологияларни жорий қилиш бўйича харажатлар ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлиги даражасини ошириш мақсадида амалга оширилади. Соҳада ресурстежовчи агротехнология-ларни жорий этишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда баҳо ва таннарх кўрсаткичларидан фойдаланилади ҳамда уларга таъсир қилувчи барча омиллар ҳисобга олинган ҳолда қиёсий усуллар асосида таққослама кўринишда амалга оширилади.

**М.Ч.МУРОДОВА,**

ТГЭУ, талаба

### **Стратегические направления развития переработки сельхозпродукции**

Производство фруктов, овощей и винограда имеет значительный потенциал для повышения доходов сельскохозяйственных производителей и занятости сельского населения в Узбекистане. Наибольший уровень производства на душу населения плодов и ягод наблюдается в Андижанской области (139,5 кг/чел), овощей – в Ташкентской, Андижанской и Самаркандской областях (500,0, 334,9 и 333,3 кг/чел соответственно). Лидерами по производству винограда являются Самаркандская (114,3кг/чел) и Бухарская (61,5 кг/чел) области. В среднем на душу населения в республике производится 60,6 кг плодов и ягод, 224,8 кг овощей и 35,0 кг винограда . В республике при сборе плодов в 2010 году в объеме 1710,2 тыс.тонн было переработано лишь 304,5 тыс.тонн или около 18%. Переработка овощей составила 11,1% от их валового сбора, винограда – 24,1% . Уровень переработки плодоовощной продукции за последние 6 лет незначительно возрос (уровень переработки фруктов увеличился на 1,5п.п., овощей – на 3,6п.п). Уровень переработки винограда, напротив, снизился на 4,8 п.п. (табл. 1).

**Таблица 1**

#### **Производство и переработка плодоовощной продукции и винограда**

**в 2004-2010 гг., тыс. тонн**

Годы	Овощи			Плоды			Виноград		
	производство	переработка	уровень переработки, %	производство	переработка	уровень переработки, %	производство	переработка	уровень переработки, %
2004	3336,1	250,3	7,5	851,7	130,0	16,3	589,1	170,0	28,9
2005	3517,5	308,1	8,8	949,3	201,7	21,2	641,6	192,5	30,0
2006	4279,4	674,6	15,8	1171,8	215,1	18,4	790,4	207,1	26,2
2007	4669,9	634,0	13,6	1269,1	165,9	13,1	880,3	191,1	21,7
2008	5217,4	663,0	12,7	1402,8	265,3	18,9	791,0	189,6	24,0
2009	5704,7	679,6	11,9	1542,9	293,5	19,0	899,6	231,2	25,7
2010	6346,4	706,5	11,1	1710,3	304,5	17,8	987,3	237,4	24,1
2010г. по отношению к 2004г., %	190,2	282,3	+3,6 п.п.	200,8	234,2	+1,5 п.п.	167,6	139,6	-4,8 п.п.

**Источник:** данные Министерства экономики РУз

Одной из перспективных форм развития перерабатывающей промышленности является создание агрофирм, что в определенной мере будет способствовать перераспределению создаваемой добавленной стоимости в отрасли, мобилизации инвестиций как внутренних, так и внешних. На начало 2011 года в республике функционируют 267 агрофирм плодоовощного направления. Всего в 81 из них имеются перерабатывающие цеха.

Перерабатывающая промышленность будет заинтересована в том, чтобы каждое сельскохозяйственное предприятие – фермерское хозяйство как партнер производило большое количество качественной продукции, а фермерские хозяйства в свою очередь заинтересованы в большем выходе готовой продукции, снижении потерь и росте прибыли на перерабатывающем предприятии.

Агрофирмы, независимо от их форм хозяйствования и собственности на основе заключенного договора производят закуп плодоовощной продукции фермеров и дехканских хозяйств и оказывают помощь им в реализации во внутреннем и внешнем рынках, а также при переработке. В ходе этих изменений, старые агропромышленные технологии переработки изнашивались, новые требуют больших инвестиций. Поэтому государство полностью поддерживает переработку сельскохозяйственной продукции для обеспечения продовольственной безопасности. Подтверждением этому являются принятых Государственной программы в 2012-2015 годы, согласно которому предполагается построить 47 новых агропромышленных заводов и реконструкцию 43 существующих заводов, а также создание Ассоциации Предпринимателей пищевой промышленности включающей в себя: предприятия жировой и масляной промышленности; предприятия мясной и молочной промышленности, предприятия по производству напитков, предприятия по переработке фруктов и овощей. В целях дальнейшего развития и расширения переработки сельскохозяйственной продукции, создания в сельской местности предприятий по переработке сельскохозяйственной продукции с использованием современных мини-технологий, расширения ассортимента и улучшения качества готовой продукции, а также повышения экспортного потенциала регионов республики необходимо принять специальную программу, включающую меры по :

- материально-техническое обеспечение образовательного процесса; воспитательная работа,
- учет потребностей рынка труда в выпускаемых специалистах и организация связей с работодателями,
- организация контроля образовательного процесса и его результатов;
- предоставление вузам большей самостоятельности в решении вопросов, касающихся самых различных областей их деятельности;
- связь вузов с общественностью.

Необходимо отметить, что важен не столько объем полученных конкретных знаний, сколько приобретенные навыки системного мышления, умение находить, обрабатывать и использовать нужную информацию, желание продолжать обучение и самосовершенствование, способность жить и успешно работать среди других людей. В этом процессе определяющую роль в образовании играет преподаватель. Важно отметить, что необходимо создание постоянно действующей системы подготовки повышения квалификации преподавательских кадров для высшей школы. Достижение любой цели, в том числе и повышения качества образования, требует соответствующего ресурсного обеспечения. Наличие современной учебно-лабораторной базы поможет обеспечивать экспериментальную, методическую и информационную поддержку учебных программ в тесной связи с научными исследованиями.

Современные информационно-коммуникационные технологии предоставляют возможность на практике реализовывать инновационные педагогические подходы. Однако для этого требуется достаточно высокий уровень владения информационно-коммуникационными технологиями. Это обуславливает важность постоянного повышения квалификации преподавателей в области информационных технологий, а также создание в вузах центров информационно-технологической педагогических инноваций. Хорошее информационное обеспечение учебной и научно-исследовательской деятельности, использование инновационных технологий, развитие новых форм и методов обучения, отвечающие условиям информационного общества и экономики, является обязательным условием обеспечения качества образования, которое способствует формированию у выпускников навыков самостоятельной и коллективной работы по получению новых знаний, критической оценки имеющейся и поиска новой информации, опыта самостоятельно принимать решения по поставленной проблеме.

**Г.К. НАРИНБОЕВА,**

ТошДАУ, катта ўқитувчи,

**М.Н. МАМАТОВ,**

ТошДАУ, катта ўқитувчи

### **Қишлоқ хўжалиги техник салоҳиятини ривожлантиришнинг иқтисодий механизми**

Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизациялаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда жадал янгилаш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг техник, технологик ва ташкилий базасини узлуксиз янгилаш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлигини ва чорва хайвонлар маҳсулдорлигини ошириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни жаҳон бозорларида рақобатдошлигини таъминловчи инновацион фаолият, ҳамда инновацияларни қўллашни рағбатлантириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалик техникасининг энг муҳим хусусиятларидан бири меҳнат, вақт ва бошқа ресурсларни тежаш билан бир қаторда, ҳосилдорликнинг ўсишига максимал даражада кўмаклашишдан иборат бўлади. Техника билан яхши таъминланган хўжаликлар ҳосилдорликни ошириш усулларини кенгроқ қўллаш, кўпроқ ўғит солиш, экиш ва йиғиб олиш муддатларини қисқартириш имкониятларига эга бўлишади. Ҳосилдорлик ўсиши билан меҳнат унумдорлиги ҳам ўсиб боради, маҳсулот таннархи пасаяди. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпаяди, маҳсулот арзонлашади, демак корхона рентабеллиги таъминланади.

Тирик организмлар ривожланиши учун қулай шароитларни яратиш мақсадида, ишлаб чиқариш жараёнида техник воситаларни қўллаш қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Техниканинг яроқлилик муддати нафақат унинг сифат тавсифларига, балки уни эксплуатация қилиш ва сақлаш шароитларига ҳам боғлиқ бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат учун хом-ашё ишлаб чиқарадиган тармоқ сифатида, қишлоқ хўжалигидаги техника эксплуатацияси ўзига хос хусусиятларга эга.

Шунинг учун ҳам техник салоҳият қишлоқ хўжалигида катта роль ўйнайди. Аммо моддий-техник базанинг миқдорий таркиби ва техник ҳолати ўсимликчилик маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини тўлиқ маънода нафақат механизациялаштириш, балки механизациялашган ишларни белгиланган агротехник муддатларда амалга ошириш имконини ҳам бермайди, бу қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг технологик даражасини янада ёмонлашувига олиб келади. Ҳозирги кунда қишлоқдаги иш кучи захираси, ишларни фақатгина механизациялаштирилган усул билан амалга ошириш учун етади .

Агросаноат мажмуидаги барча ташкилий-иқтисодий ўзгаришлар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг техник салоҳиятини тиклаш ва ривожлантиришсиз ҳеч қандай ижобий натижаларга олиб келмайди. Техник салоҳиятни қайта тиклаш муаммосининг ечими эса тадбирлар мажмуасини амалга оширишни талаб қилади.

Ушбу мақсадда биз техник салоҳиятни тиклаш ва ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини таклиф этганмиз.

Кенг маънода “механизм” деганда, бирор аппаратни ишга келтирадиган унинг ички қурилмаси тушунилади. Иқтисодий нуқтаи назардан эса, механизм деганда, берилган кетма-кетликда жойлашган, муайян алоқа ва муносабатда бўлган, бирор фаолият турининг тартибини белгилаб берадиган элементлар, ҳолатлар ва жараёнларнинг ўзига хос йиғиндиси тушунилади.

Техник салоҳиятни тиклашнинг иқтисодий механизми – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида барқарорликга эришиш, ривожланиш суръатларини ва самарадорликни ошириш мақсадларида қишлоқ хўжалиги техник салоҳиятининг ривожланиши ва фаолиятига таъсир кўрсатишнинг ташкилий-техник, ташкилий-иқтисодий ва молиявий-иқтисодий шакллари, услублари ва тадбирларининг ўзаро боғланган йиғиндисидир.

Қишлоқ хўжалиги техник салоҳиятини тиклашнинг иқтисодий механизми қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

- қишлоқ хўжалиги техникасининг замонавий турларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;
- машинасозлик заводларини ривожлантириш ва уларни юклаш;
- қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришнинг интенсив технологияларини ўзлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига индустриал технологияларни жорий қилиш;
- таъмирлаш-техник хизмат кўрсатишини яхшилаш;
- ишлаб чиқарувчи заводлар ва қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида қишлоқ хўжалик техникасини етказиб беришнинг ўзаро фойдали шартларини ишлаб чиқиш ва уларга риоя қилинишини назорат қилиш;
- давлат томонидан тартибга солиш орқали бюджетдан молиялаштириш, нарх шакллантириш ва солиққа тортишни мувофиқлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги тармоғига молиявий тузилмаларни (банк сектори, суғурта сектори ва ҳ.) жалб қилиш;
- қишлоқ хўжалигида лизингни ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш тизимини ривожлантириш;
- техникадан интенсив фойдаланишнинг ташкилий шакллари такомиллаштириш, шу жумладан МТП тармоғини ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарининг техника билан таъминланганлик даражасини ошириш;
- қишлоқ хўжалик корхоналари машина-трактор паркларининг оптимал таркибини;
- қишлоқ хўжалиги техник салоҳиятини тиклаш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари техник салоҳиятини ўстириш.

Иқтисодий механизм мураккаб тузилмадан иборат бўлиб, унинг таркибига таъминотнинг барча турлари ва уни тиклашнинг ташкилий шакллари, давлат томонидан тартибга солиш, шу жумладан, техника нархларини, имтиёзларни тақдим этишни ва тартибга солиш, молиялаштириш, кредитлаш ва бошқа элементлари киради .

Техник салоҳиятни тиклаш иқтисодий механизмнинг асосий блоклари сифатида унинг тикланишини таъминлаш ва давлат томонидан тартибга солиш ричаглари хизмат қилади. АСМда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан товар айирбошлашнинг ноэквивалентлиги сақланиб қолган, шунинг учун ҳам агросаноат ишлаб чиқариши ва бозорининг давлат томонидан тартибга солиниши зарурдир.

Техник салоҳиятни тиклаш жараёнини таъминлаш иккита йўналишга эга: молиявий ва моддий. Салоҳиятнинг молиявий таъминоти молиялаштиришнинг шахсий манбаларини – фойда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг даромади; ва қарз маблағларини – кредит, лизингни ўз ичига олади. Бу эса қишлоқ хўжалигига банк ва бошқа молиявий тузилмалар жалб қилинишига олиб келиши керак. Шунингдек, сўнгги вақтда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўз фаолиятини бошлаган инвесторларни ҳам жалб қилиш зарур.

Моддий таъминот минтақавий ва республика даражасидаги ишлаб чиқариш воситалари бозорлари билан тақдим этилган, шу жумладан қишлоқ хўжалиги техникасининг иккиламчи бозори билан ҳам. Қишлоқ хўжалиги ривожланиши суръатларининг тезлашуви тракторлар, комбайнлар, автомобиллар ва бошқа машиналар ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигига етказиб беришни кескин кўпайтиришни талаб қилади. Техник салоҳиятни тиклаш механизмида қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг роли муҳим бўлиб, унинг ривожланиши зарурий ҳисобланади. Сўнгги 1-2 йилда қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришда рўй берган ўсишга қарамадан, корхоналарнинг машиналарга бўлган асосий эҳтиёжини қондириш, фақатгина мавжуд машиналардан фойдаланишни кескин яхшилаш шароитидагина, мумкин бўлади. Бу қишлоқ хўжалиги механизациясини кенгайтириш, ва демак, ҳосилдорликни ошириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ялпи теримини кўпайтириш имконини беради.

Бунга техникани эксплуатация қилишнинг интенсив шакллари ҳам ёрдам беради, машина-трактор паркни оптималлаштириш, техникадан фойдаланишнинг йирик гуруҳли шакллари, машина-технологик станциялари, хўжаликлараро кооперация, механизациялашган ишларни бажаришга ихтисослашган индивидуал тадбиркорлар ва юридик шахсларнинг хизматлари шулар жумласидандир.

Техник салоҳиятни тиклаш механизми давлат томонидан тартибга солишнинг қуйидаги ричаглари ўз таркибига олиши лозим:

- нархлар, яъни ишлаб чиқариш воситалари нархларини назорат қилиш, АСМ маҳсулотига кафолатланган нархларни таъминлаш;
- бюджет, яъни мақсадли дастурларни молиялаштириш, субсидиялар, компенсациялар ва дотациялар тизими, суғурталаш тизимини ривожлантириш, бюджет ссудалари;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига инвестициялар, уларни рағбатлантириш, лизингни ривожлантириш, лизинг жамғармасини тўлдириш;
- кредитлар, яъни кредитлар бўйича фоиз ставкасини (25%) субсидиялаш, имтиёзли кредитлаш, узоқ муддатли кредитларни ажратиш.

Ушбу механизмнинг ишлаши барча тузилмавий блоклар ва бўғинларнинг ташкилий йўналтирилганлиги ва ўзаро келишилганлигини тўлиқ таъминлаши лозим. Натижада, биринчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг техника билан таъминланиши ва ушбу техникадан фойдаланиш самарадорлиги даражаси ошиши лозим; иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини жорий қилиш ва ўзлаштириш амалга оширилиши лозим; учинчидан, буларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг такомиллашувига ва унинг самарадорлиги ошишига олиб келади.

Хулоса қилиб, шуни белгилаш лозимки қишлоқ хўжалиги техник-технологик салоҳиятни ошириш йўлларида бири лизингдан кенг фойдаланишни, қишлоқ хўжалиги техникалари билан фермер хўжаликларини таъминлашда кооперация тизимини йўлга қўйишни ва қишлоқ хўжалиги техникаларни соз ҳолатда эксплуатация муддатларида фойдаланиш учун фирмавий техник сервисни амалга оширилиши қишлоқ хўжалигида техник-технологик салоҳиятни ошишига олиб келади.

**Ў.Н.РАИМЖАНОВА,**  
ТошДАУ, ассистент

### **Модернизация культурно-образовательной сферы - как основа общественного прогресса**

Узбекистан является государством, на территории которого еще с древних времен началось развитие науки и культуры. В частности, широкое развитие получили такие науки как астрономия, математика, медицина, химия, история, философия, языковедение, литературоведение, и ремесла - скульптурное мастерство, ткачество, гончарное дело, стеклоделие и др. В настоящее время ученые Узбекистана активно изучают научное наследие, оставленное учеными древности, обогащают науку своими новыми открытиями, внося значительный вклад в развитие мировой науки.

В последние десятилетия и в жизни нашего государства, и в международном сообществе в целом произошли существенные социальные и экономические перемены. Динамично меняющиеся в современном мире реальности, стремительное развитие человеческой цивилизации, технологическое и культурное разнообразие начинает опережать способность человека осмысливать без соответствующей подготовки новые явления, учитывать риски и прогнозировать перспективы.

Эти изменения обусловили не только важнейшие позитивные перемены в социально-экономической жизни страны, но и негативные проявления, связанные, прежде всего, со сменой ценностных ориентиров.

В этих условиях проводимая модернизация экономики и общественных институтов потребовала новых подходов к подготовке активного, думающего человека, ориентированного на знания и использование новых технологий, способного творчески подходить к решению задач, понимать и формулировать смыслы человеческой деятельности, обладающего установкой на рациональное использование своего времени и проектирование своего будущего, ведущего здоровый и безопасный для себя и окружающих образ жизни, способного на эффективное социальное сотрудничество в условиях глобализации. Интеллект и творческий потенциал человека превращаются в ведущий фактор экономического роста и национальной конкурентоспособности.

Развитие и проявление творческих способностей возможно только последовательным формированием, а фактически непрерывным воспитанием у подрастающего поколения, начиная от дошкольного возраста и вплоть до перехода к профессиональной деятельности, творческого и созидательного начала к жизнедеятельности, учебе, труду, социальному проектированию. В то же время воспитание творческих начал не может быть реализовано отдельно без формирования в

целом личности молодого человека, его нравственных основ, его национальной самоидентификации, освоения им базовых национальных ценностей, отечественной и мировой культуры, то есть без ориентации на воспитание высоконравственного, творческого, компетентного гражданина Узбекистана.

В связи с этим решение проблем продуктивной социализации подрастающего поколения, формирования образовательного и духовно-нравственного базиса, основанного не только на знаниях, но и на соответствующем культурном уровне развития личности, создание необходимых условий для ее самореализации становится общегосударственной приоритетной задачей, особенно в сельской местности.

Такая постановка вопроса требует наряду с другими сферами жизнедеятельности человека, и систему образования. Государственная политика в области образования основана на следующих принципах: гуманистический, демократический характер обучения и воспитания; непрерывность и преемственность среднего специального, профессионального, высшего и послевузовского образования; светский характер системы образования; общедоступность образования в пределах государственных образовательных стандартов; единство и дифференцированность подхода к выбору программ обучения; поощрения одаренности и таланта; сочетание государственного и общественного управления в системе высшего образования; интеграция высшего образования, науки и производства.

При воспитании личности гражданина образовательный стандарт ориентируются на достижение современного национального воспитательного идеала — это высоконравственный, творческий, компетентный гражданин Узбекистана, принимающий судьбу Отечества как свою личную, осознающий ответственность за настоящее и будущее своей страны, укорененный в духовных и культурных традициях многонационального народа Узбекистана. Образовательные стандарты нового поколения направлены на обеспечение перехода от простой ретрансляции знаний к раскрытию возможностей обучающихся, к подготовке их к жизни в современных условиях на основе включения в процесс социализации, придание образовательному процессу воспитательной функции.

Для обеспечения такого перехода в основу новых стандартов положен системно-деятельностный подход, предусматривающий, в первую очередь, развитие качеств личности, отвечающих требованиям информационного общества, инновационной экономики, задачам построения демократического гражданского общества. В процессе образования человек осваивает культурные ценности (историческое наследие искусства, архитектуры). Поскольку достижения познавательного характера представляют собой совокупность материального и духовного достояния человечества, постольку освоение исходных научных положений также является обретением культурных ценностей. В итоге было сформулировано дидактическое понятие культуры — обучение и воспитание молодого поколения средствами культуры.

Процесс взаимодействия, как присвоение и создание человеком новых культурных ценностей, в рамках образовательной системы является созиданием. То есть связан с культурой в ее динамическом аспекте. Образование — это процесс передачи накопленных поколениями знаний и культурных ценностей. Содержание образования черпается и пополняется из следствия культуры и науки, а также из жизни и практики человека. То есть образование является социокультурным феноменом и выполняет социокультурные функции. Поэтому образование становится необходимым и важным фактором развития как отдельных сфер (экономики, политики, культуры), так и всего общества. Образование — это один из оптимальных и интенсивных способов вхождения человека в мир науки и культуры. Именно в процессе образования человек осваивает культурные ценности. Содержание образования черпается и непрерывно пополняется из культурного наследия различных стран и народов, из разных отраслей постоянно развивающейся науки, а также из жизни и практики человека. Мир сегодня объединяет усилия в сфере образования, стремясь воспитать гражданина мира и всей планеты. Интенсивно развивается мировое образовательное пространство.

Поэтому в мировом сообществе высказываются требования формирования глобальной стратегии образования человека (независимо от места и страны его проживания, типа и уровня получения образования). Духовное в человеке самопроявляется благодаря его «врастанию» в культуру. Носителем культуры выступает семья, и первая осваивается в процессе обучения и самообразования, воспитания и самовоспитания, профессиональной деятельности и общения с окружающими людьми. Однако именно в процессе обучения воспитания человек обретает социокультурные нормы, имеющие историческое значение для развития цивилизации, общества и человека.

Жизнь человека — это звено в цепи поколений. То есть человек живет в пространстве социально-культурной традиции, которая оказывает существенное влияние на формирование его характера, стиля поведения, устремлений, ценностей и интересов. В связи с этим отношения между традицией и новациями в сфере образования и воспитания человека воплощают взаимосвязь между образованием и культурой народов в целом. В процессе обучения и воспитания человек осваивает социокультурные нормы, имеющие культурно-историческое значение. В результате осваиваются нормы морали и нравственного поведения человека в социальной группе и на производстве, в семье и общественных местах, а также правила общения, межличностных и деловых контактов. Не случайно смысл образования видят не только в трансляции социального опыта во времени, но и в воспроизводстве устоявшихся форм общественной жизни в пространстве культуры.

Образование является тем социальным институтом, через который передаются и воплощаются базовые культурные ценности и цели развития общества. Образование в качестве активного ускорителя культурных перемен и преобразований в общественной жизни и в отдельном человеке.

**И.ИСРАИЛОВ,**

ТошДАУ,

**Ф.ХАМИДОВА,**

ТошДАУ,

### **Республикамизда ясмиқ етиштиришни кўпайтиришнинг йўналишлари**

Ясмиқ ҳосили бебаҳо неъматлардан бири ҳисобланади. Ясмиқ таркиби оқсилга бойдир. Унда 24-35 % гача оқсил, 48-53 % гача углеводлар, 0,6-2 % гача ёғлар минерал моддалар ва В гуруҳига кирувчи витаминларга бойдир. Ясмиқнинг пояси ҳам чорвачилиқда кенг қўлланилади. Ясмиқнинг майда уруғли навлари кишлок хўжалиги ҳайвонлари учун тўйимли озикалардан ҳисобланади. Маълумки оқсил моддаси инсон организми учун энг керакли моддалардан ҳисобланади, бошқа дуккакли дон ўсимликларидан фарқли ўлароқ ясмиқ ўзининг оқсилга бойлиги билан биринчи ўринда туради. У жуда тез шу билан бирга жуда майин бўлиб пишади. Унинг майин таъми ва хушбўй ҳиди ҳар қандай истемолчини иштаҳасини очади. Табобатда ясмиқ шифобахш ўсимликлардан саналади.

Масалан, ясмиқ қайнатилган сувдан истемол қилинса буйрак тошларини туширади, ясмиқ унига сарёғ аралаштириб қўйган яраларга малҳам сифатида фойдаланилади. Шу ва бошқа кўп шунга ўхшаш мисолларни келтиришимиз мумкин. Бугунги кунда дунё бўйича Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш аҳолиси ясмиқни жуда кўп истемол қилади.

Қадимдан ясмиқни камбағаллар экини деб қарашган. Чунки бу ўсимлик унчалик кўп ўғит талаб қилмайди. Дон-дуккакли экинлардан ясмиқ, жуда серҳосил бўлиб, тўйимлилиқ жихатдан қорамол гўштига деярли баробар келади. Ясмиқ донидан шўрва ва бўтқа тайёрлаш учун фойдаланилади. Овқат тайёрлашда ясмиқ дони бошқа дуккакли экинлар донига қараганда анча тез пишади. Ўзбекистонда экилаётган ясмиқ дони айниқса тез пишади. Озиқ-овқат саноатида ясмиқ донидан консервалар тайёрланади. Ясмиқ дони чорва молларига жуда фойдали емлардан бири



ҳисобланади. Унинг пояси тўйимлилиги бўйича яхши ўтлоқ пичанга, тупони эса буғдой келади. Пояси ва чорва молларига ем-хашак сифатида ишлатилади. Булар тупроқда азот тўплайдиган ўсимликлар бўлгани учун яхши ўтмишдош экин ҳисобланади. Шунинг учун дунёда дон етиштиришни кўпайтириш ва аҳолини дон ва дон-дуккакли маҳсулотларига, экологик тоза, оксил моддасига эҳтиёжини қондириш бугунги энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Дуккакли-дон экинларнинг кўпчилиги Ўзбекистон шароитида бир йилда икки марта ҳосил олиш имконини беради. Соя, мош такрорий экин сифатида, ясмиқни эса биринчи экин сифатида экиш мумкин. Ясмиқнинг маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мослашган. Аммо ишлаб чиқаришда кенг экилмаганлиги, етиштириш технологияси ишлаб чиқилмаганлиги сабабли ясмиқ етиштириш технологиясини тадқиқ қилиб мақбуллари аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш зарурдир. Ўзбекистон ҳудудида ясмиқни етиштириш технологиясини ўрганиш ва сифатли, тўйимли ёрма ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқдир. Бу ишни бажаришга имкон бор. Ўзбекистон олимлари томонидан ясмиқнинг селекцион навлари яратилган, аммо етиштириш технологияси ишлаб чиқилмаган. Шунинг назарга тутиб ясмиқнинг янада юқори ва сифатли ҳосил олинишини таъминлайдиган янги замонавий етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шу муаммоларни ечиш учун илмий-тадқиқотлар ишлари олиб борилади. Республикамининг марказий минтақасини суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ясмиқ навларини экиб уларни ўсиши, ривожланиши ва ҳосил шаклланиши шароитини аниқлаш, юқори дон ва кўкат ҳосилини таъминлайдиган муқобил ясмиқ нави, маъдан ўғит меъёрини тадқиқот қилиш мақсадида 2011 йилдан ТошДАУнинг кичик тажриба станциясида илмий тажрибалар олиб борилмоқда. Шу пайтгача бу шароит учун ясмиқ етиштириш технологияси яратилмаган. Тажриба натижалари шуни кўрсатмоқдаки, республикамизнинг марказий минтақасини суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ясмиқ навларини экиб улардан юқори тўйимли дон ҳосили етиштириш имкониятлари мавжудлиги аниқланмоқда.

**З.СИДДИКОВ,**  
ТашГАУ, к.э.н., доцент  
**М.К. ЙЎЛДОШЕВА,**  
ТашГАУ, студентка  
**М.Н.ТУРДИЕВА,**  
ТашГАУ, студентка

### **Модели управления и методы оценки конкурентоспособностью корпоративных предприятий на современном этапе реформирования экономики в Узбекистане**

Для предприятий промышленности Узбекистана характерны крупные масштабы производства, однако их продукция в целом однородна, и нет жесткой «технологической» зависимости потребителей от поставщиков, что благоприятствует развитию конкуренции. Вместе с тем спад производства в отдельных отраслях промышленности, не позволяет пока обеспечить полноценную конкурентную среду даже при наличии указанных предпосылок. Спад производства обусловлен рядом причин, среди которых особенно выделены: ограниченность ряда сырьевых ресурсов и связанное с этим недоиспользованием производственных мощностей, недостаточность оборотных средств у снабженческих организаций, снижение платежеспособного спроса на готовую продукцию, существующие различия в наличных и безналичных расчетах, ограниченность кредитных и централизованных инвестиционных ресурсов.

Выше перечисленные причины ведут не только к спаду, производства в отдельных подотраслях промышленности, но и к снижению конкурентоспособности их продукции, что усугубляется наличием значительного количества импортной продукции, которая отличается от отечественной по разным параметрам, в том числе и по цене. В этих условиях особое значение приобретает развитие вовлеченных в сферу корпоративных структур малых и частных

предприятиях в качестве полигона инновационной деятельности для создания реальной конкурентной среды на фоне постоянного совершенствования и улучшения качества продукции. Конкурентоспособность объекта определяется по отношению к конкурентному рынку либо к конкурентной группе потребителей, формируемой по соответствующим признакам стратегической сегментации рынка. В условиях рыночных отношений конкурентоспособность является главным фактором успеха.

Для достижения и постоянного поддержания объекта конкурентоспособным на планируемом рынке необходимо поддерживать завоеванные конкурентные преимущества, искать и реализовывать новые. Важное значение имеет применение методов прогнозирования рыночной конъюнктуры не только в отношении рассматриваемого предприятия, но и для конкурентов, выпускающих аналогичную или заменяемую продукцию. В качестве исходной информации для доставления приемлемого по достоверности прогноза уровня конкурентоспособности рассматриваемой продукции за представительный ряд отчетных периодов времени.

Существует шесть подходов (методов) оценки конкурентоспособности организации: с позиции сравнительных преимуществ, по теории равновесия, структурный, функциональный, по качеству продукции, по методу Бостонской консалтинговой группы.

Преимущества рассмотренных подходов и методик оценки конкурентоспособности предприятий - изготовителей заключаются в следующем. Во-первых, рассмотренные подходы широко применяются в мировой практике и являются инструментом взгляда в будущее. Во-вторых, методики оценки конкурентоспособности носят не описательный характер, а конкретно-экономический количественный характер. Недостатки указанных методов оценки конкурентоспособности видятся в следующем: а) апробированные в мировой практике подходы и методы оценки конкурентоспособности предприятий – производителей не отражают воздействия на них научных подходов к управлению, прежде всего системного, комплексного, ситуационного; б) в промышленно развитых странах отлажены рыночные механизмы, которые «автоматически» выбросят за борт некачественные товары.

Кроме стратегического маркетинга в вузах промышленно развитых стран глубоко изучают методы прогнозирования, исследования операций, математической статистики, а в Узбекистане за последние 10 лет значительно ослабло внимание к проблеме повышения качества с помощью управленческого решения; в) по мнению авторов, с методической точки зрения неправомерно обобщающий (интегральный) показатель конкурентоспособности предприятий определять умножением индексов конкурентоспособности товарной массы (всех товаров) и относительной эффективности предприятия, так как эти показатели тесно коррелируют. Очевидно, что любой показатель эффективности зависит от объема продаж и добавленной стоимости, а последние, в свою очередь, прямо зависят от конкурентоспособности предприятия. По методике оценки конкурентоспособности предприятий предложения авторов заключаются в следующем: уровень конкурентоспособности считать как средневзвешенную величину по показателям конкурентоспособности конкретных товаров в конкретных рынках; отдельно анализировать эффективность любого товара на каждом рынке; отдельно рассчитывать показатели устойчивости функционирования организации; прогнозировать перечисленные три комплексных показателя минимум на пять лет.

Вторая модель используется часто, так как фирма размещает заказ на разработку новшеств в специализированные организации, а внедряет их собственными силами. Третья модель, по мнению автора, получит развитие в будущем по мере становления рынка инвестиционных ресурсов. Помимо материальных факторов важную роль играет корпоративная культура, формирующая соответствующий требованиям цивилизованного рынка менеджмент в корпоративных предприятиях. В Узбекистане основной проблемой является разработка кодексов корпоративного поведения с учетом особенностей деятельности отдельных отраслей, таких как химическая, и пищевая и машиностроение имеющие холдинговую форму управления.

## Б.Ю.МЕНГЛИҚУЛОВ,

ТошДАУ, и.ф.н., доц.

### Қорамолчиликда маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш масалалари

Бозор муносабатлари шароитида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун кетган харажатларни камайтириш ва таннархни пасайтириш катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Маҳсулот таннархи чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар молия-хўжалик фаолиятининг ҳамма томонларини акс эттирувчи кўрсаткичлардан биридир. Мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасининг юксалиши маҳсулот таннархининг пасайишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунга эса асосан, меҳнат самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўли билан эришиш мумкин. Шу боисдан, маҳсулот таннархини мунтазам равишда оз-оздан пасайтириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқаришни барқарор рентабелли бўлишини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Монографик тадқиқотлар олиб борилган хўжаликда сут йўналишидаги чорвачиликдан олинган маҳсулотлар ва уларнинг таннархини кўриб чиққан мизда қуйидагилар маълум бўлди. Гўнг таннархи қилинган харажатларни унинг жисмоний (натура) вазнига бўлиш йўли билан аниқланади. Гўнг учун сарфланган харажатлар уларни йиғиш, молхонадан чиқариш ва сақлашдан иборат. Асосий маҳсулотлар таннархини харажат моддалари бўйича таҳлил қилишда гўнг учун сарфланган харажатлар жами чорвачилик харажатларидан айириб ташланади. Тери, ҳаром ўлган қорамоллар гўшти ва шу каби қўшимча маҳсулотлар сотиш нархида баҳоланади. Чорвачиликда асосий ва ёндош маҳсулотлар бирлигининг таннархи барча ҳақиқий харажатлар суммасини ялпи чиққан маҳсулотга тақсимлаш йўли билан аниқланади. Сут йўналишидаги чорвачиликда таннарх олинган сут ва бузоқлар бўйича аниқланади. Бир центнер сут ва бир бош бузоқнинг таннархини аниқлаш учун сарфланган йиллик харажатлар суммасидан қўшимча маҳсулотлар қиймати чиқариб ташланади. Харажатларнинг қолган суммаси сутга 90 фоиз, бузоқларга 10 фоиз ўтказилади. Чорвачилик маҳсулоти таннархини пасайтиришнинг асосий омилларини аниқлаш учун харажат моддалари бўйича маҳсулот таннархи тузилишини таҳлил қилиш зарур. Амалиёт маълумотларини ўрганганимизда қуйидагилар маълум бўлди (1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадики, «Иваново сут маҳсулоти» фермер хўжалигида 2011 йилда жами харажатнинг таркибида меҳнат ҳақи харажатлари сут бўйича 10,1 % ни, бузоқ бўйича 9,7 % ни ташкил этган. Буни ижобий баҳолаб бўлмайди. МЧЖ да ходимларга берилган меҳнат ҳақини ошириш билан унинг жами харажатдаги улушини ҳамда манфаатдорликни ошириш мумкин.

1-жадвал

#### Зангиота туманидаги «Иваново сут маҳсулоти» фермер хўжалигида чорвачилик маҳсулотлари таннархининг тузилиши (%ҳисобида) 2011 й.

Харажатлар	Сут	Бузоқлар
Меҳнат ҳақи харажатлари ажратмалар билан бирга	10,1	9,7
Озуқа	71,0	71,5
Асосий воситалар эскириши	4,4	4,1
Умумишлаб чиқариш харажатлари	3,2	2,9
Бошқа харажатлар	11,3	11,8
Жами харажатлар	100	100

Озуқа харажати эса мос равишда 71,0 ва 71,5 % ни ташкил этган. Бу ҳолатни ҳам салбий баҳолаш лозим. Жами харажат таркибида озуқа ва бошқа харажатларни камайтириш чораларини кўриш керак. Чорвачилик маҳсулотларининг таннархини ўзгаришига асосан икки омил таъсир этади: бир бош чорвага сарфланган харажатларнинг ўзгариши ва бир бош чорвадан олинган маҳсулотнинг ўзгариши. Чорвачилик маҳсулотларининг таннархининг ўзгаришига юқоридаги икки омилнинг таъсирини аниқлаш учун занжирли боғланиш усулидан фойдаланамиз. Бунинг

учун куйидаги кўрсаткичлар аниқланади: 1 ц маҳсулотнинг режа таннархи; 1 ц маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи; 1 ц маҳсулотнинг шартли қабул қилинган таннархи (режа бўйича 1 бош қорамолга сарфланган харажатларни ҳақиқий маҳсулдорликка бўлиб топилган таннарх).

Чорва моллари бош сонига қилинадиган харажатлар ва маҳсулдорликнинг ўзгаришини маҳсулотлар таннархининг пасайишига таъсирини амалиёт маълумотлари асосида таҳлил қиламиз (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Зангиота туманидаги «Иваново сут маҳсулоти» фермер хўжалигида харажат миқдорининг 1 бош қорамолни боқишга ва чорва моллари маҳсулдорлигининг чорвачилик маҳсулоти таннархига таъсири

	1 бош молга қилинган харажат, сўм		1 бош молдан маҳсулот чиқиши, кг		1 ц нинг таннархи, Сўм		Четга чиқиши (+), (-), сўм										
	2010 йил	2011 йил		2010 йил	2011 йил		Хаммаси		Шу жумладан ўзгаришлар ҳисобига								
		Режада	Ҳақиқатда		Режада	Ҳақиқатда	2010 йил	2011 йил	2010 йилги сарфларда ва ҳақиқий маҳсулдорликда	Режадаги сарфларда ва ҳақиқий маҳсулдорликда	М аҳсулдорлик		Х аражат миқдори				
											2010 йилдан	режадан	2010 йилдан	Режадан			
Сут	1212,0	1204,0	1238,0	2881,4	2914,2	2889,7	224,1	223,4	235,8	221,6	219,7	+11,7	+12,4	-2,5	-3,7	+14,2	+16,1
Ўстирилатган ва боқувдаги чорва молларнинг семириши	819,4	809,3	823,4	2,4	2,3	2,5	1412,3	1408,2	1419,4	1407,8	1405,6	+7,1	+11,2	-4,5	-2,6	+11,6	+13,8

Жадвал маълумотларидан кўринадики, «Иваново сут маҳсулоти» фермер хўжалигида сут ишлаб чиқариш бўйича ҳам, ёш моллар ва боқувдаги молларнинг семириши бўйича ҳам таннарх 2011 йилда 2010 йилдан ва режадан анча ошиб кетган. Бунга сабаб харажат миқдорининг ошиб кетганлигидир. «Иваново сут маҳсулоти» фермер хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархида озуқа харажатлари катта улушни ташкил қилади. Уни камайтириш чораларини кўриш керак. Ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш лозим. Бунинг учун уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини ошириш керак.

Хулоса қилиб айтганда, маҳсулот таннархини пасайтириш учун чорва бош сонига сарфланган харажатларни иқтисод қилиш ва маҳсулдорликни ошириш лозим. Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йўллари куйидагилардан иборат: бошқарув усуларини, ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилишни, ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилаш, моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш, хўжасизликка йўл қўймаслик ва бошқалар. Чорвачиликда ҳам маҳсулот таннархини йил охирида аниқланади. Ҳар бир чорва тури бўйича жами харажатлар ва йил давомида олинган маҳсулотлар қиймати аниқланади.

**Н.Қ.НАЙИМОВ,**

ТошДАУ, Стажёр - тадқиқотчи – изланувчи

## Мева – сабзавотчилик кўйи мажмуасини модернизациялаш тадбирларининг ижтимоий – иқтисодий аҳамияти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий - иқтисодий ўзгариш-ларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кўлга киритилаётган ютуқ ва муваф-фақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнининг ўрни аҳамиятли ҳисобланади. Энг аввало, модернизация атамасининг мазмунига тўхталадиган бўлсак, одатда уни техника, технологияга оид тушунча деб қаралади. Жумладан, иқтисодиётга оид аксарият луғатларда унга куйидаги маз-мундаги таъриф берилади: «Модернизация – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, си-фат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш. Асосан машина, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар модернизацияланади»<sup>26</sup>. Фикримизча, бу модер-низацияга тор маънодаги ёндашув бўлиб, бугунги кунда унинг кенг маънодаги мазмуни тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ҳам модернизация ва девирсификациялаш, унинг моддий техник базасини янгилаш ва кенгайтириш каби устивор масалаларни тизимли ҳал этиш талаб этилади. Айни кунда аграр соҳага инновацион технологияларни, самарали селекция ютуқларини, илм - фан ютуқларига асосланган илғор ва замонавий агро-технологик тадбирларни жорий этиш борасида аниқ мақсадли ишлар олиб борилаётгани, қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу борада қабул қилинган “2012 - 2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”<sup>27</sup>ги Президентимиз қарори асосида олиб борилаётган ишлар соҳадаги ютуқларни янада мустаҳкамлаши, уни янги босқичга кўтариши шубҳасиздир.

Кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш устивор йўналишлардан бири ҳисобланар экан, ўтказилган тадқиқотлар асосида аниқланган республика ҳудудларида мева - сабзавотчилик соҳасини ҳам модернизация қилишнинг ижтимоий - иқтисодий, ҳуқуқий, технологик, молиявий ва ташкилий омилларни тўғри аниқлаш лозим. Мева - сабзавотчилик соҳасини ислоҳ қилишда қайд этилган омилларни ҳисобга олиш, соҳани янада чуқурроқ ислоҳ бўлишига эришишда алоҳида ўрин тутади. Жаҳон бозорида озик - овқат маҳсулотлари нархининг муттасил ошиб бораётганлиги муносабати билан, республика ҳудудларида мева- сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш ҳажминини янада ошириш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш ва турларини кўпайтириш, бугунги кунда долзарб масала бўлиб турган аҳолининг озик - овқат маҳсулотларига талаб даражасини тўлароқ қондириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтириш устивор йўналиш сифатида белгиланган. Ҳозирги кунда айрим ҳудудларда экинларни экиш ва парваришлаш, ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш билан боғлиқ агротехник тадбирларни ўтказишда муайян қийинчиликлар ҳам юзага келмоқда. Чунки тармоқда фойдаланилаётган техника воситаларининг бир қисми маънан эскирган. Уларни янгиларига алмаштириш учун деҳқон ва фермерларга яқиндан ёрдам кўрсатиш талаб этилади. Маълумки, кўп нарса сармоёга боғлиқдир, ҳукуматимиз эл-юрт фаровонлигини назарда тутиб, энг кам фоизли кредит маблағларини айнан қишлоқ хўжалиги учун ажратмоқда. Аҳоли фаровонлиги, дастурхон тўқинлигини мева - сабзавотчилик таракқиётисиз тасаввур этиш қийин.

Ўзбекистонда аграр соҳани модернизация қилиш шароитида мева - сабзавотчилик мажмуасини самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари сифатида куйидагиларни белгилаш мумкин:

- қишлоқ хўжалиги ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларини республика хусусиятларига мувофиқ ижодий тарзда қўллашда, бу соҳада катта ютуқларга эришган чет давлатлар тажрибасини ўрганиш ва бунинг

<sup>26</sup> <http://www.ekonomic.doco.ru>

<sup>27</sup> <http://www.lex.uz>

- асосида аниқ мақсадга йўналтирилган илмий назарий дастурларни ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалигида ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулот рақобатбардошлигини оширишни тақазо этувчи инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш;
  - мева - сабзавотчилик қўйи мажмуасига инновацион технологиялар татбиқ этилиши билан меҳнат шароитини тубдан яхшилаш, шу орқали, ижтимо-ий - иқтисодий масалаларни ҳал қилиш;
  - етиштирилаётган ва сотилаётган маҳсулот сифатини ошириш ;
  - мева - сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга йўналтирилган манбалар ҳисобига шаклландуви инвестициялар миқдори кўпайишини рағбатлантириш;
  - мева - сабзавот маҳсулотларини дастлабки ишлов берилган ва қайта ишланган ҳолда истеъмолчиларга етказиб бериш тизимида кооперация жараёнини ривожлантириш;
  - республикада мева - сабзавот маҳсулотлари етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимининг узвий боғлиқлигини таъминлаш асосида бутун қўйи мажмуанинг иқтисодий барқарор ривожлантириш.

**М.ПЎЛАТОВ,**  
ТошДАУ, магистрант,  
**Р.ЧОРШАНБИЕВ,**  
ТошДАУ, бакалавр,  
**Б.МЕНГЛИҚУЛОВ,**  
ТошДАУ, и.ф.н., доцент

### **Чорвачилик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва озуқа таъминоти таҳлили**

Чорвачиликда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва озуқа таъминотини яхшилаш муҳим масалалардан ҳисобланади. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича режанинг бажарилишида таҳлил кўп жиҳатдан яхлит хўжалик бўйича алоҳида олиб борилади. Шу боисдан, маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича аниқ берилган маълумотлар режадаги билан таққосланади.

Асосланган маълумотлар йиллик ҳисоботларда акс этади, режадаги маълумотлар эса хўжаликнинг истиқболдаги режаларини ифодаловчи бизнес- режада ўз ифодасини топади. Тезкор таҳлил учун бирламчи ва аналитик бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланилади. Тезкор таҳлил корхонанинг хўжалик фаолиятини, унда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларда тезкор тарзда бошқарув қарорларни қабул қилишда қўлланилади. Бу қисқа муддатли таҳлил бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида рўй берган четга чиқишларни тезкор равишда аниқлаб, уни баргараф қилиш чора-тадбирларини кўради.

**1-жадвал**

#### **Зангиота тумани тумани «Иваново сут маҳсулоти» фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг омилли таҳлили (2011 й.)**

Кўрсаткичлар	Режа	Амалда	Оғиш	
			Абсолют	Нисбий, %
Ўрғача йиллик сигир бош сони, бош	176	175	-1	-0,568
Ҳар бир сигирдан олинган ўрғача йиллик соғин сут, ц	13	14	+1	+7,692
Олинган маҳсулот миқдори, ц	2288	2436	+161	+7,077

Маҳсулдор ҳайвонлар бош сонининг ўсиши бўйича режанинг бажарилишини таҳлил қилишда ҳайвонларнинг ҳар бир тур ва гуруҳ бўйича бош сонининг кўпайиши режасининг бажарилишини ўрганиб чиқиш лозим. Бош сони бўйича режанинг бажарилиши хўжаликнинг

подани кўпайтиришни қандай ташкиллаштириши режада кўзда тутилган бузқни туғилиши ва уни сақлаб қолишга, ёш қорамолни асосий подага ўз вақтида кўшиш ва реализацияга тайёрлашга боғлиқ (2-жадвал).

2-жадвал

**Зангиота тумани «Иваново сут маҳсулоти» фермер хўжалигининг чорва молларининг бош сони ўзгариши таҳлили, бош**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2010 й.</b>	<b>2011 й.</b>	<b>Ўзгариши,+;-</b>
Йирик шохли қорамоллар	431	449	18
Шу жумладан: сигирлар	167	175	8

Поданинг тузилишини ундаги ўзгаришларни ўрганиш ва унга иқтисодий баҳо бериш зарур, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми меҳнат ва озуқа ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда максимал фойда олиш нуқтаи назаридан пода тузилишидаги ўзгаришлар қанчалик мақсадга мувофиқлигини кўрсатиш лозим. Бунинг учун берилган кўрсаткичларнинг амалдаги даражаси ҳисобдаги билан солиштирилади.

Чорва моллари маҳсулдорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири озуқа сифатини ва биринчи навбатда протеин миқдорини ошириш. Ем хашак сифати паст бўлса озуқавийлиги ҳам паст бўлади ва бу моллар учун керакли маҳсулдорликни таъминламайди.

Озуқанинг сифати уни ғамлаш ва сақлашнинг усул ва муддатларига, уни тайёрлаш технологиясига боғлиқ. Масалан, пичанни қуриштиришдаги ҳаво яхши айланиши ва пресланган пичан таёйрлашда кимёвий консервантлардан фойдаланиш унинг озуқавийлигини 15–20 % оширади. Озуқа сифатини яхшилаш силос ва сенаж учун капитал омборхоналар, ҳаво айланиши яхши бўлган пичан саройлари, ўт уни, дон фуражи ва комбикорм сақлаш учун омборлар, илдимева ва картошка учун омборлар қурилишини ва яна чорва молларининг овқат ҳазм қилишини оширишга ёрдам берадиган озуқа тайёрлашда махсус ишлов бериладиган (майдалаш, буғлаш, хуштаъм қиладиган) озуқа цехларини қурилишини тақозо қилади. Озуқа сифатини оширишда уни баҳолаш кўрсаткичларининг янги тизими яхшигина аҳамиятга эга. Қуруқ моддадаги энергия алмашинуви концентрацияси улар ичида асосийси ҳисобланиб озиклантириш самарадорлиги асосан шунга боғлиқ. Биринчи кўрсаткич 1 кг қуруқ модда мегажоул ҳисобида ҳисобланади, иккинчиси эса қуруқ моддага нисбатан фоизда ўлчанади. Озуқа сифатини озуқа бирлигида баҳолаш ҳамда ҳазм бўлувчи протеинга эгаллиги бўйича амалдаги тизимга нисбатан улар ем хашак озуқавий қиммати аниқроқ акс эттиради ва бу чорва учун рацион тузишда жуда муҳимдир. Чорва маҳсулдорлигини оширишнинг муҳим омилдан бири балансли озиклантириш бўлиб, бунда чорва молининг маҳсулдорлиги ва физиологик ҳолатига мувофиқ ҳолда унинг организмга керакли барча озуқавий моддалар рационда мавжуд бўлади. Баъзи элементлар етишмовчилиги бўлганда (ҳазм бўлувчи протеин, каратин, кальций, фосфор, лизин, витамин ва б.) ҳайвонларда модда алмашинуви бузилади ва нафақат унинг маҳсулдорлиги пасайишига балки турли хил касалликларга олиб келади. Озуқанинг паст сифати рациондаги балансинг йўқлиги сабабли мутахассислар ҳисоблашича, чорвачилик маҳсулотлари 20–30 % кам олинади. Шунга кўра чорва маҳсулдорлиги ўсишини ва маҳсулот таннархи пасайишининг аҳамиятли захираси бўлиб, рацион ва озуқа ишлаб чиқаришнинг рационал структурасини белгилаш ҳисобланади.

Шундай қилиб, чорвачиликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, маҳсулдорликни ошириш кўп жиҳатдан озуқа рационининг тўғри тузилганлиги, рационда кўрсатилган озуқа билан етарли даражада таъминланганлик, озуқаларнинг юқори сифатли бўлиши каби бир қатор омилларга боғлиқ бўлади. “Иваново сут маҳсулоти” фермер хўжалигида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш учун меҳнат ва озуқа ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва максимал фойда олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим.

**Д.Н.САИДОВА,**

ТашГАУ, Старший преподаватель

**М.Н.ТУРДИЕВА,**

## **Инновация и диверсификация фермерства – основа роста сельскохозяйственного производства в Узбекистане**

С первых дней независимости Республики Узбекистан была четко определена стратегия развития сельского хозяйства, в основе которой лежала инновация и диверсификация производства.

Сельское хозяйство является ведущей отраслью в экономике Узбекистана. На долю данной отрасли приходится более 17 % производимой валовой внутренней продукции, продукция сельскохозяйственного сектора позволяет производить до 90 % продовольствия, необходимого для населения республики. В отрасли из различных видов хозяйствования, основанных на негосударственной собственности и соответствующих рыночным отношениям, более приемлемым являются фермерские хозяйства.

Фермерским хозяйством в Узбекистане признается самостоятельно хозяйствующий субъект с правом юридического лица и занимающийся сельскохозяйственным производством на земельных участках, полученных по договору на долгосрочную аренду. Фермерские хозяйства создаются на конкурсной основе.

С точки зрения владения имуществом на момент создания фермерские хозяйства условно можно разделить на три группы. В первую группу входят фермерские хозяйства, созданные на землях сельскохозяйственных кооперативов (ширкатов).

Вторую группу составляют фермерские хозяйства с условным поголовьем скота и птиц на балансе. Такие фермеры полностью самостоятельны в своей деятельности и пользуются услугами обслуживающих кооперативов по договору.

Третью группу составляют фермерские хозяйства, созданные на базе низкорентабельных и убыточных хозяйств. Таким хозяйствам передается часть имущества и долги преобразуемого хозяйства в размерах пропорциональных площади получаемой в аренду земли. Фермерские хозяйства, входящие на эту группу, свое имущество в натуральной форме, передают в пользование обслуживающим кооперативам. Последние объединяются в ассоциацию фермерских хозяйств. В последующем, обслуживающие кооперативы на договорной основе оказывают услуги фермерским хозяйствам. Тарифы на услуги таких обслуживающих кооперативов устанавливаются и регулируются решениями общего собрания ассоциации фермерских хозяйств.

Реализация мер по стимулированию развития фермерских хозяйств способствовала повышению устойчивости и эффективности их развития. После оптимизации число фермерских хозяйств сократилось более чем на 137 тыс. единиц и средний размер посевных площадей возрос с 27 га до 39 га. На сегодняшний день функционируют более 66 тысяч фермерских хозяйств, где в среднем на одно хозяйство приходится 68,0 га. Если в 2000 году на долю фермерских хозяйств приходилось 5,1 % валовой продукции сельского хозяйства, 16,7 посевных площадей, то в 2011 году значение этих показателей соответственно составили – 36 % и 84,8 %. Фермерские хозяйства являются основными производителями хлопка-сырца до 99,4 % и зерновых культур до 81,5 % (в 2011 году).

Основными задачами инновационного развития фермерских хозяйств как наиболее эффективной формы организации сельскохозяйственного производства являются: упорядочение использования земельных угодий на основе развития арендных отношений на селе, а также разработка мер по стимулированию и повышению ответственности за целевое и эффективное использование земельных и водных ресурсов; укрепление материально-технической базы фермерских хозяйств на основе обеспечения их экономической самостоятельности при реализации сельскохозяйственной продукции, приобретении материально-технических ресурсов и расширения оказываемых им лизинговых услуг; реализация системы мер по совершенствованию финансирования и кредитования производства сельскохозяйственной продукции фермеров с



- инвестицион маблағлардан самарали фойдаланилмаётганлиги;
- ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланилмаётганлиги;
- меҳнат ресурсларининг етарли даражада рағбатлантирилмаслиги;
- қишлоқ хўжалиги айрим соҳаларининг ишлаб чиқариши талаб даражасида барқарор эмаслиги;
- моддий-техник ресурсларнинг баҳолари қишлоқ хўжалик маҳсулот-ларининг баҳосига нисбатан бир неча марта тез ошиб кетганлиги;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарида маблағ тақчиллиги;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмининг юқори эмаслиги;
- қишлоқ хўжалигини янги самарали, ресурс тежовчи техника ва юқори технологиялар билан таъминланмаганлиги;
- фермер ва деҳқон хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги талаб даражасида эмаслиги;
- илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишнинг амалиётга тўлиқ жорий этилмаётганлиги;
- деҳқончиликда инфратузилма хизматлари яхши эмаслиги;
- фермерларнинг етарли даражада билим ва тажрибага эга эмаслиги;
- коммуникациянинг яхши йўлга қўйилмаганлиги.

**II. Ижтимоий жиҳатдан:**

- тизимлардан фойдаланиш муносабатининг яхши эмаслиги;

- қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси ва ижтимоий барқарорликнинг нисбатан пастлиги;
- фермер ва деҳқон хўжалиklarининг нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмаганлиги;
- агротехника тадбирларининг сифатли амалга оширилмаслиги.

### **III. Экологик жиҳатдан:**

- ерларнинг мелиоратив ҳолати яхши эмаслиги;
- сув ресурсларини ифлосланиб бораётганлиги;
- минерал ва кимёвий воситалардан тўғри фойдаланмаслик;
- иқлимдаги ўзгаришлар ва б.

Мазкур ҳолатларни чуқур таҳлил этиш ва уларни бартараф этиш натижасида қишлоқ хўжалигида ирригация-мелиорация тадбирларини бугунги кунда ва истикболда ривожлантириш, уларга сарфланаётган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- қишлоқ хўжалиги жозибadorлигини ошириш ва имтиёзларни янада такомиллаштириш эвазига ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни кўпайтиришга эришиш;
- инвестициялардан самарали фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш;
- шу соҳадаги меҳнат ресурсларини рағбатлантиришни янада ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига инновация, янги техника, илғор технология ва самарали усуллардан фойдаланишни кенг жорий этиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоларини имтиёзли ошириш ёки моддий-техника ресурслари баҳоларини камайтириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишга кўмаклашиш;
- фермер ва деҳқон хўжалиklarининг иқтисодий мустақиллигига тўла эришиш;
- алмашлаб экишга тўлиқ шароит яратиш;
- агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалигида маҳаллий ўғитлардан кўпоқ фойдаланиш;
- ер ва сув ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш;
- экинларни суғориш технологиясини такомиллаштириш;
- ирригацион ва мелиоратив тадбирларни тизимли сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш;
- ирригация-мелиорация шахобчаларининг таъминланганлик ҳамда техник ҳолатини талаб даражасига етказиш;
- коммуникация ва инфратузилмани янада ривожлантириш;
- мелиоратив тадбирларни амалга оширувчи субъектлар сонини кўпайтириб, рақобат муҳитини шакллантириш;
- соҳа ходимларининг билими, малакаси ва савиясини кўтариш каби вазифаларни амалга ошириш лозим.

Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш туфайли аҳолининг иш билан таъминланиши яхшиланиб, уларнинг даромадлари ошиб яшаш шароити ҳам яхшиланади. Бу эса инвестицияларнинг ижтимоий самарадорлигидан далолат беради.

Демак, ирригация ва мелиорацияга сарфланаётган инвестициялар хуудларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий самарасини юксалтиришни таъминлайди.

**А.Ж.ЖАЛОЛИДДИНОВ,**  
ЎзБИИТИ, стажёр-тадқиқотчи-изланувчи

**Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш шароитида фермер хўжалиklarини иқтисодий кўллаб-қувватлаш масалалари**

Бугунги кунда фермер хўжаликлари аграр соҳада етакчи куч ҳисобланиши ҳаммамизга маълум. Улар фаолиятини самарали ташкил этиш, иқтисодий ривожланишга эришишида молиялаштириш ва кредитлаш, моддий ресурслар етказиб берувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китоб тизимини янада такомиллаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон аграр сиёсатида қишлоқ хўжалиги маҳмулотлари ишлаб чиқаришда бюджет трансфертлари аграр тармоқни қўллаб-қувватлашнинг асосий қисмини ташкил қилади. Аграр тармоқ миллий иқтисодда бюджет ҳисобидан қўллаб-қувватланадиган ва давлат эътибор қаратадиган асосий бўғин ҳисобланади.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи фермер хўжаликларини ривожланишини таъминлашда давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқаришлари бўйича асосий харажатларини молиялаштириш, солиқ имтиёзлари берилиши, ирригация ва мелиорация тизимини ҳам қўллаб-қувватлаш ва бошқа бир нечта омиллар ўз таъсирини кўрсатади.

Фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳосил етиштиришга кетадиган харажатларини молиялаштириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан 3 фоизли кредит маблағлари ажратилмоқда. Давлат эҳтиёжларидан ташқари бошқа маҳсулот турларини, жумладан, мева, узум, сабзавот, полиз, картошка етиштириш, шунингдек, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш учун ҳам етарли миқдорда кредит ресурслари ажратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, фермер хўжаликларини зарурий айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида қўшимча банк кредитларини жалб қилиш юзасидан Марказий банк ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар томонидан қатор тартиб ва низомлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Бундан ташқари:

-фермер ўзига тегишли лойиҳадаги ерни ўз ҳисобидан ўзлаштирган тақдирда кейинги 5 йил мобайнида мазкур ерлар учун тўланадиган ягона ер солиғидан;

-қишлоқ хўжалиги учун четдан сотиб олинаётган минитехнологиялар қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловларидан;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги “Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ балл-бонитети паст ерларда фаолият юритувчи фермер хўжаликларига 180 млрд. сўм ҳажмида молиявий ёрдам ажратилди. Бу маблағлар фермерларнинг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги қарзларини қисқартиришда салмоқли манба бўлди.

Фермерлар учун яна бир муҳим бўлган масала деҳқончилик қилаётган ерларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган ирригация тизимларини такомиллаштириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилашдир. Деҳқончилик қилинаётган ерларда бу масалалар ечимини топмаса, ҳосилдорлик ҳам, фермернинг даромади ҳам камаяди, шунга мос равишда унинг қарзлари ҳам ортиб бораверади. Буни олдини олиш мақсадида мамлакатимизда ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласига эътибор берилиши лозим эди. Уларни самарали ташкил этилиши учун ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чет эл инвестициялари киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизминини такомиллаштириш юзасидан кенг



камровли ишлар амалга оширилди ва шу билан бир қаторда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга қаратилган мелиорация тизимларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш комплекс тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар, шубҳасиз, фермер хўжаликлариди харажатларни камайтириш ва самарадорликни оширишга амалий ёрдам бермоқда, даромадига даромад қўшмоқда.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш, мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган 50 га яқин давлат унитар корхоналари ташкил этилди.

Амалга оширилган ана шундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида 260 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, фермер ҳамда деҳқон хўжаликларининг даромадини ошириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

**Ғ.Р.АДАШОВ,**  
ТМИ, тадқиқотчи

### **Минтақаларда фермер хўжаликларини ривожлантиришда молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш**

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва эркинлаштириш шароитида минтақалар иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш ва инвестиция фаоллигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, жумладан, фермер хўжаликларига ички ва ташқи молиявий ресурсларни жалб этиш муҳим омил ҳисобланади. Хусусан, давлат буюртмаси ҳисобланган пахта ва дон етиштиришдан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларининг молиявий маблағлар билан таъминланганлик даражасининг пастлиги уларни молиявий қўллаб-қувватлашда минтақаларнинг мавжуд молиявий салоҳияти ва ресурслари асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Мавжуд молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш *биринчидан*, қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ҳисобланган фермер хўжаликларига кредит бериш механизмини янада такомиллаштириш ва ҳажмини кўпайтириш, *иккинчидан*, хорижий инвестицияларни, энг аввало, халқаро молиявий институтларнинг имтиёзли кредитларини ва тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва йўналтиришни тақоза этади. Бу эса, ўз навбатида минтақаларда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим манба яратиб, улар ўртасидаги тафовутларнинг қисқаришига ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун қўшимча молиявий ресурсларни вужудга келишига олиб келади.

Шу нуқтаи назардан ҳам, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барқарорлигини таъминлашда қишлоқ хўжалигини тутган ўрнининг юқорилигидан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларини ривожлантириш учун кенг қамровли шарт шароитлар яратиш, мавжуд молиявий ва бошқа ресурсларидан самарали фойдаланиш, бунинг учун эса, авваламбор, минтақаларни инвестиция фаоллигини ошириш ҳамда молиявий ресурсларни йўналтиришда агроинновация соҳасига устуворлик берилиши бугунги кунда асосий вазибалардан бири ҳисобланади.

Бироқ, минтақалардаги молиявий ва бошқа ресурсларнинг шаклланиши ва улар билан таъминланганлик ҳамда фойдаланиш даражаси, нафақат миқдор, балки сифат жиҳатдан ҳам уларнинг мавжуд шарт-шароитига ва бугунги кун талабларига тўлиқ мос келмайди. Бунинг ўзига

хос объектив ва субъектив сабаблари бўлиб, уларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳияти ва ундан фойдаланишдаги камчиликлар;
- қишлоқ хўжалигида мавжуд ва фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг молиявий кўрсаткичлари даражасини пастлиги билан боғлиқ камчиликлар;
- минтақаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, миқдори ва сифатини талаб ва таклиф унсирлари билан боғлиқ бўлган номутоносибликлар;
- аҳолининг бўш ва ортиқча пул маблағларидан фойдаланиш даражасини пастлиги;
- маҳаллий тадбиркорлар маблағларидан фойдаланишнинг кенг йўлга қўйилмаганлиги;
- хорижий сармояларни жалб этишнинг паст даражаси;
- минтақаларда ташқи иқтисодий фаолият муносабатларини кенг ва самарали йўлга қўйилмаганлиги;
- минтақалар ўртасида ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотиш ҳамда молиявий алоқаларнинг кенг йўлга қўйилмаганлиги ва бошқалар.

Ушбу юқорида таъкидланган камчилик ва номутоносибликлар мамлакат даражасида, хусусан, минтақаларда молиявий ресурсларни шакллантириш манбаларини кенгайтириш, бунинг учун эса, уларни яратувчи субъектларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилмоғи ва босқичма-босқич бевосита давлат томонидан тартибга солинмоғи керак.

Албатта, молиявий ресурсларнинг миқдорини ошириш учун минтақалар доирасида уларнинг ҳар бирининг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, тармоқларни самарали жойлаштириш, энг муҳими уларнинг инвестиция жозибадорлиги ва фаоллигини ҳамда ишлаб чиқарган маҳсулотларининг нафақат, ички бозорда, балки, ташқи бозорда ҳам рақобатбардошлигига эришишлари лозим бўлади. Фақатгина инвестиция фаоллигини 2000-2010 йилларда ўртача 12<sup>1</sup> фоизга ўсиши натижасида минтақаларнинг молиявий-иқтисодий салоҳияти янада ўсиб, минтақалар ўртасидаги табақаланиш даражасининг қисқаришига олиб келди. Лекин минтақаларда барқарор ривожланишга эришиш учун молиявий ресурсларни вужудга келиш манбаларини янада кенгайтириш энг муҳим омиллардан бири бўлиб қолади. Шу нуқтаи назардан ҳам, ҳар бир минтақанинг мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожланишида тутган ўрни, мавжуд табиий-экологик ва демографик шароити ҳамда салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда табиий-экологик, демографик, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий омилларни тўлиқ иноватга олган ҳолда чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилмоғи лозим. Ушбу жараёнда устуворлик бевосита ҳар бир минтақанинг иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича минтақаларнинг эгаллаб келаётган рақобатбардошлигига берилмоғи лозим.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида минтақаларни молиявий ресурсларини шакллантириш ва улардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектини ривожлантиришда самарали фойдаланиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз:

- минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда молиявий ресурсларнинг шаклланиш манбаларини аниқлаш;
- минтақаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни субъекти ҳисобланган фермер хўжаликларини мавжуд салоҳият ҳамда уларнинг маҳсулоти ва хизматларига бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда шакллантириш;
- минтақаларни молиявий ва инвестиция фаоллиги ҳамда жозибадорлигини аниқлашнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш;
- вилоятда ва унинг туманлари доирасида мавжуд ижтимоий- иқтисодий ҳолат ва молиявий барқарорлик ҳамда инвестиция жозибадорлигини баҳолаш;

- маҳаллий бюджетнинг даромад қисмининг шаклланиши ва харажат қисмининг тақсимотини атрофлича таҳлил этиш орқали мавжуд камчиликлар ва номутоносибликларни аниқлаш;

- вилоятни ички молиявий ресурсларини жалб этиш ва ундан фойдаланиш даражаси ҳамда самарадорлигини аниқлаш;

- вилоятни келажакда таркибий-молиявий ресурслар, инвестиция ва модернизация қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- вилоятда молиявий ресурсларни жалб этиш ва ундан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари, рағбатлантириш ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини аниқлаш.

Албатта, ушбу тадбирларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида энг муҳими қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни субъекти ҳисобланган фермер хўжаликларини барварор ривожланиши учун мустаҳкам асос яратилади.

**С.Ж.ЯНГИБОВ,**

ТДИУ, тадқиқотчи

### **Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш йўллари**

Мамлакат аграр тармоғида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида асосий эътибор униинг барча соҳаларини барқарор ривожланишни таъминлаш учун ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва институционал асослар яратишга қаратилмоқда. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ чорва маҳсулотларига давлат буюртмасининг бекор қилиниши ва эркин бозор нарҳларининг жорий этилиши, чорвачилик фермаларининг хусусийлаштирилиши соҳада мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш, моддий-техник ва молиявий таъминлаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига мос ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилганлиги барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Бугунги кунда чорвачилик соҳаси барқарор ўсиш суръатларига эришилган бўлиб, унинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотига улуши 1991 йилдаги 31,1 % дан 2009 йилда 42,9 % га етиб, таркибий тизилмасида деҳқон хўжаликларининг улушининг юқори даражасининг сақланиб қолаётганлиги, шунингдек, ширкат хўжаликларининг тугатилиши ҳисобига ва ихтисослашган фермер хўжаликларини ривожланиши натижасида, уларнинг улушининг ошиши тенденцияси кузатилмоқда (1993 йилда 5,5%дан 2009 йилда 34,5% ошган). Бундай ижобий натижалар асосан чорва моллари сонининг кўпайиши ва маҳсулдорлигининг ошиши ҳисобига содир бўлмоқда. Бироқ, чорвачилик соҳасининг маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига, пировардида эса, барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллар – озуқа базаси учун ажратиб берилган экин майдонларининг камайиб бориши натижасида ем-хашак етиштириш ҳажми ва сифатини пастлиги, гўшт етиштиришга ихтисослашган зотдор чорва моллари сонининг камлиги, наслчилик ва зооветеринария хизматидаги камчиликлар, ушбу соҳага ажратилаётган инвестициялар миқдори камлиги ҳамда асосий хўжалик субъектлари ҳисобланган деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашнинг кенг камровли ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмнинг такомиллаштирилмаганлиги каби омиллар билан бир қаторда, соҳада хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари фаолиятининг талаб даражасига мос келмаётганлиги, энг муҳими ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий омиллар билан боғлиқ бўлган номутоносиблик ҳамда муаммоларнинг сақланиб қолаётганлиги салбий таъсир кўрсатмоқда. Ваҳоланки, чорвачилик соҳасида агро – зоотехнологик ва зооветеринария, назарий билим ва амалий тажрибага эга бўлган инсон омили, ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий асосларни ўзида мужассамлаштирган салоҳият мавжуд.

Бу эса ,бевосита,чорвачиликда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, соҳада фермерликни янада ривожлантириш, шунингдек, зоотехнологик, ташкилий,ҳуқуқий ва иқтисодий омиллар билан боғлиқ бўлган бир қатор жуда муҳим муаммолар ва номутоносибликларни, хусусан, чорвачиликнинг барқарор ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда. Бугунги кунда 6009 та чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги фаолият юритиб, уларга бириктирилган ер майдонлари ўртача 162,2 гектарни ташкил этмоқда. Ваҳоланки, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини йириклашуви ва уларга бириктирилган ер майдонларининг ҳажмини кенгайтириш соҳада барқарор ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг долзарб масалага айланаётганлиги шароитида чорвачилик соҳаси барқарор ривожлантириш учун авваламбор, барқарор ривожлантиришни мавжуд ва шаклланган ички ва ташқи омилларидан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаш муҳим масала ҳисобланади.

Бироқ, иқтисодий эркинлаштириш ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш шароитида чорвачилик соҳасининг мамлакатимизда мавжуд салоҳиятига нисбатан сустр ривожланаётганлиги ва фермер бозор конъюктурасига мослашувининг қийинчилик билан кечаётганлиги шароитида соҳани барқарор ривожлантиришга эришиш ва ушбу жараёни мунтазамлигини таъминлаш зарурияти бевосита чорвачилик соҳаси ишлаб чиқаришининг агрозоотехнологик, ҳуқуқий,ташкилий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш ҳамда илғор зоотехник ва усулларни жорий этишни тақозо этмоқда. Бунинг учун эса қуйидаги чора – тадбирлар амалга оширилмоғи лозим:

- чорвачилик соҳасини барқарор ривожланиши ички ва ташқи омилларидаги мавжуд камчилик ва номутоносибликларни аниқлаш ва уларни амалий ечимига оид аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш;

- чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантириш мезонлари, кўрсаткичлари тизими ва уни баҳолаш услубиётини такомиллаштириш;

- чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларининг барқарор ривожланиш омилларини қиёсий баҳолаш;

- чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини озуқа, моддий –техника базасини мустаҳкамлаш, молиявий ресурслар ва малакали мутахассислар билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш;

- чорвачиликни модернизация қилиш ва барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

- чорвачилик соҳасини барқарор ривожланишини таъминлашда давлат томонидан қўллаб - қувватлаш ва уни амалга ошириш механизмларини аниқлаш;

- фермер хўжаликларининг хусусий тадбиркорлик субъекти сифатида иқтисодий фаолияти кўрсаткичларидаги қиёсий мутаносиблик шарт-шароитлари бўйича тизимий таҳлилни амалга оширил ва мавжуд салоҳиятидан фойдаланиш даражаси баҳолаш учун -бошланғич маълумотларни тўплаш ва ҳисоблашни амалга ошириш уларни тартибаш ҳамда натижаларини баҳолаш тизимли таҳлилда амалга ошириш ва унинг натижаларига оид ҳар бир фермер хўжалиги даражасида амалий тадбирлар ишлаб чиқишни кенг йўлга қўйиш;

- чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини асосий иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланган- чорва бош сони , пода таркибий тузилиши, тикланиши ва ҳаракатидаги ўзаро уйғунлиги ҳамда гўшт ишлаб чиқариш миқдори кабиларнинг самарадорликнинг ўзаро уйғунлигига эришишучун хўжалик ички муносабатларини бозор тамойиллари асосида ташкил этиш ҳамда уни такомиллаштириш йўллари аниқлаш;

- қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантириш омилларини мавжуд ҳолатдаги муаммолари ва номутоносибликларини атрофлича ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича чорвачиликни барқарор ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилиши лозим.

Ушбу тадбирларни амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш шароитида чорвачилик ка ихтисослашган фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришининг барқарор ривожланиши, чорва моллари сонини кенгайтирилган такрор тикланиши билан гўшт ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, соҳада янги замонавий технологияларини татбиқ этиш, мавжуд ер, меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга эришиш учун муҳим асос яратилади.

**Д.Р. ШОҲИМАРДОНОВ,**  
МИИТИ, тадқиқотчи

### **Балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш**

Озиқ -овқат мустақиллигини таъминлашга эришишда балиқ маҳсулотлари ўзига хос ўринга эга. Республикада 1990 йилларда 25 минг тонна балиқ ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 10,7 минг тоннани ташкил этмоқда. Бугунги кунда, Республика аҳолисини тиббий меъёр бўйича балиқ маҳсулотларига бўлган талаби 260-312 минг тоннани ташкил этгани ҳолда, балиқчилик хўжаликларида табиий сув ҳавзаларида овланаётган ва сунъий сув ҳавзаларида етиштирилаётган балиқлар миқдори мамлақазимиз аҳолиси жон бошига 1990 йилга нисбатан 2010 йилда балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиш 5,17 килограммдан 0,38 килограммга тушиб қолган (дунё бўйича 16,6 кг).

Республикада балиқ етиштириш учун табиий сув ҳавзаларининг чекланганлиги шароитида сунъий ҳовузлар майдонларини кенгайтириш, мавжудларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга молик бўлган масала ҳисобланади, ваҳоланки, етиштирилаётган балиқ маҳсулотларининг 70 фоизга яқини уларнинг ҳиссасига тўғри келади..

Республикада ҳозирги кунда 14100 га сунъий ҳовузлар мавжуд бўлиб, 2010 йилда ушбу ҳовузларда 6654 тонна балиқ етиштирилган бўлиб, бир га майдонга ўртача 4,7 ц/га тўғри келмоқда. Ваҳоланки, ушбу ҳовузларда 1992 йилда 20900 тонна балиқ етиштирилган, ёки 1 гектардан ўртача 21 центнер ҳосил олишга эришилган. Шунингдек, сунъий ҳовузлари имкониятларидан фойдаланиш даражасини пастлиги тенденцияси давом этиб, республика бўйича ўртача 50 фоизга, Андижон ва Сирдарё вилоятларида эса, 20-25 фоизга фойдаланиб келинмоқда, ҳолос.

Сунъий ҳовузларнинг охириги 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳеч қандай чуқурлаштириш ва тамирлаш ишларининг амалга оширилмаганлиги натижасида уларнинг лойқага тўлиб қолганлиги сабабли балиқ етиштиришни илмий-технологик асосда олиб бориш имкониятлари чегараланиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам балиқчиликни модернизация қилиш учун, авваламбор унинг табиий асоси ҳисобланган ҳовузларни керакли чуқурликда ва экологик жиҳатдан тозаликда сақлаб туришни амалга оширишга кенг эътибор қаратилмоғи лозим.

Бунинг учун: балиқчиликнинг асоси бўлган сув ҳавзаларини, хусусан, сунъий сув ҳавзаларини ташкил этиш ва уларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича кенг қамровли тадбирларни амалга ошириш; ички ва ташқи сармояларни жалб қилиш ва уларни самарали ишлатиш; балиқ етиштириш учун энг асосий омил ҳисобланган балиқ чавоқлари ишлаб чиқариш сифати ва ҳажмини кескин ошириш; балиқчилик учун лозим бўлган ов қуроқлари, техник жихозлар, транспорт ва зарур перепаратлар билан таъминлаш; омукта емнинг сифатини ошириш ва миқдорини кўпайтириш; малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни кенг йўлга қўйиш; балиқчилик хўжаликлари учун бозорни ўрганиш, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш, шунингдек, тармоқда балиқ чавоқлари, моддий-техник материаллар таъминоти, қайта ишлаш ва сотиш тизимларида иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга оширини тартибга солувчи механизмларини шакллантириш ва такомиллаштириш.

Балиқчилик соҳасини ривожлантириш учун минтақаларнинг мавжуд имконияти ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда фойдаланилаётган сунъий ҳавзалари ва янгидан ташкил этиладиган балиқ етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига балиқ чавоқлари етиштиришдан то истеъмол қилинадиган балиқ етиштириш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва балиқ ёки консерва ҳолида сотишгача жараёнларни ўз ичига олган инновацион технологияларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, кредитлашни бозор тамойилларига мос тизимини шакллантириш ва ички ҳамда ташқи инвестицияларни жалб этишни кенг йўлга қўйиш, суғурталаш, солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш, хусусий бизнеснинг ривожланиши учун ҳар томонлама қўлай муҳит яратишга асосланган бизнес режа ишлаб чиқилмоғи лозим.

## **Э.Қ.ШЕРМАТОВ,**

Наманган муҳандислик-педагогика институти, тадқиқотчи

### **Фермер хўжаликларига ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш йўллари**

Мамлакат аграр соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида фермер хўжаликларини барқарор ривожланишни таъминлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш учун бозор тамойилларига мос ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ҳамда институционал асослар яратилди. Авваламбор, аграр тармоқда ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли сифатида фермер хўжаликларини устувор ривожлантирилиши, моддий-техник ва молиявий таъминлаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига мос ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилиб, уларни самарали фаолият кўрсатишлари фермер хўжаликларини барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Бугунги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигида етакчи бўлинга айланиб, уларнинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотигаги улуши 2000 йилдаги 5,5 % дан 2009 йилда 34,5 % га, экин майдонларидаги улуши мос равишда 16,7 % дан 84,6 % га ошиб, 2009 йилда пахта етиштиришдаги улуши 99,7 % ни, ғалла тайёрлашда эса 81,4 %, узумнинг 55,2%, полизнинг 50,1% ва меванинг 47,8%ни ташкил қилди. Хусусан, фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлашда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишларида маҳсулот етиштириш, сақлаш ва сотиш тизимини ривожлантириш орқали ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлиллар кўрсатишича, фермер хўжаликларига етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоргирлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, сотиш, сақлаш, ташиш тизимидаги агротехнологик, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий омилларга боғлиқ бўлган камчиликлар, муаммолар ҳамда номуноносибликларнинг сақланиб қолаётганлиги уларнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг учун эса фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлашда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишларида ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг аниқ кенг қамровли чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва уни босқичма-босқич амалга ошириш тўғрисида истиқболли йўналишлар ишлаб чиқилиши зарур бўлади.

Шу нуқтаи назардан амалга оширилаётган аграр ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида фермер хўжаликларига бозор тамойилларига мос ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва такомиллаштириш, унинг учун эса, агротехнологик жараёнлар, модернизациялаш, қайта ишлаш, кооперация ва интеграцияни ҳамда бозор инфратузилмасини ривожлантириш орқали фермер хўжаликлари ва қишлоқ аҳолиси даромадлари ва бандлигини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация қилиш шароитида фермер хўжаликларига ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш учун

қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоғи лозим: фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тушунчаси, унинг зарурияти ва аграр соҳага хос хусусиятларини илмий жиҳатдан асослаш; фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантиришни ички ва ташқи омилларини ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш; фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича хорижий мамлакатлар ва бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларнинг илғор тажрибасидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш йўналишларини аниқлаш; ер майдонлари оптималлашган турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этишнинг асосий йўналишларини белгилаш; фермер хўжаликларини барқарор ривожланишини таъминлашда ташқи иқтисодий фаолиятини бошқариш стратегиясини шакллантириш; фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятини кооперацияларга бирлашиш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари ва механизмларини такомиллаштириш.

### **М.А.БЕКМИРЗАЕВ,**

Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти, тадқиқотчи

#### **Фермер хўжаликларини агроинновациядан фойдаланиш орқали барқарорлигини таъминлаш**

Мамлакат аграр соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли сифатида фермер хўжаликларини устувор ривожлантирилиши, моддий-техник ва молиявий таъминлаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига мос ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилиб, уларни самарали фаолият кўрсатишлари фермер хўжаликларини барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Бугунги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигида етакчи бўғинга айланди. Шунингдек, фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омиллар – уларга ажратиб берилган ер майдонларининг камлигини ҳал этиш учун уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бироқ, фермерликни янада ривожлантириш учун, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масала сифатида инновацияни кенг қўллаш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ваҳоланки фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлашда мавжуд ер-сув, моддий-техник ва меҳнат ҳамда молиявий ресурслардан самарали фойдаланишларида муаммолар, камчиликлар ва номуносибликлар сақланиб қолаётганлиги бевосита агроинновациялардан самарали фойдаланишнинг имкониятлари ва йўллари аниқлашни тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан ҳам қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш босқичида фермер хўжаликларини барқарор иқтисодий ривожлантиришда агроинновация натижаларидан самарали фойдаланиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоғи лозим:

- фермер хўжаликларини барқарор иқтисодий ривожлантиришда агроинновация омилларидан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий, ижтимоий ва экологик муносабатларини такомиллаштириш;

- фермер хўжаликларида агроинновация омилларидан фойдаланишнинг хорижий мамлакатлар ва бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларни илғор тажрибасидан Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятларини аниқлаш;

- турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида агроинновация омилларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш орқали, уларни жорий этиш ;

- ер майдонлари оптималлашган фермер хўжаликларида агроинновация омилларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

- фермер хўжалиklarини барқарор ривожланишини таъминлашда бошқаришни агроинновацион стратегиясини шакллантириш заруриятини асослаш ва босқичларини аниқлаш.

Албатта ушбу тадбирларни амалга оширишда алоҳида фермерларнинг ўзаро бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорлиги муҳим роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан ҳам фермер хўжалиklarини барқарор ривожланишини таъминлашда агроинновацион омиллардан кенг фойдаланиш, нафақат уларни барқарорлигини, балки қишлоқ хўжалиги ҳам барқарор ривожланишида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

**З.О.МУРОДОВА,**  
ТошДАУ, тадқиқотчи

### **Фермер хўжалиklarини кичик техника воситалари билан таъминлашни ривожлантириш йўллари**

Ҳозирда фермер ва деҳқон хўжалиklари республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи асосий субъектлардир. Фермер хўжалиklари асосан кичик дала контурларида маҳсулот етиштирмоқдалар. *Улар ихтиёридаги катталиги 3 гектаргача ва узунлиги 200 метргача бўлган дала контурларининг сони жами контурларнинг 60,3 фоизини ташкил этади.*

Кичик дала контурларига қамров кенглиги катта техника воситаларини кира олмаётганлиги туфайли бундай майдонлардаги далачилик ишлари қўл кучи билан бажарилмоқда. Олим ва мутахассислар томонидан катта техника воситаларини катталиги 3 гектаргача бўлган далаларда ишлатиш иқтисодий жиҳатдан самарасиз эканлигини исботланган. Демак, бундай дала контурларидаги тадбирларни бажаришга мослашган кичик техника воситаларини (КТВ) яратиш ва ишлаб чиқариш талаб этилади.

Афсуски, бугунги кунда фермер хўжалиklарида КТВлар сони жуда оз. Масалан, уларнинг кичик тракторларга бўлган талаби 13 фоизга қондирилган, холос.

КТВ бозорининг таҳлили, уларга бўлган талабнинг ҳамон пастлигича қолаётганини кўрсатмоқда. Машинасозлик корхоналарининг фаолияти КТВ ишлаб чиқариш, сервис ташкилотлари(воситачилар)нинг фаолияти КТВларни истеъмолчиларга етказиб бериш, истеъмолчиларнинг фаолияти эса КТВлардан самарали фойдаланиш, яъни битта объект-КТВ атрофида кечаётган бўлсада, мазкур субъектлар КТВ бозорида ўзларича иштирок этмоқдалар. Бундай ҳолат табиийки, КТВ бозорини комплекс шаклланишига салбий таъсир этиб, машинасозлик корхоналари учун товар истеъмолчиларини, фермер ва деҳқон хўжалиklари учун товар ишлаб чиқарувчиларни ва ниҳоят, сервис ташкилотлари учун мижозлар(машинасозлик корхоналари, фермерлар, деҳқонлар, муқобил МТПлар)ни йўқотишга олиб келмоқда.

Кичик техниканинг маркетинг тамойилларига асосланмаган бундай тартибсиз бозорида иштирок этиш машинасозлик корхоналарига ҳам, фермер ва деҳқон хўжалиklарига ҳам, сервис ташкилотларига ҳам ҳеч қандай наф келтирмапти. Аниқ талаб ва қатъий таклифга асосланган мақсадли КТВ бозорини барпо этиш муаммолигича қолмоқда.

**Шу нуқтаи назардан ҳам, КТВ таклифини шакллантириш комплекс системаси элементлари самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни кўриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:**

- янги КТВ конструкциялари ва технологик жараёнларига доир мақсадли гипотеза(ғоя)лар беришга илмий салоҳияти кучли олимларни кенг жалб этиш;

- Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида КТВ яратишнинг илмий ва амалий масалалари билан бевосита шуғулланувчи бўлим ёки лаборатория очиш. Уни систематик тадқиқотлар, систематик анализ ва техник оптималлаштириш соҳаларидаги юқори малакали илмий ходим ва мутахассислар билан бутлаш;



- Ўзбекистон Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси грант танловларида КТВ яратиш, лойиҳалаш ва уларни самарали ишлатиш бўйича илмий лойиҳалар билан қатнашиш, мазкур лойиҳалар ижрочилари сафига ёш олимларни кўпроқ киритиш;

- ТошДТУ, ТошДАУ ва бошқа тегишли олий ўқув юртлирида КТВни лойиҳалаш, уларни ишлатиш ва таъмирлаш бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлашни йўлга қўйиш;

- трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бўйича конструкторлик бюрolari таркибида КЭБ ва КМВни лойиҳалаш билан шуғулланувчи гуруҳ ёки бўлимларни очиш, уларни малакали конструкторлар билан бутлаш;

- Республикамизда кичик техника воситаларини саноат усулида ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган махсус заводни ташкил этиш;

- ЎзТТССДМ ва ЎзМЭИ таркибида КЭБ, КМВ ва КМАни дала синовларидан ўтказиш ва сертификациялаш бўйича махсус бўлимларни очиш, уларни зарур синов, ўлчов асбоблари, меъёрий хужжатлар ва юқори малакали кадрлар билан таъминлаш.

Фермер хўжалиklarини КТВ билан таъминлашнинг таклиф этилаётган комплекс бозор системаси товарни тақсимлаш каналлари, яъни унинг заводдан фермергача босиб ўтадиган йўллари таҳлил қилиш, асослаш ва жорий этишни таъминлайди.

**Товарни тўғридан-тўғри сотиш.** Бундай операция фермер (истеъмолчи) билан завод (ишлаб чиқарувчи) орасида воситачиларсиз амалга оширилади.

**Кичик техника лизинги.** Лизинг операциялари фермерларнинг мавжуд машина паркани етишмаётган янги техника воситалари билан бутлашда муҳим манбадир.

Фермерларнинг молиявий ва моддий-техника ресурслари тақчиллиги шароитида қуйидаги лизинг турларини амалиётга киритиш мақсадга мувофиқдир:

- **оператив ёки тўла техникавий сервисли лизинг.** «Ўзқишхўжмашлизинг» ва «Пахтализинг» компанияларининг вилоят филиаллари бундай лизинг ижрочилари этиб тайинланишлари зарур. Улар фермерлар томонидан лизингга олинган кичик техникага сотувдан олдин, гарантия даврида ва ундан кейин сервис хизмати кўрсатиш, техника воситаларини эҳтиёт қисмлар билан узлуксиз таъминлаш имкониятини берадиган моддий-техника воситаларига эга бўлмоғлари керак.

- **ҳудудий лизинг.** Бу усулда кичик техника лизингини молиялаштириш ҳудудий (вилоят, туман) бюджетлари, маҳаллий тижорат банклари, жойлардаги йирик саноат корхоналари ва айрим тадбиркорлар маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Ҳудудий лизинг фермерларни КТВ билан таъминлаш жараёнини анча тезлаштиради.

**Кичик техника ижараси.** Машиналардан ҳақ тўлаш эвазига вақтинча фойдаланиш, яъни уларнинг ижарасида «Тошкент трактор», «Агрегат» ва «Чирчиққишлоқмаш» заводларининг республика вилоятларида жойлашган техник марказлари ижарадор сифатида, фермерлар эса ижарачи сифатида қатнашади.

**Банк кредитлари.** Фермерларни кредитлаш самарасини ошириш мақсадида тубандаги тадбирларни бажариш таклиф этилади: бу соҳага республикамиз ҳудудларида жойлашган тижорат ва хусусий банкларни кенг жалб этиш; қисқа муддатли (оддий машиналарни сотиб олиш учун) ва узоқ муддатли (мураккаб машиналарни сотиб олиш учун) банк кредитлари миқдорларини ошириш; қисқа муддатли кредит фоизларини камайтириш, узоқ муддатлиларини фоизсиз бериш; истеъмолчиларни молиявий қўллаб - қувватлаш ва уларнинг молиявий маблағларини бошқаришда иштирок этиш.

**Сармояларни жамлаш.** Молиявий ресурслар кам ва харид қилиниши мўлжалланаётган техника воситаларининг нархи баланд бўлган ҳолларда бир хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган 5-6 нафар фермер ўз сармояларини жамлашлари, КТВни сотиб олишлари ва фойдаланишлари натижасида бундай уюшган фермер хўжалиklarидаги барча агротехник тадбирларни тўлиқ механизациялаш мумкин.

**Кичик техника воситалари жамланган муқобил МТПларни ташкил этиш.** Мамлакатимизнинг ҳар бир туманида кичик техника воситалари билан бутланган муқобил машина-трактор паркларини (МТП) оператив равишда ташкил этиш зарур.

Бундай МТПларда мини техника паркин барпо этиш учун лизинг операцияларини қўллаш, фермерлар ихтиёридаги техникаларни кооперация тамойиллари асосида жамлаш, туман ҳокимиятлари кафолатлари билан мамлакатимиз ва хорижий техникаларни сотиб олиш мақсадида банк кредитларини жалб қилишни таклиф этамиз.

**Мураккаб техникали туман МТП хизматидан фойдаланиш.** Ҳозирги пайтда республикаимизнинг барча қишлоқ туманларида акциядорлик жамиятлари шаклидаги МТПлар фаолият кўрсатмоқда. Биз, катта экин майдонларига эга бўлган фермерларга шудгорлаш, ерларни экишга тайёрлаш, экиш, пахта ва ғалла ҳосилини йиғиб олишда бундай МТПлар хизматидан фойдаланишни таклиф қиламиз.

**Техник марказлар.** Техник марказлар фермерларга қуйидаги сервис хизматларни кўрсатиши даркор: янги техникани сотишга тайёрлаш; кичик техникани фермерга олиб бориш ва сотиш; фермерни янги техникадан самарали фойдаланишга ўқитиш(тайёрлаш); янги машинани кафолат муддатида ва ундан кейинги даврда таъмирлаш ҳамда техник хизмат кўрсатиш юмушларини бажариш. Фермер хўжалиқларини кичик техника воситалари билан таъминлашнинг комплекс бозор системасини шакллантириш ва жорий этиш фермерларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларини оширишга хизмат қилади.

**Ш.АБДУЛАЗИЗОВ,**  
ЎзБИИТИ, бўлим бошлиғи

### **Пахтачиликда меҳнат меъёрларини асослаш услубиёти ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

Республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланиши даражаси умумиқтисодийнинг ривожланишида устуворлик касб этади. Унинг миллий иқтисодийдаги ўрнидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда аграр секторидида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Республика ҳукумати томонидан тармоқ барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган бир қанча қарор ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқдаки, бу унинг самарадорлиги ортишида бевосита хизмат қилмоқда. Бизга маълумки, қишлоқ хўжалиги, қўллаб қувватланишга эҳтиёж тармоқ ҳисобланади ва ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, доимий равишда давлат томонидан қўллаб-қувватловчи механизм фаолият олиб бориши керак бўлади. Бу қўллаб қувватлаш механизмининг кўриниши ва шакли ҳар хилда бўлиши мумкин, яъни билвосита ҳамда бевосита тарзда қўлланилиши мумкин. Ҳозирда давлат томонидан пахта хомашёси етиштирувчиларга имтиёзли кредитлар ажратиш, моддий-техник ресурсларни бозор баҳосидан паст нархларда етказиб бериш ҳамда мелиоратив ҳолати ёмон ерларда давлат буюртмаси асосида маҳсулот етиштираётган хўжалиқларнинг моддий аҳволини яхшилашга дотациялар йўналтириш каби йўналишларда амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда шуни таъкидлаш жоизки, турли табиий-иқлим шароитларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан юқори ҳосилга эришиш учун моддий-техник ресурслар ҳамда меҳнат ресурслари талаби бир-биридан кескин фарқ қилади. Айниқса, пахтачиликда республика минтақаларининг тупроқ ва иқлим шароитининг, етиштириш усуллариининг турли хил ҳолатда эканлиги уларни ҳисоб-китоб қилишда ўзига хос ёндашувни талаб этади. Айниқса кейинги йилларда пахтачиликда ҳам инновацион технологияларнинг қўлланилиши натижасида баъзи бир агротехник тадбирларни амалга оширишда ўзгаришлар рўй бермоқда. Пахтачилик бошқа экинларга нисбатан меҳнат ресурслари сарфини ўзида кўп мужассамлаштирган ва айни пайтда асосий даромад манбаи бўлган экин турларидан бўлиб қолмоқда. Ҳозирда республикаимизда пахта етиштиришнинг қўшқатор усули кенг равишда амалиётга жорий этилиши ва қўшқатор усулда экилаётган экин майдонлари ҳажми қарийиб 35-40

фоизга етаётган бир пайтда меҳнат сарфини аниқлаштириш талаби пайдо бўлмоқда. Меҳнат ресурсларининг талаби ва уларга ҳақ тўлаш тизими ана шу меъёрлар асосида шакллантирилиши ушбу масаланинг янада қисқа муддатларда ҳал этилишига сабаб бўладиган омиллардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик экинларини парваришлаш маҳсулот етиштириш ва йиғиштириб олишда талаб этиладиган меҳнат ҳамда моддий-техник ресурслар меъёрларини аниқлаш услубиёти ва усуллари, аниқланадиган тадбирнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб бири-биридан фаркланиш харақатига эга ҳисобланади. Агар меъёрлар техника ёки механизация жараёни билан боғлиқ бўлса, унда механизмлар хусусиятидан келиб чиқиб танланган ҳолда аниқланади. Шу сабабли пахтачиликдаги меҳнат ҳамда моддий техник ресурслар сарфини аниқлаш ҳамда уларни қайта кўриб чиқиш учун мутахассислар томонидан хронометраж кузатувлари амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Хронометраж кузатуви ҳар бир агротехник тадбирнинг ўтказилиш муддатида ҳамда пахта хомашёси етиштиришнинг усуллари ҳисобга олган ҳолда республиканинг барча минтақаларида амалга оширилиши талаб этилади.

Хронометраж кузатуви ўзига хос равишдаги тадқиқот усули бўлиб, унда хронометраж кузатуви олиб борувчи мутахассисдан малака ва етарли даражадаги билимни тақозо этади. Шунингдек, хронометраж кузатуви жараёнида кузатиш объектининг (маълум бир турдаги ишни бажарувчи шахс) ҳам танланиши муҳим аҳамият касб этиб, унда иштирок этувчи шахсдан етарли даражада ишга маъсулият талаб этилади.

Хронометраж кузатувини амалга ошириш учун махсус хронометраж варағи юритилади. Ушбу хронометраж ўтказиш варағи кириш, яъни ўз ичига умумий маълумотлардан иборат бўлган қисм ва 6 та босқичдан иборат бўлган бўлимлар ҳамда хронометраж кузатуви бўйича якуний йиғма жилдни ўз ичига олади, булар қуйидагича шаклни ҳосил қилади:

Кириш қисмида бажарилиши кўзда тутилган иш тури, хронометраж кузатуви амалга ошириладиган манзил, хронометраж кузатуви амалга ошириладиган субъект ва иш жараёни амалга ошириладиган жой ёки даланинг турини ўз ичига олади.

**Биринчи босқичда**, маълум бир турдаги ишни бажарувчи шахс ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиб, ишчи ёки механизатор ҳақидаги умумий маълумотлар, мутахассислиги, иш стажини ва ёши, унинг ишга бўлган муносабати кўринишида ифода этилади.

**Иккинчи босқич**, маълум турдаги иш жараёни учун зарур бўлган асбоб-ускуна, меҳнат предмети ва иш жиҳозини ўз ичига олади. Бунда, меҳнат предметининг воситаси, агар машина ёки техниканинг бирор бир тури бўладиган бўлса унинг маркаси ёки белгисини, иш жараёнида улардан фойдаланиш миқдори ёки сонини, техник ҳолатини, машина ёки техника воситаси, меҳнат предметиға хос бўлган маълумотларни, яъни унинг узунлиги, ҳажми, оғирлиги ва лойиҳавий кенглигидан иборат бўлади.

**Учинчи босқич**, танланган иш жойи ва меҳнат қилиш шарт шароитларини тавсифини ўз ичига олади. Бунга, хронометраж кузатуви учун танланган майдоннинг бўйига узунлиги, энига томон кенглиги махсус чизмада баён этилган ҳолатда, танланган майдоннинг тупроқ шароити, яъни унинг таркиби ва турланиши, тупроқнинг намлилик даражаси, экиш схемаси ва экин экилган эгатлар оралиғи, унинг эни, эгатлардаги ўсимликлар орасидаги масофа ҳисобга олинади. Шунингдек, ушбу босқичда етиштириладиган экиннинг ҳолати, яъни унинг узунлиги, ётиб қолганлик даражаси, бутадорлик даражаси ва бошқалар, олдинги ўтказилган ишлов бериш жараёни ва муддати тўғрисида, майдоннинг хас чўп каби элементлар билан ифлосланиш даражаси, кўп учрайдиган бегона ўтлар мавжудлилик даражаси, уларнинг ўсувчанлик даражаси, экин майдонидан кутиладиган ҳосилдорлик даражаси, ҳосилни йиғиб олиш усуллари, хронометраж кузатуви ўтказиладиган экин майдонидаги илгари ҳосил йиғилишлар сони, об-ҳаво шароити, ҳаво ҳароратини, шамолнинг эсиш даражасини, ёғингарчилик мавжудлигини ўз ичига олган ҳолда ва иш шароити ҳақидаги қўшимча маълумотлардан иборат бўлади.

**Тўртинчи босқич**, ўлчовлар ва дастлабки ҳисоб-китоблар қисмидан иборат бўлиб, унда тартиб рақам билан бир квадрат метрда ёки узунликдаги бир метр ҳажмдаги майдонда мавжуд бўлган маданий ўсимлик сонини, бир квадрат метр майдонда мавжуд бўлган бегона ўтлар сонини,

бир квадрат метр майдондан олинаётган ҳосилнинг ҳажмини ва бошқаларни ўз ичига олган қисмдан иборат бўлади.

**Бешинчи босқичнинг** вазифаси иш жараёнини ташкил этиш баённомасидан иборат бўлиб, унда ишнинг ташкил этилиши, вазифаларнинг тақсимот қилиниши, ишловчиларни объектлар бўйича жойлаштиришдан иборат бўлиб, у иш жараёнини ташкил этилишнинг мазмунини ўз ичига олади. Шунингдек, ушбу босқичда ишни амалга ошириш усули ёки шакли, ишни амалга оширишнинг шакли, яъни яқка тарзда, гуруҳ билан ва бригада усулида амалга оширилиши ҳисобга олинади.

**Олтинчи босқич**, асосан маълум бир турдаги ишни бажариш учун сарфланаётган вақтни ҳисобини юритадиган йиғма жилд бўлиб, бу механизация ва қўл меҳнати билан боғлиқ меъёрларни ҳисоблашда бир-биридан биров фарқланади. Қўл меҳнати билан боғлиқ меъёрларни ҳисоблашда олтинчи босқич, тўртта бир-бирининг давомийлигини таъминлайдиган бўлимлардан иборат босқичда амалга оширилади. Бу босқич қўл меҳнати ишларида меҳнат унумдорлиги ва сменадаги вақт бирлиги ҳақиқий баланси ҳисобланиб, кун давомида ишни бажарувчи шахс томонидан амалга ошириладиган барча ишларнинг ёйма жилди шаклида олиб борилади, яъни кузатув остидаги ишчи ходимнинг тўлиқ равишда сарфлаётган вақти ҳисоб-китоб қилиб борилади. Бу бир неча кичик босқичларда амалга оширилади ва якуний тарзда барча бажарилган тадбир юзасидан хулосавий ҳисоб-китоб ҳамда кузатув давомида маълум бир ишни бажариш учун сарфланган вақт ҳисоб-китоб қилинади.

**А.АБДУЛЛАЕВ,**

Андижон машинасозлик институти, и.ф.д., профессор

**О.Х.МАХМУДОВ,**

Андижон ҚХИ, и.ф.н., доцент

### **Аграр сохани ривожлантиришда бошқарув инновация стратегиясини шакллантириш хусусиятлари**

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархла-рини ошириш бўйича амалга ошириладиган изчил ишлар натижасида иқтисо-диётимизнинг аграр секториди таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Аграр сохани ривожлантириш учун бошқарувда янги фикрлаш доирасида саноат корхоналарининг стратегияси ўзгаради, аввало уларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришга, капитал қўйилмалар структураси ва инвестицион сиёсат йўналишларини аниқлашга, инновация жараёнларини ташкил этишга, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни киритишга бўлган ёндашув ўзгаради. Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу ерда гап харажатларни камайтирувчи хўжалик механизмига хос бўлган стратегиялар тўғрисида кетяпти. Бунинг учун агрофирмалар ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, бошқарув аппаратида ахборот технологияларини қўллаш каби йўللари излашмоқда. Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга бўлган анъанавий ёндашув куйидагиларга асослангани кўринади:

- маркетинг талаблари ёки муҳандислик тадқиқотлари натижасида ишлаб чиқариш технологиясига ўзгартиришлар киритиш. Бунда ишлаб чиқаришнинг эгилувчанлиги деганда янги шароитларга мослашиш имконияти тушунилади. Аслида эса кўпчилик бундай ёндашувга кўра иш тутиш ишлаб чиқаришни ноэгилувчан қилишини тушунмайди;

- эскича фикрловчи раҳбарлар томонидан ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, индивидуал меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш меъёрларини ошириш ёки ишлаб чиқариш жараёнида жонли меҳнатни капитал ва энергия билан алмаштириш орқали амалга ошириш мумкин деб ҳисоблашади;

- захираларга келсак – эскича фикрловчи раҳбар уларни минимумга туширишга, лекин умуман йўқотиб юбормасликка ҳаракат қиладилар ва шундай қилиб, бошқарувчилар ўзларини ва

ишлаб чиқаришни кўзда тутилмаган ҳолатлардан суғурталайдилар. Улар учун захираларни турли шаклда ва турли мақсадлар учун сақлаш «айни вақтда» ҳолатига эришгандан кўра осонроқдир;

- ишлаб чиқариш жараёнининг вертикал интеграцияси меҳнатни чуқур технологик тақсимлашга асосланган. Натижада айрим технологик операцияларни бажаришнинг тезлашганлиги, ишлаб чиқариш дастурининг баланслашмаганлиги, ишлаб чиқариш ускуналарини қайта ўрнатиш вақтининг узоқлиги, деталларни ёки узелларни битта операциядан бошқасига, бир участкадан бошқасига ўтказиш сабабли, уларни қайта ишлаш вақти кўпайиб кетганлиги билан йўққа чиқарилади;

- ёмон хўжалик фаолияти даврида ишчиларни ишдан ҳайдаш, ишлаб чиқариш яхшиланганда эса кўшимча ишчи кучини ишга олиш. Ишсизликнинг камроқ фоизини анъанавий тарзда раҳбарлар ишчини тартибга солувчи ижобий омил сифатида кўришади. Улар тушунмайдиларки, замонавий ишлаб чиқариш шароитида ишсизликни энг кам фоизи ҳам бу аввало инсон капиталига бўлган варварлик муносабат сиймоси, меҳнат ресурсларини ақлсиз бошқариш кўрсаткичидир. Бундай фикрлаш жами меҳнатнинг тўғри харажатларига, яъни индивидуал ишлаб чиқариш меъёрларига эътибор бериш натижасидир;

- ўзаро рақобатчи ҳисобланган етказиб берувчилар мавжудлигида материалларни иложи борича паст нархларда сотиб олишга интилиш.

Эскича фикрловчи раҳбарга эга компаниялар чет эл хом-ашё манбаларига чиқишга, субпудратчилар сифатида арзон ишчи кучига эга давлатлардаги корхоналарга эга бўлишга интилишади. Бошқарувда янгича фикрлаш доирасида техника ва технологиядаги ўзгаришлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, ташқи муҳит таъсирида эмас (маркетинг талаблари ёки янги муҳандислик тадқиқотлар пайдо бўлиши), балки доимо бўлиш керак. Энг асосийси – йирик технологик тараққиётнинг ёки истеъмолчи хоҳишларини ўзгаришини кутиш эмас, балки бошқарув жараёнининг барча поғоналарида амал қилаётган ишлаб чиқариш, технология ва чиқарилаётган маҳсулотни такомиллаштириш йўллари доимий излашдир.

**А.А.АБДУЛЛАЕВ,**

Андижон ҚХИ, и.ф.н., доцент

**О.А.ШЕРМАТОВ,**

Андижон ҚХИ, и.ф.н., доцент

### **Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида фермер хўжалиги маҳсулоти рақобатдошлигини ошириш омиллари**

Фермер хўжаликларини барқарор ривожланишини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш масалаларини ижобий ҳал этилиши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида маҳсулот рақобатдошлигини кескин оширилишини тақозо этади. Республикада модернизациялаш жараёнига охириги йилларда алоҳида эътибор берилиб, у иқтисодиётимиз тараққиётининг асосий омили сифатида баҳолланмоқда.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш соҳани техник ва технологик жиҳатдан тубдан янгиланиши жараёни бўлиб, унга бир-бирлари билан узвий боғланган уч йўналишни, яъни ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, таркибий жиҳатдан техник-технологик қайта тузиш ва ишлаб чиқаришни маънавий жиҳатдан янгिलाш асосида эришилади. Ушбу йўналишлар бўйича тармокни модернизациялаш жараёни Президентимиз кўрсатмаси бўйича 2011-2015 йилларга мўлжаллаб дастур қабул қилинган махсус дастур асосида амалга оширилмоқда.

Дастурда белгиланган модернизациялашнинг асосий йўналишлари бўйича барча тадбирларни самарали амалга оширилиши қишлоқ хўжалигига, жумладан, уни устивор хўжалик юритиш шакли ҳисобланган фермер хўжаликларига етиштирилаётган бирламчи қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари рақобатдошлигини кескин ошириш асосида ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш имкониятини яратади.

Фермер хўжалиги маҳсулотининг рақобатдошлиги ҳозирги кунда уни иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг ва самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи омилига айланади. Бу фермер хўжаликлари олдига маҳсулот рақобатдошлигини ошириш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Рақобатдошлик серқирра ва мураккаб иқтисодий категория бўлиб уни таркиб топишига кўп сонли омиллар таъсир кўрсатади. Рақобатдошлик даражасини иқтисодий жиҳатдан таҳлил этишда унга таъсир этувчи барча омиллар одатда икки асосий гуруҳга ажратилади. Улар маҳсулот таннархи ва уни сифатидир.

Маҳсулот таннархи фермер хўжалиги самарадорлигини аниқлашда қўлланиладиган энг асосий иқтисодий категориялардан бири бўлиб, у ўзида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасини акс эттиради. уни таркибига моддий харажатлар, иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар, амартизация ва бошқа харажатлар киради.

Фермер хўжалиги маҳсулоти рақобатдошлигига таъсир этувчи иккинчи гуруҳ омиллари ўз аксини сифат категориясида топади. Сифат атамаси тарихан олинганда нисбий тушунча бўлиб, у бозорда яъни маҳсулотлар ўзаро алмашинилганда юзага чиқади. сифат даражаси эса маҳсулотларни таққослаш, солиштириш асосида аниқланади.

Шундай қилиб, сифат атамаси нисбий характерга эга бўлиб, у таққослаш, солиштириш асосида, бозорда яъни маҳсулотларни реализация қилиш жараёнида намоён бўлади. Маҳсулот сифати уни турига қараб ташқи кўриниши, қулайлиги, ихчамлиги, фойдаланиш муддати, нави, софлиги, тозаллиги, фойдалилиги каби бир қатор хусусиятлари билан белгиланади. Демак, сифат категорияси иқтисодий жиҳатдан маҳсулот ва хизматларида мужассамланган хосса ва таснифлар мажмуаси бўлиб, жамиятдаги маълум бир эҳтиёжларни қондириш қобилиятини билдиради.

Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларда пахта хом-ашёси рақобатдошлигини таъминлаш ва иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, пахта экин майдонлари 3 фоизга қисқарган ҳолда уни ҳосилдорлиги 29,8 дан 31,7 центнерга ёки 6,4 фоизга кўтарилди. Бу эса пахта ялпи ҳосилини 3,3 фоизга кўпайишига олиб келди. Пахтачиликда 1 гектар ҳисобига тўғри келадиган ялпи маҳсулот ва фойда кўрсаткичлари мос ҳолда 56,3 ва 59,6 фоизга оширилди. Охириги 3 йилда иқтисодий самарадорликнинг асосий яқунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик 11,7дан 12,0 фоизга ёки +0,3 даражага кўтарилди. Лекин, пахта таннархи охириги 3 йилда 40,8 дан 59,8 минг сўмга ёки 46,6 фоизга кўтарилиб уни рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу жараён ялпи ҳосил билан ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги нисбатларни бузилиши асосида юз бермоқда. Вилоятда пахта ялпи ҳосили 3,3 фоизга кўпайгани ҳолда уни етиштириш учун сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари 51,9 фоизга ортган.

Пахта таннархини пасайиши мураккаб техник-технологик ва иқтисодий жараён бўлиб, уни бирданига пасайтириш ҳозирги шароитда жуда қийин масала бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам пахта таннархини пасайтириш жараёнини икки босқичда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Биринчи босқичда пахтачиликни модернизациялаш даражасини кескин кўтариш асосида пахта таннархини мунтазам ошиб боришига барҳам берилади.

Иккинчи босқичда эса, уни пасайиши жараёни амалга оширилади.

Иккинчи босқич пахтачиликни модернизациялаш жараёни ўзининг мантикий поёнига етгандан кейин кенг миқёсда бошланади.

Пахтачиликни модернизациялаш жараёнида пахта етиштириш учун сарфланадиган ишлаб чиқариш харажатлари таркибида кескин ўзгаришлар содир этилади. Жумладан, ишлаб чиқариш харажатлари таркибида моддий харажатларни ва техникадан фойдаланиш сарфларини ҳиссаси кескин кутарилиб меҳнат ҳақини олиши мос ҳолда қисқаради. Сабаби, фермер хўжалигини

техника билан курулланиши даражасини ошириш мос ҳолда иш кучига бўлган умумий талабни кескин пасайишига олиб келади.

Пахта хом-ашёси рақобатдошлиги даражасини белгиловчи иккинчи асосий кўрсаткич пахта сифатидир. Юқорида айтилгандек пахта таннархини пасайтириш имкониятлари ҳозирги шароитда ўта чекланганлиги учун фермер хўжаликлари уни сифатига асосий эътиборни қаратишмоқда. Пахта хомашёсининг харид нархлари нархномаси ҳар йили молия вазирлиги томонидан тасдиқланиб тегишли хўжалик юритиш субъектларига етказилади. Жумладан, 2011 йил пахта ҳосили учун 7.04.2011 йилда пахта хом ашёсини 70-03-20011 сонли харид нархлари нархномаси тасдиқланган. Ушбу нархномада пахта хом ашёсининг саноат навлари ва синфлари бўйича белгиланган харид баҳоларини табақаланиши жуда юқори бўлиб, у фермер хўжаликларида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигига кескин таъсир кўрсатмоқда. Сабаби, ўрта толали пахта навлари бўйича 1-саноат навининг 1-синфга белгиланган харид баҳоси 5-саноат навининг 3-синфга ўрнатилган нархга нисбатан 4 мартадан зиёдрокка юқоридир.

Хулоса қилиб айтилганда, вилоятда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларида пахта хом ашёси рақобатдошлигини яхшиланиши асосида уни иқтисодий самарадорлиги мунтазам ошиб бормоқда. Лекин фермер хўжаликларида пахта етиштиришнинг эришилган иқтисодий самарадорлиги ҳали талаб даражасида анча паст бўлиб, уни кескин ошириш чора-тадбирларни кўриш лозим. Бунда иқтисодий самарадорликни асосий яқунловчи кўрсаткичи бўлган рентабелликни оптимал даражага яъни камида 30-35 фоизга кўтариш керак. Шундагина фермер хўжаликлари пахтачилик бўйича кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни белгиланган суратларда амалга ошириш учун етарлича молиявий имкониятларга эга бўлади.

**А.АБДУЛЛАЕВ,**

Андижанский МСИ, д.э.н., профессор

**Б.АБДУЛЛАЕВ,**

Андижанский СХИ, к.э.н., старший преподаватель

## **Правовые основы в управлении экологического водопользования**

Глобальная проблема экологического кризиса волнует все человечество и по аральской трагедии, оказывающей отрицательные воздействия на окружающую среду большой территории и ее жителей, можно убедиться в нужде управления использованием природных и водных ресурсов.

В системе исполнительной власти управления экологическим природопользованием важное место занимает кабинет министров, который в соответствии со ст. 98 Конституции должен обеспечивать руководство эффективным функционированием экономики, социальной и духовной сфер, рациональным использованием и охраной водных, земельных и других природных ресурсов, исполнения и иных решений олий мажлиса, указов, постановлений и распоряжений президента.

Исходя из незыблемости конституционных основ государственного и общественного строительства при водообустройстве, фундаментальные законодательные экологические нормы устанавливают правовые, экономические и организационные основы рационального использования водных ресурсов с охранением условий природной среды. Институты административного права, входя в состав экологического механизма охраны природной среды, устанавливают контроль, административное пресечение, административную ответственность и другие меры экологического водопользования. Экологическое право использует эти институты для обеспечения экологической безопасности использования водных ресурсов и регулирует при этом административные отношения.

Экологическое право имеет комплексный характер и регулирует не только отраслевые, но и комплексные экологические отношения на микро и макроуровне социально-экономического развития регионов, бассейнов рек. На оптимальном соотношении отраслевого и комплексного, как общего и частного и должны складываться отношения экологического, водного и других отраслей

права. при этом трансформация водного права от экологического в сторону хозяйственного или экологического права обуславливает необходимость реформирования и совершенствования его внутренней структуры. При дальнейшем совершенствовании водного законодательства необходимо усилить экологическую функцию вод и развернуть организационно-правовую борьбу с вредным воздействием вод, вызванных стихийным явлением и антропогенным влиянием человека.

Приобретение независимости центральноазиатскими республиками поставило их в новые политические и экономические условия. Среди множества вопросов, требующих скорейшего решения, выделяется вопрос вододеления на водотоках-реках и каналах бассейна аральского моря. главные реки региона и их притоки в настоящее время приобрели статус международных и в этой связи возрастает их значение в социально-экономическом развитии центральноазиатских государств.

Международно-правовое регулирование режима экологического водопользования и водораспределения международных речных бассейнов сложная проблема, так как каждая река в бассейне и сам бассейн уникальны и характеризуются множеством видов формирования и использования вод экологическим условиями. Выражением разнообразия характеров международного речного бассейна является бассейны рек амударьи и сьрдарьи. Возможность использования вод этих рек у государств различна и обусловлено это тем, что здесь приречные государства обладают различными природными, демографическими, климатическими, экологическими и иными особенностями.

Природная и географическая неоднородность государств бассейна, многообразие количественных и качественных показателей водопользования и другие факты осложняют международное-правовое регулирования использования водных ресурсов в этом регионе.

Юридической базой решения региональных экологических проблем водопользования служат положение вновь сформировавшихся конституций государств центральной азии. В них многие статьи посвящены рациональному использованию и охране природных ресурсов и признанию приоритетов норм международного права. Есть статьи, посвященные основным правам, свободам и обязанности человека и гражданина, в том числе и по охране природной среды. Совокупность экономических, организационных, правовых и иных мер, зафиксированных в основных законах, может войти в основу решения региональных программ водопользования и дальнейших действий в отношении с окружающей человека природной среды. Концептуальные положения конституций развиваются в отраслевых законодательствах государств, что способствует поиску связей и отношений между экологическими и другими нормами и принципами основных законов; выявлению тенденций и перспектив их развития, места и характера конституционного института рационального водопользования и его компонентов; анализу методов конституционного воздействия, их взаимоотношений и взаимодействия в перспективном водообеспечении государств региона; ускорению реализации конституционных экологических предписаний в настоящем и будущем, укреплению межнационального согласия и совершенствованию межгосударственных отношений. Важнейшие природные ресурсы-земля и воды – наиболее часто по сравнению с другими природными объектами подвергаются конституционно-правовому регулированию. правовые проблемы использования этих ресурсов связаны с противоречием, вызванным с одной стороны применением для нужд продовольственной и иной производственной программы и другой-их базисным положением в целях охраны окружающей среды. Эти особенности проблем все более обостряются в регионе и усугубляют межгосударственные отношения. Глубинные процессы и связи, сформировавшиеся вокруг водопользования для нужд сельскохозяйственного производства, воспринимались всегда как облагораживающие природу процессы. Однако, все более убедительным становится противоречие с окружающей средой, когда водопользование при орошаемом земледелии является ее загрязнителем. Поэтому использование водных ресурсов в этих целях начинает ограничиваться, что свидетельствует о



смещении акцентов и обострении экологических проблем и это получает отражение в правовых актах.

Содружество суверенных государств по региональным проблемам природопользования строится на основе международного права, что позитивно меняет концептуальные оценки взаимодействия отраслей и институтов международного и водного права. При этом по ферганскому региону должны совершенствоваться контрольные и экспертные механизмы международно-правовых обязательств, система исполнения согласованных норм, гарантии эффективной реализации международных правил поведения и механизмы усиления законности экологически эффективного водопользования.

Международно-правовое регулирование режима водораспределения требует оптимизация норм и улучшения порядка гидроэкологической экспертизы на основе принципов законности, научной обоснованности, гласности и долгосрочного прогнозирования. Проведение экспертизы с оценкой полноты и обоснованности предусматриваемых мер по рационализации и охране водных ресурсов становится обязательным в процессе законотворческой, инвестиционной, управленческой и иной деятельности, влияющей на состояние природной среды. Здесь позитивным аспектом может стать мелиоративно-экологический мониторинг вод при орошаемом земледелии. Но для этого тоже надо иметь экологическую, экспертную оценку мелиоративных мероприятий по бассейнам рек и научные разработки экономико-правовых аспектов рационального экологического водопользования.

Тенденция развития международного сотрудничества по водопользованию и водораспределению обуславливает необходимость создания специальных законов о государственном иммунитете и экологической экспертизе. При этом совокупность гидроэкологических норм, регулирующих режим международных рек и дающих возможность определить оценку воздействия на водные ресурсы, представляет собой правовой институт, имеющий важное значение в обеспечении экологической безопасности государств и регионов. Принципы гидроэкологической экспертизы могут уточняться при решении конкретных проблем водопользования как на национальном, так и на международном уровне. В основу методики могут войти контрольные листы, матрицы, методы сетей совмещенного анализа, карт, оценки риска прогнозирования социального воздействия на гидросферу. Правовое регулирование рационального водопользования в нашей республике, базируясь на экономическом механизме стимулирования оптимальной водоохранной и водопользовательской деятельности предприятий, учреждений и организаций, должно включить:

-финансовую базу, формирующую в кредитно-финансовой системе новых структур в виде экологических банков как особых государственных учреждений, которые позволяли бы осуществлять не только сугубо финансовые операции, но и функции объединения средств различных экологических органов, общественных организаций, физических и юридических лиц, координации и контроля их расходования, предотвращения их распыления и неэффективную трату; гидроэкологическую индустрию и экобизнес, как отрасль, которую составят государственные, кооперативные, общественные, частные, смешанные, с участием иностранного капитала, предприятия и организации экологического профиля: по переработке промышленных, бытовых и прочих сточных вод, защите водных ресурсов, мелиорирование земель, повышению плодородия почв, продуктивности орошаемых земель, производству экологически чистых продуктов питания, воспроизводству водных ресурсов, водостроительству территорий, оптимизации водообеспечения жизненных пространств, разработке и использованию водосберегающих технологий, разведению редких и менее влаголюбивых растений; рынок гидроэкологической техники и услуг, который на базе гидроэкоиндустрии и в сочетании с координацией инвестирования и расходования средств водоохранного назначения в рамках предлагаемых новых финансовых структур должен заменить планирование и материально-техническое обеспечение водоохранных мероприятий в устаревшем их виде.

Нормальное функционирование гидроэкорынка возможно лишь при соблюдении ряда условий, в том числе при наличии отработанной системы государственного правового регулирования. Его функциями могут стать, в частности, эколого-экономическое аудиторское, аккредитация, стандартизация, лицензирование, сертификация, льготное налогообложение, экспертиза и контроль, экологический менеджмент и маркетинг. углубление экономических реформ и обострение экологических проблем водопользования бассейна рек Аральского моря требует качественно нового научного обоснования эффективности инвестиций в реконструкции производства с целью рационального использования и охраны водных ресурсов при рыночных отношениях. В большой степени это относится к объектам Ферганского региона, где особую значимость приобретает процесс внедрения ресурсосберегающих и природных технологий, способствующих увеличению производства сельскохозяйственной продукции и предотвращающий деградацию природной среды. Необходимость совершенствования методики соизмерения затрат и результатов с учетом природных требований обуславливается потребностями практики в принятии оптимальных инвестиционных решений, особенно на уровне международно-правового регулирования экологического режима водопользования.

Формирование эффективно действующего экологического менеджмента природопользованием должно основываться на законодательном подходе, опирающемся на гражданский кодекс, штрафные санкции, административный и уголовный и другие кодексы, нормативно-правовые акты для регулирования экологических отношений.

**М.А.АБДУЛЛАЕВ,**

Андижон ҚХИ, и.ф.н., катта ўқитувчи

**О.Х.МАХМУДОВ,**

Андижон ҚХИ, и.ф.н., доцент

### **Қишлоқ хўжалигида инновация фаолиятни ривожлантириш учун бюджет ажратмалари самарадорлигини ошириш масалалари**

Республикада амалга оширилаётган ислохотлар ва жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларига қарши кўриляётган чора-тадбирлар самарадорлигини обрўли халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар томонидан юқори баҳоланилди. 2011 йил якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8,3 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 6,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсиши 6,6 фоизни, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 16,1 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди.

Бу иқтисодий кўрсаткичларга келажакда янада юқори кўрсаткичларга эришишда фаол инновация фаолиятини олиб бориш қатор чора-тадбирларни қабул қилишни тақозо этади. Ушбу чора-тадбирларни амалга оширида давлат инвестиция тизимини такомиллаштириш, кредит ҳамда солиқ сиёсати ва бюджетдан ташқари молиялаштиришни ўз ичига олади.

Инновация соҳасидаги давлат сиёсати, давлат ҳаражатларининг унумли таркибини шакллантиришга қаратилиши керак. Уларнинг умумий даражаси ЯИМнинг маълум улушидан кам бўлмаслиги лозим.

Жаҳон тажрибасига кўра мамлакатнинг илмий-техник мажмуасини таъминлаб туриш учун ЯИМнинг 1,0% дан кам бўлмаган бюджет маблағлари ажратилиши зарур.

Бюджет маблағлари сарфининг самарадорлигини таъминловчи чоралар қаторида қуйидагиларни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

– қайтариб олинмаслик асосида фақат давлат буюртмаси бўйича умумиллий аҳамиятга эга инновация лойиҳаларини амалга ошириш;

– мулкчиликнинг барча шаклидаги ташкилотларга инновация лойиҳаларини амалга оширишда бюджет маблағларини давлат кафолати бўйича танлов асосида жойлаштириш

амалиётини кенгайтириш (бунда ушбу лойиҳалар жаҳон илмий даражасидан юқори бўлган лойиҳаларга). Мазкур вазиятда жалб этилаётган давлат ва хусусий инвестиция паритет(тенглик) асосида ажратилади;

– инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун бюджетдан ташқари манбааларнинг жалб қилиш дастакларини рағбатлантириш. Энг аввало, бу илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини қўллаб-қувватлашга, инновация лойиҳаларида фойдаланиладиган чет эл патентларининг маълум қисмига ва халқаро патентларни қўллаб-қувватлашга тааллуқлидир.

ИТТКИ (илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишлари)га бўлган талаб омиллари кўп жиҳатдан илмий маҳсулот бозори хусусиятларининг таъсирида шаклланади. ИТТКИнинг ички бозордаги ҳолати қуйидаги ўзига хосликлар билан изоҳланади:

– талаб ва таклифнинг бир-бирига мос келмаслиги. ИТТКИга бўлган талаб қондирилмаслиги туфайли, ҳорижий технологиялар бозорига мурожаат қилишга олиб келмоқда;

– истеъмолчилар ўз кучлари билан ИТТКИга бўлган талабни қондиришлари учун имкониятнинг чекланганлиги;

– ривожланган инфратузилманинг йўқлиги сабабли ИТТКИ муаллифларининг буюртмачи талаби ва конъюктурасини ўрганишдаги имкониятнинг чекланганлиги;

– илмий изланишларнинг республика манфаати ва иқтисодий имкониятларини етарли даражада инобатга олмайдиган асоссиз равишда кўлами кенгайтириб юборилганлиги;

– фаннинг суёт ҳаракатчанлиги, илмий салоҳиятнинг иқтисодиёт, жамият ва фан тараққиётида янги пайдо бўлаётган талаблар юзасидан кеч таъсир этиши;

– илмий-техник фаолиятнинг иқтисодий-ҳуқуқий асоси яқунига етказилмаганлиги, илмий-техник маҳсулот бозорининг суёт ривожланганлиги.

Шу сабабли ривожланган давлатларнинг юқори технологиялар бозорини, ривожланаётган мамлакатлар ва ички бозорнинг илмий-техника маҳсулотлари бозорини таҳлил қилиш зарур.

Шундай қилиб, илмий маҳсулотга бўлган ижтимоий буюртма шаклланиб улгурмаган шароитда мавжуд энг муҳим илмий изланишларни сақлаб қолиш мақсадида фанни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ўзини оқлайди. Аммо иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб бориши билан, фан ривожини янги ижтимоий буюртмага, унинг маҳсулотига, ривожланган иқтисодиётнинг янги устувор йўналишларига қаратилиши лозим.

## **А.Ж.АБДУЛЛАЕВ**

Бухарский государственный университет, старший преподаватель

### **Теоретические основы агропромышленной интеграция и кооперации**

Агропромышленная интеграция - это организационно-экономическое понятие, характеризующее объединение и углубление производственно-технологических связей организаций различных, но взаимосвязанных отраслей, либо одной отрасли но, различных видов производств как в совместном использовании ресурсов, объединении капиталов, так и в создании друг другу благоприятных условий для осуществления экономической деятельности, снятия взаимных барьеров.

В экономическом плане интеграция выступает как инструмент соединения отдельных хозяйственных субъектов, ведущего к такому их состоянию, при котором на основе межхозяйственных, организационно-экономических, финансовых и других связей образуется новая совокупная система производств, своей деятельностью обеспечивающая выполнение поставленной цели.

Процессы интеграции могут иметь место в рамках уже сложившейся системы (повышение ее целостности и организованности), а также вести к созданию новых структур из не связанных ранее элементов. В ходе интеграции увеличивается объем и интенсивность взаимосвязей между элементами системы, надстраиваются новые уровни управления.

Под агропромышленной интеграцией подразумеваются объединительные процессы с участием предприятий различных сфер АПК. На практике понятие агропромышленной интеграции может иметь более широкий смысл. В этом случае интеграционные взаимоотношения осуществляются не только между предприятиями АПК, но и между субъектами хозяйствования других комплексов народного хозяйства.

Таким образом, агропромышленная интеграция – это организационно-экономический процесс сознательно, планомерно регулируемого объединения хозяйственных структур в единое агропромышленное производство с целью повышения экономической эффективности его работы и решения социальных задач. На практике кооперативных и интеграционных связей в чистом виде не существует – они тесно переплетаются между собой. Интеграционные формирования могут иметь в своем составе кооперативные структуры и наоборот. Поэтому объединительным процессам, происходящим на современном этапе, больше соответствует термин «кооперативно-интеграционные».

Кооперация и интеграция тесно связаны и взаимообусловлены. Оба эти процесса предполагают концентрацию капитала. Как кооперация, так и интеграция способствуют научно-техническому прогрессу. Посредством кооперации и интеграции формируются новые хозяйственные структуры, способные выстоять в условиях жесткой рыночной конкуренции. Наряду с общими свойствами между кооперацией (в узком ее понимании) и интеграцией имеются отличия.

При кооперации в качестве объединяемых объектов выступают предприятия одной отрасли, при интеграции – организации разных отраслей: сельского хозяйства, перерабатывающей промышленности, торговли и др.

В большинстве случаев в кооперативных формированиях производится сырье или полуфабрикаты, в интегрированных – готовая продукция. Если кооперативные процессы осуществляются на добровольной основе (по воле объединяемых структур), то интеграционные – по инициативе интеграторов.

Кооперативно-интеграционные отношения формируются на следующих принципах:

- добровольность и гласность процедуры образования;
- участие членов кооперативно-интеграционных структур в формировании общего капитала;
- распределение результатов совместной деятельности объединений между их участниками;
- открытость объединений для новых участников;
- демократичность системы управления объединениями, предусматривающей участие в ней учредителей;
- гарантия возврата части имущества в случае ликвидации предприятия или его выхода из состава объединения.

Таким образом, изучение теоретических основ агропромышленной интеграции позволило сделать следующие выводы:

- под агропромышленной интеграцией подразумеваются объединительные процессы с участием предприятий различных сфер АПК;
- при кооперации в качестве объединяемых объектов выступают предприятия одной отрасли, при интеграции – организации разных отраслей;
- интеграция вертикальная — межотраслевое кооперирование и комбинирование организаций и производств различных отраслей, обеспечивающее оптимальное прохождение товарной массы в едином технологическом процессе из одной фазы производства с другую, снижение издержек, повышение эффективности производства и качества продукции;
- интеграция горизонтальная — внутриотраслевое кооперирование предприятий и производств одной или нескольких подотраслей, обеспечивающее углубление специализации отдельных звеньев единого технологического процесса, снижение издержек производства, рост его эффективности и повышение качества продукции.

**М.АБДУРАҲМОНОВ,**  
ЎзҚЧЭИТИ, тадқиқотчи-изланувчи  
**Ф. РАББИМОВ,**  
ЎзҚЧЭИТИ, катта илмий ходим, тадқиқотчи-изланувчи  
**Ж.ШЕРОВ,**  
ЎзҚЧЭИТИ, и.ф.н., бўлим бошлиғи  
**К.УМАРОВ,**  
ЎзҚЧЭИТИ, тадқиқотчи-изланувчи

## **Ўзбекистон қоракўлчилигида чўл яйловларидан фойдаланишни модернизациялаш**

Қоракўлчилик мамлакатимиз чорвачилигининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланиб, Республиканинг ер ресурслари фондининг ярмидан кўпини эгаллаб, чўл минтақасида уни ривожлантиришнинг улкан потенциали мавжуд. Аммо, соҳанинг ҳозирги иқтисодий аҳволи замон талабига мутлақо жавоб бермай келмоқда. Республика миқёсида соҳанинг иқтисодий самарадорлиги 16,0 фоиз рентабелликдан ошмайди. Бунга асосий сабаб, соҳанинг экстенсив ривожланиш йўлидан бораётганлиги, асосий озуқа манбаи бўлган чўл яйловлари ҳосилдорлигининг жуда пастлиги(0,5-3,2ц/га) ва унинг турли йиллар, йил мавсумлари бўйлаб кескин ўзарувчанлигидир. Соҳанинг барқарор ривожланишини таъминловчи асосий омиллардан бири – унинг мустақкам озуқа захираларини яратиш бўлиб, бу соҳада илм-фан ютуқларини кенг жорий қилиш катта иқтисодий самарадорликка эришишни таъминлайди.

Бугунги кунда қоракўлчиликда табиий яйловлардан фойдаланиш билан бир қаторда, йилнинг ёз, куз ва қиш мавсумларида фойдаланишга мўлжалланган кўп компонентли, юқори ҳосилли ва турли ҳаётий формалардан ташкил топган сунъий яйлов агрофитоценозларини яратиш технологияларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда, асосий мақсад - тармоқнинг озуқа таъминоти ва захираларини мустақкамлаш орқали қоракўлчиликка ихтисослашган ширкат ва фермер хўжалиқларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда, чўл чорвачилигига ихтисослашган фермер хўжалиқлари (АҚШнинг Юта, Айдахо, Вайоминг штатлари) табиий яйловлардан деярли фойдаланишмайди. Уларга тааълуқли яйловлар сунъий экилган эркак ўтзорлар, эркак ўт+эспарцетли ва изенли яйловлардан иборат. Шу боис яйлов озуқаси ҳосилдорлигининг барқарорлиги йилнинг келишидан қатъий назар Америка яйлов чорвачилигининг самарадорлигини тўлиқ таъминлайди.

Ўзбекистон қоракўлчилиги ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган кўп компонентли юқори ҳосилли яйлов агрофитоценозларини яратиш технологияси - ерни шудгорлаш, мола босиш, уруғ сепиш ва уруғларни тупроққа меъёрида кўмиш мақсадида бороналаш каби агротехник тадбирларни ўз ичига олади. Кўп компонентли яйлов агрофитоценозларини яратишда бута, яримбута ва кўп йиллик ўтчил ҳаётий формаларга мансуб ўсимлик турлари уруғларининг мақсадга мувофиқ равишда турли нисбатлардаги аралашмалари сепилади. Технология жорий қилинган яйлов участкаларидан иккинчи йилдан бошлаб мавсумий фойдаланиш тавсия этилади. Мақсадга мувофиқ равишда зарур майдонларда ёзги ва кузги-қишки мавсумларда фойдаланишга мўлжалланган яйлов агрофитоценозлари яратилади.

Ёзги мавсумда фойдаланиладиган агрофитоценозларни яратишда турли ҳаётий формалар нисбати қуйидагича бўлади: буталар(қора саксовулнинг “Нортуя” нави+черкез)-20%, изен, терескен сингари яримбуталар-40%, кўп йиллик ўтчил турлар(астрагаллар, эспарцетлар, эркак ўт)-40%. Кўп йиллик ўтчил турлар қаторига шувок, қўнғирбош, ялтирбош сингари ўсимлик турлари уруғларини ҳам қўшиш мақсадга мувофиқдир.

Кузги-қишки мавсумда фойдаланишга мўлжалланган яйлов агрофитоценозларини яратишда уруғлар нисбати қуйидагича бўлади: қора саксовулнинг “Нортуя” нави+черкез каби бута

ўсимликлар уруғлари-40%, изен, чўғон, куйровук, шувок ўсимликларининг уруғлари(яримбуталар)-60%.

Технологияда ҳар бир гектар ерга турли нисбатлардаги уруғ аралашмаларидан ўртача(уруғларнинг экиш сифатларига асосан) 20-25 кг уруғ сарфланади. Сунъий яратилган агрофитоценозларнинг ҳосилдорлиги табиий яйловлар ҳосилдорлигидан ўртача 5-8 марта юқори бўлади, яъни шувок-эфимерли табиий яйловлар ҳосилдорлиги ўртача 2,5-3,0 ц/га ни ташкил қилса, сунъий яратилган агрофитоценозлар ҳосилдорлиги ўртача 12,5-20 ва 15-24 ц/га ни ташкил қилади. Яратилган сунъий агрофитоценозлардан рационал(мавсумий) фойдаланиш шароитида улардан фойдаланишнинг муддати 25-30 йил ва ҳатто ундан ҳам узоқ вақт давом этиши мумкин. Иқтисодий таҳлиллар натижаларидан шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда 1 га ерда сунъий яйлов агрофитоценозини яратиш учун ўртача 260-300 минг сўм харажат талаб қилинади. Бугунги мавжуд баҳоларда 1кг дағал хашакнинг нархи ўртача 300 сўм бўлган шароитда яйлов агрофитоценозлари яратиш мақсадида сарф қилинган харажатлар, улардан фойдаланишнинг биринчи йилидаёқ 200 %га қопланади.

Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан кўп йиллик ўтказилган тажрибалар натижаларидан маълумки, хусусан мазкур институтнинг “Карнабчўл” тажриба даласида ушбу тадқиқотлар ижобий натижалар бериб келмоқда. 10 гектар майдонда сунъий яйлов агрофитоценозларини яратиш натижалари шуни кўрсатдики, яратилган ёзги мавсумий сунъий яйловларда ҳосилдорлик ўртача 15 ц/гани, кузги-қишки яйловларда 25 ц/гани ташкил этмоқда. Бундай тадқиқотлар фақатгина ушбу минтақага хос тажриба даласида олиб борилмоқда. Ҳозирги кунга қадар бундай ишлар бирор бир хўжалик миқёсида бажарилган эмас. Сурункали равишда чорва молларига озуқа танқислигини бошидан кечираётган, олган даромадининг қарийиб 50,0 фоизини қишки мавсумда озуқа сотиб олишга, ёзги мавсумда эса чорва молларини бошқа хўжаликлар худудларида боқиш - ўтар харажатларига сарфлаётган Самарқанд вилоятидаги гипсли чўл минтақасида фаолият кўрсатаётган барча хўжаликларга хосдир.

Маълумки, Ўзбекистон қоракўлчилигида қоракўл қўйларини боқиш технологияси азалдан анъанавий равишда экстенсив услубда табиий яйловларда боқишга ихтисослашган. Табиий яйловлар ҳосилдорлиги ўртача 2,5-3,0 ц/гани ташкил қиладиган бўлса, қоракўл қўйларининг бир йиллик физиологик озуқага бўлган талабларидан келиб чиққан ҳолда (425 озуқа бирлиги (кейинги жойларда - о.б.),) ёки 800кг. қуруқ масса(қ.м.) керак бўлади. Бунда, бир бош қоракўл қўйига бир йилда ўртача 2,7-3,2 га табиий яйлов керак бўлади. Йил мавсумлари бўйича қоракўл қўйларининг озуқага бўлган талаблари турлича бўлади. Бир бош қоракўл қўйи ҳисобида: баҳор мавсумида - 1,4 о.б., ёки 2,5 кг.қ. м., ёз, куз ва қиш мавсумларида – тегишли равишда: 1,1 о.б., ёки 2,5 кг.қ.м., 0,9 о.б., ёки 2,5 кг.қ.м. ва 1,15 о.б., ёки 3,0кг.қ.м.. Кўп компонентли сунъий яйлов агрофитоценозларини яратишнинг афзаллиги шундан иборатки, биринчидан: тармоқда экстенсив хўжалик юритиш тизимидан, интенсив тизимга ўтилади, иккинчидан: яйловлардан фойдаланишнинг самарадорлиги 2,5-3,0 марта ошади, учинчидан: чорва молларига барқарор, мустаҳкам озуқа базасининг таъминоти яратилади. Қоракўлчиликнинг хусусиятига кўра, қўйларни яйловларда боқиш муддатлари – баҳор мавсуми - апрел, май, июн ойлари (91 кун); ёз мавсуми -июл, август, сентябр ойлари (92 кун); куз мавсуми - октябр, ноябр, декабр ойлари(92 кун); қиш мавсуми - январ, феврал ва март ойлари (90 кун) деб белгиланган. Тавсия этилаётган интенсив тизим, ёки “Яйлов-қоракўлчилик комплекси” қоракўл қўйларини яйловда боқишнинг мавсумий рационал тизимига асосланади. Бунда, ҳисоб-китобларга кўра 500 бош қоракўл қўйларига табиий (баҳорги) яйловлар майдони 500 га ни, ёзги сунъий яйловлар – 76,7 гани, кузги яйловлар – 46га ни ва қишки яйловлар – 54 га ни ташкил қилади. Ишлаб чиқариш субъектида яйловлардан фойдаланиш тизимига юқори ҳосилли сунъий яратилган жами 176,7 га (76,7+46+54) яйловларни киритиш мавжуд чорва ҳайвонлари бош сонини йил бўйи яйлов озуқаси билан таъминлаш имконини бериб, анъанавий мол боқиш тизимига қараганда зарур яйловлар майдонини 3 маротаба иқтисод қилиш, ёки мавжуд яйлов майдонида боқиладиган чорва

хайвонлари сонини 2-3 маротаба ошириш имконини яратади. Қоракўчиликда экстенсив хўжалик юритиш усулидан таклиф этилаётган интенсиф йўлига ўтиш, чўл яйловлари қўй сиғимини 2-3 карра ошириш билан бир қаторда яйловлардан мавсумий, тизимли фойдаланиш имконини бериб, яйлов озукасининг миқдорий стабиллашувига, соҳанинг барқарор ривожланишига, самарадорлигининг ошишига, чўл экотизимининг таназзули олдини олиш, биологик хилма-хилликни асраш имконини беради. Таклиф этилаётган технология - “Яйлов-қоракўлчилик комплекси”да қўйларни мавсумий яйловларда боқиш чўпоннинг қатъий назорати остида амалга оширилади. Қўйларни боқиш табиий яйловларда фақатгина баҳор мавсумида, қолган мавсумларда эса сунъий яйловларда амалга оширилади. Ушбу “Яйлов-қоракўлчилик комплекси”ни фермер хўжаликларига, юридик мақомга эга бўлган деҳқон хўжаликларига ва ширкат хўжаликларининг бирламчи ишлаб чиқарувчи субъектлари(отарлар)га қўллаш мумкин. Агар 500 бош қоракўл қўйига эга бўлган ишлаб чиқарувчи субъект эски, анъанавий технология бўйича йилни муваффақиятли ўтказиши учун ўртача 2,5-3,0 ц/га ҳосилдорликка эга бўлган табиий яйловлардан 1350-1600 га зарур бўлади. Тавсия этилаётган технология (модел) бўйича:

- баҳор мавсумида 1 бош қоракўл қўйига кунига 2,5 кг., мавсум(91 кун)га эса 2,28 ц., 500 бошга 1137,5 ц қуруқ масса керак бўлади. Бунда, 2,5-3,0 ц/га ҳосилдорликка эга бўлган табиий яйловлардан 455,0 - 379,2 га майдон керак;

- ёзги мавсумда 1 бош қоракўл қўйига 1 кунга 2,5 кг., мавсум (92 кун) га 2,30 ц., 500 бошга 1150,0 ц., озуқа лозим. Бунда, ўртача 15 ц/га ҳосилдорликка эга бўлган сунъий яйловлардан 76,7 га майдон керак бўлади;

- куз мавсумида 1 бош қоракўл қўйига кунига 2,5 кг., мавсум (92 кун) га 2,30 ц., 500 бошга эса 1150,0 ц. қуруқ масса озукаси лозим. Бунинг учун ўртача 25 ц/га ҳосилдорликка эга бўлган сунъий яйловлардан 46,0 га майдон керак бўлади;

- қиш мавсумида 1 бош қоракўл қўйига кунига 3,0 кг., мавсум (90 кун)га 2,70 ц., 500 бошга эса 1350,0 ц. қуруқ масса озукаси лозим. Бунда, ўртача 25ц/га ҳосилдорликка эга бўлган сунъий яйловлардан 54,0 га майдон керак бўлади.

Эски-анъанавий технология бўйича 500 бош қоракўл қўйига жами 1350-1600 га табиий яйловлар лозим бўлса, янги-интенсиф технологияда жами 555,9 га., шундан атиги 176,7 гаси сунъий яйловлар керак бўлади. Бунда, яйловлардан фойдаланишнинг интенсифлик даражаси 2,4-2,9 мартага ошади. Шунинг билан бир қаторда, уларнинг ҳосилдорлиги 5-8 марта ошади. Бундан ташқари таъкидлаш жозки, қоракўл қўйларини яйлов озукаси билан таъминланиш даражаси ҳозирги 30-40 фоиздан 90-95 фоизга етади. Натижада омукта ем ва дағал хашак сотиб олиш учун қилинадиган харажатлар кескин қисқаради. Натижада тармоқ самарадорлик даражасини 90 фоиз рентабелликка ошириш имкони туғилади. Шу билан бир вақтда мавжуд яйловлар мол сиғимини деярли 3 маротаба ошириш, ёки боқиладиган қўйлар сонини 2-3 маротаба кўпайтириш имкони яратилади.

### **Ш.Ю.АЗИЗОВ,**

ЎзБИИТИ, катта илмий ходим

#### **Деҳқон хўжаликларида қўшилган қиймат яратишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари**

Иқтисодиётнинг бошқарилиши бозор механизми орқали ўз-ўзини бошқариш билан амалга оширилади. Лекин бозор иқтисодиёти барча муаммоларни ўз ўзидан ечолмаганлиги сабабли уларнинг баъзи бирларини давлат ҳал қилади. Шунингдек, бозор механизми аграр соҳада ҳам ҳамма нарсаларни ҳал қила олмайди. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиётнинг аграр сектори бозор шароитида алоҳида ўрин тутади ва давлат томонидан қўллаб-қувватланмасдан туриб соҳалараро рақобатга бардош беролмайди. Қишлоқ хўжалик соҳасини, шу жумладан, деҳқон хўжаликларини ҳам ўз ўзини бошқариш билан барқарорликка эришади деб ўйлаш нотўғри бўлади.

Давлатнинг вазифаларидан бири деҳқон хўжаликлари нормал фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий, ташкилий- иқтисодий асосларни ва ижтимоий муҳитни яратишдан иборат. Бу борада

мамлакатимизда қатор масалалар ҳал қилинган. Масалан, деҳқон хўжаликлари фаолияти учун ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослар яратилган.

Улар кўрсатадиган ёрдамлар қуйидагилардан иборат: ишлаб чиқариш ва ижтимоий- маиший аҳамиятга молик объектлари бўлмаган ҳудудларда деҳқон хўжаликлари ташкил этилганда уни бирламчи ободонлаштириш (газ, электрлаштириш, йўллар, радио, телефон, мелиорациялаш ва бошқа) ишларини амалга оширади.

Деҳқон хўжаликларига ишлаб чиқариш ва турар жойларни барпо қилишда ёрдам кўрсатади. Деҳқон хўжаликлари учун керакли мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситаларини биржаларда, ярмаркаларда, бозорларда юридик ва жисмоний шахслардан сотиб олишда кўмаклашади. Зотдор моллар, навли уруғлик ва қишлоқ хўжалик экинларининг кўчат материалларини, органик ва минерал ўғитларни, қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш юзасидан давлат агротехника хизмати кўрсатиш тизими орқали сервис хизмати кўрсатади.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб ускуналари ва ашё-анжомларини лизинг асосида олишда, чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатишда, деҳқон хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва реализация қилишда, консалтинг ва ахборот хизмати кўрсатишда ва бошқа жуда кўплаб масалаларда ёрдам кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, комплекс сервис хизмати кўрсатиш марказлари шартнома асосида қуйидаги ишларни ташкил қилиши ва амалга ошириши лозим:

1. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда ёрдам кўрсатиш. Бунда деҳқон хўжаликларининг ерларига ишлов беришда, экинларни парваришлашда, ем-ҳашак жамғаришда ва зарурий ресурслар билан таъминлашда кўмаклашади. Бунда деҳқон хўжаликларини ем-ҳашак, озуқа, зотдор моллар, уруғлик, минерал ўғит, пестицидлар, қурилиш материаллари билан таъминлашни ташкил қилинади.

2. Етиштирилган маҳсулотларни сотишда. Деҳқон хўжаликларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари (сут, гўшт), мева-сабзавотларни сотишда кўмаклашади.

3. Деҳқон хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашда тегирмон, обижувоз, мойжувоз ва шу каби қайта ишлаш корхоналари ишини ташкил қилади.

4. Деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатиш. Бунда деҳқон хўжаликларига транспорт, ветеринария, консалтинг хизматлари кўрсатишни ташкил қилади ва мувофиқлаштиради.

Деҳқон хўжаликларига ёрдам беришнинг асосий мақсади уларга такрор ишлаб чиқариш имкониятларини яратишдир. Деҳқон хўжаликларининг муаммоларидан бири ишлаб чиқариш ҳаражатларининг кўплиги ва соф фойда кам бўлганлиги натижасида уларнинг даромадлари даражасининг пастлиги туфайли такрор ишлаб чиқариш имкониятлари доимо мавжуд эмаслигидир. Бу муаммо ўз вақтида ечилмаса, баъзи деҳқон хўжаликларининг емирилиши ва уларда банд бўлган оилаларнинг турмуш даражаси пасайиб, қашшоқланиши юз бериши мумкин. Буни олдини олиш учун давлат уларнинг ҳаражатларини камайтириш, даромадлари даражасини кўтариш ёки сақлаб қолишга қаратилган тадбирларни қўллаш лозим.

Айни пайтда юзага келган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нархлари билан саноат маҳсулотлари нархларининг номутаносиблиги бевосита деҳқон хўжаликларига ҳам таъсир қилади. Номутаносиблик сабаблари: қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларига боғланмаган ҳолда моддий техник ресурслар, хизматлар нархининг кескин ортиб кетиши, қайта ишловчи, тайёрлов, харид корхоналарининг монопол ҳукмронлиги, аҳоли тўлов қобилятининг пасайиб кетиши ва бозорга нисбатан арзон импорт маҳсулотларининг таъсир кўрсатиши.

Лекин деҳқон хўжаликлари бошқа хўжалик юритиш шаклига нисбатан бу номутаносибликка анча чидамлидир. Бошқача қилиб айтганда, бу номутаносиблик деҳқон хўжаликларига камроқ таъсир қилади. Чунки деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқариш фақат оила аъзоларининг меҳнатига асосланган ва деярли ички ресурсларда (махаллий ўғит, ўзи етиштирган уруғлик, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг анъанавий усуллари ва бошқалар) фойдаланилади.



Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилувчи, тайёрловчи корхоналар сонини кўпайтириб, улар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириш орқали деҳқон хўжаликлари олдида танлаш имкониятларини кўпайтириш уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилларидан биридир.

Деҳқон хўжаликлари манфаатлари давлат томонидан қуйидаги йўллар билан ҳимоя қилиниши мумкин:

1. Ер ажратиб бериш ва ерга бўлган ҳуқуқий кафолат
2. Баҳолар ричаги. Бунга тарифлар, квоталар, солиқлар, товар баҳоларини ушлаб туриш ва бошқалар киради.
3. Бевосита тўловлар. Бунга табиий офатлар учун суғурталар ва бошқа ҳар-хил қарзлар киради.
4. Моддий техника ресурсларига субсидиялар.

Буларга уруғлик, ўғит ва транспорт ирригация ва мелиорация шахобчаларини қуриш хизматини субсидиялаш киради.

Деҳқон хўжаликларининг ривожланишига бевосита таъсир қилувчи шундай соҳалар борки, улар ҳам давлат томонидан қўллаб-қувватланмасдан туриб ривожлана олмайди. Ана шулардан бири деҳқон ва фермер хўжаликларига ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатувчи марказлардир.

Барча турдаги товар ишлаб чиқарувчи хўжалик шакллари каби деҳқон хўжаликлари учун ҳам ўз фаолиятини юритишда бозор ва нарх ахборотлари ва бошқа ахборотлар жуда муҳимдир. Бозор талаби тўғрисидаги информациялар ҳамма ривожланган мамлакатларда мавжуд. Масалан, Франция, Германия, АҚШ, Канада ва бошқа бир қанча мамлакатларда бозор янгиликлари давлат хизмати фаолият кўрсатади. Уларнинг бозор мухбирлари деб номланувчи хизматчилари йирик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозорларидаги талаб, таклиф, баҳолар конъюктураси, сотув ҳажми ва бошқа маълумотларни тўплаб, қайта ишлаб кенг тарқатадилар.

Улар техник жиҳатдан юқори даражада қуролланган. Маълумотларни тарқатишда сунъий йўлдош хизматидан ҳам фойдаланадилар. Бозор маълумотлари санокли дақиқалар ичида компьютер тизими орқали миқозга етиб боради. Бундан ташқари маълумотларни тарқатишда оммавий ахборот воситаларидан ҳам кенг фойдаланилади. Бу мамлакатларда бозор янгиликлари хизмати қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорининг ажралмас қисми бўлиб қолган.

**Н.Н.АСҚАРОВ,**

ЎзБИИТИ катта илмий ходими, и.ф.н.

### **Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг айрим масалалари**

Фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолият қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан биргаликда кўшимча фаолият турларини ташкил қилиш асосида фермер хўжаликлари даромадини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Яъни, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, қишлоқда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш шароитида фермер хўжаликларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ҳамда бошқа соҳалар фаолияти ҳисобига яратилаётган даромаднинг муайян қисмини кўп тармоқли фаолият турларини ривожлантиришга жалб қилиш ҳисобига асосий фаолият - қишлоқ хўжалиги тармоғини иқтисодий барқарор ривожлантириш имкониятини яратиш мумкин.

Шунинг учун ҳам, кўплаб фермер хўжаликларининг бошлиқлари ўз даромадларини барқарор бўлишини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги фаолияти билан биргаликда кўп тармоқли фаолият турлари билан (етиштирилаётган маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, савдо-сотик, умумий овқатланиш муассасаларини очиш, турли хизматлар кўрсатиш ва ҳоказо) шуғулланишга интиладилар.

Бу тарзда фаолият юритишнинг бир қанча ижобий томонлари мавжудлиги қишлоқ хўжалиги юқори даражада ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълум.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва эришилган ижобий натижаларга қарамай фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолият турларини ривожланишида бир қатор муаммолар тўсиқ бўлмоқда.

Жумладан: фаолият кўрсатаётган кўплаб фермер хўжаликлари раҳбарларининг қўшимча хўжалик фаолият турини бошлаши учун иқтисодий, ҳуқуқий ва технологик билимлари талаб даражасида етарли эмас; фермер хўжаликларининг даромадларини камлиги; фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолият турларини ташкил қилиш учун бошланғич сармоянинг етишмаслиги; фермер хўжаликларининг аксарият қисми пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашганлиги; замонавий илғор технологияларни харид қилишни молиялаштиришдаги муаммолар; фермер хўжаликларида қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишда қийинчиликларнинг мавжудлиги; кўп тармоқли фаолият билан шуғулланувчи фермер хўжаликларни ахборот-консалтинг хизматлари билан таъминлаш талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги; кредит ажратилишидаги қийинчиликлар-кредитнинг муддати, имтиёзлилиги, фоизи, гаров объекти ва бошқа муаммолар.

### **Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларини қисқартирилиши ва тўловларнинг мақбуллаштирилиши<sup>30</sup>**

Рухсат бериш билан боғлиқ жараёнлар турлари	Тўлов миқдори				Тўлов миқдорининг қисқариши, фоизда
	Аввал амалда бўлган		Янги киритилган		
	Энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда*	Энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда*	
Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш	5	140200	2	56080	- 60
Банкда ҳисоб рақамини очиш	1	28040	0,5	14020	- 50
Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш	40	1120000	10	280400	- 75
Ер участкасини расмийлаштириш	-	130000	-	58000	- 56
Экологик экспертиза	25	701400	1	28040	- 96
Лойiha-смета ҳужжатларини экспертиза қилиш	10	280400	3	84120	- 70
Нормативлар лойиҳаларининг экологик экспертизасини ўтказиш	75	2103000	1	28040	- 98,7
Гигиеник сертификатлар олиш	10	280 400	3	84 120	- 70
Жами тўловлар қиймати (лицензия ва рухсатномаларсиз)	-	5037660	-	830960	- 83,5

\* Изоҳ: энг кам иш ҳақи миқдори тўловларни қисқартиришга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган давр эътиборга олинган.

Мисол учун кўп тармоқли фаолият билан бевосита шуғулланиб келаётган фермер хўжаликларида электр энергиясининг кун давомида анча вақт бўлмаслиги оқибатида қайта ишлаш учун тайёрлаб қўйилган қишлоқ хўжалиги маҳсулот (гўшт, сут, сева-сабзавот ва бошқа)ларининг сифати бузилишига сабаб бўлади. Бунинг учун электр энергиясига ажратилган лимитлар бекор қилиниб, олдиндан амалга оширилган тўловлар асосида газ ва электр энергияси чекловларсиз етказиб берилса мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур таклифнинг амалга оширилиши фермер хўжаликларида ташкил этилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси йил давомида тўлиқ қувват билан ишлаб, қишлоқ аҳолисини доимий иш жойлари билан таъминлайди, аҳоли даромади ошади ва хизмат кўрсатиш ривожланади. Атрофдаги фермер ва деҳқон

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги 1112-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан тузилган.

хўжаликларидан маҳсулотлар касаначилик асосида қабул қилиниб, қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожланиши таъминланади. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги рухсат бериш жараёнларининг қисқартирилиши ва тўловларнинг мақбуллаштирилиши билан боғлиқ тадбирлар натижаларини куйидаги жадвал орқали яққолроқ кўриш мумкин.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларини қисқартириш ва тўловларни мақбуллаштириш тадбирлари сезиларли даражада амалга оширилган. Масалан, нормативлар лойиҳаларининг экологик экспертизасини ўтказиш бўйича тўлов миқдори 75 марта камайтирилган. Бунинг натижасида ҳар битта тадбиркорлик субъекти учун ўз фаолиятини ташкил этишда ўртача 4207 минг сўм миқдоргача маблағларни тежаш имконияти пайдо бўлди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки мазкур қарор қабул қилинган пайтдан бугунги кунга қадар тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларни муҳандислик - коммуникация тармоқларига улаш, экспорт товарларини божхонада расмийлаштириш тартиб-таомиллари сезиларли даражада содаллаштирилди ва арзонлаштирилди. Кичик бизнес субъектларида улар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида солиққа оид режали текширишлар ўтказилишини тақиқловчи тартиб жорий этилди. Давлат томонидан харид қилишнинг янги, янада такомиллаштирилган, очик ва ошкора механизми ўрнатилганки, бунда кичик бизнес субъектларига афзаллик берилади. Барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказиш бошланди.

Давлат томонидан яратилаётган бундай иқтисодий кўллаб-қувватлаш тизими натижасида фермер хўжаликлари ўз молиявий ҳолатларини мустахкамлаб маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш объектларини барпо этиш, айланма маблағларини тўлдириш ва техникавий қайта жиҳозлаш каби йўналишларни янада кучайтириш имкониятларига эга бўлмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолият турларининг ҳозирги ҳолати ва уларни истиқболда ривожлантириш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари сифатида куйидагилар ҳисобланиши мақсадга мувофиқ:

- инвестиция жалб қилиш учун қулай шароит яратиш. Жалб қилинган инвестиция маблағларидан илғор хорижий давлатларнинг замонавий ускуна ва технологияларини харид қилишни молиялаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлаш, ишлаб чиқилган маҳсулотларни экспортга йўналтириш каби дастлабки бошланғич сармояни шакллантириш учун фойдаланиш;

- фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолият турларини ташкил этиш учун зарур бўлган техника таъминоти, инвестициялар, ҳуқуқий ахборот, малакали ходимлар тайёрлаш ва бошқа турли йўналишларда хизмат кўрсатишга ихтисослашган инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва ривожлантириш. Мазкур хизматлар тизими фермер хўжаликларига барча йўналишлар бўйича замонавий усуллардан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

- худудлар бўйича маҳсулотларни етиштириш, экспорт-импорт, савдо, моддий техника таъминоти бўйича хизматлар кўрсатиш тизими корхоналарига табақалашган солиқ, кредит ва бошқа иқтисодий механизмларни белгилаш зарур.

## **Г.О.ТУРДЫЕВА,**

ТошДАУ Нукус филиали ассистенти, мустақил тадқиқотчи

### **Аграр соҳада кредит муносабатларининг долзарб жиҳатлари**

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг мақсади ҳам бошқа тижорат ташкилотлариники каби фойда олишдан иборатдир. Айнан кредитлаш, айниқса, иқтисодиётнинг модернизация қилинаётган аграр секторини кредитлаш банклар учун даромад олишнинг энг фойдали йўналишларидан бирига айланмоқда. Аммо аграр сектор корхоналарини, хусусан фермерларини кредитлашда маълум муаммолар мавжуд. Хўжалик субъектларига кредит бериш

банклар учун турли ташки ва ички муҳит омилларидан келиб чиқадиган катта рисклар билан боғлиқ. Кўпгина фермер хўжаликларининг молиявий аҳволи етарлича барқарор эмас, шу боис молия-хўжалик фаолиятини ривожлантиришга етарли бўлган фойда ҳажмига эришиш учун улар банк кредитларига мурожаат қиладилар.

Бундай вазиятда банклар у ёки бу хўжалик юритувчи субъектга кредит ресурслари бераётганида риск даражаси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари зарур. Чунки қарз олувчининг олинган ресурсларни қайтариши ва улардан фойдаланганлик учун фоиз тўлаш имкониятини аниқлаш лозим. Қарз олувчи олинган маблағларни қайтармаганда банкнинг ўзи танг вазиятда қолиши мумкин, чунки банкнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан мижозлар таркиби ва молиявий аҳволига боғлиқ. Шу муносабат билан муайян субъектга кредит ресурсларини тақдим қилишнинг хавфсизлиги ва уларнинг қайтарилиши масаласи кредитор банк олдида турган жуда муҳим масала ҳисобланади. Шунингдек, банкнинг кредит сиёсати доирасида ҳал қилинадиган муҳим вазифаларидан бири - қарз олувчининг кредит қобилиятини ва унга кредит бериш рискини баҳолаш тизимини ишлаб чиқишдан иборат. Айнан кредит олувчининг аҳволини ҳар жиҳатдан таҳлил қилиш, кредит шартномаси амал қиладиган давр мобайнида маълум бир тизим бўйича мониторинг олиб бориш кредит олувчининг кредитни ўз вақтида олиш ва тўла ҳажмда қайтариш имконини кўрсата олади. Кредит қобилиятини баҳолашда кредит олувчининг аҳволини таҳлил қилишнинг асосий йўналишларидан бири *молиявий таҳлил*дир. Молиявий таҳлилнинг турли жиҳатлари маълум бир тизим сифатида банклар томонидан салоҳиятли кредит олувчиларни баҳолашда қўлланиладиган кўплаб молиявий услубий манбаларда ўз аксини топган. Кредит олувчининг молиявий аҳволини таҳлил қилишда кредит қобилиятининг таҳлили салмоқли ўрин эгаллайди. Молиявий таҳлилда кредит қобилиятини баҳолашга доир миллий ва хорижий методикалардан кўплаб фойдаланилиши, албатта миллий иқтисодиётимиз шарт – шароитларига мослаштирилган ҳолда, шундан далолат беради.

Лекин кредитор(банк) томонидан кредит олувчининг молиявий аҳволини таҳлил қилишнинг мазмуни ва услубий жиҳатлари, корхона томонидан, ўзининг заиф томонларини аниқлаш учун ўтказиладиган таҳлил тавсифларидан фарқ қиладди. Кредитор молиявий таҳлилни батафсил ўтказишга катта аҳамият бермайди, чунки унинг асосий мақсади кредит олувчининг кредит қобилиятини ва кредит шартномаси амал қилган давр ичида унинг молиявий барқарорлигига хавф туғилмаслигини баҳолашдан иборат. Кредит қобилиятини баҳолайдиган молиявий кўрсаткичлар тўпламини ва уларнинг меъёрий мезонини ҳар бир тижорат банки мустақил равишда белгилайди. Чунки бугунги кунда бу соҳани бошқарувчи ягона меъёрий ҳужжатлар мажмуи тўлиқ шаклланмаган. Кредит қобилияти кредит бериш ва уни тақдим қилиш шартлари масаласи ҳал этилгунга қадар баҳоланади. Кредит олувчининг молия-хўжалик аҳволини акс эттирувчи ва молиявий таҳлилда фойдаланиладиган кўрсаткичларнинг таркиби ва мазмуни кредит олувчи корхона кредитор олдидаги барча мажбуриятларини ўз муддатида бажара оладими, йўқми, деган саволга жавоб бериши лозим. Демак, кредитнинг қайтарилиш ёки қайтарилмаслик эҳтимолига таъсир кўрсатувчи турли омилларни ўрганиш кредит олувчининг кредит қобилиятини таҳлил қилишининг моҳиятини ташкил этади. Бундан ташқари, банк кредит қайтарилмаслиги рискининг қайси даражасини ўз зиммасига олишга тайёр эканлигини ҳам ҳал қилиши зарур. Бундан кўринадики, банкнинг кредит сиёсатини амалга ошириши доирасида ишончли ва даромад келтирадиган кредит портфелини шакллантириш муаммоси ҳамisha кредит rischi билан боғлиқ деган хулосага келиш мумкин. Шунинг учун кредит сиёсати ҳар бир банк учун унинг фаолияти доирасида кредит фаолиятининг устувор шакллари назарда тутиши зарур. Буларнинг барчаси кредит шакллари асосланган туркумланишини ишлаб чиқиш, шунингдек “заём”, “ссуда”, “кредит”, “кредит ±обилияти” каби муҳим тушунчаларини аниқ таърифлаш зарурлигини юзага келтиради. Аввал айтилгандек, бугунги кунда илмий адабиётларда ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда “кредит” тушунчаси турлича изоҳланмоқда. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг аграр секторини молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш учун қулай молиявий, меъёрий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни янада яхшилаш лозим. Фикримизча, белгиланган чегарада

маблағ қўйилишини талаб этадиган лойиҳалар бўйича кредитлаш рискларини кафолатлаш йўлларида бири кредит бюрolari фаолиятини кучайттириш ҳисобланади. Мавжуд тижорат банклари ўз фаолияти жараёнида иктисодиётнинг аграр сектори, айниқса, фермер хўжаликларини ривожлантиришга доир давлат миқёсидаги муаммоларни ҳал қилишга кўпроқ эътибор қаратиши зарур. Давлат ҳам, банклар ҳамжамияти ҳам ҳал этиши зарур бўлган кейинги муҳим муаммо — аҳолининг банк секторига ишончини янада оширишдир.

Кредит қобилиятини комплекс таҳлил қилиш тизимининг мақсадлари, вазибалари, мазмунини аниқлаш, шунингдек, ушбу тизимни ишлаб чиқиш ҳамда асослаш зарурати амалий фаолиятнинг ушбу йўналишида назарий ва амалий тадқиқотлар оқказилиши муҳимлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Кредит қобилиятини таҳлил қилишда тизимли ёндашувни амалга ошириш имкониятларини, кредит қобилияти таҳлилининг комплекс иктисодий таҳлил (КИТ) тизимидаги ўрни ва унинг аҳамиятини илмий асослаш зарур. Шунингдек, корхонанинг кредит қобилиятини комплекс таҳлил қилиш модулини ишлаб чиқиш, хусусан, унинг тузулмаси, таҳлил кўрсаткичларининг босқичлари ўртасидаги асосий ўзаро алоқадорликларни кўрсатиш ва ҳар бир босқичнинг мазмуни очиқ бериш лозим. Кредит қобилиятини баҳолаш учун тижорат банклари томонидан қўлланиладиган услубларни органиш истиқболда қарз олувчиларнинг молиявий аҳволини холис ва тўғри баҳолаш муҳим эканлигидан далолат беради. Молиявий аҳвол таҳлилининг турлича экспресс-методикалари, шунингдек, пул оқимлари таҳлилидан фойдаланилади. Кредит қобилиятини баҳолашга оид миқдор кўрсаткичлари билан бир қаторда, сифат кўрсаткичларига, бизнесга таъсир кўрсатувчи ташқи ва ички омилларга ҳам эътибор берилиши лозим. Лекин бу борада аграр соҳага оид ягона меъёрий базанинг етишмаслиги боис, таҳлил имкониятлари анча чекланган. У ёки бу қарз олувчи корхона соҳа хусусиятларини инобатга олган ҳолда маълум бир кредит қобилияти тоифасига тўғри киритиш, шунингдек, банклар кредит ресурсларини бераётган пайтида рискларни баҳолаш учун қўллайдиган, соҳага оид маълумотномалар ёки классификаторлар ҳам етарлича ишлаб чиқилмаган. Тижорат банклари асосан ўзининг ахборот базасига таянишга, қарз олувчининг молиявий имкониятларига эмас, кўпроқ унинг обрўсига ва кредит тарихига эътибор қаратишга мажбур. Шундай қилиб, қарз олувчиларнинг кредит қобилиятини аниқлаш учун қандайдир ягона меъёрий база яратиш, хўжалик юритувчи субъектлар рейтингидан барча дахлдор шахслар хабардор бўлишларини таъминлаш ва кредит қобилиятини аниқлаш услубларини такомиллаштириш зарур. Мазкур услубларда корхонанинг кредит қобилиятига турли миқдорий ва сифат омилларининг таъсирини ҳисобга оладиган маълум бир хусусий кўрсаткичлар тўплами ва интеграл кўрсаткич ҳисоб-китобларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

**Н.Ф.ДЖУМАБАЕВА,**

УзНИИРР, стажер-соистктаель-исследователь

### **Развитие информационно – консультационных услуг для дехканских хозяйств**

В настоящее время в аграрном секторе экономики усилилась экономическая и социальная доля дехканских хозяйств сельского населения. В условиях резкого спада производства всех видов продукции сельскохозяйственными предприятиями в дехканских хозяйствах, наоборот, заметно увеличилось производство основных продуктов питания и соответственно дехканское хозяйство стало основным источником дохода для сельских жителей. В связи с увеличением в дехканских хозяйствах объемов производства различных видов продукции они соответственно нуждаются в дополнительных технологических знаниях по вопросам растениеводства и животноводства, внедрения новых сортов сельскохозяйственных культур, а также нуждаются в технических знаниях. Кроме того, в связи с появлением у них излишков продукции потребовались знания о рынках сбыта, способах переработки продукции, выборе оборудования для этих целей и т.д. При решении владельцев дехканских хозяйств о переходе в фермерские хозяйства им нужны

юридические, технологические бухгалтерские знания. В этих условиях положительную роль в дальнейшем развитии дехканских хозяйств должна сыграть организация системы информационно-консультационного обслуживания сельского населения. Однако, ныне действующими информационно-ресурсными центрами дехканские хозяйства охвачены недостаточно.

Вместе с тем, владельцы дехканских хозяйств, как целевая группа пользователей информационно-консультационных услуг, имеют свои особенности. Основной целью ведения дехканских хозяйств является удовлетворение своих потребностей в продуктах питания. В хозяйствах с товарным уклоном часть продукции продается с целью получения дополнительного дохода. Большинство владельцев дехканских хозяйств не учитывают свои затраты и не знают, во что обходится им производство той или иной продукции. Кроме этого, владельцы дехканских хозяйств и члены их семей отличаются уровнем образования, социальной принадлежностью, опытом работы в сельском хозяйстве, способностью воспринимать инновации, малые объемы производства, ограниченное применение техники.

С учетом специфических особенностей развития дехканских хозяйств, для охвата их информационно-консультационным обслуживанием необходима разработка специальных консультационных программ и организация самой системы этого обслуживания. Такая система должна действовать на государственном, областном, районном и местном уровнях.

В функции областного уровня входят методическое и информационное обеспечение системы – это внедрение баз данных, создание видеофильмов, печатных изданий. Областной уровень обеспечивает подготовку и повышение квалификации кадров для работы с сельским населением, ведение баз данных местного значения. На районном уровне ИКЦ необходимо выделение специального подразделения или специалиста для организации работы с сельским населением и консультирования по ведению дехканских хозяйств.

При повышении спроса со стороны дехканских хозяйств на информационно-ресурсные услуги целесообразно организовывать для них при местных органах управления специализированные информационно-ресурсные центры. Эти центры должны быть интегрированы (объединены) в систему информационно-консультационного обеспечения АПК и получать в ее рамках информационную поддержку, централизованную подготовку кадров, техническое обслуживание, обеспечение методическими материалами.

На местном уровне целесообразно организовать информационно-ресурсные центры при сельских сходах граждан, клубах, школах, колледжах, куда районные (центральные) информационно-ресурсные центры будут поставлять информационные листки, тематические видеофильмы, где будут осуществлять сбор заявок на консультации, проводить семинары.

Оснащение этих пунктов компьютерной техникой с выходом в Интернет позволит на месте проводить различные расчеты, поиск необходимой информации, обучение.

Основными функциями информационно-ресурсных центров для руководителей дехканских хозяйств и их членов являются:

- распространение правовой, экономической, социальной и экологической информации;
- консультирование по экологическим вопросам в растениеводстве, животноводстве с учетом местных условий и экологических требований;
- оказание консультационной помощи в маркетинге на основе получаемой информации о закупочных и реализационных ценах, о каналах реализации произведенной продукции, источниках приобретения ресурсов;
- информационная поддержка и осуществление социальных программ на селе, поиск оптимальных решений по развитию сельских территорий;
- содействие объединению дехканских хозяйств в кооперативы и товарищества для совместного производства продукции, оказание консультационной помощи при их организации;
- ведение мониторинга кадастрового потенциала сельских территорий;

–помощь при составлении заявок с целью получения льготных кредитов для жилищного и производственного строительства, приобретения средств малой механизации и материальных ресурсов;

–содействие интеграции дехканских хозяйств с сельскохозяйственными перерабатывающими и другими предприятиями;

–отбор среди инновационных разработок новшеств, применимых в дехканских хозяйствах, организация их показа на демонстрационных объектах, помощь при внедрении;

- изучение и распространение передового опыта ведения дехканских хозяйств.

**О.Г. ДИЛМУРОДОВ,**  
ЎзБИИТИ, и.ф.н., лойиха рахбари

### **Пахтачиликда техникалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишлари**

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасига кириб келаётган инновацион янгиликлар ва фан техника ҳамда технологиялар соҳасида эришилаётган ютуқлар соҳада янги изланишларни олиб боришни тақозо этмоқда. Бу янгиликлар, бирламчи равишда қишлоқ хўжалик экинлари тизимидаги ўзгаришлар, яъни навлари ўзгаришига боғлиқ равишда вегетация даври камайиши ҳамда табиий-иқлим шароитида юз бераётган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан қишлоқ хўжалик техникалари, машина механизмлари ҳамда уларни қайта ишлаш билан боғлиқ технологик талаблар такомиллашиб бориши билан боғлиқ деб айтиш мумкин. Шу билан биргаликда янгиликларни тўлиқ жорий этишда бир қанча мураккабликлар мавжуд бўлиб, бу айниқса республикамизда деҳқончиликнинг асосан суғориладиган ерларда амалга оширилиши ҳамда суғориладиган ерларнинг экологик ҳолати ёмонлашиб бориши каби муаммолар билан боғлиқ.

Шунинг учун қишлоқ хўжалигида иқлим шароитига мос бўлган ресурстежамкор техникалардан фойдаланишни кўпайтириш ва агротехнологик тадбирларни амалга оширишда ресурстежовчи технологик жараёнларни жорий этиш бугунги куннинг талаби сифатида юзага чиқмоқда. Зеро, ресурстежамкор технологияларни жорий орқали шундоғам танқис бўлиб бораётган ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархи кескин ошишига таъсир этаётган моддий-техник ресурслар сарфи иқтисодига эришиш имконияти ортади.

Республика қишлоқ хўжалигини янада интенсив ривожлантириш, қишлоқ хўжалик корхоналарини замонавий техника ва технология билан таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012—2016 йилларда Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида» 2012 йил 21 майдаги ПҚ–1758-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ, аниқ йўналтирилган мақсадли дастурлар бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июлдаги 215- сонли “2012 йилда хўжалик ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури амалга оширилишини таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури амалга оширилишини таъминлаш бўйича Комплекс тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди. Ушбу комплекс дастурлар доирасида бир нечта қишлоқ хўжалик корхоналари учун техника етказиб берувчи корхоналарни қайта жиҳозлаш, уларга инвестициялар киритиш каби муҳим масалаларга эътибор қаратилди. Шундай бўлсада, қишлоқ хўжалиги учун техника етказиб бериш тизими мураккаблигича қолмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун талаб этиладиган техникаларнинг баъзи турларини республика саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳамда корхоналарни маҳаллийлаштириш чора

тадбирларини амалга оширмоқда. Шундай бўлсада, республикамиз қишлоқ хўжалиги учун хорижий техникалардан фойдаланиш эҳтиёжи юқорилиги сақланиб қолинмоқда. Кейинги йилларда хориждан бир қанча техника воситалари кириб келди. Улар асосан юқори ҳажмли ва мураккаб агротехник тадбирларни амалга ошириш учун мўлжалланган.

Жумладан, пахтачиликда экин ерларини шудгорлаш, молалаш, бароналаш тадбирлари асосан юқори босимли техника воситалари билан амалга оширилмоқда. Булар жумласига Магнум ва МХ, Арион каби юқори босимли тракторларни киритишимиз мумкин. Ерларни шудгорлаш, чизел қилиш ва барона ҳамда мола тортиш тадбирлари Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган занжирли БТ-150, Т-4А техника воситалари ёрдамида ҳам амалга оширилмоқда. Бу техника воситаларининг ўзига хос бўлган устунлик ва салбий жиҳатлари борки, уни фақатгина худудларнинг тупроқ шароитидан келиб чиқиб баҳо бериш талаб этилади.

Пахтачиликдаги агротехник тадбирларнинг Магнум ва МХ, Арион тракторлари чўл зоналарда қумли тупроқли зоналарда фойдаланиш учун муҳим ва фойдали ҳисобланса, БТ-150, Т-4А тракторлари тупроқ зич бўлган ҳамда йил давомида икки марта ҳосил олинадиган ҳамда ўсимлик қолдиқлари қолиб кетиш эҳтимолияти юқори бўлган худудларда ишни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда пахтачилик йўналишидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳам ушбу техника воситалари асосий фойдаланиш техникалари ҳисобланади. Пахтачиликда экинни парваришлаш, ғўза ораларига ишлов бериш, культивация қилиш, бегона ўтлар ва зарарли ҳашаротларга қарши курашиш ва бошқа тадбирлар ҳам борки, булар йил давомида пахта хомашёси етиштиришдаги алмаштириб бўлмас агротехник тадбирлар ҳисобланади. Шунинг учун доимий равишда моддий техник ресурслар талаби кам бўлган техника воситалари ҳамда бир мартада бир нечта агротехник тадбирни бажариш имконияти бўлган машина ҳамда механизмлардан фойдаланишга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича кейинги йилларда турли қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш ҳисобига пахтачиликда сарф харажатларнинг ошишига олиб келмоқда. Кузатишлар кўрсатишича, йилдан йилга техника хизмати ҳамда моддий техник ресурслари баҳосидаги кескин ўзгаришлар сарф харажатларнинг ошишига олиб келиб, пировард натижасида даромаднинг камайишига олиб келмоқда.

Хориждан келтириладиган юқори қувватли техника воситаларини харид қилиш қобилияти фермер хўжаликларида, айниқса техник экин етиштирувчи пахта галла йўналишида ер майдонлари кенгайишига қарамасдан пастлигича қолмоқда ёки бўлмаса улар техникани харид қилиб катта миқдордаги суммани бир мартабада сарфлагандан кўра маълум бир турдаги вазифани бажариши учун машина трактор парклари хизматидан фойдаланишни афзал кўрмоқдалар. Техникани етказиб беришнинг яна бир кенг тарқалган усулларидан бири лизинг бўлиб, кейинги йилларда кўпгина фермер хўжаликлари лизинг хизматидан фойдаланмоқдалар, шундай бўлсада лизинг хизмати орқали барча фермер хўжаликларини қамраб олиш имконияти паст ҳисобланади.

Шу боис, маҳаллий шароитлардаги ресурслардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқаришни йўлга қуйиш масаланинг муҳим ечимларидан бўлиб, бу биринчидан техника воситаларининг баҳолари қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчилар учун ҳамёни кўтарадиган даражада шаклланишига олиб келса, иккинчидан маҳаллий шароитларга мослик даражаси ҳисобга олиниши билан муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, 2012 йил учун техника воситалари томонидан туманлар даражасида хизмат кўрсатиш баҳоси ишнинг турига қараб шаклланаётганлиги намоён бўлади.

Жумладан, Наманган вилояти Поп тумани "Агротехсервис МТП" МЧЖлар томонидан Магнум ва МХ трактори ҳамда Арион тракторлари ёрдамида 2012 йил ҳосили учун 1 гектар майдонни шудгорлаш учун шартномавий хизмат баҳолари турлича шаклланган бўлиб, бунда тракторларнинг иш нормаси бир-биридан катта фарқ қилмасада, белгиланаётган хизмат кўрсатиш баҳолари орасидаги фарқнинг катталигини кўриш мумкин.

Бунинг устига белгиланаётган баҳонинг ёнилғисиз белгиланганлиги ҳисобга олинса



махсулот ишлаб чиқарувчи учун бирига ерни шудгорлаш учун қанча маблағ кетиши аён бўлади.

Кейинги пайтларда бир литр дизель ёқилғисининг баҳоси ўзгариб бориши ва бир бирлик ҳажмдаги ишни бажариш учун Магнум трактори амалдаги технологик картага кўра 26,4 литр миқдорида дизель ёқилғисини талаб этишини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу техника воситаси ёрдамида ерни шудгорлаш хизмати тахминан 130 минг сўмга яқинлашиб қолади. Ваҳоланки, Магнум трактори МХ ҳамда Арион тракторларига нисбатан хизмат кўрсатиш учун белгиланган баҳосининг нисбатан пастроқ эканлиги билан ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Шунингдек, бошқа хизмат турларига ҳам баҳоларнинг фермер хўжаликларига хизмат кўрсатишда юқорилиги сақланиб қолинаётганлигини ҳамда бу МТП учун барча харажатларнинг минимал даражада ҳисоблаб чиқилганлигига эътибор қаратиладиган бўлса, пахтачиликда техника хизмати учун сарфланаётган харажатларнинг пировард даромадга салбий таъсир этаётганлигини қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

#### Пахтачиликда техника хизмати кўрсатиш баҳолари шаклланиши

Харажатлар тури	Магнум	МХ 255	Арион	Ўртача
Иш нормаси	6,5	7,6	7,6	7,05
Таъриф разряди	6	6	6	6
Таъриф ставкаси	11226,88	11226,88	8874,27	11226,885
Комбайнчининг иш ҳақи	1727,2	1477,2	1167,7	1602,2174
Жорий рағбатлантириш, 60%	1036,3	886,3	700,6	961,33043
Меҳнат таътили учун, 9,1%	157,2	134,4	106,3	145,80178
Стажи учун, 10%	172,7	147,7	116,8	160,22174
Жами иш ҳақи	3438,9	2941,1	2324,8	3190,0148
Иш ҳақи ажратмаси, 25%	859,7	735,3	581,2	797,5037
Иш ҳақи ажратмаси билан	4298,6	3676,4	2906,0	3987,5185
Техник қаров	8765,3	5478,5	2578,1	7121,869
Жорий таъмир	26295,8	16435,4		14243,738
Амортизация	4801,4	54784,7	46875,0	35487,021
Умум и/ч харажати, 12%	515,8	441,2	348,7	435,24274
Хизмат баҳоси	44677	80816	52708	61275
Фойда	6702	12122	7906	9191
Хизмат баҳоси	51378	92939	60614	70467

Манба :Наманган вилояти Поп тумани "Агротехсервис МТП"МЧЖ маълумотлари асосида.

Истиқболда пахтачиликда техникалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва техникалар билан боғлиқ сарф-харажатларни камайтириш учун:

- ресурстежамкор техникалардан ва бирваракайига бир нечта операцияларни бажариш имкониятини берувчи қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланишни йўлга қуйиш;
- агротехнологик жараёнларни амалга оширишда танлаш имкониятини юзага келтириш, яъни соҳада рақобатни ривожлантириш, бир-бири билан рақобат қилувчи хизмат кўрсатувчи субъектларни фаолиятини йўлга қуйиш;
- фермер хўжаликларига, айниқса пахта хомашёси етиштирувчи хўжаликларга техника етказиб беришда табақаланган рағбатлантириш тизимини йўлга қуйиш, бунда давлат буюртмаси асосида маҳсулот етказиб бериш шартномавий режасини давомли равишда бажариб келаётган тақдирда техника харид қилиш учун маблағнинг бир қисмини пахта хомашёсини экспорт қилишдан тушган маблағлар тафовути ҳисобидан қоплаб бериш тизимини йўлга қуйиш;
- пахтачиликда ҳам катта куч талаб этилмайдиган агротехник тадбирларни амалга оширишда ресурс сарфи кам бўлган ихчам ва кичик технологиялардан фойдаланишни ривожлантириш зарур.

## **Использование зарубежного опыта модернизации сельскохозяйственного производства в условиях Узбекистана**

Вопросы развития сельского хозяйства являются ключевой проблемой связанной с обеспечением населения продовольствием, перерабатывающих отраслей промышленности сырьем и укреплением места республики в мировых аграрных рынках.

В условиях Узбекистана, с учетом его природно-ресурсного потенциала, аграрно-индустриального характера развития национальной экономики в течение большого отрезка исторического периода, особое значение имеет модернизация сельского хозяйства.

Президент нашей страны Ислам Абдуганиевич Каримов отметил, что в Узбекистане в основном принято «под модернизацией понимать модернизацию отраслей промышленности. Между тем такая ведущая сфера нашей экономики, как сельское хозяйство, не в меньшей мере, чем промышленность, остро нуждается в модернизации, техническом и технологическом обновлении практически всего комплекса входящих в нее отраслей и производств»<sup>31</sup>.

Модернизация сельского хозяйства - постоянное обновление материально-технической базы производства, создание условий перехода к новым формам собственности, особенно дехканских (фермерских) хозяйств, развитие предпринимательской деятельности и предприятий, перерабатывающих продукцию сельского хозяйства, обеспечение сельской экономики рыночного типа кадрами высокой квалификации, использование передового мирового и отечественного опыта по обработке земли и водопользованию, различных форм организации труда, инвестиции, форм кредитов и лизингов.

Основной целью модернизации аграрного сектора является достижение продовольственной безопасности страны, повышение уровня жизни, решение проблем полезной занятости сельского населения, что достигается опытом организации производства и разумным использованием ресурсного потенциала страны.

**В Узбекистане основными направлениями модернизации сельского хозяйства на 2011-2015 гг. определены:**

- дальнейшее развитие сельскохозяйственного производства и внедрение новых передовых агротехнологий возделывания сельскохозяйственных культур;
- модернизация и дальнейшее развитие животноводства;
- дальнейшее оснащение сельского хозяйства новой современной высокопроизводительной и ресурсосберегающей техникой;
- модернизация, техническое и технологическое обновление производства и переработки сельскохозяйственной продукции;
- повышение эффективности ирригационно-мелиоративных работ и плодородия почв;
- дальнейшее совершенствование системы обеспечения высококвалифицированными кадрами организаций и предприятий сельскохозяйственного производства.

Реализация указанных направлений модернизации сельского хозяйства предполагает использование положительного опыта стран добившихся наибольшего успеха в развитии сельскохозяйственного производства путем широкомасштабной модернизации аграрного сектора экономики по следующим направлениям:

Особый интерес для Узбекистана представляет процесс модернизации сельского хозяйства в **России.**

---

<sup>31</sup> Президент Республики Узбекистан И.А. Каримов. Доклад на заседании правительства по итогам социально-экономического развития страны в 2010 году и важнейшим приоритетам на 2011 год.

В 2000–2008 гг. в сельском хозяйстве России по ряду направлений произошли положительные изменения. Был принят федеральный закон «О развитии сельского хозяйства», реализовался приоритетный национальный проект «Развитие АПК», начала осуществляться Госпрограмма развития сельского хозяйства и регулирования рынков сельхозпродукции, сырья и продовольствия на 2008–2012 гг. Повысилась доступность для сельхозтоваропроизводителей кредитных ресурсов, лизинга машин и оборудования, племенных животных.

Все это способствовало восстановлению производства: последние 10 лет отмечалась положительная динамика роста валовой продукции. Наиболее существенные результаты были достигнуты в птицеводстве и свиноводстве. Несколько повысилась рентабельность сельхозорганизаций.

Главным стратегическим инструментом устранения зависимости России от импорта продовольствия, ориентации аграрной отрасли на реализацию значительного экспортного потенциала является технологическая и техническая модернизация сельского хозяйства.

Стратегией машинно-технологической модернизации сельского хозяйства России на период до 2020 года<sup>32</sup> определены следующие приоритетные задачи:

1. Обеспечить рост производительности труда не менее чем в 4 раза, в том числе путем:

- технологического перевооружения сельского хозяйства, повысив в 1,6-1,7 раза продуктивность отраслей растениеводства и животноводства и достигнув по этому индикатору среднемировых показателей;

- увеличения валового производства сельскохозяйственной продукции в 1,9-2 раза, используя для этого, кроме интенсивных факторов, имеющийся не вовлеченный в оборот земельный потенциал;

- технического переоснащения отрасли машинами нового поколения, позволяющими обеспечить более чем двукратное увеличение среднеотраслевой нагрузки на работника машинно-технологической сферы;

2. Обеспечить российскому агрокомплексу техническую безопасность за счет национального сельхозмашиностроения (не менее 80%);

3. Поднять уровень технологических и технических знаний в отрасли путем создания системы инновационного развития, модернизации процесса подготовки кадров как основы формирования инновационной агроэкономики;

4. Увеличить доступность населения к продовольствию, обеспечить развитие территорий.

Технологическая модернизация агрокомплекса призвана, прежде всего, существенно поднять уровень продуктивности в растениеводстве и животноводстве главным образом за счёт внедрения системных технологий, основанных на современных знаниях.

Существенную модернизацию должен претерпеть машинно-тракторный парк, его количественный и качественный состав будет определяться будущей структурой сельскохозяйственного производства. В новом парке машин однооперационные агрегаты планируют заменить многофункциональными, универсально-комбинированными, способными адаптироваться к изменяющимся условиям производства сельскохозяйственной продукции путем быстрой смены рабочих органов. Такой подход позволяет сократить количество машин для производства, например, зерна с 20-30 наименований до 5-6. В период 2015-2020 гг. планируют обеспечить создание отечественной техники для высоких технологий производства сельскохозяйственной продукции, интеллектуальной техники на базе качественно нового уровня развития науки и практических действий в сельском хозяйстве.

В России проводятся мероприятия по поддержке с/х производителей: финансовое регулирование - субсидирование процентных ставок по кредитам, компенсация части затрат по договорам страхования (50 % страховой премии), регулирование развития производства,

<sup>32</sup> Стратегия машинно-технологической модернизации сельского хозяйства России на период до 2020 года/ В.И. Фисинин и др. – М: ФГНУ «Росинформагротех», 2009. – 80 с.

регулирование с/х рынка и др. Но эти мероприятия не достаточно эффективны. Скорее, не совсем эффективна величина поддержки с/х производителей. Так как удельный вес сельского хозяйства в расходной части федерального бюджета составляет около 2%.

Обобщая зарубежный опыт и учитывая условия и возможности Узбекистана, предлагаются следующие программные меры по активизации процессов модернизации сельского хозяйства:

- внедрение инновационных технологий, обеспечивающих рациональное, эффективное и экономичное использование земельных, водных и трудовых ресурсов, а также привлечение внутренних и внешних инвестиций в аграрный сектор;

- опытным путём оценить возможность и эффективность применения технологии нулевой обработки почвы (No-till) в Узбекистане;

- организация системы мониторинга плодородия почв земель сельскохозяйственного назначения и формирование информационной базы данных по плодородию почв и обеспечение доступа к этой системе сельхозпроизводителей (достигнуты положительные результаты в США, ведутся разработки в России);

- вести широкую практику научно-обоснованных севооборотов и уточнить специализацию регионов с учётом природно-климатических условий и развития фермерства;

- освоение селекционно-генетических достижений.

Целесообразно использовать зарубежные селекционно-генетические достижения в тех секторах производства, где имеющийся отечественный продукт не обеспечивает требуемых показателей. Это главный фактор технологического реформирования отрасли.

Он включает в себя переоснащение сельхозтоваропроизводителей новым поколением сортов растений и пород животных:

- разработать схему размещения производств животноводческой продукции с учетом имеющихся условий и специализации регионов;

- организация трансферта передовых технологий разведения крупного и мелкого рогатого скота, птиц;

- развитие кормовой базы на основе производства высокобелковых культур, что позволит существенно уменьшить зависимость наращивания производства продукции животноводства и птицеводства от импортных закупок белковых компонентов и увеличения посевных площадей под кормовыми культурами;

- обеспечение устойчивого развития высокотоварных и высоколиквидных продовольственных отраслей – модернизация садоводства, овощеводства, бахчеводства, рыбного хозяйства и мясомолочной промышленности на основе их технического и технологического перевооружения;

- модернизация системы водообеспечения и водопользования в сельском хозяйстве с учетом региональной и территориальной специализации производства;

- расширить масштабы выдачи прямых кредитов сельхозтоваропроизводителям на приобретение высокосортного посевного материала, химических удобрений, дизельного топлива и техники (положительный опыт Китая);

- внедрение системы оперативного лизинга с полным техобслуживанием (опыт Голландии);

- создание системы государственного информационного обеспечения сельского хозяйства при Министерстве сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан (базы информации о рынках сельскохозяйственной продукции, сырья, продовольствия и др.);

- формирование и развитие системы консультационного обслуживания сельхозтоваропроизводителей на основе создания соответствующих консалтинговых фирм и Интернет – ресурсов;

- расширение масштабов научно-практических исследований в аграрном секторе, совершенствование экономических механизмов и увеличение финансовой поддержки научно-исследовательских процессов и внедрения агроинноваций (доля средств, направляемых на

научные исследования, в средствах государственной поддержки аграрного сектора весьма незначительна. Так в 2010 году она составила всего 0,71%).

Осуществление вышеназванных мер по модернизации сельского хозяйства страны создаст необходимую почву для обеспечения стабильного развития экономики, укрепления продовольственной безопасности страны, наиболее полного удовлетворения потребностей населения в продовольственных и потребительских товарах, и, в конечном итоге, приведет к повышению благосостояния и улучшения жизненных условий населения.

**О.Л.ЗАРИПОВ,**

ТошДАУ, мустақил-тадқиқотчи

### **Глобаллашув ва модернизация шароитида аҳоли бандлигининг айрим жиҳатлари**

Жаҳонда ўзининг долзарблигини тобора намоён қилиб бораётган иш билан таъминлаш масаласи жиддий ислохотлар ўтказилаётганлигига қарамасдан ижобий томонга ўзгармаяпти. Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, бунга асосан, иккита омил бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Биринчи навбатда, жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳали бери ўз таъсирини йўқотмаётганлиги. Айни пайтда иқтисодиёти нисбатан бақувват деб ҳисобланган Европа Иттифоқи давлатлари ҳам ишсизлик муаммоси олдида амалга ошираётган ислохотларининг самарасизлигини гувоҳи бўлмоқдалар. Бунга, Испания, Греция ва Португалия каби давлатларда жиддий ўзгаришлар амалга оширилаётган бўлишига қарамасдан, ишсизлар сони ортиб бораётганлиги мисол бўлиши мумкин. Бу ҳол, ушбу мамлакатлар иқтисодиётининг катта зарар қўришига олиб келмоқда.

“The Guardian” нашрининг Eurofound (“Иш ва яшаш шароитларини яхшилаш бўйича Европа фонди”) ўтказган тадқиқот натижаларига асосланиб ёзишича (22 октябрь), Европа Иттифоқи ҳар йили 14 миллион ёшлар, ишсизлар ва ҳеч қаерда ўқимайдиган европаликлар таъминоти учун 153 миллиард евро сарфлайди, бу эса бутун Европа Иттифоқи ялпи ички маҳсулотининг 1,2 фоизи демакдир.

Экспертлар баҳолашига қараганда, Европа Иттифоқидаги ишсиз ёшларни нафақа билан таъминлаш харажатлари 2008 йил инқироз бошлангандан бери 28 фоизга ошган. Миқдорий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, бу Италия далаида йилига 32,6 млрд. АҚШ долларини, Францияда - 22 ва Буюк Британияда 18 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Бу мблагларнинг ушбу давлатлар ЯИМга нисбатан оладиган бўлсак, бу Грецияда 3,28 фоизни, Ирландияда 2,8 фоизни ва Польшада 2,04 фоизни ташкил этмоқда.

Айни вақтда тадқиқотчилар таъкидлашича, ушбу маблаглар таркибига касаллик ва жиноятчилик профилактикаси учун ажратилган харажатлар киритилмаган. Бу маълумотлар инқироз давридаги ишсизлик даражасининг ортиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан далолат бермрқда. Шуни инобатга олиб, Европа иттифоқидаги кирувчи айрим давлатлар (масалан, Греция, Испания ва бошқа давлатлар) ишсизлик ва уни бартараф этиш борасидаги лойиҳа ва дастурлар танловини ўтказишга ҳаракат қилмоқда.

Иккинчи томондан, ишсизлик даражасига демографик омилларнинг таъсири йилдан йилга ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Таъкидлаш жоизки, дунё миқёсида оладиган бўлсак, аҳоли сони ўсиш суръатларининг ривожланаётган ва кам ривожланган мамлакатларда юқори даражада бўлиши, мазкур давлатларда ишсизлик даражасининг долзарб муаммога айланиб боришига сабаб бўлмоқда.

Умуман, дунёда аҳоли ўсиш тенденциясига қарайдиган бўлсак, 1804 йилда аҳоли сони 1 миллиардга етган бўлса, орадан 123 йил ўтиб 2 миллиардга етди, учинчи миллиардга етиш учун эса 33 йил керак бўлди, яна 14 йилгина ўтиб ер юзи аҳолиси тўрт миллиардга етган, кейинги

миллиардга кўпайишга 13 йил керак бўлди, 6- ва 7-миллиардга 12 йилдан вақт кифоя қилди, холос.

Рақамлардан кўринадики, сайёраимиздаги демографик вазият жиддий ўйлашни ва аниқ, истиқболли демографик сиёсат юритишни тақозо этади. Бу борада Хитой, Ҳиндистон ва бошқа жадал ривожланиб бораётган давлатларнинг (масалан, Бразилия, Малайзия, Таиланд) демографик жараён ва аҳоли бандлигини тартибга солиш борасидаги тажрибасини ўрганиш асосида, уларнинг республикамиз шароитига мос келадиган жиҳатларини қабул қилиш глобаллашув ва модернизация шароитида аҳоли бандлиги, айниқса қишлоқ аҳолиси бандлиги масаласини ижобий ҳал этишга хизмат қилган бўлар эди.

Шу ўринда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий соҳадаги ислохотлар аҳоли фаровонлиги, унинг манфаатларига хизмат қилиб, аҳоли бандлиги соҳасида ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан ўзгаришларга эришишга таъсир кўрсатаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг ўзини ўзи иш билан банд этиш борасида зарур ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар яратилиши натижасида дастлабки маълумотларга қараганда 2012 йилда аҳоли бандлик даражасининг 2,5 фоизга ўсиши кутилмоқда. Айниқса, банд бўлмаган аҳолини, айниқса қишлоқ жойлардаги, биринчи навбатда ёшлар, аёллар, ногиронлар, таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш, касбий қайта тайёрлаш ва ижтимоий ҳимоялаш каби вазифаларни ўз ичига қамраб олган “Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури”нинг қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг самарасини янада оширади.

**Т.Н.ИМИНОВ,**

Андижон ҚХИ, катта ўқитувчи

### **Суғоришни ерларнинг мелиоратив ҳолатига ва хизматларга таъсирининг ҳозирги ҳолати**

Ҳозирги даврда иқтисодиётнинг аграр соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлиги, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда энг асосийси, ерларнинг мелиоратив ҳолатини мунтазам равишда яхшилаб бориш, шу мақсадларга йўналтирилаётган молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланиш, кўрсатилаётган мелиорация хизматларини ривожлантиришни асосий шарт сифатида вужудга келтиради. Ушбу масалада Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Бугунги кунда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ва унинг самарадорлигини юксалтиришнинг муҳим резерви ва ҳал қилувчи омили, энг асосийси – қишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлигини кўтаришнинг зарур шarti ва гарови бўлиб хизмат қилади»<sup>33</sup>.

Ана шу мақсадда, 2007 йил 29 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3932 сонли Фармони, 2008 йил 19 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-817-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу фармон ва қарорларда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш асосида экинлар ҳосилдорлигини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш асосий вазифа қилиб белгиланди.

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» номли маърузаси. “Қишлоқ ҳаёти” газетаси, 2008 йил 9 феврал.

Маълумки, ҳар қандай қишлоқ хўжалик сув истеъмоли ёки экинларни суғориш албатта ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсир кўрсатиш билан боғлиқ. Агар сув истеъмоли ёки сувдан фойдаланиш тежамли, самарали ва мақсадга мувофиқ бўлса, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун кўшимча маблағлар сарфланмайди ёки минимал даражага тушади. Ҳозирги вақтга келиб, бошқа вилоятлар каби Андижон вилояти сув хўжалиги қуйи тизимида ҳам бу борадаги ҳолат бунинг аксидир. Буни вилоятдаги асосий хўжаликлараро ва катта зовурларнинг қуйи қисмидаги закон-зовур сувларининг оқими ва шўрланиши ҳолати таҳлилидан кўришимиз мумкин (1-жадвал).

Таҳлиллар кўрсатишича, тизимдаги шундай зовурларнинг умумий узунлиги 3258,89 км бўлиб, шундан техник ҳолати яроқли қисми 69,1 фоизини, яроқсиз қисми 30,9 фоизини ташкил қилади. Шунингдек, ушбу зовурларнинг қайта тиклаш талаб қиладиган қисми 44,41 км га тенг. Тизим бўйича кейинги вақтларда закон-зовурлар оқимининг камайиши кузатилаётган бир пайтда, Асака, Бўз ва Улуғнор туманларида энг юқори 113,0 фоиз, 125,2 фоиз ва 128,3 фоиз ўсиш рўй бермоқда. Бу айрим вақтлардаги табиий ёғингарчиликларни кўпайиб кетишини ҳисобга олмаса, ташламаларга йилдан-йилга кўп сув чиқарилаётганлигини кўрсатади.

#### 1-жадвал

#### Андижон вилоятидаги асосий хўжаликлараро ва катта зовурларнинг қуйи қисмидаги закон-зовур сувларининг оқими ва шўрланиши таҳлили<sup>34</sup>

№	Туманлар номи	2006 й.		2010 й.		2010 й. 2006 й. га нисбатан	
		Сув оқими, млн. м <sup>3</sup>	Шўрланиши, г/л	Сув оқими, млн. м <sup>3</sup>	Шўрланиши, г/л	%	%
1.	Андижон	63,2	0,83	48,8	0,91	77,2	109,6
2.	Асака	7,76	1,77	8,77	1,30	113,0	73,4
3.	Балиқчи	208,83	1,06	155,58	1,04	74,5	98,1
4.	Булоқбоши	17,97	0,61	18,11	0,84	100,8	137,7
5.	Бўз	34,62	1,51	43,33	1,40	125,2	92,7
6.	Жалакудук	128,71	0,48	104,71	0,72	81,4	150,0
7.	Избоскан	57,84	0,41	43,94	0,60	76,0	146,3
8.	Улуғнор	280,06	1,34	359,32	0,80	128,3	59,7
9.	Мархамат	5,89	0,83	2,64	0,84	44,8	101,2
10.	Олтинқўл	36,99	1,05	20,63	1,26	55,8	120,0
11.	Пахтаобод	34,24	0,75	30,78	0,79	89,9	105,3
12.	Хўжаобод	2,27	0,57	1,67	0,56	73,6	98,2
13.	Шаҳрихон	36,11	0,99	31,31	1,25	86,7	126,3
14.	Қўрғонтепа	109,37	0,75	59,82	0,76	54,7	101,3
	Жами:	1023,89	0,93	929,41	0,98	90,8	105,4

Агар закон-зовур сувларининг шўрланишига эътибор қаратилса, сўнгги йилларда Жалакудук (150 фоиз), Избоскан (146,3фоиз), Булоқбоши (137,7 фоиз), Шаҳрихон (126,3 фоиз), Олтинқўл (120,0 фоиз) ва Андижон (109,6 фоиз) туманларида зовур сувларининг тезлик билан шўрланиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бундай ҳолат, биринчидан, ички суғориш манбалари бўлган зовур сувларидан фойдаланиш имкониятларини қисқартирса, иккинчидан, тозо сув манбалари бўлган дарёлардаги сувлар сифатининг ёмонлашувига олиб келади. Шу нуқтаи назардан, вилоятда асосий хўжаликлараро ва катта зовурларнинг қуйи қисмидаги закон-зовур сувларининг оқимини ростлаш ва шўрланишини камайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

<sup>34</sup> Манба: Вилоят гидрогеология мелиорация экспедицияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ер ости (сизот) сувларининг жойлашиш чуқурлиги ва унинг ўзгариб бориши (ошиб ёки камайиши) ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсир этадиган омиллардан саналади. Шунга кўра, бизнингча, тизимдаги суғориладиган ерларнинг сизот сувлари жойлашишига қараб ҳудудларга бўлиш ва улар бўйича ерларнинг мелиоратив ҳолати тўғрисида маълумотларни тўплаш ва шу асосда тегишли чоралар кўриш мақсадга мувофиқдир (2-жадвал).

Вилоятдаги суғориладиган ерлардаги сизот сувларининг таркибини аниқлаш учун айни вақтда 1826 та кузатув нуқталари, 1548 та кузатув қудуқлари, 202 та пьезометр ва 76 та вақтинчалик қудуқлар ишлатилмоқда. Улар ёрдамида тўпланган 2.2.2-жадвал маълумотларига кўра, тизим ҳудудидаги жами суғориладиган ерларнинг 46,9 фоизи ёки деярли ярми сизот сувлари 0-2 метр чуқурликда жойлашган ерлар бўлиб, бу майдонлардаги суғориш ишлари ва айниқса, сув исрофгарчилиги ҳолатларининг кўплиги ушбу сувларнинг сатҳини тез кўтарилишига олиб келиши мумкин, деган хулосага олиб келади.

## 2.-жадвал

### Сув ҳўжалиги қўйи тизими ҳудудидаги суғориладиган ерларнинг сизот сувлари жойлашишига кўра тақсимоти (1.01.2012 й. ҳолатига)<sup>35</sup>

№	Туманлар номи	Жами суғориладиган майдон,га	Сизот сувлари чуқурлигига қараб тақсимланган майдон, %					
			0-1 м	1-1,5 м	1,5-2 м	2-3 м	3-5 м	5 м дан юқори
1.	Андижон	20762	0,8	10,2	12,7	7,8	6,9	61,6
2.	Асака	15870	-	-	1,2	78,0	3,9	16,9
3.	Балиқчи	23594	0,7	33,3	43,4	22,6	-	-
4.	Булоқбоши	10103	19,2	16,4	34,0	7,8	0,4	22,2
5.	Бўз	14412	0,1	15,1	78,7	6,1	-	-
6.	Жалақудук	23478	1,3	12,2	12,2	19,9	8,5	45,9
7.	Избоскан	20195	2,2	12,9	25,8	28,6	1,5	29,0
8.	Улуғнор	27109	0,3	8,8	90,1	0,8	-	-
9.	Марҳамат	17679	0,6	11,5	23,1	53,6	11,2	-
10.	Олтинкўл	14694	-	37,9	44,2	17,4	0,5	-
11.	Пахтаобод	19047	9,0	5,4	1,8	10,1	26,7	47,0
12.	Хўжаобод	11232	-	1,7	11,4	19,2	3,2	64,5
13.	Шаҳрихон	20451	-	2,1	61,8	35,1	1,0	-
14.	Кўрғонтепа	27386	2,2	4,5	7,1	17,1	35,7	33,4
	Жами:	266012	2,1	12,1	32,7	22,4	8,2	22,5

Суғориладиган ерларининг асосий қисми шундай тоифадаги ерларга тўғри келадиган туманларга Балиқчи, Булоқбоши, Бўз, Избоскан, Улуғнор, Олтинкўл, Шаҳрихон туманлари киради. Тизимдаги ерларнинг 30,6 фоизидаги сизот сувларининг чуқурлиги 2-5 метрни ташкил қилади. Асака туманининг 81,9 фоиз, Марҳамат туманининг 64,8 фоиз, Кўрғонтепа туманининг 52,8 фоиз ерлари шундай ерлардан иборат. Сизот сувларининг чуқурлиги 5 метрдан юқори бўлган ерлар асосан адирликлардан иборат ерлар саналиб, вилоятнинг Хўжаобод (64,5 фоиз ерлар), Андижон (61,6 фоиз ерлар), Пахтаобод (47 фоиз ерлар) ва Жалақудук (45,9 фоиз ерлар) туманларида жойлашган. Ушбу ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳам мос равишда текисликдаги ерлардагидан фарқланади.

**К.К. БУСТОНОВ,**

ЎзБИИТИ, и.ф.н., катта илмий ходим

**Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда соҳани модернизациялаш ва инновацион асосда ривожлантиришнинг аҳамияти**

<sup>35</sup> Манба: Вилоят гидрогеология мелиорация экспедицияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



Соҳани модернизациялаш ва инновацион ривожланиш йўлига ўтиши маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш билан бир қаторда маҳсулотни сифати уни рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Илм-фан тараққиёти ютуқларини жорий этиш ва инновацион фаолликни ошириш кўпчилик мамлакатларда иқтисодиётдаги пасайишни тўхтатиб қолиш билан бир қаторда, бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришнинг бирдан-бир йўли бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, - “минг афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Холбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда”<sup>36</sup>.

Маълумки, бугунги кунда мамлакат аграр соҳасини модернизациялаш ва уни инновацион ривожлантириш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилишга қарамасдан, айрим масалаларда, яъни соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш суут даражада олиб борилмоқда. Инновацион фаолият билан шуғулланаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши 0,5-0,6 фоиздан ошмаяпти. Бунга соҳани модернизациялаш ва инновацион лойиҳалар асосида олиб бориш дастурининг йўқлиги шунингдек, хўжаликларда юқори малакали кадрлар етишмаслиги ҳамда молиявий ресурсларнинг етарли эмаслиги сабаб бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, дунёнинг аксарият мамлакатларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши асосан илмий янгиликлардан фойдаланиш маҳсулотни инновация рақобатбардошлигини ошириб бориши ҳисобига бўлмоқда. Жумладан, Германияда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 100 фоиз инновация ҳисобига бўлмоқда. Тайвандда корхоналар инновацион тадбиркорлиги ҳисобига 78 фоиз бандлик ва мамлакат бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 45 фоиз таъминланмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда соҳани ривожланишини асоси модернизациялаш ва инновация ҳисобига бўлмоқда. Янги турдаги маҳсулотларни яратиш, жорий қилиш, шунингдек, технологик жараёнларни янгилаб бориш, аҳоли бандлигини таъминлаш, инновация, маҳсулот экспорт ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш бугунги кунда маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтиришнинг ва унинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилига айланиб бормоқда. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни ички ва халқаро бозордаги рақобатбардошлигини ва мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодиётни белгилаб беради.

Агросаноат мажмуида инновацион бошқариш самарадорлигини оширишда, шу жумладан қишлоқ хўжалигида, агросаноат мажмуининг технологик ва техник жиҳатдан модернизациясига қаратилган давлатнинг мақсадли дастурларининг ва аграр сектор истиқболига қаратилган фундаментал ва оммавий тадқиқотларга асосланган инновацион дастурларни ошиб боради. Бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири яқунланган илмий тадқиқот натижаларини жорий қилиш механизмининг қайта кўриб чиқишни тақазо этмоқда. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги илмий- ишлаб чиқариш маркази ўзларининг жойлардаги (вилоят ва туман) тизими билан яқунланган тадқиқот ишларини жорий қилишни мувофиқлаштиришлари зарур. Соҳани модернизациялаш ва инновацион жараённи бундай мувофиқлаштиришлари ва барча иштирокчи субъектларни бир тизимга бирлашиш билан амалга оширилади. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, инновацион жараён комплекс ёндашишни: илмий тадқиқот ишлари, экспериментал ишланмаларни тайёрлаш, янгиликларни жорий қилишдан олдин яна синаб кўриш, ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва самарадорлигини баҳолашни талаб қилади. Бу йўналиш илмий тадқиқотни устувор йўналиши бўлиши ва давлат дастурларида ўз ўрнини эгаллаши лозим.

<sup>36</sup> И.А. Каримов. Барча режа ва дастуримиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент.: “Ўзбекистон” 2011 – 48 б.

Инновацион маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий қилиш даврида молиялаштириш катта аҳамиятга эга. Бу даврда молиялаштиришнинг асосий манбаи қишлоқ хўжалик корхоналарининг маблағи ҳисобланади. Давлат томонидан эса уруғчилик ва чорва моллари наслини яхшилашга йўналтирилади. Шуни ҳам эътироф этиш керакки, сўнгги йилларда илм – фанга ажратилаётган маблағлар бир мунча кўпайиб бормоқда, аммо бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг улуши пасайиб бориши кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам илм-фанни молиялаштиришнинг умумий ҳажми деярли ўсмаяпти. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган модернизациялаш ва иновацион ривожланиш соҳадаги илмий-тадқиқот ишларига бюджетдан ажратилаётган маблағлар ҳажмини кўпайтиришни тақазо этади.

Мамлакатда агросаноат мажмуасини ривожланиш ҳолатига баҳо берилар экан, шуни таъкидлаш лозимки, ерларнинг унумдорлиги пасайиб бормоқда, тупроқ таркиби ёмонлашмоқда сувни етказиб бериш ва сувдан фойдаланишдаги муаммолар, сув иншоотларини ишга яроқли ҳолда ушлаб туриш ва ишлатиш учун маблағлар етишмаслиги сабабли ирригация – мелиорация тизимини ёмонлашиб бориши, ишлаб чиқариш учун керак бўлган ресурсларни вақтида етказиб бермаслик каби сабаблар таъсир этмоқда деб айтишимиз мумкин. Юқорида санаб ўтилган қишлоқ хўжалиги маҳсулдорликни маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш омиллари охири оқибат инвестиция ва инновацияга бориб тақалади. Бундай ҳолатдан чиқишнинг асосий йўли фан ва техника ривожланиш соҳани модернизациялаш имкониятларидан тўлароқ фойдаланишдан иборатдир. Бу ялпи ички маъсулот ўсишини таъминлайди, агросаноат мажмуасини фаолияти ва ривожланиши кўп жиҳатдан давлатнинг аграр сиёсатига боғлиқ, қайси йўналишларга устуворлик бериш, ахборот билан тўлароқ таъминланиши иқтисодий муҳим соҳаси бўлган қишлоқ хўжалигини ривожланишига қаратилиши керак. Қишлоқ хўжалигини ривожланишида, билимларни, технологияларни қишлоқ хўжалиги инновацион маҳсулотига йўналтиришда ахборот-маслаҳат тизимининг (АМТ) роли ниҳоятда катта ҳисобланади. Бунда кенг жамоатчиликни жалб қилиш билимлардан фойдаланиш ва уларни тарқатиш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда республикамиз аграр соҳасини модернизациялаш ва инновацион фаолликни оширишга ҳалақит бераётган омиллар қуйидагилардан иборат: вазирлик ва идоралар, корхона ва хўжаликларнинг илмий-техник лойиҳалар танловида қатнашишига қизиқишини пастлиги, бунга сабаб ўзининг маблағи етишмаслиги, кредит шартларининг оғирлиги, керакли ҳужжатлар ва ҳисоботни тайёрлашни мураккаблиги; бир қатор инновацион лойиҳаларни давлат томонидан қабул қилинган инвестицион дастурлар дорасида эмаслиги, шунингдек, узоқ муддатли стратегик ривожланиш, истиқболда жаҳондаги илмий инновацион ривожланишга мос келмаслиги; жамоатчилик, нодавлат ташкилотлар, кичик ва шахсий тадбиркорларнинг инновацион дастурлар ва лойиҳаларни молиялаштириш бўйича танловлар ҳақидаги ахборотларга етарлича эга эмасликлари; чет эллик инвесторлар ва хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорликни яхши йўлга қуйилмаганлиги; аграр секторда инновацион фаоллик оширишни иқтисодий рағбатлантириш механизмининг такомиллаштириш зарурлиги; инновацион маркетингни ва инновацион фаолият билан шуғулланаётган менежерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини етарлича ривожланмаганлиги; инновацион лойиҳаларни хавф – ҳатарлик даражасига баҳо берувчи ва суғурталовчи инновацион венчур ва суғурта компаниялар тизимини шаклланмаганлиги ва бошқалар. Юқорида санаб ўтилган омилларни ҳисобга олган ҳолда, комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиб амалиётга жорий этиш, аграр соҳани модернизациялаш қамда уни рақобатбардошлигини оширишда муҳим замин булиб хизмат қалади.

**А.Г.КОЖЕВНИКОВА,**

Андижанский СХИ, д.б.н., профессор

**Применение новых педагогических технологий в повышении квалификации  
сельскохозяйственных кадров**

«За годы независимости в сельском хозяйстве осуществлены кардинальные меры по экономическому реформированию, направленные на внедрение рыночных отношений и развитие частной формы собственности на селе. Приняты Земельный кодекс, Закон «О фермерском хозяйстве», другие законодательные и нормативно-правовые акты, создающие прочные правовые основы и гарантии для развития фермерства, экономической и финансовой самостоятельности фермерских хозяйств» И.А.Каримов, 2012.

Все структуры в сельскохозяйственном образовании направлены, прежде всего, на получение и сохранение высоких урожаев, применение экологически чистых методов борьбы, сохранения внешней среды, повышения плодородия почв и улучшение здоровья населения. Начиная с академических лицеев и профессиональных колледжей, а затем в высшей школе и далее, изучение региональных экологических проблем в настоящее время особенно актуально.

Мир людей и природа всегда тесно взаимосвязаны между собой. Особенно разнообразен животный и растительный мир Узбекистана.

Получение высокого и экологически чистого урожая, охрана окружающей среды, сохранение редких, вымирающих видов, вспышки вредителей и болезней сельскохозяйственных растений, решение других экологических и агрономических вопросов – первостепенная задача и здесь роль специалистов, постоянно повышающих свою квалификацию из числа молодых, а также и опытных кадров неопределима.

Особенностью вузовского образования в нашей стране является то, что оно наиболее прогрессивно именно в системе непрерывного образования. При отсутствии такой системы максимум за 10 лет стареют и теряются почти 90% полученных в институте знаний. Соответственно знания требуют своего постоянного пополнения, основанные на внутренней дисциплине, самообразовании и повышении квалификации.

Усиление интеграции высшего образования и производства является важнейшим фактором усиления единого образовательного процесса.

Как известно экологические особенности в Узбекистане имеют свои особенности. Полностью не ликвидированы последствия тех лет, когда на поля Республики выливались сотни тонн дефолиантов и десикантов, в настоящее время считающиеся запрещёнными. Использовались хлорорганические и фосфорорганические пестициды. Большинство из которых высокотоксичные и среднетоксичные средства защиты и препараты, не щадящие полезных членистоногих. Практиковалось широкомасштабное применение инсектоакарицидов, без учёта экономических порогов вредности вредителей и положительного влияния природных популяций энтомофагов и акарифагов. Кроме того, применялись препараты, обладающие кумулятивным действием, т.е. способностью накапливаться в почве, воде, тканях животных, растений и даже человека. Это влекло за собой катастрофические последствия, такие как массовое снижение гемоглобина в крови, поражение печени и возникновение предрасположенности к таким заболеваниям как болезнь Боткина и др.

Проблемой является также то, что специалисты зачастую не придерживаются регламентированного «Списка химических и биологических средств борьбы с вредителями, болезнями растений, сорняками, дефолиантов и регуляторов роста растений, разрешённых для применения в сельском хозяйстве Республик Узбекистан», регулярно обновляемый и утверждаемый, где указываются современные и разрешённые к применению препараты. Зачастую не учитываются отдельные параметры применения химических препаратов, такие как норма расхода, что иногда связывают с высокой ценой препарата, выбор обрабатываемого объекта, способ и время обработки, ограничения, сроки последней обработки до сбора урожая, максимальная кратность обработок и т.д.

Решение этих и ряда других вопросов, будут способствовать устранению проблем, препятствующих оптимизации экологической ситуации в целом, для этого необходимы соответствующие квалифицированные кадры, вооружённые постоянно изменяющимися и совершенствующимися знаниями. Важнейшая идея образовательных технологий –

гарантированность результат. Наиболее перспективным является использование технологий, усиливающих роль самостоятельности, развивающих творческий потенциал личности. Обеспечивающих индивидуализацию и дифференциацию учебного процесса, содействующих эффективному самоконтролю и самооценке результатов обучения.

Современные информационные технологии в рамках сельскохозяйственного образования предполагают использование комплекса технического, учебно-методического и организационного обеспечения на компьютерной основе и цифровых образовательных ресурсов (интерактивные доски, компьютеры, проекционные устройства, устройства для ввода графической информации и др.).

Возможности современной информационной технологии включают в себя такие аспекты как: поиск информации, обработка информации, хранение информации представление информации и другие.

Применение новых педагогических технологий в повышении квалификации специальных кадров, делает процесс обучения более наглядным, создаёт условия для привлечения к изучению материала на основе современных данных.

**М.М.МИРЗАХАНОВ,**

ЎзБИИТИ, стажёр таджикотчи- изланувчи

### **Ғалла уруғчилигинг назарияси ва амалиёти**

Маданий ўсимликларнинг ҳар бир нави инсон учун фойдали хосса ва белгиларининг маълум бир тўплами билан таърифланади. Уни кўпайтириш ва ишлаб чиқаришда фойдаланиш жараёнида навнинг фойдали сифатларини сақлаб қолиш уруғчилик ишининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бу масалани ечиш учун янгиларини ишлаб чиқиш ва амалдаги қоида ва усулларни янада такомиллаштиришни талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида биологик ҳодисалар табиатини янада чуқурроқ ўрганиш кераклигига чақиради, улардан мохирона фойдаланиш ҳозирги замон уруғчилиги олдида турган вазифаларни муваффақиятли ечишни аниқлаб беради.

Уруғчиликнинг назария ва амалиётини ишлаб чиқиш кўп асрли тарихга эга. Бироқ, бу йўлда сезиларли натижаларга эришилганига қарамадан, ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўп. Уруғчилик назарияси бугунги кунда ҳар хил тушунча ва фактлар, тахмин ва башоратлардан иборат маълумотномага ўхшайди, бироқ бу кўпинча етарлича асосланмаган ва уни устига қарама-қарши бўлиб чиқади.

Биология фанининг тез тараққиёт этиши янгидан-янги экспериментал маълумотлар олиб келмоқда, улар нафақат илгариги қарашларни тасдиқламоқда, балки кўпинча уларни инкор қилмоқда. Бу жараён уруғчиликка ҳам таълуқлидир, у энди ривожланишининг таҳлилий даврини ўтиб бўлди. Ҳозирги пайтдаги бош масала-уруғчиликнинг ҳақиқий илмий назариясини яратиш мақсадида уруғ тўғрисидаги тарқоқ билимларни ва унда бўлиб ўтадиган ҳодисаларни умумбиологик қонуният нуқтаи назаридан синтез қилишдан иборатдир. Табиийки шунинг учун уруғчиликнинг назария ва амалиётининг кўпчилик масалалари ўз вақтида ечилган ва ҳал этилганлигига қарамадан, бугун қайтадан кўриб чиқилмоқда ва тўлдирилмоқда.

Бозор шароитларида қишлоқ хўжалигини қайта қуришда селекция ва уруғчилик кенг тушунчали ва иқтисодий самарали восита бўлиши учун, янги нав иқтисодий ўсиш соҳиби бўлиши керак. Фақат савдо-сотиқ (юқори фойдали) навларни наслларини яхшилаш барча қишлоқ хўжалик тизилмани иқтисодий ўсиш соҳиби бўлишига олиб келиши мумкин.

Уруғчилик фанида ҳозирги пайтда туб ўзгаришлар белгиланган. Уни тезлик билан ташкил этилаётган уруғчилик тизимининг илмий-ташкилий асосини яратиш, пул-кредит, ҳуқуқий, ҳамда уруғ ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида нархнинг ўзаро муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ янги текисликка сурилиши бўлиб ўтмоқда. Бу пайтда энг асосийси-ягона тизимни шакллантиришда уруғчилик билан ажралмас боғлиқ бўлган селекция, унинг барча

ташкилий ишлари ва фаолияти йўналишлари бўйича айтганини қилдириш, хатосини олдини олиш керак. Уруғчилик селекция билан органик боғлиқ, унинг ютуқларини амалга оширишни давом эттиради. Йўналишларини ўзгариши, усулларини такомиллаштирилиши, янги навларни яратиш муддатларини қисқартирилиши, албатта ҳар қандай тизимдаги уруғчиликнинг барча бўғимларини мазмуни ва ташкил қилинишида тенгма-тенг жавоби билан кузатилиши керак.

Бизнинг фикримизча, янги нав уруғларини кўпайтиришнинг шундай тизимини яратишни ташкил қилиш керакки, у навни ишлаб чиқариш учун Давлат реестрига киритилган вақтда уларни кенг майдонларда 3 йил давомида жорий этилишига имкон бериши керак.

Бу тизимнинг асосий бўғинлари қўйидагича:

1. Бирламчи уруғчиликнинг қисқа схемалари асосида элитани тезлик билан яратиш;
2. Навни жорий этишнинг барча босқичида уруғ етиштиришни прогрессив технологиясини ўзлаштириш;
3. Уруғчиликни экологик асосланган районлаштирилиши ёки рўйхатга олиш;
4. Уруғларни кўпайтиришни жадаллаштиришда намунавий базавий ва экспериментал хўжаликлардан фойдаланиш;
5. Тезлаштирилган нав алмашишни иқтисодий рағбатлантириш.

Элита уруғларини уларни ҳар хил схемада ишлаб чиқаришда тенг қимматлилигини экспериментал белгилаш асосида элитани янада оддийроқ-оммавий танлаш, оддий қайта экиш, негатив танлаш ва бошқа усулда яратиш тавсия этилади.

Бирламчи уруғчиликда иш натижасини танлашни муқобиллаштириш ва технологияни мужасамлаштириш ҳисобига 3-4 баробар ошириш мумкин. Навнинг биологиясини ҳисобга олган бирламчи уруғчиликнинг табақалаштирилган усулларини қўллаш элита уруғларини етиштириш схемасини самарали соддалаштириш, навни турини сақлаб қолишга, 2-4 йилга элита олишни тезлаштириш, унинг таннархини 1.5-2 баробар пасайтириш ва даромадни 2-2.5 баробарга оширишни таъминлайди.

“Уруғчилик тўғрисида”ги Қонунда уруғ сифати кафолатини таъминлашда энг муҳим шартларидан бири - кишлоқ хўжалик экинлари уруғлари ва экиш материалларини сертификатлаштириш эътироф этилган. У ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, сотиш, ташиш ва уруғдан фойдаланиш, ҳамда сертификатлаштириш жараёнини халқаро ташкилотлар талаб ва қоидалари ва шунга ўхшаш хорижий мамлакатларнинг тизимлари билан уйғунлаштириш устидан доимий назорат олиб боришга йўналтирилган.

Халқаро тажрибага кўра, сертификатлаштириш жараёни ўз ичига қўйидагиларни олиши керак: сертификация ўтказиш учун ариза тақдим этиш; аризани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; уруғларни ишлаб чиқариш, ишлов бериш, қадоқлаш ва сотиш стандарт ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилинишини назорат қилиш; синов ўтказиш учун намуналар танлаб олиш; олинган материалларни таҳлил қилиш ва сертификат бериш тўғрисида қарор қабул қилиш; сертификатлаштирилган уруғлар устидан инспекция назоратини олиб бориш.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотига (ИХРТ) аъзо мамлакатларда қабул қилинган даражада уруғларнинг нав тозалигини ошириш мақсадида, навни ҳосили сотиш учун мўлжалланган майдонларда апробация ўтказишни фақат аккредитацияланган апробаторларга ТОПШИРИЛГАН.

Апробация натижалари қониқарсиз бўлган ҳолатларда экинзорлар чикитга чиқарилиши, улардан олинган уруғлар сертификатлаштирилмаслиги керак. Шартномага асосан ишлаб чиқарувчилардан уруғларни сотиб олиб, кейинчалик уларга ишлов бериб, қадоқлаб сотаётган тайёрловчилар ва савдо фирмалардаги уруғларни сертификатлаштиришни кучайтириш керак. Бунда сертификатлаштириш идорасига ариза беришда мажбурий талаб сифатида нав идентификациялашуви сертификати, сотиб олиш тўғрисидаги шартномалари, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонунга кўра патент эгаси ҳуқуқига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳужжатлар, уруғларга ишлов бериш, тўдаларни тайёрлаш ва ҳисобга олиш бўйича ҳужжатлар нусхаси бўлиши керак.

Сертификатлаштиришнинг муҳим омили сифатида халқаро тажрибада қабул қилинганидек дала инспекцияси назоратини ўтказиш керак. Бунда қоида сифатида, агар уруғ тўдаларининг синови нав белгилари ва нав тозалиги сақланиб қолинмаганлигини кўрсатса, ундан сертификатлаштириш идораси бундай уруғни сертификатлаш ҳуқуқига эга эмас деб қабул қилиши керак. Янада кучли ишонч ҳосил қилиш мақсадида ҳар ҳимояланаётган нав сифатида бир селекцион муассаса ички хўжалик дала инспекцияси назоратини ташкил қилиши керак.

**Т.Н.ИМИНОВ,**

Андижон ҚХИ, катта ўқитувчиси

### **Ирригация хизматларининг ташкилий асосларини такомиллаштириш йўналишлари**

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга

оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2009-2012 йилларга мўлжалланиб инқирозга қарши ишлаб чиқилган чоралар дастурида талаб ва таклифни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топган. Унинг ўзагини қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарни ривожлантириш эгаллаган. Шунга мувофиқ, сув ёрдамида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириладиган, бутун сув хўжалигининг бозор иқтисодиёти тамойиллари ва механизмлари босқичма-босқич жорий этилиб бораётган қуйи тизимидаги сув истеъмолида қатъий тежамкорликни жорий қилиш соҳадаги энг асосий вазифага айланди.

Ирригация хизматларининг ўзаги бўлган қишлоқ хўжалик сув истеъмоли ва уни бошқаришда тежамкорликка амал қилиш ҳамда уни қатъийлаштириш масаласига бошқа вилоятлар қаторида Андижон вилоятида ҳам қуйидаги ташкилий сабаблар тўсқинлик қилмоқда:

- тизимидаги суғориш тармоқларининг бош ва ўрта қисмларида жойлашган сув истеъмолчиларининг сув тақсимолидаги табиий устунлиги ҳамда давлат буюртмаси мавжуд бўлган пахта-ғалла шартнома топшириқларини бажариш учун сув тақсимолига туман ҳокимиятининг аралашуви ушбу сув истеъмолчилари учун чекланган миқдордан ортиқча сув олиш учун шароит яратишлиги, суғориш тармоқларининг охирида жойлашган сув истеъмолчиларига эса, сувнинг етиб бормаслиги ҳолатларининг кўпайишига олиб келади;

- ирригация хизматлари ташкилотлари раҳбар ходимларининг кўпчилиги бошқа соҳа мутахассислари, шунингдек, аксариятининг касб маҳорати, малакаси ва бошқарувчилик маҳорати етарли эмаслиги сув истеъмолини тўғри режалаштирилиши, суғоришни адолатли ва самарали ташкил этилиши ва сув истеъмолида қатъий тежамкорликни таъминлайдиган бошқарувни жорий этилишига тўсқинлик қилади;

- асосий сув истеъмолчиси бўлган фермер хўжаликларида суғоришни бевосита амалга оширадиган аксарият сувчиларни экинларнинг сув истеъмоли меъёрлари, муддатларини билмаслиги далада сувни тежаш шароитларини минималлаштиради ёки йўққа чиқаради;

- тизимдаги суғориладиган ерларнинг 15,1 фоизини эгаллаган ва жами деҳқончилик маҳсулотларининг 54,4 фоизини берадиган деҳқон ва томорқа хўжаликларига вегетация даври учун белгиланган гидромодул экин туридан, тупроқ-мелиоратив шароитларидан, ҳудуднинг гидрографик белгиларидан қатъий назар бир хил белгиланади. Бу яна бир асосий сув истеъмолчисидан сувдан фойдаланишга нисбатан анъанавий муносабатларни сақланиб қолишига олиб келади;

- ирригация хизматларида чекланган миқдорда ажратилган ва ҳақиқатда олинган сувларни сув истеъмолчилари кесимидаги ҳисоби юритилмайди, бу эса, ўз навбатида, сувни ортиқча ишлатаётган субъектларни белгилашда ноаниқликларни вужудга келтиради;

- сув олиш нуқталарини ҳудуднинг гидрографик белгилари, тупроқ-мелиоратив шароитлари бўйича қайтадан кўриб чиқилмаганлиги айниқса, суғориш тармоғининг бошида ва ўртасида жойлашган сув истеъмолчилари томонидан исрофгарчилик ва йўқотишларга йўл қўйиши туфайли унинг охирида жойлашган сув истеъмолчиларининг пахта-ғалла майдонларидан ташқари суғориладиган ерларига ҳатто лимитдаги сувнинг етиб бормаслигига олиб келади ва бу тизимга қатъий тежамкорлик тамойилини жорий қилишга зид келади;

- сув олиш нуқталари сув ўлчагич воситалар билан паст даражада таъминланган. Бу сув ҳисоб-китобини фақат ИТБларга қарашли гидробўғин маълумотлари асосида олиб борилишини ва аниқликни минималлаштиради;

- ирригация хизматлари жараёнида Низомдаги вазифаларнинг тўлиқ бажарилмайди. Жумладан, ирригация хизматларини кўрсатувчиларни Вилоят гидрогеология мелиорация

экспедицияси билан биргаликда уларнинг хизмат кўрсатиш ҳудудидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини назорат қилиш ва яхшилаш бўйича чора-тадбирлар амалда ишлаб чиқилмаяпти.

Шунингдек, сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, жумладан, экинларни суғориш, ерларнинг шўрини ювишда илғор тажриба ва технологияларни қўллаш бўйича сув истеъмолчиларига тавсиялар бериш ҳамда уларни жорий қилишни ташкил этиш талаб даражасида эмас. Ўз ҳисобидаги суғориш ва закан-зовур тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш-тиклаш харажатлар уларнинг сметаларига киритилмаганлиги учун бундай ишлар бажарилмаяпти;

- туман миқёсида ирригация хизматлари ташкилотларини бир-лаштириб муаммоларни ҳал қилишга етаклайдиган, қуйи тизимдаги ирригация-мелиорация хизматлари кўламини ва сифатини назорат қиладиган бевосита бошқарувчи орган йўқ.

Юқорида санаб ўтилган сабаблар ва объектив омиллар бугунги кун ирригация хизматларига ҳамда уларнинг яқин келажақдаги истиқболига тўғри келадиган сув ресурсларини оқилона бошқариш тамойилларини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Агар Ўзбекистондаги шарт-шароит ва мавжуд вазиятларни, шунингдек, Марказий Осиё республикаларининг давлат мустақиллигига эришиши билан боғлиқ тарзда вужудга келган сув таъминотидаги вазиятни ҳисобга олсак, ирригация хизматларини оқилона шакллантиришнинг қуйидаги тамойиллари тизимини қараб чиқиш зарурияти вужудга келади: ирригация хизматларини амалга оширишда экологик талабларни қатъий ҳисобга олиш тамойили; ирригация хизматлари жараёнида табиий ресурсларни ишда чиқарувчи ва атроф-муҳитни ифлосланишига олиб келувчи, яъни уларнинг оқибатлари билан курашиш ўрнига сабабларини бартараф этиш тамойили; Ўзбекистон сув ресурсларининг хўжалик айланмасига жалб этилганлиги ва уларнинг ўз-ўзини тозалаш мумкин эмаслигини ҳисобга олиш тамойили (бунда, сувдан оқилона тарзда фойдаланиш ва сув объектларининг ифлосланиш сабабларини тўла бартараф этилса, бу энг объектив ва мақсадга мувофиқ бўлади); ирригация хизматларидан жадал фойдаланиш (сарфланган сув бирлиги берадиган ҳосилдорлик, яъни аниқ охирги маҳсулотга сарфланадиган тарзда сув ресурсларидан фойдаланиш) тамойили; қишлоқ хўжалик корхоналари билан сув хўжалиги (ирригация хизматлари) ташкилотлари орасидаги сувдан фойдаланиш учун маъсулият-жавобгарликни ўзаро бўлишиб олиш тамойили.

Ушбу тамойиллар тизимини яратилиши, уларни амалиётга тадбиқ қилиниши ва ривожлантирилиши ҳудуддаги ирригация хизматлари сифатли ташкил этишга кўмаклашади.

**Н.Н.АСҚАРОВ,**

ЎзБИИТИ, и.ф.н., катта илмий ходим

**Б.У.МИРСАЙДОВ**

ЎзБИИТИ, тадқиқотчи

### **Хусусий тармоқда паррандачилик хўжаликларини ривожлантириш**

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти тармоқларида, жумладан аграр тармоқда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади мамлакат аҳолисининг иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитларини яхшилаб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлақонли кондиришдан иборат. Аҳоли озиқ-овқат рационада чорвачилик, хусусан паррандачилик маҳсулотларининг ўрни муҳим ҳисобланиб, у инсон организмнинг иммун тизимини кучайтирувчи ва пархез таомлар сирасига киради.

Охирги йилларда республикаимиз раҳбарияти томонидан чорвачилик, хусусан паррандачилик тармоғини ривожлантириш борасида бир қатор қарорлар ва дастурлар қабул қилиниб, ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлатга қарашли бўлган йирик паррандачилик комплекслари хусусийлаштирилди, хусусий тармоқда паррандалар бош сонини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори кўпайтирилди, аҳоли жон бошига парранда

гўшти ва тухум истеъмол қилиш даражаси мутаносиб равишда ошиб бормоқда.

Паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда самарали мақбул тизим орқали истеъмолчиларга сифатли ҳолатда етказиб бериш аҳолини парранда гўшти ва тухум билан барқарор таъминлаш имконини беради.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, бугунги кунда паррандачилик тармоғи асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобига ривожланмоқда.

Монографик кузатишларга асосан паррандачилик асосан хусусий тармоқда ривожланишига қарамасдан соҳани ривожига тўсқинлик қилаётган қуйидаги омиллар аниқланди. Жумладан:

-паррандачилик хўжаликларида паррандаларнинг наслдорлигини яхшилаб бориш, ҳар бир ҳудудда насли паррандалар гуруҳини шакллантириш, паррандачилик тармоғини сифатли озуқа билан таъминот даражаси, ветеринария препаратлари ҳамда зооветеринария хизматини ривожлантиришнинг бугунги кун талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги;

-паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш тизимидаги ўзаро ишлаб чиқариш шартномавий муносабатларнинг замон талабидан ортда қолиши;

-паррандачилик соҳасини интенсив ривожлантиришни ўз ичига олган ҳамда юқори тўйимли концентрат озуқалар ишлаб чиқариш ва хўжаликларга етказиб бериш тизимини ривожлантириш тақоза этилиши;

-деҳқон хўжаликлари шароитида фойдаланиш мумкин бўлган ихчам техник ускуналар ва инкубаторлар савдоси мавжуд эмаслиги.

Шунингдек, бугунги кунда хусусий тармоқда паррандачиликни ривожланишига салбий таъсир этаётган хўжаликларни техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлаш даражаси; бозор нархлари конъюнктураси талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган ва қайта ишланаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш тадбирларининг тизимли амалга оширилиши; қишлоқ оилаларида парранда боқиш учун зарур хизматлар кўрсатиш соҳаларининг талаб даражасида ривожланмаганлиги паррандачилик маҳсулотлари билан истеъмол бозорининг тўйинишига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан:

✓ қишлоқ ҳудудларида паррандачилик тармоғига хизмат кўрсатиш шахобчаларини ташкил қилиш, уларга тижорат банклари томонидан микрокредит ажратилишини йўлга қўйиш, ҳудудлар кесимида паррандачилик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича ахборотлар таъминоти тизимини яратиш;

✓ паррандачилик маҳсулотларини сақлаш, транспортда ташиш ва сотишнинг илғор усуллари ва замонавий технологиялари бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш;

✓ паррандачилик тармоғи ривожланган ҳудудларда аҳолини доимий иш ўринлари, шунингдек бошқа кундалик зарур эҳтиёжлар таъминотини яхшилаш орқали аҳолини моддий манфаатдорлигини ошириш бўйича чора тадбирлар мажмуини тизимли равишда босқичма-босқич амалга ошириш;

✓ хусусий тармоқда паррандачиликни ривожлантириш борасидаги илғор ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларини умумлаштириш ва улардан республикаимиз шароитига мос келувчи айрим жиҳатларини танлаб олиш ва тадбиқ этиш;

✓ хусусий тармоқда фаолият юритаётган паррандачилик хўжаликлари учун илғор ва ихчам технологик асбоб-ускуналар, юқори самарали парранда асрайдиган катаклар, озуқани қайта ишлайдиган ва тайёрлайдиган кичик-мини цехларни сотиб олиш учун фермер ва деҳқон хўжаликларига имтиёзли, узоқ муддатли кредитлар ажратиш бугунги кунда энг долзарб вазибалардан ҳисобланади.

Хулоса қилганда мазкур чора-тадбирлар мажмуасини босқичма-босқич ҳал этилиши қишлоқ жойларида хусусий тартибдаги паррандачилик хўжаликларини ривожланишига кенг йўл очиб беради.



### **Буғдой навларида учрайдиган занг касалликларига қарши кураш чоралари**

Дон етиштиришни кўпайтириш Давлатимиз иқтисодини мустахкамлашнинг ва ҳаёқни озиқ-овқат маъсулотлари билан таъминлашнинг муҳим омилидир. Мустақиллигимизнинг биринчи йиллариданоқ Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси олий кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида “Ўзи учун халқимиз учун иқтисодий мустақилликка киришиш учун ғаллага бўлган эҳтиёжимизни ўз кучимиз билан қондириш аҳамиятли” экалиги ҳақида гапириб ўтган эди.

Жахон амалёти тажрибалари шуни кўрсатадики ҳар бир давлат аҳолисини ўзида етиштирилган озиқ-овқат махсулотларининг асосий тури билан таъминлай олган тақдирдагина у сиёсий ва иқтисодий жихатдан тўла мустақил бўла олади. Республикаимизнинг иқтисодий ривожланиши йўлида буғдой ўсимлигининг янги навларини яратишда ҳамда ажратиб олишда селекция соҳаси муҳим рол ўйнайди, ушбу соҳа бўйича комплекс чидамликка эга яъний зангш касалликларидан сариқ ва қўнғир занг касалликларига чидамли бўлган навларни ишлаб чиқиш ҳамда илмий амалий тафсиялар беришга асосланади. Австралия мамлакатида ҳар йили поя, сариқ ва қўнғир занг касаллигига чидамли навларни яратиш ва ажратиб олиш хисобидан 289 млн доллор хисобидаги харажатлар сақлаб қолади, ушбу малумотдан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкунки, Республикаимиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида, ушбу омилларни ҳал қилишга катта аҳамият қаратиш кераклигини кўриб турибмиз. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 31 июлдаги йиғилиши баённомасида Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида махсус буғдойнинг занг касалликлари билан ишловчи суъний касаллантириш майдончаси ташкил этиш ҳамда чидамли манбалар ажратиб олиниши ва Республикада ғаллачилик билан шуғилланувчи илмий-тадқиқот институтиларида яратилаётган навлар туманлаштирилишидан аввал фенотипик жихатдан баҳоланиши батафсил такидлаб ўтилганлиги диққатга сазовардир. Ушбу ишларни амалга ошириши юзасидан 2011-2012 йил хосили учун, ушбу махсус буғдойнинг занг касалликлари билан ишловчи суъний касаллантириш майдончасида Ўзбекистонда туманлаштирилаётган, Давлат нав синовида ўрганилаётган ҳамда СИММУТ-ICARDA халқаро ташкилотлари Россия ва ҳамдўстлик мамлакатларидан келтирилган нав намуналар экилиб тажрибалар олиб борилмоқда. Институтида занг касаллигига чидамликни баҳолаш, шунингдек суъний равишда инфекция фон яратиш учун ҳимояланган дала участкаси мавжуд бўлиб касаллик қўзғатувчи замбуруғларнинг споралари Қашқадарё Бошқоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтидан олинади ва ўрганилаётган намуналарни инокуляция қилиш учун шароит яратилади.

#### **Буғдойни сариқ занг касаллиги билан инокуляция қилиш (Иссиқхонада)**

1. Униб чиққан майсанинг бўйи 10-20 см бўлганда.
2. Майсалар яхшилаб намлантирилади.
3. Спора сепилади.
4. Махсус ёғ (Saltrol-170 Isoparaffin) сеплади.
5. 5дақиқадан сўнг сувли ваннага солиб димлатиб қўйилади. 12 соат.
6. Ваннанинг ички тарафидан яхшилаб дистирланган сув билан намланади.
7. Музлатгичнинг температураси -94%
8. Инокуляциядан сўнг 15 кундан кейин биринчи касаллик кўринади.
9. Споралар -86с да сақланади.

Ушбу ишларни амалга ошириш асосида ҳар йили сариқ ва қўнғир занг касалликлари споралари йиғиб вакуумда сақланадиган споралар замбуруғ ривожланиши учун қулай бўлган шароитда касалликка ўта чидамсиз бўлган навини инокуляция қилиш йўли билан инфекция фон пайдо қилинади. Суъний касаллантириш майдончаси яратишда ҳаво даражаси 15-18оС атрофида бўлганда апрелнинг биринчи декадасида, намлик 75-80% да 15-20 соат атрофида ушлаб турилади

ва инокулятция қилинади. Касалланиш даражаси, касалликларга нисбатан таъсирчанлиги Cobb ва Roelfs шкаласи ва услубида баҳоланади. Бугдойнинг ривожланиш фазалари Zadoks шкаласи бўйича олиб борилади. Отасизлантириш Юрьев ва бошқалар (1950 й) услуби бўйича, чатиштириш твел Мережко ва бошқалар (1979 й) услубида ўсимликлар бошоқ чиқаргандан кейин ўтказилади, чатиштиришда ярим диаллел усулдан фойдаланилади яъни маҳаллий ва келиб чиқиши турли экологик минтақаларга хос намуналар асосида сариқ ва қўнғир занг касалликларига чидамли, ўртача чидамли, чидамсиз нав ва намуналар ўртасида ўтказилади.

Тадқиқод натижаларига кўра Ўзбекистонда туманлаштирилаётган, Давлат нав синовида ўрганилаётганг ҳамда CIMMYT-ICARDA халқаро ташкилотлари Россия ва ҳамдўстлик мамлакатларидан келтирилган колекцион нав намуналардан фойдаланилди. Ушбу нав намуналар комплекс таризда сариқ занг касаллигининг маҳаллий юқори вирулентли рассаларига чидамлигини ўрганиб комплекс чидамликка эга манбаларни ажратиб олиш кўзда тутилган. Ушбу ишларни амалга ошириш асосида тажриба натижаларига кўра ўрганилаётган 200 та нав намуналаримиздан 100 та нав намуналаримиз чидамли ва ўртача чидамли навлар сифатида топилди ва ушбу ажратиб олинган нав намуналаримиз ўртасида чатиштириш ишлари олиб борилмоқда. Сариқ ва Қўнғир занг касалликларига чидамли навлар сифатида Рапсадия, Хазина, Фортуна, Садаф, Этида, Хамкор, Ғазғон, навлари топилди.

### **Ш.Ш.НИШОНОВ,**

ЎзБИИТИ, стажёр-изланувчи тадқиқотчи

#### **Мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашда экспорт салоҳиятининг ўрни**

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалик тизимида ўзига хос ўрин эгаллашида, халқаро меҳнат тақсимоли имкониятларидан мақсадга мувофиқ, фойдаланишида, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, кишилар турмуш даражасини яхшилашда мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустақамлаш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни барпо этиш муҳим ўрин эгаллайди.

Мамлакатимиз иқтисодий ўзгаришларининг муваффақияти кўп жихатдан аграр тармоқ самарали ривожланишига боғлиқ. Ушбу тармоқнинг узвий қисми – қишлоқ хўжалиги эса миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида устувор аҳамиятга эга. Чунки у ички товар айланмасининг 70 фоизи валюта тушумларининг 55 фоизи ялпи ички маҳсулотнинг 24 фоизи атрофидаги қисми айнан шу тармоқ ҳиссасига тўғри келади.

Экспорт салоҳияти мураккаб умумлашган кўрсаткич бўлиб, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ушбу соҳаларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспортни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини танлаш бўйича стратегик қарорлар қабул қилишни ўз ичига олади.

Бугунги кунда экспорт салоҳиятини юксалтириш бу макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган мамлакатимизнинг умумий иқтисодий сиёсатининг ажралмас бир қисмидир.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришнинг янги босқичида экспорт салоҳиятини оширилиши мамлакатимиз иқтисодий тараққиётга сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатди. Рақобатбардош маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт таркибида қайта ишланган тайёр маҳсулотлар улуши устуворлигини таъминлашга эътиборнинг кучайтирилиши, ташқи савдо субъектларини турли йўллар билан рағбатлантирилиши мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кенгайтиришда муҳим ўрин тутиб, пировард натижада ишлаб чиқариш самарадорлигининг муттасил ошиб бориши ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлайди.

Экспорт асосий иккита восита билан: бир томондан таклиф, иккинчи томондан эса, талаб орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Таклиф томондан экспортнинг ўсиши бевосита ишлаб чиқаришга кўмаклашувчи инфратузилма, транспорт, коммуникациянинг ривожланишига олиб

келса, талаб томонидан экспортдан келган даромад кўпгина маҳсулот турларига бўлган талабни ошишига олиб келади. Талабнинг ўсиши ички таклифни ўсишига ва ишлаб чиқаришга инвестициялар киритишни рағбатлантиради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори мазмуни бўйича бошқа бозорлардан кам фарқ қилади ва бозор муносабатларининг барча умумий жиҳатларига эга ҳисобланади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг хўжалик юритиш шакллари, ишлаб чиқарилган ва сотилаётган маҳсулот характери билан боғлиқ айрим ўзига хос жиҳатларини ҳам кўрсатиб ўтиш жоиз.

**Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бошқа бозорлардан фарқли равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори энг кўп сонли маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилардан ташкил топади.**

Бутун мамлакат аҳолиси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчилари ҳисобланади ва табиийки, уларнинг кўпчилиги мева ва сабзавотларнинг харидорлари сифатида товар-пул муносабатларида фаол иштирок этадилар.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ушбу маҳсулотлар бозорининг ўзига хос жиҳатлари, хусусан, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг кўп сонлилиги, маҳсулот етиштириш мавсумийлик характерда эканлиги, айниқса, боғдорчилик ва узумчилик табиий-иқлим шароитларга узвий боғлиқлиги, маҳсулотнинг тез бузилувчанлиги, уни сақлаш ва ташиш қийинлиги каби ҳолатларни келтириб чиқаради.

Экспорт иқтисодиётда макроиқтисодий ёндашувнинг таркибий қисми ҳисобланиб, нарх, талаб ва таклиф, бандлик сиёсатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади, шунингдек, иқтисодий ўсишни таъминлайди ва рағбатлантиради, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришни ривожланишига олиб келади. Экспортнинг ўсиши юқори технологияларга асосланган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва шунга мувофиқ юқори қийматга эга иш ўринларини ташкил этишга имкон яратади. Шу билан бирга, экспортдан олинadиган даромадлар юқори сифатли маҳсулотлар импортини қоплашга ва аҳоли турмуш даражасини ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, транспорт воситасида ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш корхона ва ташкилотлари жуда муҳим бўғин ҳисобланади. Ушбу бўғиннинг аҳамияти шу билан белгиланадики, бутун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бозори айниқса, унинг асосий бўлинмаси – кўп сонли мева, узум ва сабзавот ишлаб чиқарувчиларнинг барқарор ва режа асосидаги ишлари, уларнинг сифатини сақлаш, истеъмолнинг мавсумийлигини юмшатиш, турли товар бозорларида рақобатбардошликни кучайтириш, аҳолининг, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисининг бандлигини ошириш ушбу бўғиннинг фаолият кўрсатишига боғлиқ бўлади.

Хозирги кунда модернизациялаштириш натижасига кўра қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори ва бошқа мажмуаларнинг самарали фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва саноат усулида қайта ишланган тайёр якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни зарурий ишлаб чиқариш воситалари билан ўз вақтида таъминлашга боғлиқ бўлади.

**А.С.РАХИМОВ,**  
ЎзБИИТИ, и.ф.н., илмий котиб,  
**О.ШЕРМАТОВ,**  
Андижон ҚХИ, и.ф.н.

### **Қишлоқ хўжалигини ижара муносабатларини такомиллаштириш орқали устивор ривожлантириш йўллари**

Мамлакатимизнинг истиқлолга эришиши муносабати билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар жараёни рўй берди. Хусусан, аграр тармоқда ҳам амалга оширилаётган

иқтисодий ислохотлар ва уларнинг натижасида қишлоқ хўжалигида мавжуд ресурслар салоҳиятидан оқилона фойдаланишга эришилмоқда. Қишлоқ хўжалигида асосий ресурс манбааларидан бири бўлган ер ресурсидан самарали фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини юқори бўлиши қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, бу борада йил якуналарига бағишланган маърузада Президентимиз қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар “...аввало, мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ҳисобидан 2011-йили энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат хариди бўйича шартнома мажбуриятлари нафақат бажарилгани, балки ортиғи билан бажарилганини таъкидлаш ўринлидир. Мамлакатимизда ўтган йили 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу билан бирга, 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 миллиард 500 миллион дондан зиёд тухум тайёрланди”<sup>37</sup>.

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” ва бошқа қонунларга мувофиқ қишлоқ хўжалигида ерга давлат мулкчилиги жорий этилган бўлиб, ерлардан самарали фойдаланишда ижара муносабатларини ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Жумладан “...суғориладиган экин майдонлари чекланганлиги шароитида мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш тизимини ривожлантириш”<sup>38</sup> бугунги кунда ўзининг ҳуқуқий асосини топган.

Республикаимизда амалдаги қонунларга мувофиқ фермер хўжаликлари ердан ижара асосида фойдаланадилар. Ер майдонлари фермер хўжалигини юритиш учун 50 йилгача лекин 30 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади. Дехқон хўжаликларига эса томорқа ер майдонлари мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланиш учун ажратиб берилади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарида ерлардан ижара асосида фойдаланиш ва ижара муносабатларини такомиллаштиришдаги ўзига хос мураккаб жиҳатларини эътиборга олган ҳолда ва уни амалиётда бу каби масалаларни бартараф этиш соҳа олдида турган ва ўз ечимини қутаётган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий воситасига айланган ердан самарали фойдаланишда ижара механизмининг такомиллаштириш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 17,1 фоизи айнан 2011 йил ҳисобида қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келмоқда. Аграр тармоқ юртимиз аҳолисининг салмоқли қисмини иш ўринлари билан таъминлаб келмоқда. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикаимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Ўтган 2005-2011 йилларга назар ташлайдиган бўлсак, йиллар давомида аграр тармоқда яратилган ялпи маҳсулотнинг ўртача йиллик барқарор ўсиш суръатлари динамикаси таъминланди. Хусусан, бу кўрсаткич 2005 йилда 105,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 106,6 фоизга тенг бўлди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг 2005 йилдаги 26,3 фоиздан 2011 йилда 17,1 фоизга пасайиши ижобий ҳолдир. Бу аввало мамлакатимиз иқтисодиётида индустриал саноат тармоқлари ва хизматларнинг жадал ривожланиб бораётгани билан изоҳланади.

Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригацион-мелиоратив ҳолатига боғлиқ.

<sup>37</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якуналари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи//Г. 2012.21.01.

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. –Тошкент. 2003. -№ 3-4. -65 б.

Ҳозирда соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра, ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 % га, ўта шўрланган ерларда эса 90-100 % га паст бўлиши аниқланган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, қишлоқ хўжалигида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхши бўлишида бевосита қишлоқ хўжалиги ерларидан ижара асосида фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва бунинг амалий натижасида эса қишлоқ хўжалигини устивор ривожлантиришга эришишга муҳим замин яратилади. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги ерларидан ижара асосида фойдаланишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ хўжалигига яроқли унумдор ерлардан бошқа мақсадлар учун ажратиб беришни олдини олиш, мавжуд ер ресурсларидан янада самарали фойдаланиш, ернинг унумдорлиги пасайиб, мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувини олдини олиш учун барча давлат томонидан барча зарурий чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиб ва амалиётга кенг тадбиқ этиш;

- қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг қийматини ердан фойдаланиш муносабатларини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда узоқ муддатли фойдаланишда ижара механизмнинг жорий этилиши ва ижара муносабатларини такомиллаштиришга бўлаётган ҳукумат доирасида эътиборни янада кучайтириш;

- амалиётда мавжуд бўлган деҳқон хўжаликларига меърос сифатида қолдириш ҳуқуқи билан умрбод қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи бўлгани каби қишлоқ хўжалигининг асосий таянчига айланган фермер хўжаликларида ҳам кўшимча кредит маблағлари олишда ер майдонларидан ижара асосида фойдаланиш ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда банк кредитлари билан таъминланишга эришиш механизмини жорий қилиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

**О.Р.ФАЙЗИЕВ,**

ЎзМТЭТС, кичик илмий ходим

### **Мойли экинларни етиштириш ва уни қайта ишлашнинг миллий иқтисодиётимизда тутган ўрни**

Ўзбекистоннинг сўнги йилларда қўлга киритган сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, унинг ниҳоятда теран, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган мустақил иқтисодий сиёсатга эга бўлиши зарурлигини тақозо этади. Зеро, бундай иқтисодий сиёсат Республика халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги табиий ресурслар ҳисобига тараққий этувчи, мустаҳкам бозор иқтисодиёти томон олиб борувчи мустақил ривожланиши йўлининг пойдеворини куриш учун зарур имкониятларини яратиш, энг янги чет эл илғор технологияларини ҳаётга жорий этишга имкон беради.

Бу борада қишлоқ хўжалиги ва унга алоқадор қайта ишлаш саноати соҳаларини ривожлантириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мазкур соҳаларнинг ривожлантирилиши мамлакатимиз аҳолисининг биринчи галда зарур озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, қишлоқ хўжалиги хом ашё маҳсулотларини янада самаралироқ қайта ишлашга ёрдам беради. Ана шундай ўта долзарб масалалардан бири—аҳоли истеъмоли учун жуда зарур бўлган экологик тоза ва сифатли ёғ-мой маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу муаммони фақат Республиканинг ёғ-мой мустақиллигига эришиши орқалигина ҳал этиш мумкин бўлади. Республикаимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган ушбу муаммони ҳал этиш учун озиқ-овқат саноати соҳаларини ҳар томонлама ривожлантириш асосида маҳаллий ресурслардан оқилона ўта самарали фойдаланиш зарур.

Озиқ-овқат саноатидаги энг муҳим соҳа эса, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидир. Шу сабабли ҳам “Ўзбекистон мойли ва толали экинлар тажриба станцияси” ва “Озиқ-овқат саноати корхоналари” уюшмаси томонидан сўнги йиллар давомида кунгабоқар (кунжут, соя, зиғир

ва бошқа мойли экинлари) ва махсарни навларидан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш режалаштирилган бўлиб, айти вақтда самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиёти юқори суръатларда ривожланган жуда кўплаб давлатларда ҳам аҳолисининг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган кунлик эҳтиёжи асосан, экологик тоза ва сифатли ўсимлик мойи олиниши мумкин бўлган мойли кунгабоқар, махсар, соя, зайтун, ерёнғоқ, рапс, ёнғоқ, бодом, кунжут, канақунжут, зиғир ва шу каби мойли экинлардан олинадиган мой ҳисобидан қондириб келинади.

Сир эмаски, ўсимлик мойи-чорва молларидан олинадиган ёғга қараганда, инсон саломатлиги учун жуда зарур бўлган ҳар хил витаминларга бойлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Ўзбекистонда аҳоли истеъмоли учун ўсимлик мойи ишлаб чиқариш мақсадида мойли кунгабоқар, махсар, соя, ер ёнғоқ, кунжут каби уруғи таркибида кўп мой бўлган ўсимликлар экиб келинмоқда.

Бу экинлар орасида кунгабоқар ер юзида экиладиган майдони ва озиқ-овқат саноатида қўлланиши бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди ҳамда унинг уруғида сақланадиган (56 фоизгача) мойи экологик тоза ҳисобланади. Бу мойни истеъмолда ишлатиш учун доғламаса ҳам бўлади.

**Кунгабоқарнинг мойи** бевосита истеъмолда ишлатишдан ташқари ундан ҳар хил турдаги консервалар, маргаринлар, қандолатчиликда турли пишириқлар ҳамда нон маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Истеъмол учун яроқсиз қисмидан эса, ҳар хил совунлар, олифлар, линолеум, клёнкалар, видео тасмалар ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади.

Кунгабоқар мойи юқори калорияли маҳсулот ҳисобланиб, унинг бир масса бирликдаги калориялиги 2-3 бирлик қанд, 4 бирлик нон ва картошканинг 8 бирлик массали калориялигига тенгдир.

**Озиқ-овқат** маҳсулоти сифатида кунгабоқар мойининг баҳоси (қиймати), унда сақланадиган мой кислотаси таркиби ва одам организми учун биологик фаол моддалар (А,Д,Е,К) витаминлари, фосфатидлар ва бошқа зарур моддалар миқдори билан баҳоланади. Мойининг таркибида 90 % гача истеъмол учун ишлатиладиган қимматли глециридлар, тўйинмаган (линол ва олеин) ҳамда 10 % тўйинган мой кислоталари мавжуд.

Кунгабоқарнинг ҳозирги янги навлари ва дурагайлари уруғининг мойида 55-60% линол ва 30-35% олеин мой кислоталари сақланади. Мой таркибидаги олеин кислотаси миқдорининг кўплилиги унинг юқори сифатлилигини ва зайтун мойига ўхшашлилигини билдиради. Олеин кислота миқдорини линол кислотаси ҳисобидан ошириш мумкин. Бу мой кислоталар миқдорининг кўпайиши тесқари корреляцион боғланишга эга.

Кунгабоқарнинг уруғидан мой олиш вақтида 35% шрот ёки кунжара ажратиб олинади. Шротида 32-35% протеин, 1% мой (кунжарасида 5-7% мой), 20% гача углеводлар, 13-14 % пектин, 3-3,5% фитин, В витамини гуруҳи, фосфор, кальций ва бошқа қимматли моддалар мавжуд.

Кунгабоқар шроти чорва моллари учун концентрат озиқа ва шунингдек ҳар хил комбикорм тайёрлашда оқсил компоненти сифатида ишлатилади. 1 кг. шроти-1,02 озиқа бирлигига тенг ва унда 363 г. енгил ҳазм бўлувчи протеин мавжуд. Кунгабоқар шротининг протеини таркибида кўпгина аминокислоталар бор ва сақланиш нисбати бўйича ҳам фойдали ҳисобланади. 1 кг. шротида 12,8 лизин, 5,1 триптофан, 6,5 тирозин, 2,7 цистин, 29,3 аргинин, 8,7 грамм гистидин аминокислоталари бор. Қайта ишлов берилган шроти ва мойи ажратилган мағзидан холва, казинақлар каби қимматли истеъмол ва турли конфетлар тайёрланади. Кондитер саноати учун сўнги пайтларда кунгабоқарнинг йирик мевали навларига бўлган талаб янада ортмоқда.

**Кунгабоқар оқсили** (куруқ уруғи 14-19) нафақат чорва озиқаси сифатида, балки истеъмол маҳсулоти сифатида катта аҳамиятга эга. Сўнги йилларда кунгабоқар оқсили озиқ-овқат саноатида катта ҳажмда қўлланилмоқда. Ҳаттоки, Украина ва Шимолий Кавказнинг мой ишлаб-чиқарадиган заводларида кондитер саноати учун **оқсил уни** тайёрланмоқда. Оқсил унида 47-50% оқсил, 14-16 % мой, 7-10% эрувчан углеводлар мавжуддир.

**Кунгабоқар пистасининг пўчоғи** (пистанинг мағзи ажратилгандан сўнг) саноатда гидролизлаш учун қимматли хом-ашё ҳисобланиб, ундан фурфурол, этил спирти, чорва озиқаси ачитқиси ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади.

**Кунгабоқарнинг саватчаси** ажойиб чорва озиқаси ҳисобланади. Қуритилган саватчанинг 50-60% қисмини писталар ташкил этади. Пистаси ажратилган саватча янчилганда (абсолют курук массасида) 3,5-4% мой, 5-8% протеин, 14-17% клетчатка, 13-15% кул моддалари (фосфор, калций, калий, магний), 60% гача азотсиз экстрактив моддалар сақланади. Қуритилган саватча янчилик бошоқли дон экинларининг сомони билан прессланган ҳолатда молларга берилади. Майдаланган ундан гранулалар тайёрланади. Саватча грануласини чорва молларига кўшиб едирилади.

**Кунгабоқар силоси** маъданли моддаларга бой бўлиб, унда 2,5 % протеин, 0,8 % мой, 17% углеводлар ва маълум миқдорда фосфор, калций, калий мавжуд, шунингдек каротин миқдори ҳам жуда кўп.

**Кунгабоқар асалбоп** экин. Чунки у четдан (асосан асаларилар ёрдамида 95 % гача) чангланадиган экин бўлганлиги сабабли 1 гектар кунгабоқар ўстирилган экинзордан, асаларилар ёрдамида 30 кг. гача асал тўпланади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан ҳам кўришиб турибдики, нафақат мойли кунгабоқарни етиштириш ва қайта ишлаш балки, барча мойли экинларни саноат миқёсида катта майдонларда етиштириб уни қайта ишлаш аввало республикамиз аҳолисини сифатли ва экологик тоза ёғ-мой маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиради. Саноатни эса, хом ашё билан таъминлайди. Ортиқча ишлаб чиқарилган хом ашёни қайта ишлаб уни экспорт қилиб мамлакатимиз миллий иқтисодиёти учун зарур бўлган валюта тушуми салмоғининг кўпайишига хизмат қилади.

Шундай экан, дунё бўйича аҳоли сони ошиб борган сари озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ошиб бораверади. Бу эса ушбу маҳсулотларни яратувчилар олдида янада кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулотлар етказиб бериш вазифаларини кўяди, янги-янги маҳсулотлар яратиш устида иш олиб боришга ундайди.

Мамлакатимизда кунгабоқар етиштириш бўйича барча шарт-шароитлар бўлиб турган бир вақтнинг ўзиде, биз хорижда ишлаб чиқарилаётган нархи ҳам қиммат мойлардан истеъмол қилишимиз, кундалик ҳаётий харажатларни ошиб кетишига олиб келади.

Демак, бозор шароитида арзон ва сифатли маҳсулотларни мамлакатимизда етиштириш имконияти бор экан, уни тезроқ ҳаётга тадбиқ этишимиз керак.

**У.М.ХАЛИЛОВ,**

ЎзБИИТИ, стажёр-тадқиқотчи изланувчиси

### **Ғалла майдонларида фойдаланиладиган минерал ўғитларнинг иқтисодий самарадорлиги**

Ҳозирги пайтда суғориладиган ерларда ва лалмикорликда бошоқли дон экинларини етиштириш тизимини модернизациялаш туфайли уларни етиштириш технологиясига ўзгартиришлар киритилмоқда. Ҳар йили бошоқли дон экинларини етиштириш технологиясига янги навлар, гербицидлар, фунгицидлар, инсектицидлар, акарицидлар, маъданли ўғитлар, ўстирувчи стимуляторлар, суспензиялар, янги техникалар киритилмоқда. Бундай омиллардан бири минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиш бошоқли дон экинларининг ҳосилдорлиги ва дон сифатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Ғалла майдонларига фосфорли ўғитлар чуқур солинганда саёз солингандагига нисбатан беш баробар тўлароқ ўзлаштирилади ва унинг ўсимлик таркибидаги миқдори саёз солингандагига нисбатан 1,5 баробар кўп бўлган. Фосфор тупроқда деярли ҳаракат қилмайди, кўчиб юрмайди. Фосфор тупроқнинг сингдирувчи комплексига (ТСК) тез адсорбцияланади ва сув тупроқда етарли бўлганда ҳам 1,0 – 4,0 см кенликда тарқалиши мумкин. Қаттиқ фосфорли ўғитлар тупроқда нам етарли бўлган, атмосфера ёғингарчиликлари кўп бўлган йиллари ҳам тупроқ юзасига сочиб

солинганда уларни 85 – 95 фоизи, тупроқ юзасидан 2 см пастга силжийди. Бу чукурликдаги тупроқ қатламида ўсимлик илдизлари, тупроқ қатлами тез қуриб қолиши туфайли тарқалмайди. Бинобарин тупроқ юзасига солинган фосфорли ўғитлар ўсимлик томонидан деярли ўзлаштирилмайди.

Буғдой фосфордан ўсиш даврининг дастлабки ҳафталарида жадал фойдаланади ва туплашдан гуллашгача бўлган даврда умумий ўзлаштириладиган фосфорни  $\frac{3}{4}$  қисмини ўзлаштиради. Фосфорли ўғитлар илдиз тизимининг ривожланишига, унинг катталиги ва ҳажмига генератив органларини шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда қурғоқчиликка ва қишга чидамликни оширади. Ўсимликни фосфор билан яхши таъминланиши азотни ўзлаштирилишини яхшилайди. Шунингдек азотли озиклантиришни оптималлаштириш ўсимлик томонидан фосфор, калий, кальций ҳамда бир қатор микроэлементларни ўзлаштиришни кучайтиради. Ортикча фосфор ўсимликни мис, темир, марганецни ўзлаштирилишини камайтиради.

Ҳозирда фосфорли ўғитлар кузги буғдой учун тупроқни ҳайдаш олдида 80% солинса, 20% экиш билан бериш тавсия этилади. Кузги буғдой учун суғориладиган ерларда режалаштирилган ҳосил ва тупроқ агрокартограммаси ҳисобга олинган ҳолда гектарига 90-120 кг фосфорли ўғит бериш тавсия этилади. Калийли ўғитлар ўсимликда углеводни синтез бўлиши, ҳаракатланишида муҳим рол ўйнайди, илдиз орқали намликни ютилишига кўмаклашади, барглардан намликни буғланишини камайтиради, ўсимликнинг сув балансини бошқаради, касалликларга чидамлигини оширади, пишишини тезлаштиради.

Ўсимлик калий билан яхши озикланса совуққа, қурғоқчиликка ва касалликларга чидамлиги ошади. У уруғ ҳосил бўлиши ва пишишини яхшилайди, ўсимликнинг азотдан айниқса аммамакдан яхши фойдаланишига имкон беради, ўсимликнинг ён илдизлари ҳосил бўлишига қулайлик туғдиради

Кузги буғдой ривожланишининг дастлабки даврида фосфорли калийли озикланишга талаб кучаяди ва шу туфайли яхши илдиз отади, тез ўсади, кўп миқдорда шакар туплайди. Бу эса ўз навбатида музлаб қолишнинг олдини олади. Фосфор ва калий билан яхши озикланган ўсимликларнинг қурғоқчиликка чидамлиги юқорироқ бўлади.

Калийли ўғитларни тупроқ юзасига солиш унинг самарадорлигини 36 – 40 % камайтиради. Калийли ва азотли ўғит биргаликда ишлатилганда ўсимликнинг улардан фойдаланиш коэффиценти 10 – 15 % га, фосфор билан ишлатилганда 5 – 10 % га ошади. Улар суғориладиган сув билан биргаликда солинганда ўғитдан озик моддаларнинг фойдаланиш коэффиценти 20 – 30 % га, ҳосилдорлик 8 – 15 % га ошади, меҳнатга ҳаражат 25 % га қисқаради.

Ҳозирда суғориладган ерларда кузги буғдойга калийли ўғитлар гектарига 60-100 кг қўлланилмоқда ва унинг ҳаммаси тупроқни ишлаш олдида солиниши тавсия этилмоқда.

Буғдой дони таркибидаги оксил ва клейковина миқдорида азотли ўғитлар сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Азотли ўғитлар тўғри ва етарли миқдорда қўлланилганда дон таркибидаги оксил ва клейковина миқдори сезиларли даражада ортади. Бошоқлаш фазасида қўлланилган 30 кг/га азот ҳосилдорликка сезиларли даражада таъсир кўрсатмасида дон таркибидаги оксил миқдорини 1-2%, клейковина миқдорини 3-4% оширади. Натижада етиштирилган буғдой дони кучли ёки қимматли буғдой талабларига жавоб беради, бинобарин харид нархлари ҳам ошади. Бошоқлаш фазасида қўлланиладиган азотли озиклантириш суғориш билан ёки барглар орқали амалга оширилиши мумкин. Минерал ўғитлардан тўғри қўлланилганда уларнинг дон сифати ва ҳосилдорликка ижобий таъсири кучаяди.

**А.С.РАХИМОВ,**

ЎзБИИТИ, и.ф.н., илмий котиб

**Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида кичик бизнес ва хусусий  
тадбиркорликни ривожлантириш масалалари**



Мамлақатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида макроиқтисодий барқарорликни сақланиши «Ўзбек модели»нинг ҳаётийлигини ва самарадорлигини яна бир бор исботлади. Республикада ялпи ички маҳсулотни ўсиши 2008 йилда 9,0 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни, 2010 йилда 8,5 фоизни ва 2011 йилда 8,3 фоизни ташкил этди. Республикада охириги ўн йилда ялпи ички маҳсулот қийматини қарийиб 2 мартага, уни аҳоли жон бошига тўғри келишини эса 1,7 баробарга оширишга эришилди. Жаҳон инқирози шароитида ҳам барқарор иқтисодий ўсишни таъминланиши иқтисодиётимизда ўтказилаётган ислохотларнинг самарадордори юқори эканлигини тўла асослайди.

Ўзбекистон иқтисодиётини юқори суръатлар билан ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс даражада каттадир. Кичик бизнеснинг афзаллиги шундаки у ихчам, қайишқоқ ва ҳаракатчан бўлиб бозор талабларига тез ва осон мослаша олади, уни ташкил этишга катта сармоя талаб этилмайди, самарадорлиги нисбатан олинганда юқори бўлиб иқтисодий манфаатларни ўзида тўлароқ намоён этади. Кичик бизнеснинг ушбу афзалликлари уни мамлақатимиз тараққиёти йўлидаги бир қатор ижтимоий-иқтисодий масалаларни самарали ҳал этишнинг муҳим воситасига айлантirmoқда. Улар жумласига, мамлақатимизда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўйинтириш, янги иш ўринларини яратиш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, уни даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини ошириш каби муҳим йўналишлар киради.

Амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга асосан кичик бизнес таркибига яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар кириб, улар ишловчилар сонига қараб аниқланади. Кичик бизнес субъектлари таркибини ушбу усулда белгиланишининг қулайлиги ва самарадорлиги ривожланган аграр-индустриал давлатларнинг кўп йиллик тарихий тажрибаларида тўла исботланган. Кичик бизнес субъектлари таркибини аниқлаш зарурияти икки асосий омил, яъни улар фаолияти бўйича тўпланган миллий ва ҳалқаро статистик маълумотларни ўрганиш ва таққослаш ҳамда уларни табақалаштирилган тарзда қўллаб-қувватлашни амалга ошириш зарурияти билан асосланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлини қўллаб-қувватлаш кўйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда: тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва хусусий мулкни рўйхатга олиш тизими содалаштирилмоқда; молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятлари янада оширилмоқда; солиқ имтиёзларини қўллаш имкониятлари кенгайтирилмоқда; давлат ва назорат органлари томонидан текширишлар сони қискартилмоқда; уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига бошқарув ва назорат органларининг асосиз аралашувларига чек қўйилмоқда; солиқ ва статистика ҳисоботлари содалаштирилмоқда; молиявий санкцияларни судлар орқали қўллаш тизими тадбиқ этилмоқда; мажораларни ҳал қилишнинг алтернатив тизими (ҳакамлик судлари) ташкил этилди.

Амалга оширилган кенг қамровли чора-тадбирлар асосида кичик бизнесни мамлақатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти мунтазам ошиб бормоқда. Охириги ўн йилда (2001-2011 йиллар) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлақатимиз ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 31,0 фоиздан 54,0 фоизга кўтарилди ёки 1,7 мартага ошди. Уни фаолиятини кенгайтириши ва самарадорлигини ошиши иқтисодиётни барча соҳалари ва тармоқларида ҳам тўла намоён бўлмоқда. Кичик бизнеснинг саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши 16,9 фоизни, қишлоқ хўжалигида 97,7 фоизни, хизмат кўрсатиш ҳажмида 48,7 фоизни, асосий капиталга инвестициялар ҳажмида 23,7 фоизни ташкил этади.

Мамлақатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида мазкур соҳа учун белгиланган солиқ имтиёзларининг рағбатлантирувчи роли ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Улар учун ўрнатилган ягона солиқ ставкаси 2005 йилдаги 15,0 фоиздан, 2010 йилда 7,0 фоизга ёки 2,1 мартадан зиёдрoққа пасайтирилди. Бу кўрсаткич 2011 йилда 6,0 фоизгача туширилди. Кичик бизнесни самарали фаолият кўрсатишида бозор инфратузилмасини тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс даражада каттадир. Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес

субъектларига ўндан ортиқ турдаги 8 мингдан кўпроқ инфратузилма муассасалари ва уларнинг филиаллари хизмат кўрсатмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича қабул қилинган дастур асосида 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрларини сўзсиз бажариш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар қарийб 1 миллионга иш ўрни ташкил этилишини таъминлади, уларнинг 68 фоизидан ортиғи қишлоқ жойларга тўғри келади. Мамлакатимизда 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши ҳам миллий иқтисодиётимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ушбу соҳани тутган ўрни нақадар муҳим эканлигини яна бир бор асослайди. Президентимизнинг 7.02.2011 йилдаги қарори билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури қабул қилинди. Ушбу дастурда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай шарт-шароитларни яратиш, хусусий мулкчиликнинг устиворлигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш асосида ҳуқуқий кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка янада кенгроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функцияларини қисқартириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг чора-тадбирлар мажмуаси белгиланди. Давлат дастурида кичик бизнес субъектларига қулай бизнес-муҳитини яратилиши қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

- Кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хом-ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларига давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган бозор механизмини тадбиқ этиш;

- Давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш;

- Кичик бизнес субъектларининг ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиб қоидаларининг янада соддалаштириш, уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, нотураржой хоналарини ва ер участкаларини ажратиш бериш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилиш;

- Кичик бизнес субъектларига солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитларни яратиш, имтиёзлар бериш, ҳисоботлар тизимини такомиллаштириш ва соддалаштириш;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун ишлаб чиқаришни модернизация қилишга йўналтирилган ўрта ва узоқ муддатли банк сармоялари билан таъминлаш;

- Кичик бизнесни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, аввало халқаро молия ташкилотларининг маблағларини кенг жалб этиш;

- Кичик бизнес субъектларининг мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

- Кичик бизнес субъектларини ахборот инфратузилмаси маълумотлари билан таъминлаш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда уларга маслаҳатлар бериш тизимини янада ривожлантириш ва хоказо.

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши қуйидаги устувор йўналишларга эгадир: турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги даромадларнинг номутанасоблигини меъёрлаштириб туради; тадбиркорлик фаолиятини мунтазам такомиллашиб боришини яъни тадбиркорлик кўникмаларини ва санъатини таркиб топишини ҳамда ривожланишини таъминлайди; иқтисодиётнинг соҳалари ва тармоқлари ўртасидаги мустаҳкам алоқаларни таркиб топиши ва ривожланишини таъминлайди; нисбатан кичик сармоялар билан аҳолининг бандлик даражасини ошириш имкониятини яратади; техник-технологик, ташкилий ва бошқариш соҳаларида янгиликларни самарали амалга ошириш имкониятини яратади; рақобатни ҳосил қилиб монополияни чеклайди ва бозор механизмини ишга тушиши учун зарур бўлган иқтисодий шарт-шароитларни ҳосил қилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликни бозор иқтисодиёти талаблари даражасида ривожланишини таъминлашни жамиятда ўрта мулкдорлар синфини таркиб топишига, янги иш ўринларини яратилишига, аҳоли даромадларини барқарор манбааларини вужудга келишига ва халқ фаровонлигини мунтазам оширишга боришига эришиш имкониятларини янада кенгайтиради.

**А.А.ЯДГАРОВ,**  
ЎзДЖТИ, и.ф.н., доцент  
**М.НОЗИМОВА,**  
ЎзДЖТИ, ўқитувчи  
**З.ЮСУПОВ,**  
ЎзДЖТИ, ўқитувчи

### **Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва истиқболли ривожланишида агросуғуртанинг ролини ошириш**

Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш шароитида иқтисодийнинг барча соҳаларини тубдан ривожлантиришга бўлган эътибор янада ошди. Қишлоқ хўжалиги мамлакат аҳолисининг асосий истеъмол маҳсулотлари билан таъминлайдиган стратегик тармоқлардан биридир, шу боис, бу тармоқни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилишда агросуғуртанинг ролини ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Хусусан, суғурта бозорини янада ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш мақсадида яқин ва узоқ хориж мамлакатлари ҳамда иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда суғурта соҳасини ҳуқуқий ривожлантириш борасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари амалда ўз натижасини бермоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий модернизациялаш жараёнининг жадаллашуви айнан, қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришга, қишлоқ хўжалигини турли табиий офатлардан ҳимоя қилиш мақсадида суғурталаш масаласи бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

Барча соҳалар каби суғурта соҳасига ҳам катта эътибор берилётганлиги ва суғурта бозорида фаолият юритаётган суғурта компанияларига катта маъсулиятли вазифани юкламоқда. Суғурта бозорида ўтказилаётган ислохотлар барча суғурта муассасаларини жадал суръатларда ривожлантиришга муҳим замин яратиб бермоқда. Ўзбекистон суғурта бозорида 2012 йил январ ҳолатига кўра, давлат рўйхатидан ўтган ва суғурта фаолиятини олиб бориш борасида лицензияга эга бўлган суғурта компаниялари сони 37 тага етди.

Мамлакат суғурта бозорида фаолият юритаётган компаниялардан биттаси қайта суғурта компанияси, иккитаси ҳаёт суғуртаси соҳасида фаолият юритади ва қолган 34 таси эса умумий суғурта тармоғида суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда<sup>39</sup>.

Суғурта бозорида суғурта ташкилотлари томонидан 2012 йил 1-январ ҳолатига кўра 231,6 млрд. сўмдан ортиқ суғурта мукофотлари йиғилди. Бу кўрсаткични 2010 йилда йиғилган суғурта мукофотларига таққослайдиган бўлсак 36,6 % га ошганлигини яққол кўришимиз мумкин. Суғурта бозорида суғурта хизматларини кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича республика ҳукумати томонидан қўлланилган чора-тадбирлар ва суғурта ташкилотлари меҳнат фаоллигига асосланиб, 2012 йил давомида Ўзбекистон суғурта бозорида ўсиш сурати анча ошди.

2011 йил мобайнида суғурта компаниялари томонидан турли табиий хавф-хатарлардан кўрилган зарарларни қоплаш мақсадида суғурта компаниялари ихтиёр суғурта бўйича тузилган шартномага кўра суғурта қопламаларини қоплаб беришда суғурта бозорида асосан 3 та компания

<sup>39</sup> Бизнес вестник востока // Г. 2012 йил №5

лидер даражасига эришди. Булардан бири бўлган “Ўзагросуғурта” Давлат акциядорлик суғурта компанияси томонидан 5,3 млрд.сўм миқдорида тўловлар амалга оширилган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини суғурталашда “Ўзагросуғурта” Давлат акциядорлик суғурта компанияси фаол равишда шуғулланиб келмоқда. Бироқ, ҳар бир соҳада ютуқлар бўлгани каби айрим муаммоларнинг учраб туриши агросуғурта тизимининг барқарор ишлашига ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг устивор ривожланишига таъсир этмоқда, хусусан:

- қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳали-ҳануз суғурта тизимига бўлган ишончининг тўлатўқис шаклланмаганлиги;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарининг барча мавжуд ресурсларини суғурталашга бўлган молиявий имкониятларининг етишмаслиги;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталаш борасида айнан қишлоқ хўжалигини суғурталашга оид алоҳида қонуний-меъёрий ҳажжатларнинг ишлаб чиқилмаганлиги;

- қишлоқ хўжалигини суғурталашда ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва уни амалиётга жорий этиш масалаларининг тўлиқ кучга кирмаганлиги.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, мамлакатимизнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалиги тармоғи бу аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда юқори даражадаги аҳамиятга эга бўлган тармоқ сифатида айнан қишлоқ хўжалиги суғурталашнинг ролини янада ошириш, қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизимида инновацион тадқиқотларини янада жаддаллаштириш, унинг янги усулларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалигини суғурталашда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишонч ҳиссини айнан суғурта компаниялари томонидан кўрсатилаётган сифатли суғурта хизматлари орқали ривожлантириш, агросуғурта бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ва суғурта компаниялари ўртасидаги рақобатбардошликни янада оширишга муҳим замин яратади.

### **3.НОМОЗОВ,**

ТДАУ, мустақил-тадқиқотчи

#### **Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда экологик омиллардан фойдаланиш**

Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тармоқни барқарор ривожлантириш асосида табиий ресурслар ва экологик омиллардан оқилона фойдаланиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш тизимини ва барқарор агроэкотизимларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини шакллантириш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар натижасида экологик муҳитнинг барқарорлашуви учун мустаҳкам асос яратилди.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда экологик омиллардан фойдаланишда хорижий ва маҳаллий амалий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигини барқарор юритиш тизимининг амалдаги хўжалик юритиш тизимига нисбатан қуйидаги мезонлар асосида фарқланиши аниқланди:

- минерал ўғитлардан фақатгина ҳосил етиштириш ёки бошқа омилар таъсирида тупроқдан чиқиб кетадиган озуқа элементларининг тикланиши учун зарур бўлган миқдордагина фойдаланилади;

- зараркунанда ва хашаротларга қарши курашишда фойдаланиладиган кимёвий пестицидлар максимал даражада биологик кураш усулларига алмаштирилади;

- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ва ўсишига эришишда гармонал препаратлардан фойдаланилмайди;

- бундай чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида агроэкотизимларнинг эрозия ва тупроқнинг ювилишига йўл қўйилмайди;

-агроинновацион ва интенсив деҳқончилик йўналишларидан максимал даражада фойдаланилади;

-ушбу шароитларда етиштирилган маҳсулотларга бўлган талаб анъанавий қишлоқ хўжалиги тизимида етиштирилган маҳсулотларга нисбатан ўзининг санитария-гигиеник таркибига кўра инсон организмга хавф туғдирмаслиги сабабли юқори бўлади;

-инсониятни озиқ-овқатга ва саноатни хомашёга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга имконият беради;

-атроф-муҳитни сақлаш ва сифатини янада ошириш;

-қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган табиий ресурсларни мустаҳкамлашга асос бўлади;

-биологик жараёнлар ва бошқариш чора-тадбирларига мос равишда, қайта тикланмайдиган ва ички хўжалик ресурсларидан янада самарали фойдаланишни таъминлаш;

-қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодиётини мустаҳкамлаш;

-аҳоли ва хусусан қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражасини ошириш;

Истиқболда қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жойларини барқарор ривожлантиришда агроинновацион технологиялардан фойдаланиш билан бир қаторда экологик омилларга ҳам асосий эътибор қаратилиши лозим. Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жойларини барқарор ривожлантиришнинг асосий мазмуни уларни барқарор ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини ошириш, қишлоқ аҳолисининг оқилона бандлигини таъминлаш ва уларнинг турмуш даражасини кўтариш ҳамда мавжуд ер-сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдан иборатдир.

Ҳозирги озиқ-овқат танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жойларини барқарор ривожлантиришдан асосий мақсад:

-қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг юқори даражадаги сифатини таъминлаш;

-қишлоқ жойларининг барқарор ривожланишини ва қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш, уларнинг шу жумладан, қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг даромадларини ҳимоялаш;

-қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган табиий ресурслардан тежамкорлик асосида фойдаланиш ва қайта тикланишини таъминлаш;

-самарали фаолият юритувчи ва қишлоқ товар ишлаб чиқарувчилари даромадларини ортишини таъминловчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини шакллантириш ва ушбу бозорлар инфратузилмасини ривожлантириш;

-қулай инвестицион муҳит яратиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инвестициялар ҳажмини кўпайтириш каби масалаларга қаратилмоғи лозим.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг бошланғич босқичида экологик омиллардан самарали фойдаланган ҳолда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарурдир:

-атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидига амалдаги қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилиш ва тегишли ўзгартиришлар киритиш;

-қишлоқ хўжалигини бақарор ривожлантиришни таъминловчи меъёрий – услубий асосларни ишлаб чиқиш;

-тармоқни барқарор ривожлантириш тизимини шакллантиришда хўжалик субъектларига илмий-услубий кўмаклашиш;

-ахборот-маслаҳат хизматларини барқарор ривожлантириш тамойилларини тарғиб этишга йўналтириш;

-янги иқтисодий шароитда иш юритиш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун мутахассис кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Ушбу тадбирларни амалга оширилиши пировардида қишлоқ жойларида экологик шарт-шароитларни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Д.РАХМОНОВ,**  
СамҚХИ, и.ф.н., доцент  
**Ш. А.РАХМОНОВ,**  
СамҚХИ, и.ф.н., доцент

### **Чорвачиликни ривожлантириш – давр талаби**

Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалиги иккита асосий, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларидан иборат. Бу тармоқлар мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, бандликни таъминлаш билан бир қаторда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноатини эса қимматли хомашёларга бўлган талабини қондиришга, экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Мамлакат аҳолисининг кўпайиши ва уларнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабининг ортиб бориши чорвачиликни ривожлантиришни тақозо этади. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда Ўзбекистонда 2010 йилда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати 15810,7 млрд сўмни ташкил этиб, 2008 йилдаги (11310,7 млрд сўм) га нисбатан 39,8 фоизга ошган. Шу йиллар ичида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари қиймати 4910,7 млрд сўмдан 6420,0 млрд сўмгача ёки 30,7 фоизга ошиб, жами қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмида 40,6 % ни ташкил этган. Мустақиллик йилларида, Ўзбекистонда гўшт етиштириш (тирик вазнда ) 1,9 баробар, сут 2 баробардан ортик, тухум ишлаб чиқариш эса 2,4 баробардан кўпроқ ошган. Бошқача айтганда, шу даврда аҳоли жон бошига гўшт маҳсулотлари истеъмоли 31 кгдан 38 кг (22,6% ) га, сут маҳсулотлари 183 кг дан 239 кг (30.3%) га, тухум истеъмоли эса 97 донадан 138 дона (42,3 %) га ошганлигини кўриш мумкин. Шу йилларда мамлакатимизда ислохотлар бошқа соҳаларда бўлганидек, чорвачиликда ҳам босқичма – босқич амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида” ва “Наслчилик тўғрисида”ги қонунлари шу борадаги ишларни тартибга солишга хизмат қилмоқда .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғриси”даги ПҚ-308-сонли қарорида асосий эътибор мол бош сонларини кўпайтириш, кам таъминланган оилаларга ҳомийлар ёрдамида бепул сигирлар тарқатиш, қорамол сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бериш, четдан насли моллар келтириш, зооветеринария пунктлари ташкил этиб, уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш, чорвачилик билан банд бўлганларга меҳнат дафтарчалари очиш кабиларга қаратилди.

Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорида эса чорва моллари учун мустақкам озуқа базасини яратиш, омукта ем сотиш шаҳобчаларини, ем-хашак етиштирувчи фермер хўжаликлар сонини кўпайтириш, молларни сунъий қочиришни кескин ошириш, қушхоналарни кўплаб ташкил этиш кабилар диққат марказда бўлди.

Ушбу қарорларни ижро этиш баробарида мамлакатимизда чорва моллари бош сонини ошиши, пода насл сифатининг яхшиланиши ҳамда маҳсулдорликни кўпайиши кузатилмоқда. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, республикаимизда 2011 йилда боқилаётган жами қорамоллар сони 9642,5 минг бошга, шундан сигирлар 3878,2 минг бошга, қўй ва эчкилар сони 16187,1 минг бошга ва паррандалар бош сони 42731,2 минг бошга етган ёки 2005 йилдагига нисбатан мос равишда 46,7; 37,5; 42,6 фоизга ва салкам 2,1 мартагача кўпайган. Мол ва паррандалар бош сонининг ошиши билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортган. Масалан, 2005-2011 йилларда гўшт (тирик вазнда) ишлаб чиқариш 47 фоизга, сут 48,5% ва тухум ишлаб чиқариш 75,0 фоизга кўпайган.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларга эришишда албатта ҳукуматнинг чорвадорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, соҳа мутахассислари ва ходимларнинг машаққатли меҳнати

муҳим омил бўлмоқда. Қарорларнинг ижросида аҳамият берилган асосий жиҳатлардан бири- бу четдан насли моллар (асосан ғуножин) келтириш эди. 2006-2011 йиллар давомида четдан мамлакатимиз ҳудудига 23286 бош насли мол келтирилиб, поданинг насл сифати бирмунча яхшиланди. Фақат 2009- 2011 йилларда қорамолчилик соҳасида наслчилик хўжаликлари сони 79 тага кўпайиб, 414 тага етди. Шу даврда уларда тайёрланган насли моллар сони 2489 бошга ортиб, 7299 бошни ташкил этган.

Маълумки, чорвачиликни ривожлантиришда молларга сервис хизматлари кўрсатадиган зооветеринария пунктларининг аҳамияти жуда катта. 2011 йилда бундай пунктлар сони 2596 тача етиб 2006 йилдаги (381 та)дан 6,8 мартага кўпайган ва улар кўрсатган пуллик хизмат қиймати 8002, 6 млн сўмга етган.

Четдан насли моллар келтириш билан бир қаторда мавжуд сигир ва қочириш ёшидаги таналарни зотли буқалар уруғи билан сунъий қочириш подадаги насли моллар улушини ошириш билан бир қаторда маҳсулдорликни ҳам ошириш гаровидир. Агар 2009 йилда жами 988,0 минг бош сигир ва таналар сунъий қочирилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 58,3 фоизга ошиб, 1564,2 минг бошни ташкил этди. Моллар касаллигига қарши кураш, профилактик тадбирларни амалга оширишда ветеринария дорихоналари муҳим аҳамиятга эга. 2009-2011 йиллар давомида улар сони 116 тага кўпайиб, 574 тага етди. Ветеринария нуқтаи назаридан фақат соғлом молларни сўйиш, аҳолини сифатли гўшт билан таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратиш мақсадида замонавий кушхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2011 йилда улар сони 383 тани ташкил этиб, 2009 йилдагига нисбатан 11 тага кўпайган.

Шу билан бир қаторда, охириги йилларда Президентимиз ва Республика ҳукумати чорвачиликнинг паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Асаларичилик билан шуғулланувчи субъектлар сони 2009 йилда 5073 тани ташкил этган бўлса, 2011 йилда 38,2 фоизга ошиб, 7010 тага етган. Шу даврда асалари оилалари сони 96499 тага кўпайиб, 238607 тани ташкил этди. Натижада асал ишлаб чиқариш шу йиллар мобайнида 1456,7 тоннага кўпайиб, 3786,1 тоннага етган.

Балиқчиликни ривожлантиришда ҳам маълум ютуқларга эришилди. Агар 2009 йилда мамлакатимиздаги балиқчилик хўжалиklarини бир йиллик балиқлар билан балиқлантириш 9,4 млн. донани ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 21,9 млн. донага етказилган ёки 2,3 мартадан ортиқ кўпайган. Шу йиллар давомида овланган балиқлар 9731,1 тоннага кўпайиб, 16882,1 тоннага етган. Овланган балиқларнинг 10261,7 тоннасини сунъий сув ҳавзалари ҳисобига тўғри келганлиги қувонарли ҳолдир. Биргина 2011 йилда балиқчиликни ривожлантиришга тижорат банклари томонидан 8 млрд 525 млн. сўм (2010 йилдагига нисбатан 2,1 марта кўп) кредит ажратилган.

Сир эмаски, чорвачиликни ем-хашаксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мамлакатимизда озуқа экин майдонларини кўпайтириш, ҳосилдорлигини оширишга эътибор бериш лозим. Озуқа экинлари майдони сўнгги 3 йилда 5,4 минг гектарга ошиб, 2011 йилда 330,0 минг гектарга етказилганини етарли эмас, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати тармоқ олдига 2011-2015 йиллар мобайнида наслчилик хўжаликлари сонини 2,5 баробар, озуқа экинлари майдонини 1,3 баробарга ошириш, чорва моллари бош сонини 1,3 баробарга, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини эса 1,3 мартага кўпайтириш вазифасини кўйди.

Юқорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун энг аввало қуйидагиларга эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз:

- алмашлаб экиш тизимига бедани киритиш, ем-хашак экинлари майдонини узлуксиз ошириш, озуқа экинлари уруғчилигига эътибор қаратиш кабилар эвазига мустаҳкам озуқа базасини яратиш;

- зотли буқалар уруғидан сигир ва таналарни сунъий қочиришни кескин ошириш;

- чорвачиликни юритиш маданиятини ошириш ва бошқалар.

**Т.Р.ФАЙЗУЛЛАЕВА,**  
ТИМИ, и.ф.н., доцент,  
**У.ХОШИМОВ,**  
ТИМИ, катга ўқитувчи

## **Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари**

Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш юзасидан “2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар” дастури доирасида кўрилаётган чора-тадбирларни амалиётга оширилишини таъминлаш натижасида ўтган йили мамлакат бўйича амалдаги нархларда 15 млрд 811 млн сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Бугунги кунда юртимизда қишлоқ мулкдорларининг ривожланиши учун ҳар томонлама шароитлар яратилган бўлиб, улар мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, халқимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Шундай бўлишига қарамай, дунё аҳолиси сони шиддат билан ўсаётган, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эҳтиёж тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда халқимизни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш борасида аграр соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг самарали тизимини яратишни тақозо этади.

Бу борадаги энг устувор вазифа - сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ерлардан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш, сақлаш, қайта ишлаш, экспортга йўналтириш, уларни маблағ билан таъминлаш каби комплекс масалаларни ҳал этишдан иборат.

Шундай экан, қишлоқ хўжалигида институционал ва таркибий ўзгаришларни самарадорлигини оширишга тўсқинлик қиладиган муаммолар ва номутаносибликлар сақланиб қолаётганлигини бевосита ҳуқуқий, агротехнологик ва иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ йўналишдаги қатор амалий чора-тадбирлар тизимининг ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга босқичма-босқич жорий этишни тақозо этади.

Республика Президенти И.А.Каримов таъқдлаганидек: “Ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳим муаммоларни, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда”.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масаласи ҳозирги пайтда кескин қўйилмоқда. Самарадорлик у ёки бу тадбирларни, ишларни, маҳсулотларни етиштириш натижасида эришилган ютуқлар асосида ифодаланади.

Қишлоқ хўжалигида институционал ва таркибий ўзгаришларни самарадорлигини янада ошириш соҳа ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни чуқурлаштиришга олиб келади ва бунга мулкӣ муносабатлар ва хўжалик юритиш шакллари тақомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий меъёрларнинг яратилиши орқали эришилади.

Ўзбекистонда суғорма деҳқончилик озиқ-овқат соҳасида республика мустақиллигининг негизи ва асосий экспорт маҳсулотларининг манбаидир. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида сув таъминотини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қуйидаги институционал чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, меъерий асосларини янада тақомиллаштириш;
- янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, суғориш техникасини тақомиллаштириш;



- сув учун тўлов жорий қилиш, далаларни тайёрлаш ва сувдан фойдаланишни яхшилашнинг илғор усуллари кенг жорий қилиш орқали, сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, сув тежовчи технологиялар (ёмғирлатиб, томчилатиб) жорий қилишни рағбатлантириш.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, уларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2008-2012 йилларга мўлжалланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш”га қаратилган Қарори билан боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалигида деҳқон бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш воситалари ва ўзининг ишчи кучи эгаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам деҳқонни рағбатлантириш асосини ресурсларни тежаш, ернинг унумдорлигини ошириш ташкил этади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар фермер ва деҳқон хўжаликлари эканлигини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш;

- ер майдонлари тупроқ унумдорлигини кўтариш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш тадбирларини амалга ошириш, ушбу мақсадларда ўз маблағлари ҳисобидан ирригация-мелиорация тадбирларини амалга оширган фермерларни иқтисодий рағбатлантириш механизми жорий этиш;

- тупроқ унумдорлигини ортиқча сармояларсиз экологик мувозанатини сақлаган ҳолда тиклаш мақсадида, тупроқ сифатини оширувчи экинлар (мойли, дуккакли, ем хашак ва бошқа)ни экиш тизими жорий этиш;

- жарима санкцияларни қўллаш, қўшимча экологик солиқ солиш, ер участкаларини тортиб олиш кўринишидаги иқтисодий механизмларни такомиллаштириш орқали хўжалик субъектларнинг ер-сув ресурсларидан номақбул фойдаланганликлари учун моддий жавобгарлигини таъминлаш.

Жаҳон амалиёти тажрибалари кўрсатишича, ҳозирги кунда нисбатан кенгрок тарқалган суғориш усуллари бўлиб – ёмғирлатиб суғориш, тупроқ усти ва тупроқ ости суғоришлари ҳисобланади. Ёмғирлатиб суғоришда сув тупроққа тепадан томчи ҳолида тушади. Тупроқ устидан суғоришда сув тупроқ устидан оқади, тупроқ остидан суғоришда эса сув сурилиш кучи ҳаракати орқали керакли жойларга тарқалади.

Суғоришнинг юқорида таъкидланган усуллари тупроқ намлигини ва тупроқ усти қатламидаги ҳавони оширади.

Суғориш усуллари ҳар хил табиий иқлим шароитларида уларнинг қўлланишига боғлиқ ҳолда таснифланади. Яъни, суғориш йўналишига қараб қуйидаги суғориш усуллари алоҳида кўрсатиш мумкин:

- намлантирувчи суғориш (тупроқнинг белгиланган сув режимини ва тупроқ усти ҳаво қатламини таъминловчи);

- чаювчи (зарарли тузларни йўқотиш учун тупроқни чайиш);

- махсус суғориш (ўғитлантириш, иситиш, музлашга қарши, зараркунандаларга қарши кураш учун, дефоляция қилиш мақсадида суғориш ва бошқалар).

Суғоришни ўсимликларнинг ривожланиш даврига қараб 2 та гуруҳга бўлиш мумкин. Яъни, вегетациядан ташқари ёки экишгача ўтказиладиган суғориш ва бир йиллик қишлоқ хўжалик экинларини экишгача ҳамда кўп йиллик ўсимликларнинг вегетация давригача суғориш, шунингдек, вегетация давридаги суғориш.

Қурғоқчил минтақа учун кўпроқ тарқалган суғориш усули бўлиб, тупроқ устидан суғориш ёки томчилатиб суғориш усули қўлланилади.

Таъкидланган, суғориш усуллари самарадорлигига уларнинг қўлланиш шароитларига қараб табиий, агробиологик, хўжалик, иқтисодий ва техник омиллар таъсир қилади. Суғориш усуллари самарадорлигига энг кўп таъсир қилувчи омилларга қуйидагилар киради:

- юқори буғланиш амалий жиҳатдан ёмғирлатиш техникаларининг айрим турларида фойдаланишга тўла имкон бермайди;

- шамол ҳам ёмғирлатиб суғоришга салбий таъсир қилиб, самарадорлигини пасайтириб юборади. Шамол тупроқ усти суғориш усулига ҳам салбий таъсир кўрсатади;

- тупроқнинг сувни юқори тезликда суриб олиши эгатлараро суғориш усули самарадорлигини тушириб юборади;

- тупроқ қатламининг 0,7 м ўлчамдаги тиғизлиги ҳам барча турдаги, ёмғирлатиб суғоришдан ташқари усулларга ўз таъсирини ўтказиши. У бундай қатламнинг намлиги чегараланганлиги билан боғлиқ, шунинг учун амалдаги суғориш меъёрларида суғориш ва суғоришдан кейинги тупроққа ишлов бериш учун меҳнат харажатларини доимий ошириш асосида кам меъёрлардаги кўплаб суғоришни талаб этади.

### **У.Қ.АХМЕДОВ,**

ТИМИ, стажёр-тадқиқотчи-изланувчи

### **Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий асослари ва самарадорлиги**

Қишлоқ аҳолиси уй хўжаликларининг ўз оила аъзолари меҳнатидан фойдаланиб ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш, оила бошлиғига (раҳбарига) ажратиб берилган ер участкасида деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда оила ихтиёридаги чорва молларини ушлаб туриш ҳисобига гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали амалга оширилади. Шу билан бир вақтда уй хўжалиги оила аъзолари бошқа шаклдаги оила тадбиркорлиги ёки яқка тартибда меҳнат фаолияти олиб бориши мумкин.

Аммо, қишлоқ аҳолиси уй хўжаликлари оила аъзоларининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уларни уй шароитида қайта ишлаш билан боғлиқ фаолият олиб боришади. Бу фаолият юридик шахс мақомига эга бўлган ёки унга эга бўлмасдан деҳқон хўжалиги ташкил этиш билан амалга оширилади. Шуни ҳисобга олиб қишлоқ уй хўжаликларида томорқа еридан фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, ўзи етиштирган озиқ – овқат маҳсулотларини истеъмолли ва истеъмолдан ошиқча маҳсулотларни бозорда сотиш, уларга қилинган харажат, олинган даромад ва оила фойдаси даражаси Андижон вилояти Шаҳрихон туманига қарашли қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ) ҳудудларида жойлашган уй хўжаликларида анкета сўровлари орқали ўрганилди. Бунинг учун Абдубий, Пахтаобод ҳамда Гулистон ҚФЙ уй хўжаликлари 8 та гуруҳга ажратилиб, улардан 88 тасида анкета сўровлари ўтказилди.

Анкета сўровлари ўтказишдан қўйилган асосий мақсад – уй хўжалигида оила бюджетини шакллантиришнинг иқтисодий асосини ўрганиш ҳамда томорқа еридан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва оила даромадини ошириш йўллари асослашдан иборат. Сўровномалар натижаларини умумлаштириш қуйидагилардан далолат бермоқда.

1. Бугунги кунда туманда 43,5 мингдан ортиқроқ уй хўжаликлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, хўжалик юритишнинг бу сектоида 2011 йилда 72,2 минг тонна сабзавот, 14,3 минг тонна картошка, 14,5 минг тонна мева, 1,1 минг тонна узум, 6,8 минг тонна гўшт (тирик вазнда), 62,5 минг тонна сут ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу туманда етиштирилган ушбу турдаги жами маҳсулотнинг 65 – 85 фоизини ташкил этади..

Таъкидлаш жоизки, уй хўжаликлари томорқа ерларининг самарадорлиги улардаги мавжуд ер майдонлар ҳажмиба бевосита боғлиқ.

2. Анкета сўровлари ўтказилган Шаҳрихон туманидаги қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ) ҳудудида жойлашган 88 та уй хўжаликларидаги умумий ер майдон 10,77 сотихдан иборат бўлиб, шундан 6,02 сотихи, яъни 55,9% экин майдонлари ҳисобланади. Жами экин экиладиган ер майдонининг 83,9 фоизига картошка, 22,7 фоизига 24,6 фоизига сабзавот ва кўкатлар ҳамда қолган 0,1 фоизига озуқабоп - ер маккажўхори ва бошқа экинлар экилган.

3.Туманда ўртача битта уй хўжалигининг томорқа ери 12,2 сотихни ташкил этади. Шундан туман бўйича ўртача 6,8 сотих ерда деҳқончилик қилинади, унинг қарийб 82 фоизда картошка етиштирилади.

Туман ҚФЙ бўйича бир уй хўжалигига тўғри келадиган ер майдони таҳлили шундан далолат бермоқдаки, Абдубий ҚФЙ бўйича бир уй хўжалигига ўртача 14,8 сотихдан, Пахтаобод ҚФЙ уй хўжаликларида эса ўртча 10,5 сотих ер майдони тўғри келмоқда.

Туман бўйича, ўрганилаётган уй хўжаликларида 2011 йилда ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг жами бозор баҳоларидаги қиймати ўртача 78,44 млн. сўмга тенг бўлган. Яъни 1 сотих экин майдонидан уй хўжаликлари ўртача 130,2 минг сўмлик даромад олган. 1 Абдубий ва Пахтаобод ҚФЙ ҳудудидаги уй хўжаликларида эса, 1 сотих экин майдонидан мос равишда 146,2 ва 193,7 минг сўм даромад олинган.

4.Юқоридаги таққослашлар уй хўжаликларида деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қатор ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Энг аввало, уй хўжаликларида чорва моллар бошини кўпайтиришга кўшимча кўмак бериш лозим ҳисобланади. Бунинг учун уларга дон экинларидан бўшаган ерларга иккиламчи экинлар экишга кўшимча ер ажратиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу тариқа уй хўжаликлари кўшимча сабзавот, картошка ҳамда озуқа учун маккажўхори етиштириш имкониятига эга бўладилар. Суғориш суви ҳамда уй хўжаликлари меҳнат ресурслари етарли бўлган Андижон вилояти шароитида бу масалани самарали ҳал этиш мумкин.

Шу билан бир вақтда, уй хўжаликларини суғориш суви, минерал ўғитлар, ҳашаротларга қарши қўлланиладиган дорилар билан узлуксиз таъминлаш тизимини, унинг хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, уй хўжаликларининг катта иқтисодий салоҳияти ҳамда имкониятлари ҳозиргача тўлиқ ишга солинмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири – аҳоли даромадларини шакллантирувчи бозор механизмларининг етарлича ривожланмаганлиги ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олганда республика ва унинг минтақалари иқтисодиётини янада ривожлантириш учун уй хўжаликларининг кенг имкониятларини жалб этишни фаоллаштириш чораларини амалга ошириш лозим.

**Ш.Х.ЗИЯЕВА,**  
ТИМИ,

### **Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш**

Ҳозирги кунда таълим тизимида талабаларда касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш мазкур жараёнга нисбатан тизимли, мажмуавий ёндашувни тақозо этади. Дарҳақиқат, бўлажак мутахассиснинг самарали фаолият юрита олиш маҳоратига эга бўлиши маълум фан асослари борасида унга етарли назарий ва амалий билимларни беришни ташкил этишга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Шу боис, олий таълимда бўлажак мутахассисни тайёрлашда махсус фанларни ўқитиш жараёнида фанлараро алоқадорлик, назария ва амалиёт бирлиги, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, шунингдек амалий билим кўникма ва малакаларнинг динамикасини инобатга олиш, таълим жараёнида янги ахборот технологиялардан унумли фойдаланишга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда аграр соҳаси таълим муассасаларида махсус фанлар таълимини ахборотлаштиришга педагогик жамоаларнинг етарли тайёр эмаслиги, компьютер ўргатувчи дастурларнинг имкониятлари ҳақида педагог кадрлар тасаввурларининг озлиги, уларни қўллаш бўйича методик ишланмаларнинг камлиги, махсус фанлар бўйича педагог кадрларни ахборот технологиялари бўйича малакасининг етарли эмаслиги кўзга ташланмоқда.

Шу сабабли, таълим жараёнини ахборотлаштириш, олий таълимда махсус фанларни ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг назарий ҳамда амалий асосларини яратиш муҳим масалалардан биридир.

Таълимни ахборотлаштириш, биринчи навбатда қуйидагиларни назарда тутати:

- компьютер техникаси, ахборот ва коммуникация технологияларнинг замонавий воситаларини тизимли ўрганиш, ташкил этиш ва фойдаланишни;
- талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, ўқув ва методик таъминлашни;
- ўқитувчилар томонидан зарурий ўқув-методик таъминотни яратиш бўйича ишларни;
- ахборот технологияларини самарали қўлланилишидан вужудга келаётган янги имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини такомиллаштиришни тақозо этади.

Таълим тизимига илғор педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этиш, таълим муассасаларининг моддий техник базасини ҳолатини танқидий баҳолаш ва такомиллаштиришдаги *асосий вазифалар* қуйидагилардан иборат:

- янги ахборот технологияларини ўқув жараёнига татбиқ этиш учун лозим моддий-техника базасини яратиш;
- ўқув жараёни учун янги ахборотлашган таълим технологияларини яратиш ва қўллаш;
- талабаларни замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида билим ва кўникмаларини шакллантириш;
- таълим тарбия ва ўқитиш жараёнининг самарадорлигини ошириш.

Бинобарин, махсус касб фанлари таълими ўқитувчиларини тайёрлашга хос ўқув жараёнининг етарлича методик ва электрон қўлланмалар билан таъминланмаганлиги ва ўқитувчилар тайёрлашда моддий-техник базанинг етарли даражада эмаслиги, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этишдаги шакл ва методларнинг кам вариантлилиги электрон ўқув услубий мажмуалар яратишга зарурият туғдирди.

**Х.Х.КАРИМОВА,**

ТИИМ, к.э.н.,

### **Методические вопросы анализа влияния размеров землепользования на эффективность производства фермерских хозяйств**

Основной целью экономического анализа является определение тех факторов, которые могут оказывать существенное влияние на изменение зависимой переменной. Ими могут быть как общие для всех отраслей сельского хозяйства факторы, так и специфические для фермерского хозяйства или отрасли производства. Так, в моделях урожайности культур общими для большинства отраслей фермера факторами могут служить плодородие земли, техническая вооруженность, водообеспеченность, затраты удобрений, удельный вес активной части фондов, удельный вес стоимости покупных материалов и др. Сбор исходной информации и её подготовка для проведения расчетов является наиболее трудоемким и ответственным этапом эконометрического моделирования. От полноты и достоверности полученной экономической информации во многом зависят результаты исследования.

Информация для исследования может быть получена в форме выборки:

- временной (информация о группе фермерских хозяйств за отдельный промежуток времени);
- пространственной (информация по группе однородных фермерских хозяйств);

- объединенной пространственно-временной (информация по группе однородных фермерских хозяйств за определенный отрезок времени).

Особое значение для изучения развития экономических явлений по времени и их прогнозирование имеет информация в виде динамических рядов.

Временной ряд образуется из ряда наблюдений взятых через определенные и обычно ровные интервалы времени. Отдельные наблюдения временного ряда называются уровнем ряда. Под интервальными временными рядами понимают ряды, в которых уровни ряда характеризуют изучаемое явление за интервал времени (например, урожайность или объем производства продукции за год). Под моментными рядами понимают, временные ряды, в которых уровни характеризуют явления в определенный момент времени (например, стоимость основных производственных фондов на начало и конец года). И, наконец, под производными рядами понимают ряды динамики, уровни которых характеризуют развитие явления за интервал или на определенный момент времени с помощью средних или относительных величин (например, ряд темпов роста урожайности культур за пятилетний период). Пространственная информация отражает влияние предшествующих периодов времени. В свою очередь она оказывает влияние на формирование информации, которая будет характеризовать изучаемое явление в будущем. В этом выражается динамический характер пространственной информации. Для построения уравнений регрессии трудно выяснить изменение влияния факторов-аргументов во времени. Кроме того, пространственная информация не позволяет учесть запаздывание влияния факторов. В этом заключается ее статичность. Запаздывание влияния можно определить лишь по временным рядам. Определенное распространение получило одновременное использование информации, характеризующей изменение явлений во времени и пространстве, которое позволяет существенно увеличить объем выборки.

К исходной информации в любой ее форме предъявляются следующие требования. Информация должна быть достоверной и достаточно представительной, однородной и иметь определенное количественное выражение.

Временные ряды должны правильно отражать динамику явления и поэтому состоять из однородных сопоставимых величин. Эта сопоставимость достигается в результате одинакового принципа формирования уравнений ряда в различных интервалах времени. Уровни динамического ряда должны выражаться в одних и тех же единицах, методология их расчета для всех периодов времени, охватываемых рядом должны быть одинакова.

Весьма важной и трудной проблемой является обеспечение сопоставимости уровней ряда, представляющих динамику стоимостных показателей. При использовании пространственных выборок, включаемые в выборку совокупности также должны быть сопоставимы и их круг не должен существенно меняться со временем. После получения и первичной обработки статистических данных (или данных наблюдений) можно перейти к отбору и анализу факторов-аргументов методами корреляционного анализа.

Для решения задач анализа и прогноза указанными методами производится выборка данных по результатам экономической деятельности всех (или большинства) фермерских хозяйств определенного производственного типа, расположенных в рассматриваемом регионе (территории). С помощью статистических группировок анализируется влияние площади землепользования на относительные показатели эффективности хозяйств (рентабельность, выход валовой и товарной продукции, валового дохода и прибыли в расчете на 1 га сельхоз угодий и др.).

В качестве оптимальных признаются землевладения фермерских хозяйств, в которых указанные показатели выше. Сформировавшиеся организационно-экономические и хозяйственные механизмы фермерского хозяйства способствуют практической реализации факторов роста эффективности и обеспечивают диверсификацию производства фермерских хозяйств и изменения ассортимента, а также ускорению оборачиваемости фондов и денежных средств и оптимизации размера землепользования и специализации фермерского хозяйства. В целях оценки влияния размера земельных участков на эффективность сельскохозяйственного

производства фермерских хозяйств нами проанализированы изменения показателей путем сопоставления групп хозяйств по размеру земельных участков, прибыли и урожайности зерновых и хлопка.

Как показали данные группировки, по мере возрастания размеров посевных площадей в расчете на одно фермерское хозяйство увеличиваются средние размеры посевов и занятых в них работников. При этом на одного занятого с увеличением размера посевов, возрастает и размер площадей по группам с 3,4 га до 5,2 га, т.е. возрастает нагрузка на одного работника и соответственно возрастает валовой доход и другие экономические показатели.

В целом, сформировавшиеся в нашей республике размеры фермерских хозяйств по производственной специализации, в связи с их укрупнением в некоторой степени соответствуют (или повторяют) структуре фермерских хозяйств зарубежных стран.

Таким образом, в зависимости от производственной специализации, трудоемкости, материалоемкости фермерских отраслей их размеры могут быть разными. Оптимальными среди них могут быть такие размеры, при которых производственные ресурсы фермера будут использованы эффективно.

**Г.ШОДМОНОВА,**  
ТИМИ, и.ф.н., доцент  
**С.П.МАВЛОНОВ,**  
ТИМИ, ассистент

### **Қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экиш далалари бўйича оптимал жойлаштиришни моделлаштириш**

Давлат томонидан олиб борилаётган ислохатларнинг узвий давоми сифатида тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайдиган, физик, агрохимёвий микробиологик хосса ва хусусиятларини ижобий томонга ўзгартирадиган, республика ғўза мажмуасида тупроқ унумдорлиги ва уни муттасил маҳсулот бера олиш қобилиятини оширадиган, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимларини яратиш, шу янги тизимлардан асосий ва такрорий экинларни етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш ҳозирги вақтнинг жуда муҳим ва долзарб масаласидир.

Ғўза мажмуидаги экинларни алмашлаб экиш тизимлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларини кўрсатишича, экинларни ўзаро алмашлаб экилиши тупроқнинг агрофизикавий хоссаларига ижобий таъсир этганлиги аниқланган.

Қаралаётган мақолада, агар хўжаликда алмашлаб экиш даласи ташкил қилинган бўлиб, алмашлаб экиш даласидаги экинларнинг улуши ва ҳар бир алмашлаб экиш даласининг 1 гектаридан олинандиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва сарф қилинадиган ресурслар нормаси берилган бўлса, у ҳолда алмашлаб экиш даласи учун оптимал экин майдонини ва ҳар бир дала бўйича ажратилган экин учун оптимал майдонни аниқлаш мумкинлиги, кўрсатилган.

Бунинг учун қўйилган масаланинг математик модели тузилиб, танланган объект бўйича маълумотлар билан тўлдирилиши керак. Объект ва математик моделнинг белгилари орасида муносабатлар ўрнатиш учун қуйидаги белгилашлар киритилади:  $a_{ij}$  - 1 га ер учун  $i$ - турдаги ресурснинг  $j$ -турдаги экин учун сарф қилинган нормаси  $Q_t$  -  $t$  - экинлар гуруҳидаги маҳсулот ишлаб чиқаришдаги зарур бўлган минимал ўлчам.

$$V_{jk} \text{ -к-алмашлаб экишдаги } j\text{-экиннинг улуши, бу ерда } \sum_j v_{jk} = 1 \quad 0 \leq v_{jk} \leq 1 ; k\text{-}$$

алмашлаб экишлар сони ( $k=1,2,\dots$ );  $j$ -экинлар тури ( $j=1,2,\dots$ );  $j_t$  -экинлар гуруҳи тўплами;  $i$ -ресурслар тури ( $i=1,2,\dots$ );  $t$ - экинлар гуруҳи индекси;  $X_k$  -  $k$ -алмашлаб экиш учун ажратилган экин майдони;  $C_{jk}$  -  $k$ -алмашлаб экишдаги 1га  $j$ - тур экинни экиш самарадорлиги;  $B_i$  - $i$ -турдаги ресурсларнинг ҳажми;  $q_{jk}$  - $k$ -алмашлаб экишдаги  $j$ -экиннинг ҳосилдорлиги.

Математик нуқтаи назаридан бу масала чизиқли программалаштириш масаласига киради. Шундай қилиб алмашлаб экишни ташкил қилиш масаласининг кўриниши умумий ҳолда қуйидагича бўлади: шундай  $X = (x_1, x_2, \dots, x_n)$  ларни топиш керакки, натижада мақсад

функция  $Z = \sum_K \sum_j c_{jk} v_{jk} x_k$  максимал бўлсин ва қуйидаги тенгсизликларни қаноатлантирсин.

$$\sum_K \sum_j a_{jk} v_{jk} x_k \leq B_i (i = 1, \dots, I),$$

$$\sum_K \sum_{j \in J_t} q_{jk} v_{jk} x_k \geq Q_t (t = 1, \dots, T), x_k \geq 0,$$

Моделда объектнинг элементлари ва математик микдорлари орасидаги муносабатлар ўрнатишнинг маълум қонуниятлари ишлатилган бўлгани учун моделнинг мос келишини текширишга зарурият қолмайди.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, ғўза–кузги бугдой алмашлаб экиш тизимларини турли звеноларида кузги бугдойдан сўнг такрорий экин сифатида дон–дуккакли экинлар экилиши тупрокдаги гумус ва азот мувозанатини сақлайди, айрим ҳолатларда эса оширади.

**С.С.МИРЗАЕВ,**  
ТИМИ, доцент

### **Фермер хўжаликлари ривожланишига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш**

Фермер хўжаликлар ривожланишини рағбатлантирувчи асосий омиллардан бири, молиявий ресурслардир. Улар ўзининг фаолияти жараёнида бошланғич капиталнинг (ишлаб чиқаришни ташкил қилишга ва бозорга кириш тўсиқларини енгишга имкон берувчи) танқислиги муаммоси, шахсий воситалари (ривожланиш ва рақобатбардошликни таъминлаш учун), банкдан кредитлар олишнинг қийинчиликлари билан тўқнаш келишади. Зарур бўлган инвестиция ресурсларининг мавжуд бўлмаслиги маҳсулотни ишлаб чиқариш кўламини пасайтиради, шу билан бирга уларнинг банкрот бўлишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам фермер хўжалиklarининг инвестиция омили таъсиридан боғлиқлигини динамик таҳлил қилиш энг долзарб масаладир.

Бунда дифференциал тенгламалар асосида инвестициялар кўлами билан хўжалик фаолияти ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиш хўжалик раҳбарининг фаолиятга оид узоқ ва қисқа муддатларга мўлжалланган қарорлар қабул қилишида муҳим амалий аҳамиятга эга бўлади.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакли сифатида, ташқи инвестиция қатнашган динамик моделни қараб чиқамиз. Бу моделда қуйидаги гипотезалар ишлатилган:

- фермер хўжалиги ўзининг ички манбалари (олган фойдаси), ҳамда инвестиция кўринишидаги ташқи молиявий қўллаб-қувватлаш ҳисобига ҳам ривожланиши мумкин, деб фараз қилинади;

- асосий ишлаб чиқариш фондлари маҳсулот етиштиришни аниқлайдиган бирдан-бир лимитланган далил ҳисобланади;

- фермер хўжалиги ўзгармас технология асосида фаолият кўрсатади.

Юқоридаги шарт-шароитлар асосида ишлаб чиқариш фаолияти бир омилли ишлаб чиқариш функцияси кўринишида ифодаланади.

Фермер хўжалигининг асосий ўзгарувчилари орасидаги боғланиш модели қуйидаги дифференциал тенглама орқали ифодаланган:

$$\frac{dA}{dt} = aA(t) + I(t)$$

Бу ерда  $a = f\hat{a}$  дан иборат,  $\hat{a}$  эса, ишлаб чиқаришдаги маҳсулот таннархи улушининг нархдаги ифодаси, солиқ ставкалари, соф фойда улушлари ва ҳ.к. лардан боғлиқ бўлган параметр.

$f$  - фондларнинг қайтиши;

$A(t)$  - асосий ишлаб чиқариш фондаларининг нархи;

$I(t)$  - фермер хўжаликларига ёрдам сифатида берилган ташқи инвестиция миқдори.

$I(t)$  инвестиция динамикасининг фермер хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мумкин бўлган учта стратегиясига мос келувчи учта тури мавжуд:

- доимий – ҳар бир берилган муддат учун инвестициянинг белгиланган ҳажми;

- чизикли ўсувчи  $\beta > 0$  инвестициянинг ўсиш суратига қараб;

- ўсувчи –  $\beta > 0$  ўртача сурат билан, лекин чизиксиз қонуният билан ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг минимал даражаси билан ( $I(0) = \text{юқори } t = 0$  бўлганда).

Шундай қилиб қуйидагилар ҳосил бўлади:

$$I(t) = I_0 = \text{const};$$

$$I(t) = \beta t;$$

$$I(t) = \exp\{\beta t\}$$

Таклиф этилаётган модел фермер хўжалиги фаолиятининг энг муҳим жиҳатларини ифодалайди. Моделнинг асосий мақсади, фермер хўжаликлари динамикасининг асосий қонуниятлари, тенденция ва ривожланиш стратегияларини ташқи муҳит ўзгарувчан параметрларидан ҳамда ички бошқарув параметрларидан боғлиқлигини ифодалашдан иборатдир.

## И.А.ХОЛМИРЗАЕВ

ЎзБИИТИ, и.ф.н., к.и.х., лойиҳа раҳбари,

### Қишлоқ хўжалигида молия-кредит ва суғурта тизимини модернизация қилишининг илмий-назарий асослари

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг энг устувор йўли – деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришда интенсив агротехнологияларни қўллаш, соҳани том



маънода модернизация қилишдир. Ушбу масала бўйича Республикамиз Президенти: «Биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодийтимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда»<sup>40</sup>, дея таъкидлаган эди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини илғор техника ва технологиялар асосида модернизация қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада янги қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва соҳада замонавий, ресурс тежовчи агротехнологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш, қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилишда бу жараёнга давлат бюджети малағларини тижорат банклари, хўжалик юритиш субъектлари, қишлоқ хўжалиги лизинги билан шуғулланувчи субъектларни кенг жалб қилган ҳолда қисқартириб боришга устувор вазифа сифатида ёндошилмоқда.

Бугунги кунда модернизация тушунчаси илм-фан ва амалиётда кенг қўлланилмоқда. Модернизация грекча сўз бўлиб, *moderne* – энг янги деган маънони англатади.

Иқтисодийга оид адабиётларда модернизацияга турлича таърифлар келтирилган. Хусусан, россиялик олим И.В. Побережников томонидан “модернизация - жамият ривожланишининг анъанавий ҳолатидан бошқа замонавий ҳолатига ўтишдир”<sup>41</sup> деб ифода этилган.

Р. Бендик томонидан “модернизация деганда – ижтимоий ўзгаришнинг тури тушунилади, у сиёсий-иқтисодий жараёнлар билан яқунланади”<sup>42</sup> деб ифодаланган.

Иқтисодий луғатда “модернизация - сифат кўрсаткичлари, техник шартлари бўйича янги талаб ва меъёрларга мос ҳолда объектни янгилаш, яхшилаш ва такомиллаштиришдир” ва “асосан машиналар, ускуналар ва технологик жараёнлар модернизацияланади”<sup>43</sup> деган талқинда ифодаланган.

Модернизация – умумий тизимни ўзгаришига асос ҳисобланувчи, жамият ривожланишининг тарихий тизимини алоҳида элементларини прогрессив ўзгариш жараёнидир<sup>44</sup>.

Модернизацияни амалга ошириш учун икки субъект - биринчиси, ривожланишнинг ҳозирги ҳолатига нисбатан илғор бўлган, эришилган аниқ ютуқларини таклиф этувчилар, иккинчиси, ушбу ютуқларни потенциал қабул қилувчилар ўзаро алоқада фаолият юритиши лозим.

Модомики, модернизация янги механизмларни жорий этиш экан, албатта қишлоқ хўжалигини ривожланишини таъминловчи барча тизимлар хусусан, соҳада амал қилаётган молия кредит ва суғурта муносабатларини ҳам модернизациялаш талаб этилади.

**Қишлоқ хўжалигида молия-кредит ва суғурта муносабатларини модернизациялаш деганда** - молия-кредит ва суғурта тизими бўйича қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминловчи эркин иқтисодий муносабатлар ва бозор шароитларига мос бўлган, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган, ташкилий тадбирлар ва янги замонавий механизмларни амалиётга жорий этиш тушунилади.

Бугунги кунда республика қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган субъектларни молиялаштириш ва кредитлаш тизимини модернизациялашнинг объектив зарурлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер ва дехқон хўжаликлари

<sup>40</sup>Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Тошкент. «Ўзбекистон», 2011. –Б. 26.

<sup>41</sup> Побережников И.В. Модернизация: теоретические и методологические проблемы // Экономическая история. Обзорение / Под ред. Л.И.Бородкина. Вып. 7. М., 2001. С. 163-169.

<sup>42</sup> Цапф В. Теория модернизации и различия путей общественного развития // Социологические исследования. – 1998. - № 8. – С.15.

<sup>43</sup> <http://slovari.yandex.ru>

<sup>44</sup>О.Ганжа. Коллективизация сельского хозяйства –модернизация или ...?. <http://www.history.org.ua/JournALL/pro/13/15.pdf>

фаолиятида таваккалчилик даражасининг юқорилиги, ва аксинча гаров мажбуриятларининг кучсиз эканлиги сабабли тижорат банклари томонидан уларни кредитлаш салмоғининг пастлиги;

- фермер ва деҳқон хўжалиklarини кредитлашда лойиҳа ҳажмининг 120 фоизига тенг миқдордаги гаров мулкининг йўқлиги;

- фермер хўжалиklarини ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ва бўлғуси ҳосилни гаровга қўйган ҳолда кредит олиш механизмини амалда тўлиқ ишламаслиги;

- халқаро кредит линияларини жалб қилиш бўйича қўйилган талабларига асосан фермер ва деҳқон хўжалиklarида лойиҳа ҳажмининг 25 фоизига тенг хусусий капиталнинг йўқлиги;


- хорижий инвесторлар кредит линиялари бўйича энг кам кредит миқдори 50 минг АҚШ долларини ташкил қилиши сабабли, фермер ва деҳқон хўжалиklarи томонидан шу миқдоргача бўлган асбоб-ускуналарни кредит орқали ҳарид қилиш имкониятига эга эмаслиги.

Шу билан бирга республикамызда шаклланган тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлашнинг амалдаги тизими, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи фермер ва деҳқон хўжалиklarини бошқа тармоқлардаги тадбиркорлик субъектлари билан тенг шароитга қўймоқда. Яъни, саноат йўналишидаги кичик корхоналарда тижорат банкларидан олинган кредитларнинг қайтими қисқа муддатларни ташкил этиб, фоиз ставкаларини (қарзларни) тўлаш имконияти мавжуд.

Аммо, фермер ва деҳқон хўжалиklarида ишлаб чиқаришга сарфланган молиявий маблағлар қайтими (даромад олиши) йил якуни билан боғлиқ. Чорвачилик билан шуғулланаётган тадбиркорлар эса 2-3 йилдан кейингина даромад олиб, сарфланган харажатларни, шу жумладан банк кредитларини ёки кредит фоизларини қайтариш имкониятига эга.

Ушбу масалалар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида молия-кредит тизимини бозор муносабатлари талабларига мос ҳолда модернизациялаш ва такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор беришни тақозо қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фермер ва деҳқон хўжалиklarи фаолиятида молиялаштириш, кредитлаш ва суғурталаш тизимини такомиллаштирилиши, моҳияти ва аҳамиятига кўра, бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган қуйидаги иқтисодий, ижтимоий ва экологик масалаларни ҳал қилиш имконини беради (1-расм).



**1.1- расм. Қишлоқ хўжалигида молия, кредит ва суғурта тизимини модернизациялашнинг зарурлигини ифодаловчи омиллар ва ижобий жиҳатлари**<sup>45</sup>

Назарий жиҳатдан олиб қараганда, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятининг асосини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташкил этади. Республикамизда фермер ва деҳқон хўжаликларини молиялаштириш ва кредитлаш тизимида улар фаолиятини иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги тадбиркорлик субъектларидан ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим (1-жадвал).

<sup>45</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган

**Фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятининг ўзига ҳос хусусиятлари ва уларни молия кредит ва суғурта тизимига таъсири<sup>46</sup>**

Фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятининг ўзига ҳос хусусиятлари	Молиялаштириш, кредитлаш ва суғурталаш тизимига таъсири
Қишлоқ хўжалигини юритиш тизимининг самарадорлиги киёсий жиҳатдан бошқа турдаги хўжалик юритиш шакллариға нисбатан устунликларға эға бўлган хусусий мулкчиликка асосланган фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятиға боғлиқ бўлиб, улар ўзи якка ҳолда йирик ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қила олмайди, шунинг учун ҳам у бозорға ўз таъсирини ўтказа олмайди;	Бозорға якка ҳолда таъсир ўтказа олмаслиги натижасида фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан сотувға чиқарилган маҳсулотдан оладиган даромади унга сарфланган харажатларни қопламаслик хавфи юқори бўлади. Бу эса олинган бўнақ учун маҳсулот тўлиқ ҳажмда бериш ва кредитларни устама фоизалари билан бирға қайтариш имконини бермайди. Шу билан бирға такрор ишлаб чиқаришни таъминлай оладиган даражада даромад олинмаслиги бевосита суғурта таваккалчилиги хавфини юқори бўлишиға олиб келади.
Фермер хўжаликларининг асосий қисми янги ташкил этилганлиги сабабли уларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари этиштириш ва кредит ресурслари билан ишлаш бўйича билим ва малакаларининг етарли даражада эмаслиги.	Фермер хўжаликлари раҳбарларини ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан билимини юқори эмаслиги натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кредитлаш ва суғурталаш бўйича қабул қилинган қарорлар ва ишлаб чиқилган тартибларни моҳиятини тўлиқ англаб этишмаяпти. Бу эса ўз фаолиятиға имтиёзли кредитларни жалб этиш ва ишлаб чиқариш таваккалчилиги хатарини суғурталашни ташкил этилмаслигиға олиб келмоқда
Фермер ва деҳқон хўжаликларида аксарият ҳолларда молиявий натижалар йил охирида маҳсулот сотилгандан сўнг ҳисобланиши ва бир йилда фақат бир маротаба даромад олинини.	олинган кредитларни фоизини ва танини қайтариш банклар томонидан аниқ график асосида чораклар ёки ойлар бўйича қатъий белгилаб қўйилади. Бу эса хўжаликларда олинадиган даромад муддатларига тўғри келмайди ва ўз фаолияти кредитларни жалб этишни чегаралаб қўймоқда.
Фермер ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулот кейинги ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиши, ички истеъмолға ва фермер хўжалиги аъзоларига натура шаклида иш хақи тўлашға йўналтирилиши.	Бу ҳолат фермер ва деҳқон хўжаликларини маҳсулот ишлаб чиқаришдан оладиган даромадларини юқори бўлишини маълум миқдорда чегаралайди. Бу эса ўз навбатида олинган кредитлар қайтариш ва суғурта мукофотлари учун тўловларни амлага ошириш имкониятларини қисқартиради.
Фермер хўжаликларининг асосий қисмини молиявий жиҳатдан нобарқарорлиги.	Молиявий нобарқарор хўжаликларни молиявий муассаслар томонидан кредитлар ажратишға хошиш ва истаклари йўқ бўлмоқда. Шунингдек, хўжаликлар суғурта қилинадиган объект қийматининг маълум фоиизи миқдорида суғурта мукофотини тўлашға қодир бўлмаётирлар
Деҳқон хўжаликлари фаолиятида ижтимоий, маънавий хатарларнинг мавжудлиги, яъни, ўз хўжалик фаолиятини ўзгартириши бўйича қарорлар қабул қилиши ёки бошқа жойға кўчиб кетиши.	Банклар томонидан назоратни доимий ташкил этиш имкони йўқлиги, олинган кредитлардан белгиланган мақсадлардан бошқа йўналишларда фойдаланиш хавфини юқорилиги сабабли банклар майда деҳқон хўжаликларини кредитлашни хохламаслиги. Шунингдек деҳқон хўжаликларини ижтимоий манавий хатарларни суғурта қилиш механизми ҳам бугунги кунда тўлиқ ишламаётир.

Ушбу хусусиятлар қишлоқ хўжалигида амал қилаётган молиялаштириш, кредитлаш тизими билан бирға суғурталаш тизимини ҳам модернизация қилишнинг заруриятини келтириб чиқаради.

Қишлоқ хўжалигида суғурта тизими соҳа ишлаб чиқаришида мавжуд хатарларни камайтиришни таъминловчи энг самарали ва кенг тарқалган дастак бўлиши ва аграр соҳани молиявий барқарорлигини таъмин этиши лозим.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида шаклланган суғурталаш тизими соҳани барқарорлигини таъминлашнинг иқтисодий дастакларидан бири сифатида тўлиқ номоён эта олмаяпти. Бунга қуйидаги хусусиятларға эға бўлган омиллар ўзининг таъсирини кўрсатмоқда:

-қишлоқ хўжалиги суғуртасининг юқори даражада хатарлилиги натижасида суғурта

<sup>46</sup> Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган

компаниялари томонидан аграр соҳа суғуртасига катта эътибор берилмаслиги;

- маънавий хатар муаммосининг ўта кескинлиги;

- потенциал суғуртачилар (фермер ва деҳқон хўжаликлари) сонининг кўплиги ва тарқоқлиги;

- хўжалик субъектларининг молиявий имкониятларининг чегараланганлиги ва бошқ.

Буларнинг барчаси аграр суғурта бозорига янги компанияларининг кириб келишини чеклаш билан биргаликда, суғурта хизматлари нархини ошириб, қамровини кенгайтиришга тўсқинлик қилмоқда.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер ва деҳқон хўжаликларининг молиялаштириш, кредитлаш ва суғурталашда тармоқ ишлаб чиқаришини ва хўжалик юритувчи субъектларни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бизнингча, қишлоқ хўжалигида молия-кредит ва суғурта тизимини иқтисодий эркинлаштириш нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги йўналишларда модернизациялаш лозимлигини талаб этмоқда:

**1. Маҳсулот етиштириш харажатларини қоплаш ва айланма маблағларни тўлдиришни молиялаштириш ва кредитлаш йўналишида:**

- давлат эҳтиёжлари учун харид қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини ва ушбу маблағлардан фермерларни эркин фойдаланишини таъминлаш лозим. Бу ҳолат қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи тармоқларни молиявий - иқтисодий ҳолатини яхшилашнинг асосий мустаҳкам омили ҳисобланади;

- фермер ва деҳқон хўжаликларида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар асосан етиштирилаётган маҳсулотни гаровга қўйган ҳолда 12-18 ой муддатга, имтиёзли фоиз ставкалари асосида, қайта молиялаштириш ставкаларидан юқори бўлмаган ҳолда берилишини таъминлаш;

- фермер ва деҳқон хўжаликларининг ўз маблағлари билан банк маблағларини шерикчилик асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш ҳамда кредитларнинг устама фоизларини маҳсулот билан олиш (тўлаш) орқали банкларни ишлаб чиқаришда қатнашишини таъминлаш;

- фермерларни кредитга бўлган талабини қондириш учун қишлоқ жойларда фермерлар иштирокида кредит уюшмаларини ташкил этишни рағбатлантириш. Кредит уюшмаларини ташкил қилишнинг дастлабки даврида давлат томонидан бошланғич сармояни шакллантириш, солиқ соҳасида имтиёзлар бериш орқали қўллаб-қувватланишини йўлга қўйиш лозим.

**2. Асосий воситаларни тиклаш, техника ва асбоб-ускуналар харид қилиш, қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришни молиявий маблағлар билан таъминлаш йўналишида:**

- тижорат банклари томонидан аграр соҳага ажратилаётган узоқ муддатли кредитларни 40 фоизини қишлоқ хўжалиги корхоналарига, 30 фоизини қишлоқ хўжалигини техника воситалари билан таъминловчи тармоқ корхоналарига (АСМнинг 1-соҳаси), 30 фоизини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ва тайёрловчи корхоналарга (АСМнинг 3-соҳаси) берилиши мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда кредит маблағларини соҳалар бўйича ажратилиши турлича бўлиши мумкин. Аммо, мавжуд ҳолатни ҳисобга олиб, таклиф қилинаётган нисбатда ажратилиши қуйидаги афзалликларга эга бўлади. АСМнинг 1-соҳасини имтиёзли кредитлар билан таъминланиши қишлоқ хўжалигини нисбатан арзон техника воситалари ва ускуналари билан таъминлаш, АСМнинг 3-соҳасига имтиёзли кредит ресурслари ажратилиши қишлоқ хўжалиги томонидан сотилган маҳсулотлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, маҳсулотларни баҳосини деҳқон ва истеъмолчи зарар кўрмайдиган даражада ушлаб туриш, мавжуд хомашёни юқори технологиялар асосида қайта ишлаш имконини беради.

- хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, фермер ва деҳқон хўжаликларини узоқ муддатга ижарага ва умрбод фойдаланишга ер майдонига бўлган ижара ва эгалик ҳуқуқини ҳамда мол-мулкни гаровга қўйган ҳолда узоқ муддатли маҳсус қафолатланган йиллик фоизлари

пасайтирилган (10-12 фоиз) кредитлаш механизмини жорий қилиш зарур. Кафолатланган кредитлар муддатлари – ресурслар сотиб олиш учун 7 йил, машина-ускуналар, техника сотиб олиш, илғор технологияларни жорий қилиш, асосий воситаларни тиклаш учун 15 йил ва кўчмас мулк сотиб олиш ёки қуришга 30 йил қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ.

**3.** Ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ирригация-мелиорация тизимларини таъмирлаш учун кредит ресурслари ажратиш йўналишида:

- фермер ва деҳқон хўжаликлари ерларини мелиоратив ҳолатини яхшилашга ва ирригация-мелиорация тизимларини таъмирлашга узоқ муддатли (12-15 йил), имтиёзли (8-10%) кредитлар ажратишни таъминлаш лозим. Кредитни қайтариш муддатларини янги ўзлаштирилган ерлар учун 5-йилдан, мелиоратив ҳолати яхшилланган ва ирригация-мелиорация тизимлари таъмирланган ерлар учун 3-йилдан бошлаб белгилаш лозим;

- ерларнинг унумдорлигини оширишга йўналтирилаётган хорижий инвестициялар ва узоқ муддатли кредит ресурсларини фермер хўжаликларига тўғридан-тўғри жалб этиш тизимини жорий этиш лозим.

**4.** Қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизимини модернизациялаш йўналишида:

- қишлоқ хўжалигида хатарларни суғурталаш соҳасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи, суғурта мақсадлари, турлари, объектлари, таърифи, суғурта мукофотлари, қопламаларни тўлаш тиартиблар, суғурталашда ишчирик этувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, суғурта бозори ишчирикчилари, давлатнинг қўллаб қуватлаш механизмларини белгилаб берувчи “Қишлоқ хўжалигида суғурта тўғрисида”ги махсус қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

- суғурталашда рақобатни ривожлантириш, аграр суғурта бозорида ишлайдиган компаниялар учун бир хил бўлган қишлоқ хўжалиги суғуртасини содда ва ошқора қоидаларини жорий этиш;

-қишлоқ хажалиги корхонларида суғурталанган объектлар учун тўланаётган суғурта мукофотларини бир қисмини давлат томонидан компенсациялаш тадбирларини амалга ошириш;

- давлат эҳтиёжларини учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиялаштиришда фермер хўжаликларига тижорат банклари томонидан бериладиган имтиёзли кредитларнинг гаров таъминотининг кафолати сифатида бўлғуси олинладиган ҳосилни тўлиқ суғуртлаш тизимини мажбуран жорий этиш ва бунга тўланадиган суғурта мукофотларини тижорат банклари мажраси ҳисобдан қоплашни амалга ошириш;

-қишлоқ хўжалиги суғурта бозорига давлат инвестицияларини жалб этиш ва бунини янги, ноананавий суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқишни қўллаб қувватлашга, ишлаб чиқарувчиларни ва суғурта ходимларини малқасини оширишга, экинларни ҳолатини мониторингини олиб боришга ва зарарларни баҳолашнинг стандарт қоидаларини ишлаб чиқишга йўналтириш мақсадга мувофиқ.

**Ш.А.РАХМАНОВ,**

СамСХИ, и.ф.н., доцент

**Д.РАХМОНОВ,**

СамСХИ, и.ф.н., доцент

### **Сокращение численности работников – основа роста производительности труда в сельском хозяйстве**

Современный этап развития сельского хозяйства Узбекистана характеризуется интенсивным расширением межотраслевых связей, интеграцией сельскохозяйственного и промышленного производства. Произошли изменения в формах хозяйствования, организации производства и труда. За последние годы аграрное производство развивается относительно высокими темпами. Среднегодовые объемы прироста валовой продукции сельского хозяйства за последние 10 лет составляет более 6%.

Однако, удельный вес занятых в сельском хозяйстве остается высокой, а производительность труда низкой. Так, в 1991 г. удельный вес занятых в этой отрасли составляло около 40% от всего занятого трудоспособного населения в отраслях экономики, а к 2011г. она снизилась до 25%, и поэтому производительность труда в этой отрасли возросла незначительно (9%).

Для повышения производительности труда принципиальное значение имеет решение проблемы дальнейшего сокращения численности занятых в сельском хозяйстве. Такое сокращение закономерная тенденция развития этой отрасли. Данной проблеме противостоит - проблема обеспечения занятости сельского населения. Обе эти проблемы можно решить на отраслевом и государственном уровнях. По данным министерства труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан в 2011г. в стране имелось 17309,8 тыс. трудовых ресурсов, а численность занятых 11919,1 тыс.чел. что составляет почти 69% от всей численности трудоспособных, уровень безработицы составлял 5,0%.

За последние годы правительством республики уделяется особое внимание проблеме занятости, особенно в сельской местности. Только в 2011 г. в республике создано более 900 тыс. новых рабочих мест, в.т.ч. почти 68% из них в сельской местности.

За 2007-2011гг.удельный вес занятых в аграрном секторе сократился с 40% до 25%. Однако, за эти годы численность занятых в фермерских хозяйствах увеличилась на 11,6%. Этот рост произошел за счет организации новых фермерских хозяйств по таким направлениям, как птицеводство, рыбоводство и пчеловодство.

В целях дальнейшего сокращения численности занятых и повышения производительности труда в аграрном секторе экономики особое внимание уделяется вопросам модернизации, технического и технологического обновлению производства. К 2006г. в республике основную часть сельскохозяйственной техники составляли устаревшие трактора и комбайны.

Модернизация и техническое перевооружение сельскохозяйственного производства способствует сокращению численности занятых и росту производительности труда в сельском хозяйстве.

Другой мерой по сокращению численности работников в сельском хозяйстве является смягчение сезонности использования трудовых ресурсов отрасли.

Внутри сельского хозяйства эта задача решается путем комбинирования производства, т.е. рационального сочетания сельскохозяйственных культур и отраслей с несовпадающими сроками производства.

Другим направлением сокращения трудовых ресурсов в отраслях сельского хозяйства является диверсификация отраслевой структуры производств и развитие несельскохозяйственной видов деятельности.

Основные направления повышения занятости сельского населения:

- ускорение процесса модернизацию отраслей сельского хозяйства;
- организация переработку и хранения овоще-фруктовую и мясо-молочную продукцию в фермерских хозяйствах;
- развитие тепличного и парникового хозяйства в дехканских хозяйствах;
- развитие производственную и социальную инфраструктуру в сельской местности;
- развитие сервисных услуг, в.т.ч. агротехнических, агрохимических, зооветеринарных, консалтинговых и др.

**И.М.ҒАНИЕВ,**  
СамҚХИ, и.ф.н., доцент,

**О.ЮНУСОВ,**  
СамҚХИ, ассистент

**А.ИСМОИЛОВ,**  
СамҚХИ, ассистент

## **Қишлоқ хўжалигида инвестицион муҳитни яхшилаш асосида таркибий қайта тузилишни тезлаштириш имкониятлари**

Глобал ривожланиш шартлари ва мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ривожланаётганлиги республикамиз қишлоқ хўжалигида ҳам туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ҳаётий муҳим ва юқори самара бериши мумкин бўлган соҳаларга инвестицияларни жалб қилиб, бозор муносабатларини чуқурлаштиришга доир ислохотларни чуқурлаштиришни тақозо қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг унумдорлик даражаси кўпгина малакатлар билан солиштирганда нисбатан яхшилигига соҳада давлат ва маҳаллий ҳукумат вакилларининг аралашуви ва ёрдамларининг (айниқса, пахта ва ғалла учун) юқори даражада бўлиши сабаблилиги сир эмас. Қишлоқ хўжалиги самарадорлигига давлатнинг таъсири катта рол ўйнасада, кўпчилик тармоқларнинг халқаро бозорларда рақобатбардош ривожланиши имкониятлари мавжуд бўлиб, айрим соҳаларда эса ўз салоҳиятини намоён қилиш учун етарли шарт-шароитлар яратилмаган.

**Подытоживая проведенные исследования по изучению состояния организационных аспектов проведения экспортных операций сельскохозяйственной продукции**, можно сказать, что политика импортозамещения в республике действовала небольшой период и себя не оправдала. Поэтому политика была пересмотрена в сторону экспортоориентирования. Этого можно видеть в отраслях легкой промышленности, пищевой промышленности и в сельском хозяйстве. Именно рост объема экспорта продукции по этим отраслям становится возможным движущим рычагом в развитии отраслей. Это прежде всего способствует выходу во внешний рынок готовой продукцией, а не сырьем.

**Вторым важным фактором** в экспортоориентированной политике является повышение качества продукции, так как во внешний рынок необходимо и можно выйти только с продуктами высокого качества. При импортозамещении продукции больше ориентировано на пополнение внутреннего рынка, где вопросы качества не так жестко ставятся, как при выходе на внешний рынок.

**Третьим важным фактором** экспортоориентированной политики является повышение конкурентоспособности продукции. Во внешний рынок нельзя выходить с любой продукцией,

хотя даже если она является конкурентоспособной, необходимо выходить с продукцией пользующейся спросом, т.е. появляется необходимость систематической диверсификации производимой продукции с учетом потребности внешнего рынка. Следует производить продукцию пользующуюся спросом и обладающая конкурентоспособностью.

Поэтому переход от политики импортозамещения к экспортоориентированной политике явился важным фактором улучшения качества продукции и увеличение экспортного потенциала сектора. Однако необходимо выявить факторы препятствующие на экспортоориентацию на макро и микро уровнях, чтобы полнее использовать конкурентные

**Т.Р.ФАЙЗУЛЛАЕВА,**  
ЎзБИИТИ, и.ф.н., етакчи илмий ходим  
**З.Х.САБУРОВА,**  
ЎзБИИТИ, илмий ходим

### **Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий шароитлари**

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг **экссклюзив** тажрибаси миллий иқтисодиёт тизими барпо этилишининг нафақат ўзига хослиги, балки уни воқеликка татбиқ этган ҳолда бошқа мамлакат ва халқлар ижобий тарихий тажрибасига мослашув қобилиятини ҳам акс эттиради. Бизнес ва тадбиркорлик категориялари моҳиятининг рестроспектив таҳлили ҳозирги воқеликда нафақат маълум далиллар, балки ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда шаклланувчи ҳуқуқий асос, алломаларнинг ғоя ва қарашлари умумий йўналишини белгилади.

Бизнес ва тадбиркорликнинг мамлакат ривожланишидаги замонавий ўрни ва роли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишидаги маърузасида аниқ белгилаб берилган: “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимиз, унинг фаровонлиги, мамлакатимизнинг ҳозирги ва келгуси ривожига мустаҳкам асос бўлиши керак”<sup>49</sup>.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунлариданоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим устуворлик ҳисобланади. Республикада тадбиркорлар учун имтиёзлар ва қулайликлар, қулай шароитлар яратилди, чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, иш ўринларини яратиш ва бандлик муаммосини ҳал этиш, даромадларнинг ортиши ва аҳоли фаровонлиги юксалишида тадбиркорликнинг ролини ошириш шундай тасдиқланадики, кичик бизнес субъектлари томонидан ялпи ички маҳсулотнинг 2000 йилдаги 30%ига нисбатан 2010 йилда қарийб 50% ишлаб чиқарилган.

Тадбиркорлик давлат ва жамият ҳаётига таъсир этувчи турли кўринишга эга ҳодиса ҳисобланади. Бу фаолият соҳаси жамоа онгида ва амалиётда нафақат товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, балки саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилишга инвестициялар киритиш билан боғлиқ.

Тадбиркорлик жамиятнинг ҳамма соҳалари билан ўзаро узвий боғлиқ, шунинг учун унинг ривожланиши ҳозирги иқтисодий шароитлар нуқтаи назаридан қуйидагича бўлиши керак:

<sup>49</sup> Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилишга қаратилган ислохотларни изчил ривожлантириш - ривожланишимизнинг ҳал этувчи омили. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2010 й. 08.12. №236, 1-б.

иктисодий жиҳатдан асосланган; ишлаб чиқариш тизимига мантиқан кириши; режали иқтисодиётдан устунликни намоиш этиши; моддий ва молиявий ресурслар, фан-техника тараққиёти ютуқларидан янада самарали фойдаланишга кўмаклашиши; меҳнат унумдорлиги ортишини кўрсатиши.

Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига самарали таъсир этиш имкониятига эга динамик ривожланувчи тузилма сифатида кўриб чиқиш лозим.

Ўзбекистонда тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун уни нафақат назарий англаш ҳамда унинг ижтимоий-маданий, миллий-тарихий хусусиятларини ўрганиш, балки келажакда бу секторнинг ривожланиши учун қонунчилик-ташқилий шарт-шароитларни шакллантиришда уларнинг ҳисобини юритиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишни меъёрий-ҳуқуқий таъминлаш асоси ҳисобланиб, унинг 53-моддасида шундай қоида мавжудки, *давлат истеъмолчи ҳуқуқи устуворлиги, тенглик ва турли мулк шакллари*нинг ҳуқуқий ҳимоясини ҳисобга олган ҳолда *иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди*. Конституцияга мувофиқ, *хусусий мулк, турли мулк шакллари билан бир қаторда дахлсиз ва давлат томонидан ҳимояланади*.

Мулкдор қонунда кўзда тутилган тартиб ва ҳолатларда ундан маҳрум қилиниши мумкин. Бу Конституция қоидалари тадбиркорликни тартибга солувчи қонунчиликни ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов: “Конституциямиз ва қонунчилик мамлакат кўп укладли иқтисодиёт таркибида давлат, корпоратив ва хусусий мулкнинг тенглигини тан олган ҳолда хусусий мулкнинг устуворлигини мустаҳкамлайди, унга ишончли конституцион кафолатлар таъминланган”<sup>50</sup>, - деб таъкидлайди.

Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси киради. Фуқаролик Кодекси тадбиркорликни тартибга солувчи кўпгина меъёрларга эга. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 18-моддасида, масалан, фуқароларнинг мулкдорлик ҳуқуқида мулкка эгалик қилиш, тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги ҳамда қонун билан ман этилмаган фаолият билан шуғулланиш; ёлланган меҳнатдан фойдаланиш; юридик шахсларни яратиш; битимлар тузиш, мажбуриятларда иштирок этиш ва ҳоказо ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 24-моддасига кўра, фуқаро индивидуал тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳақли. Фуқаролик қонунчилиги фуқароларга 16 ёшдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқий имкониятини тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 28-моддасига кўра, 16 ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси ёки ота-оналар, боқувчи ёки васийнинг розилигига кўра тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, меҳнатга тўлиқ яроқли деб тан олинishi мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари ҳамда фуқаро ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқ кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисида” ги қонуни унинг келгуси ўзгартиш ва қўшимчалари билан белгиланган. Ушбу қонуннинг 3-моддасида тадбиркорлик фаолияти тушунчаси ифодаланиб, унга кўра ўз хатари ва ўз мулкий масъулияти ҳисобига даромад (фойда) олишга қаратилган қонунчиликка мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан амалга оширилувчи ташаббускорлик фаолияти тушунилади.

<sup>50</sup> Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилишга қаратилган ислохотларни изчил ривожлантириш - ривожланишимизнинг ҳал этувчи омили. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2010 й. 08.12. №236, 2-б.

Конунга мувофиқ, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув (конунчилик томонидан кўзда тутилган ҳолатни истисно этганда) идоралари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик субъектлари бўла олмайди.

Юридик шахслар тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилиши мумкин. Тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли мулкӣ ва ташкилий фарқлар, мулкдорларнинг ўзаро муносабатлари хусусиятлари, уларнинг ўзаро ва контрегентлар ўртасидаги масъулияти, мулкӣ асосни шакллантириш усуллари йиғиндисини кўзда тутлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 40-моддасига мувофиқ тадбиркорлик тижорат ташкилотлари қуйидагича таснифланади:

- 1) хўжалик шиткатлари:
  - тўлиқ ширкатлар;
  - коммандит ширкатлар;
- 2) хўжалик жамиятлари:
  - масъулияти чекланган;
  - қўшимча масъулиятли;
  - акционерлик жамиятлари (очиқ ва ёпиқ турдаги);
- 3) унитар корхоналар:
  - хўжалик юритиш ҳуқуқида;
  - оператив бошқарув ҳуқуқида;
- 4) ишлаб чиқариш кооперативлари (артеллар).

Хўжалик ширкатлари, жамиятлар, кооперативларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари хусусий мулк шакли билан тавсифланади. Унитар корхоналар улардан фарқли ўлароқ тижорат ташкилотлари сифатида мулкдор сифатида бириктирилган мулкдорлик ҳуқуқида эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 70-моддасига мувофиқ, унитар корхона мулки бўлинмас ҳисобланиб, қўйилмалар (улуш, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона хизматчилари ўртасида тақсимланмайди. Ҳамма унитар корхоналар, шу жумладан, муниципал корхоналар ҳам давлат мулки шаклига асосланган.

**Х.М. АБДИСАЛОМОВ,**  
ЎзБИИТИ кичик илмий ходим  
**А.Р.БАХРИДДИНОВ,**  
ЎзБИИТИ катта илмий ходим  
**М. ҚУРОЛОВ,**  
ЎзБИИТИ илмий ходим

### **Пиллачилик тармоғи озуқа базаси ва уни ривожлантириш.**

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш борасида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида, жумладан, пиллачилик тармоғида ҳам бозор муносабатларига ўтиш, мулкчилик шаклининг ўзгариши, ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Республикамиз қишлоқ хўжалиги шу жумладан пиллачилик тармоғида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш натижсида мулкӣ муносабатлар тубдан ўзгарди. Республикада Ипакчилик тармоғини бошқариш, пиллачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар таркиби ва мулкчилик шаклларида катта ўзгаришлар юз берди, ушбу ўзгаришлар ипакчилик тармоғи экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва жаҳон бозорида муносиб ўринни эгаллаш имкониятини яратмоқда.

Пиллачилик республикамиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан ҳисобланиб, бу тармоқ тут дарахлари парвариши, уруғчилик (ипак қурт уруғини кўпайтириш, ипак қурти уруғини боқиш) пилла тайёрлаш ва унга дастлабки қайта ишлаш каби жараёнларини ўз ичига олади. Шу сабабли пилла тайёрлаш ҳажми ва маҳсулот сифати бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб ушбу омилларнинг энг асосийларидан бири пиллачиликнинг озуқа базасининг шаклланганлигидир. Чунки тармоқнинг мустаҳкам ва сифатли озуқа базасига эга бўлишлиги фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган пилла хом-ашёси сифатининг юқори даражада бўлишини таъминлаш баробарида ундан олинадиган ипак маҳсулотларининг жаҳон андозаарига мос бўлиши ва уларнинг дунё бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш учун хизмат қилади

Шунинг учун ҳам бугунги кунда республикада пилла тайёрлаш ҳажми ва сифатини оширишда муҳим омил ҳисобланган озуқа базасини мустаҳкамлаш, пилла хомашёси етиштирувчи фермер хўжаликлари моддий манфаатдорлигини таъмин этиш орқали маҳсулот сифатини ошириш ва таннархини камайтириш масалалари бугунги кунда ҳал этилиши зарур бўлган муҳим масалалардан ҳисобланади.

Шу сабабли пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун эса вилоятлар ва туманларда тутзорлар ва якка қатор тут дарахларини экиш ишлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 мартдаги «Пиллачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш ва пиллачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 96-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 16 ноябридаги 512-сонли қарорига мувофиқ республикамизда 2006 йилда 4420 гектар, 2010 йилда 2738 гектар, 2011 йилда эса 20536.2 минг гектар тут экилган (1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки тутзорлар ташкил этиш ишлари 2006-2012 йиллар мобайнида барқарор равишда амалга оширилмаган ёки Президент қарори билан белгиланган тут экиш ва тутзорлар ташкил этиш топшириқлари вилоятлар ва ўртача Республика кесимида бажарилмаган. Бу кўрсаткич 2006 йилда 91,0 фоизга, 2007 йилда 87,0 фоизга, 2008 йилда 69,0 фоизга 2009 йил 38,0 фоизга ва 2011 йилда 64,0 фоизга бажарилган, холос. Айрим вилоятлар яъни Фарғона, Хоразм, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ушбу масалага жиддий эътибор қаратилмаган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки пиллачиликга ва унинг асосини ташкил этган озуқа базасини мустаҳкамлаш ишларига жойлардаги масъул бўлган давлат ва хўжалик ташкилотлари иккинчи даражали тармоқ сифатида қарамоқдалар дейиш мумкин бўлади.



## 1-жадвал

Республикамизда 2006-2011 йилларда махсус ажратилган ер майдонларида  
янги тутзорлар барпо этилиши<sup>51</sup>

(гектар)

Худудлар номи	2006 йил			2008 йил			2009 йил			2010 йил			2011 йил		
	Режа	Амалда	(%)	Режа	Амалда	(%)	Режа	Амалда	(%)	Режа	Амалда	(%)	Режа	Амалда	(%)
ҚҚР	226	189	84	300	107	36	320	103	32	340	108	31.8	1500	746,5	49,8
Андижон	470	514	109	560	469	84	590	280	47	610	212	34.8	3000	1482,0	49,4
Бухоро	440	445	101	520	522	100	540	468	87	560	560	100	3000	3005,0	100,2
Жиззах	220	242	110	256	257	100	280	281	100	300	0	0.0	1500	1440,5	96,0
Қашқадарё	410	282	69	496	474	96	502	0	0	530	323	61.0	3000	3000	100,0
Навоий	226	180	80	296	299	101	332	257	78	362	362	100	1500	780	52,0
Наманган	462	560	121	550	436	79	578	101	17	600	135	22.4	3000	2810,7	93,7
Самарқанд	340	349	103	430	446	104	460	234	51	500	501	100,2	3000	2845,5	94,9
Сурхондарё	310	363	117	374	8	2	408	156	38	428	45	10.5	2800	2025,0	72,3
Сирдарё	206	111	54	268	271	101	280	157	56	300	280	93.3	1500	345,9	23,1
Тошкент	204	250	123	280	228	81	296	81	27	320	128	40.0	2200	712,5	32,4
Фарғона	496	346	70	580	30	5	604	0	0	620	37	6.0	3000	719,0	24,0
Хоразм	410	209	51	490	181	37	510	26	5	530	47	8.9	3000	623,6	20,8
Жами	<b>4420</b>	<b>4039</b>	<b>91</b>	<b>5400</b>	<b>3726</b>	<b>69</b>	<b>5700</b>	<b>2144</b>	<b>38</b>	<b>6000</b>	<b>2738</b>	<b>45.6</b>	<b>32000</b>	<b>20536</b>	<b>64,2</b>

Республикамизда етиштирилаётган пилла хомашёси фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилиши қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларига бозор тамойилларини жорий этишда ижобий таъсирга эга бўлмоқда. Лекин шу билан бирга бу борада қатор муаммо ва камчиликлар ҳам борлигини кўрсатмоқда Булар жумласига пилла етиштириш ҳажми ва пилла озуқа базаси ўртасидаги номуносиблик; зарурий сифат ва миқдор кўрсаткичларида пилла хом ашёси етиштириш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Таҳлил натижаларига кўра ҳозирги кунда республика пиллачилик тармоғи озуқа базаси жами 78718 минг дона яқка қаторли тут дарахтлари ва 56297,6 гектар тутзорлар, яъни тут плантацияларидан иборат (2-жадвал).

Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Тошкент вилоятининг пиллачилик соҳаси мутахассислари билан бўлган мулоқотларда билдирилган фикрларга таянадиган бўлсак, ҳозирги миқдордаги (25000 тонна миқдорида) пилла хом ашёси ишлаб чиқариш учун мавжуд озуқа базаси республикамизда етарли даражада. Лекин, ушбу тутзорларда етиштириладиган тутларнинг асосий қисми кам ҳосилли ва барг сифати паст бўлган тут ва тутзорлардан иборат. Шу сабабли бизнинг фикримизча, аввалом бор асосий эътиборни пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга ва бунда наёб навли ҳамда юқори сифатдаги барг ҳосилини берадиган тутзорларни ташкил этишга қаратиш лозим. Бунинг учун эса тутчилик билан шуғулланувчи илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантириш, бу борадаги фундаментал ва амалий тадқиқотларга катта эътибор қаратиш лозим.

<sup>51</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2011 йилда ипак қурти боқиш, тирик пилла тайёрлаш ва ўртача пилла ҳосилдорлиги тўғрисида маълумот**<sup>52</sup>

Худудлар номи	Мавжуд озуқа базаси		2011 йил		
	Якка қатор тут дарахти, (минг туп)	Тутзорлар (га)	Йиллик топшириқ	Ҳақиқатда экилди	Топшириқ бажарилиши, (%)
Қорақалпоғистон	3361	2952,8	1500	746,5	49,8
Андижон	6419	5418,5	3000	1482,0	49,4
Бухоро	13582	5222,0	3000	3005,0	100,2
Жиззах	1363,5	1814,0	1500	1440,5	96,0
Қашқадарё	4024,4	8871,1	3000	3000	100,0
Навоий	2962,5	1626,7	1500	780	52,0
Наманган	6073,7	5379,4	3000	2810,7	93,7
Самарқанд	8109,2	8143,0	3000	2845,5	94,9
Сурхондарё	7617,4	3434,0	2800	2025,0	72,3
Сирдаё	1060,3	1516,1	1500	345,9	23,1
Тошкент	6335,3	3609,0	2200	712,5	32,4
Фарғона	12759,7	3800,0	3000	719,0	24,0
Хоразм	5050	4511,0	3000	623,6	20,8
<b>Жами</b>	<b>78718</b>	<b>56297,6</b>	<b>32000</b>	<b>20536,2</b>	<b>64,2</b>

Шунингдек, соҳани ривожлантиришнинг асоси сифатида асосий эътиборни пиллакорларнинг моддий манфаатдорлиги тизимини йўлга қўйиш масаласига қаратиш лозим деган фикримиз мутахассислар тмонидан маъқулланди. Ҳозирги пайтда республикада ипак қурти уруғининг аксарият қисми уй шароитида, ипак қурти боқишга мўлжалланмаган хоналарда боқилмоқда.

Бундай ҳолат биринчидан қишлоқ аҳолисининг ижтимоий аҳволига таъсир этса, иккинчидан пилла сифатига таъсир этмоқда. Шунингдек, пилла хомашёси оила хўжаликларида ишлаб чиқарилиши натижасида қурт боқиш технологиясига риоя қилиш имкони жуда паст. Оқибатда маҳсулотлар сифати ёмон бўлишлиги республикада ишлаб чиқарилаётган пиллачилик маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги нархлари нисбатан паст бўлишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун пилла етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлик даражасини оширишнинг бозор механизмларини жорий этиш орқали доимий равишда ипак қурти боқувчи оила хўжаликларини танлаб олиш ва уларни ўқитиш ва доимий равишда малакаларини оширишни йўлга қўйиш маммоларни ҳал этиш муҳим ҳисобланади.

Кейинги йилларда Республикада пиллачилик тармоғида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва пиллачилик корхоналари фаолиятини ривожлантириш борасида Республика Президентининг 2006 йил 15-ноябрдаги “Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-512-сонли қарорида тармоқни ривожлантиришдаги асосий муаммолардан ҳисобланган пиллачиликнинг озуқа базасини ривожлантиришни кўзда тутди.

Мазкур қарорга биноан республиканинг барча вилоят ва туманларида пиллачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида янги тутзорлар барпо қилиниши кўзда тутилган бўлиб, қарор бўйича вилоятлар кесимида ташкил этилиши лозим бўлган тутзорлар ва экилиши лозим бўлган тут кўчатлари сони майдонлари белгилаб берилган.

<sup>52</sup>Манба: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида

Шунингдек, пилла сифати ва миқдори кўп ҳолларда ипак қурти уруғининг хусусиятига, озиқа базасининг ҳолатига, қурт боқиш агротехникасига ҳам боғлиқ бўлиб қолмоқда. Тармоқнинг озуқа базаси пиллачиликнинг асосини ташкил этувчи масалалардан бири ҳисобланади.

Аммо, ҳақиқий аҳволга эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда мамлакатимиз пиллачилик озуқа манбаини ипак қурти учун тўйимлилиги паст бўлган, барғни кам берадиган якка қатор тутлар ва тутзорлар ташкил қилади. Бу эса пиллачилик озуқа манбаини сифат жиҳатидан такомиллаштириб бориш тадбирларини амалга оширишни тақозо этади.

Республикада тут дарахтлари сони йил сайин камайиши билан бир қаторда тут дарахтлари барғларининг тўйимлилиги ва ҳосилдорлиги пасаймоқда. Пиллачилик озуқа базаси ҳолатини яхшилашда 1 гектар тутзордан ёки 1 та тут дарахтидан олинадиган ҳосил миқдорини оширишга қаратилиш лозим. Пиллачиликда асосий озуқа манбаини қаторлаб экилган тутлар ҳисобига эмас, балки тутзорлар ҳисобига кенгайтириш керак. Чунки тутзорларда ҳосилдорлик юқори бўлиши билан биргаликда тут барғи сифатининг яхши бўлиши ва уларни агротехника қоидаларига риоя этган ҳолда етиштириш имкониятлари юқори бўлади.

Бизнинг фикримизча пиллачилик тармоғи озуқа базасини ривожлантириш, етиштирилаётган тут барғларининг сифати ва мидор кўрсаткичларини ошириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- тут кўчатлари етиштирадиган хўжаликлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш орқали сифатли кўчат етиштириш имкониятларини ва тутзорлар майдонини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- янги тутзорлар барпо этиш учун ажратилган ерларда тут дарахтларини серҳосил навларини кўпайтириш ва мавжуд эски тутзорлар ҳисобига ҳам тут барғи етиштириш, кенгайтириш масалаларининг ечимини ишлаб чиқиш;

- мавжуд эски тутзорларда ипак қурти учун тўйимли, юқори ҳосилдорликка эга бўлган тут дарахтларига алмаштириш тадбирларини амалга ошириш;

- якка қатор тутлар экилган майдонлар пахтачилик фермер хўжаликлари ерларида жойлашганлиги боисдан урларни парваришлаш ва муҳофазаси юзасидан фермер хўжаликларига мажбуриятлар юклаш масаласи ташкилий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этилиши керак;

- якка қатор тутлар ва тут плантацияларини касаллик ва зарур кунандалардан ҳимоялашнинг фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолияти шароитига мос тизимларини жорий этиш лозим. Бунда тут плантацияларига ёппасига ва ҳудудий ишлов бериш талаб этилишини ҳисобга олган ҳолда давлатнинг мақсадли маблағларидан фойдаланиш тизимини йўлга қўйиб, унинг назоратини фермер хўжаликлари зимасида юклаш керак бўлади;

- пиллачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш тадбирларини молиялаштиришнинг муқобил манбаларини қидириш каби масалаларни ҳал этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

**А.Р.БАХРИДИНОВ,**  
ЎзБИИТИ катта илмий ходим  
**Х.М. АБДИСАЛОМОВ,**  
ЎзБИИТИ кичик илмий ходим  
**Ш НУРМАТОВ**  
Тош ДАУ талаба

**Дунё миқёсида пилла ишлаб чиқариш ва унда Ўзбекистоннинг ўрни.**


Кейинги йилларда дунёнинг ривожланган мамлакатларида ипакчилик маҳсулотларига бўлган талабнинг доимий равишда ўсиб бориши мамлакатимизда пилла хом-ашёси ва ипакчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, соҳа корхоналарининг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширишни талаб қилмоқда.

Чунки ҳозирги вақтга келиб дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларда пилла тайёрлаш, табиий ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан шуғулланишини ҳисобга оладиган бўлсак, ипак маҳсулотлари бозоридаги рақобатнинг юқори даражада эканлигини англаб олиш мушкул эмас.

Пиллачилик тармоғи ривожланиш тарихига эътибор берадиган бўлсак, пиллачилик 5000 йил олдин шаклланган бўлиб, ҳозирги замон ипакчилигининг ватани жанубий-шарқий Осиёдир. Хитойда эрамиздан қарийб уч минг йил илгарироқ табиий ипак тайёрлаш билан шуғулланилган. Марказий Осиё минтақасига ипакчилик IV асрда кириб келган. Аммо кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар натижалари Мовороуннаҳрда ипакчилик жуда қадимдан (эрамиздан олдин ҳам) мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Кейинги йилларда иқтисодий жиҳатдан тезкор суръатлар билан ривожланиб бораётган Хитой, Ҳиндистон, Жанубий, Корея, Бразилия, Шмолий Корея, Жанубий Крея ва Вьетнам каби давлатлар ҳам ўз иқтисодиётларини янада ривожлантиришда пилла ва ипак ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда ипак маҳсулотларини сотиш яъни экспорт қилиш эвазига олинаётган даромадлари салмоқли ўрин тутмоқда. Зеро, дунё микёсида пилла ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришда Хитой, Ҳиндистон, Ўзбекистон, Бразилия, Жанубий Корея, Япония, Таиланд, Вьетнам каби давлатлар етакчи ўринни эгалламоқдалар. Алоҳида таъкидлаш лозимки, дунё бўйича етиштириладиган пилла маҳсулотларининг 90 фоизи Хитой ва Ҳиндистонда етиштирилади. Шу жумладан, Хитой 75 фоиз ва Ҳиндистон 15 фоиз ҳиссасига тўғри келади.

Жаҳонда йилига ўртача 80 000 тонна ипак хомашёси ишлаб чиқарилади. Жаҳон ипагининг 70 фоизи Хитойда, 15 фоизи Ҳиндистонда, 3 фоизи Ўзбекистонда, 2,5 фоизи Бразилияда, 2 фоизи Вьетнамда ва бошқа давлатларда ишлаб чиқарилади (1-расм).



1-расм. Жаҳонда ипак хомашёси ишлаб чиқарадиган мамлакатлар салмоғи<sup>53</sup>

<sup>53</sup>Манба: ДАЖ “Ўзбекенгилсаноат” маълумотлари асосида.

Таъкидлаш лозимки сўнги 10 йил давомида дунё бўйича пилла ишлаб чиқариш ҳажмлари ушбу тармоқ ривожланган Япония, Корея ва Бразилия каби давлатларда ипакчилик маҳсулотлари йиллик ишлаб чиқариш кўрсаткичлари камайиб бормоқда, ушбу давлатларда ипакчилик маҳсулотлари ҳажмининг камайиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг устун даражада ривожланиши, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ортиши ва ушбу тармоқнинг кўп қўл меҳнати талаб этилиши боисидан, юз бермоқда дейиш мумкин.

Анъанавий равишда тарихан Осиё давлатларида пилла ва ипак толаси ишлаб чиқарилган бўлса кейинги йилларда Африка, Лотин Америкаси, айниқса Бразилия ва Колумбия давлатларида ипакчиликни ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Европа Иттифоқи давлатларида тўқимачилик ривожланаётган бир даврда ипак толаси ишлаб чиқариш анча паст суръатларда эканлиги боисдан ушбу давлатларда ипак хомашёсига талаб жуда юқориликча қолмоқда. Шу сабабли Европа бозорининг ипак толасининг импортига бўлган эҳтиёжи ортиб бормоқда.

Дунё бозорида асосий пилла экспорт қилувчи давлат ҳам Хитой бўлиб қолмоқда. Шунингдек кам миқдорда бўлсада ҳам пилла экспорти билан шуғулланувчи давлатлар қаторига Ҳиндистон, Вьетнам, Таиланд, Шимолий Корея, Туркменистон ва Ўзбекистонни киритиш мумкин.

Дунё ипак бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида ҳозирда Хитой дунё бозорида пилла ва ипак маҳсулотларининг демпинг нархларини ўрнатмоқда, чунки у дунёда асосий пилла ишлаб чиқарувчи мамлакат ҳисобланади. Хитойда аҳолининг турмуш даражаси ва ишчи кучининг кўплиги сабабли пилла ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқори бўлиб қолмоқда. Мамлакатда ипак қуртини боқиш учун яхши шароит яратилган. Хитой ЖСТ га аъзо бўлгандан сўнг, импорт маҳсулотларига бўлган квоталар қисқартирилган, божхона ва бошқа тўловлар сезиларли даражада пасайтирилган, бошқа мамлакатларга экспорт қилишни чегараловчи барча квоталарнинг қисқартирилиши пилла ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғининг келгусида ривожланиши учун катта имкониятлар яратмоқда.

Хитойда ипакчилик тармоғининг бу қадар юксак даражада ривожланишига тармоқнинг мустаҳкам озуқа базаси шакллантирилгани билан изоҳлаш мумкин. Ушбу мамлакатда пиллачилик озуқа базасининг ярмини асосан бутали тутзорлар ташкил этади. Сўнги йилларда озуқа базаси хусусан, тут дарахтлари майдони 2,5 фоизга ёки 616,6 минг гектарга кенгайган.

Айни вақтда мамлакатда пилла ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан ипак ишлаб чиқариш қурилмалари ва технологияларини янгилаб бориш учун бошланғич қиймати 3,0 млрд. АҚШ долларидан иборат инвестиция ажратилган.

Айтиш жоизки, Япония давлати ҳам пилла ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бугунги кунда пилла ишлаб чиқариш бўйича Япония дунёда тўртинчи ўринда, ипак ишлаб чиқариш бўйича эса учинчи ўринда туради. Японияда пиллачиликнинг озуқа базаси ҳам худди Хитой каби асосан бутали тутзорлардан иборат бўлиб йилига уч марта ипак қурти боқилади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари орасида Россия, Молдавия, Украина, Кавказ орти ва Марказий Осиё давлатлари пиллачилик ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланилади.

Пилла тайёрлаш, ипак толаси ва табиий ипакдан газламалар ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида биринчи ўринда туради.

Ипакчилик тармоғини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш ва соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу тармоқ корхоналари экспортининг умумий ҳажми 2001 йилда 10,4 млн. долларни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 20,3 млн, 2007 йилда 22,0 млн., 2010 йилда 23,4 млн. долларни ташкил этган. Ипакчилик корхоналари экспорт ҳажми маҳсулотлар бўйича таҳлил қилинса, 2005 йилда хом ипак 149,5 тонна, казна ипак 10,1 тонна, қуруқ пилла 440,8 тонна, ипак чиқиндилар 697,1 тонна экспорт қилинган бўлса, 2010 йилда хом ипак 578,5 тонна, ипак чиқиндилар 95,1 тоннани ва ипак толаси 308 тоннани ташкил этган. Қайд этилган маълумотлардан хулоса қилиб айтиш лозимки, 2005-2010 йиллар мобайнида хом ипак экспорти ҳажми 3,8 маротаба ортган.

Албатта, кейинги йилларда бу борада бир мунча ўсиш кўрсаткичларига эришилган бўлсада, тармоқдаги мавжуд салоҳият ва имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда деб бўлмайди. Чунки, республикамизда пилла хомашёси ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва қайта ишлаш тизими корхоналари фаолияти зарур даражада ривожланмаган ва ушбу соҳа корхоналари фаолиятини модернизациялаш ва ривожлантириш бўйича кўп ишлар қилиниши керак. Шу ва бошқа қатор сабабларга кўра, республикамизда ишлаб чиқарилаётган пилла ва ипак маҳсулотлари сифат кўрсаткичларининг пастлиги тармоқ корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган пилла хом ашёси ва ипакчилик маҳсулотларининг дунё бозоридаги рақобатга дош бераолмаслиги ҳамда уларнинг нисбатан паст баҳоларда сотилишига сабаб бўлмоқда.

Тайёрланаётган пилла, ишлаб чиқарилаётган хомашё ва газламаларнинг рақобатбардош сифатига эга бўлиши, ипак қуртининг маҳсулдор зотларига, уларни боқиш агротехникасига ва пиллаларни тайёрлаш ҳамда уларга дастлабки ишлов бериш технологиясига узвий боғлиқдир.

Маълумки, сифатли пилладан олинадиган ипакнинг сифати ҳам юқори бўлиб, сифатли матолар ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Пиллачилигининг ривожланиши қишлоқ хўжалигинининг ривожланишига, унинг экспорт салоҳиятини кўтарилишига олиб келади. Чунки жаҳон бозорида ипак толаси ва ундан тайёрланган тайёр маҳсулотларга талаб кундан кунга ортиб бормоқда.

Пилла етиштириш, пиллачиликнинг тайёрлов ва қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш натижасида ипакчиликни ривожланиши, бунинг натижасида ички бозорни ипак маҳсулотлари ва ипак толаси билан таъминлаш билан бирга жаҳон бозорига экспорт қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Таҳлил натижаларига қараганда, ҳозирги кунда тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорти таркибини асосан хомаш ва ярим тайёр маҳсулотлар ташкил этмоқда. Шу сабабли ипакчилик тармоқнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш борасида қуйилган вазифалар ва чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши, ҳукумат қарорларининг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши, ипакчилик соҳасининг ривожланишини юқори босқичга кўтариш ва ипакдан тайёрланган тайёр маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишга замин яратади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ипакчилик маҳсулотларининг дунё бозоридаги ҳолатга қуйидаги омиллар ўз таъсирини ўтказмоқда:

- янги табиий толага ўхшаш сунъий толаларнинг яратилиши натижасида (Вискоза ва полиэстер толалари) ипакчилик бозорининг маълум қисмини эгаллаётганлиги;

- осие давлатлари иқтисодининг шиддат билан ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг кўтарилиши ипак маҳсулотларига бўлган талабнинг ортишига олиб келаётганлиги;

- Япония, Жанубий Корея, Хитой, Таиланд, Бразилия каби мамлакатлар иқтисодиётининг тезкор суръатлар билан ривожланиши натижасида миллионлаб қишлоқ оилаларида ипакчилик билан шуғулланиш истагининг камайиб бораётганлигидир.

Аммо, шу билан биргаликда ипакчилик соҳаси ва табиий ипак инсонлар соғилги ва атроф муҳитга зарарсиз эканлиги ипак маҳсулотига талаб йўқолмаслигига олиб келади. Шунингдек, табиий ипакдан матосида фойдаланиш йўналишлари кенгайиб бориши, анъанвай истремолчи ҳисобланган Осиё давлатларининг ривожланиши тармоқ барқарорлигини сақлашда муҳим омил ҳисобланади.

## Мундарижа

1.Н.С. ХУШМАТОВ Қишлоқ хўжалигини модернизациялашга эҳтиёж ва унинг муҳим йўналишлари	4
2. О.ОЛИМЖОНОВ Қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг молиявий масалалари	6
3. Қ.А. ЧОРИЕВ,Ф. НАЗАРОВА, Б.К. ТУХЛИЕВ Қишлоқ хўжалигида инновация ва модернизациялаш жараёнларининг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири	8
4. А.Р.ВАХОБОВ Иқтисодийни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги суғуртасидаги муаммолар ва уларнинг ечими	16
5. Ч.МУРОДОВ Модернизация сельского хозяйства - источник устойчивого развития отрасли	18
6. Х.Я.СААТОВА Фермер хўжаликларида агроинновациялардан фойдаланиш	22
7. Д.Н.ИЛЬИНА Опыт диверсификации производства сельскохозяйственных культур на Тайване и рекомендации для её дальнейшего проведения в Узбекистане	24
8. Э.И.ГАЗИЯНЦ Сельский рынок труда: реальность и перспективы	26
9. Т.Э.МАДАЛИЕВ Қишлоқ аҳолисининг банк хизматларидан фойдаланиш даражасини ошириш йўллари	27
10. Ж.Ч.МУРОДОВ Қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини ошириш йўналишлари	29
11. Қ.А.ЧОРИЕВ, И.Э. РАФИКОВ, Б.К. ТУХЛИЕВ Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш самарадорлигини оширишда инновацияларнинг роли ва аҳамияти	31
12. Э.Қ. ШЕРМАТОВ Фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш	41
13. О.А.РУЗИЕВ Қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг минтақавий хусусиятлари	43
14. С.ХАЛИКОВ, В.АХМЕДОВА, Б.АБДУРАҲМОНОВ Инновацион фаолиятни тиклашда хориж инвестицияларининг самарадорлиги	45
15. Д.Ч.МУРОДОВА. Дехқон хўжаликларини микрокредитлаш механизмини такомиллаштириш	46
16. Б.ИБРАГИМОВ. Озуқа таъминоти даражасини яхшиланиши - махсулдорликни ошириш манбаи	49
17. Р.А.РАШИДОВ. Қишлоқ хўжалиги модернизациялаш шароитида махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўллари	51
18. Ш.А. КАРШИЕВ Стандартларнинг товарлар сифат кўрсаткичини оширишдаги аҳамияти	53
19. Г.К. НАРИНБОЕВА, М.Н. МАМАТОВ Қишлоқ хўжалиги техник салоҳиятини ривожлантиришнинг иқтисодий механизми	56
20. Б.Х.АЗИЗКУЛОВ Пахтачиликда ресурстежовчи агротехнологияларни жорий этишнинг иқтисодий кўрсаткичлари тизими ва уни самарадорлигини баҳолаш	58
21. М.Ч.МУРОДОВА Стратегические направления развития переработки сельхозпродукции	60
22. А.У.МУРАТОВ. Совершенствование системы обеспечения сельского хозяйство высококвалифицированными кадрами	62
23. Т.Э.МАДАЛИЕВ Аграр соҳага инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш	64
24. Д.З. ХАЙТБАЕВА Фермер хўжалигида маркетинг хизматини ташкил этиш ва ривожлантириш муаммолари	65



25. Б.Х.АЗИЗКУЛОВ, Ш.Р.УСМОНОВ Пахтачилик фермер хўжаликларида ходимларни моддий рағбатлантиришга таъсир этувчи омиллар	66
26. Н.А.АШУРМЕТОВА Иностранные инвестиции как существенный фактор модернизации сельского хозяйства	68
27. Б.М.ХУДАЯРОВ, Я.К.ЖУМАТОВ, Б.Р.САРИМСАКОВ Ерни пушталаб экишга тайёрлашнинг замонавий ресурстежамкор технологияси	70
28. С.И.ДУСМУРАТОВА Рост, развитие и урожайность томата в зависимости от схем размещения растений	72
29. Д.У.МАМАДИЯРОВ, И.У.БОЛТАБОЕВ, Р.М.ЧОРШАНБИЕВ Фермер хўжалигида экин майдонлари тузулмасининг ялпи ҳосилга таъсирини таҳлили	73
30. Р.А.КАМАЛОВА, Ф.К. КАМАЛОВА Факторы обеспечения и подготовки квалифицированных кадров аграрного сектора	75
31. Г.К. НАРИНБОЕВА, М.Н. МАМАТОВ Қишлоқ хўжалиги техник салоҳиятини ривожлантиришнинг иқтисодий механизми	76
32. Ў.Н.РАИМЖАНОВА Модернизация культурно-образовательной сферы - как основа общественного прогресса	79
33. И.ИСРАИЛОВ, Ф.ХАМИДОВА Республикамизда яслиқ етиштиришни кўпайтиришнинг йўналишлари	81
34. З.СИДДИКОВ, М.К. ЙЎЛДОШЕВА, М.Н.ТУРДИЕВА Модели управления и методы оценки конкурентоспособностью корпоративных предприятий на современном этапе реформирования экономики в Узбекистане	82
35. Б.Ю.МЕНГЛИҚУЛОВ Қорамолчиликда маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш масалалари	84
36. Н.Қ.НАЙИМОВ Мева – сабзавотчилик куйи мажмуасини модернизациялаш тадбирларининг ижтимоий – иқтисодий аҳамияти	86
37. М.ПЎЛАТОВ, Р.ЧОРШАНБИЕВ, Б.МЕНГЛИҚУЛОВ Чорвачилик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва озуқа таъминоти таҳлили	87
38. Д.Н.САИДОВА, М.Н.ТУРДИЕВА Инновация и диверсификация фермерства – основа роста сельскохозяйственного производства в Узбекистане	89
39. Н.Т.ХОЛМАТОВ Мураккаб дурагайларнинг юқори авлодларида айрим белгиларнинг шаклланиши ва биокимёвий кўрсаткичлар билан боғлиқлигининг илмий ва иқтисодий аҳамияти	90
40. Р.М.ЧОРШАНБИЕВ, Ж.М.БОБОЖОНОВ, Д.У.МАМАДИЯРОВ Қишлоқ хўжалик корхоналарида ўғитлардан самарали фойдаланиш йўллари	91
41. Д. ШАМУРАТОВА Основные направления развития птицеводческой отрасли в Узбекистане	93
42. О.Р.ЭРГАШЕВ Юртимиз агромаъданларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги иқтисодий ва экологик аҳамияти	95
43. Н.С. ХУШМАТОВ, М.А. ЭРХОНОВА Иссиқхоналарда биологик воситалар қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги	96
44. М.М.КАРИМОВ, Совершенствование государственного регулирования инвестиционной деятельности в АПК как фактор повышения эффективности функционирования экономики	97
45. А.КОСТЮЧЕНКО Развитие инновационной деятельности в сельском хозяйстве	99
46. Н.Ч.СУЛТАНОВ Ирригация-мелиорацияга сарфланаётган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар	100
47. А.Ж.ЖАЛОЛИДДИНОВ Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш масалалари	103
48. Ғ.Р.АДАШОВ Минтакаларда фермер хўжаликларини ривожлантиришда	104

молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш	
49. С.Ж.ЯНГИБОЕВ Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш йўллари	106
50. Д.Р. ШОҲИМАРДОНОВ Балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш	108
51. Э.Қ.ШЕРМАТОВ Фермер хўжаликларида ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш йўллари	109
52. М.А.БЕКМИРЗАЕВ Фермер хўжаликларини агроинновациядан фойдаланиш орқали барқарорлигини таъминлаш	110
53. З.О.МУРОДОВА Фермер хўжаликларини кичик техника воситалари билан таъминлашни ривожлантириш йўллари	111
54. Ш.АБДУЛАЗИЗОВ Пахтачилиқда меҳнат меъёрларини асослаш услубиёти ва унинг ўзига хос хусусиятлари	113
55. А.АБДУЛЛАЕВ, О.Х.МАХМУДОВ Аграр сохани ривожлантиришда бошқарув инновация стратегиясини шакллантириш хусусиятлари	115
56. А.А.АБДУЛЛАЕВ, О.А.ШЕРМАТОВ Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида фермер хўжалиги маҳсулоти рақобатдошлигини ошириш омиллари	117
57. А.АБДУЛЛАЕВ, Б.АБДУЛЛАЕВ Правовые основы в управлении экологического водопользования	119
58. М.А.АБДУЛЛАЕВ, О.Х.МАХМУДОВ Қишлоқ хўжалигида инновация фаолиятни ривожлантириш учун бюджет ажратмалари самарадорлигини ошириш масалалари	122
59. А.Ж.АБДУЛЛАЕВ Теоретические основы агропромышленной интеграция и кооперации	123
60. М.АБДУРАҲМОНОВ, Ф. РАББИМОВ, Ж.ШЕРОВ, К.УМАРОВ Ўзбекистон қорақўлчилигида чўл яйловларидан фойдаланишни модернизациялаш	124
61. Ш.Ю.АЗИЗОВ Дехқон хўжаликларида кўшилган қиймат яратишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари	127
62. Н.Н.АСҚАРОВ Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг айрим масалалари	129
63. Г.О.ТУРДЫЕВА Аграр соҳада кредит муносабатларининг долзарб жиҳатлари	131
64. Н.Ф.ДЖУМАБАЕВА Развитие информационно – консультационных услуг для дехканских хозяйств	133
65. О.Г. ДИЛМУРОДОВ, Б.Х.АЗИЗКУЛОВ Пахтачилиқда техникалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишлари	135
66. С.Д.САИДЖАНОВ Использование зарубежного опыта модернизации сельскохозяйственного производства в условиях Узбекистана	137
67. О.Л.ЗАРИПОВ Глобаллашув ва модернизация шароитида аҳоли бандлигининг айрим жиҳатлари	141
68. Т.Н.ИМИНОВ Суғоришни ерларнинг мелиоратив ҳолатига ва хизматларга таъсирининг ҳозирги ҳолати	142
69. К.К. БУСТОНОВ Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда сохани модернизациялаш ва инновацион асосда ривожлантиришнинг аҳамияти	144
70. А.Г.КОЖЕВНИКОВА Применение новых педагогических технологий в повышении квалификации сельскохозяйственных кадров	146
71. М.М.МИРЗАХАНОВ Ғалла уруғчилигининг назарияси ва амалиёти	148
72. Т.Н.ИМИНОВ Ирригация хизматларининг ташкилий асосларини такомиллаштириш йўналишлари	150

73. Н.Н.АСҚАРОВ, Б.У.МИРСАИДОВ	Хусусий тармоқда паррандачилик хўжаликларини ривожлантириш	151
74. Д.Е.МУСИРМАНОВ	Бугдой навларида учрайдиган занг касалликлариларига қарши кураш чоралари	153
75. Ш.Ш.НИШОНОВ	Мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашда экспорт салоҳиятининг ўрни	154
76. А.С.РАХИМОВ, О.ШЕРМАТОВ	Қишлоқ хўжалигини ижара муносабатларини такомиллаштириш орқали устивор ривожлантириш йўллари	156
77. О.Р.ФАЙЗИЕВ	Мойли экинларни етиштириш ва уни қайта ишлашнинг миллий иқтисодиётимизда тутган ўрни	157
78. У.М.ХАЛИЛОВ	Ғалла майдонларида фойдаланиладиган минерал ўғитларнинг иқтисодий самарадорлиги	159
79. А.С.РАХИМОВ	Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари	161
80. А.А.ЯДГАРОВ, М.НОЗИМОВА, З.ЮСУПОВ	Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва истикболли ривожланишида агросуғуртанинг ролини ошириш	163
81. З.НОМОЗОВ	Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда экологик омиллардан фойдаланиш	164
82. Д.РАХМОНОВ, Ш. А.РАХМОНОВ	Чорвачиликни ривожлантириш – давр талаби	166
83. Т.Р.ФАЙЗУЛЛАЕВА, У.ХОШИМОВ	Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш хавфсизликни таъминлаш	168
84. У.Қ.АХМЕДОВ	Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий асослари ва самарадорлиги	170
85. Ш.Х. ЗИЯЕВА	Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш	172
86. Х.Х. КАРИМОВА	Методические вопросы анализа влияния размеров землепользования на эффективность производства фермерских хозяйств	173
87. Г.ШОДМОНОВА, С.П.МАВЛОНОВ	Қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экиш далалари бўйича оптимал жойлаштиришни моделлаштириш	174
88. С.С.МИРЗАЕВ	Фермер хўжаликлари ривожланишига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш	176
89. И.А.ХОЛМИРЗАЕВ	Қишлоқ хўжалигида молия-кредит ва суғурта тизимини модернизация қилишининг илмий-назарий асослари	177
90. Ш.А.РАХМАНОВ, Д.РАХМОНОВ	Сокращение численности работников – основа роста производительности труда в сельском хозяйстве	182
91. И.М.ҒАНИЕВ, О.ЮНУСОВ, А.ИСМОИЛОВ	Қишлоқ хўжалигида инвестицион муҳитни яхшилаш асосида таркибий қайта тузилишни тезлаштириш имкониятлари	183
92. С.С.ИСМАЙЛОВА	Перспективные направления развития предпринимательской деятельности в Республике Узбекистан	185
93. М.Ж КАЛБАЕВА	Интеграция систем бухгалтерского и налогового учета	186
94. С.С.ИСМАЙЛОВА, Д.МУХАМЕДОВА	Развитие многообразных форм хозяйства и предпринимательства на селе	188
95. Ф.НАЗАРОВА, С.АЗЛАРОВА	Модернизация аграрного сектора и развитие экспортного потенциала Узбекистана	189
96. Т.Р.ФАЙЗУЛЛАЕВА, З.Х.САБУРОВА	Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий шароитлари	197
97. Х.М. АБДИСАЛОМОВ, А.Р.БАХРИДДИНОВ, М. ҚУРОЛОВ	Пиллачилик тармоғи озука базаси ва уни ривожлантириш.	199
98. А.Р.БАХРИДДИНОВ, Х.М. АБДИСАЛОМОВ, Ш.НУРМАТОВ	Дунё миқёсида пилла ишлаб чиқариш ва унда Ўзбекистоннинг ўрни	203

